

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

10.2021

**научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

| | TAHRIR HAY’ATI: |
|---|---|
| JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN | ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek , tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir , tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribergan , iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar , fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdior , fizika-matematika fanlari doktori, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas‘ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa‘dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna , filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San‘atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna , pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla , filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat , fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent. |
| JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI | |
| 2021 10(172) | |

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

21-OKTABR – O‘ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

G‘ayipov Dilshod Qadambayevich (filologiya fanlari nomzodi, UrDU dotsenti) ISTIQLOL YILLARIDA DAVLAT TILI BORASIDA OLIB BORILAYOTGAN SIYOSAT VA YECHIMINI KUTAYOTGAN MUAMMOLAR XUSUSIDA BA‘ZI MULOHAZALAR

Mustaqillik yillarida ona tilimiz rivoji yo‘lida qilingan ishlarning asosini hali istiqloлга erishmagan paytlarimizdagi, ya‘ni 1989-yildagi ulkan tarixiy voqea tashkil qiladi. Darhaqiqat, 1989-yil 21-oktabrda o‘zbek tili Respublikamizning Davlat tili sifatida rasman e‘lon qilindi. Shu kuni “Davlat tili haqida”gi qonun qabul qilinib, ota-bobolarimizning asriy orzusi amalga oshdi. Bu qonun qabul qilingandan ikki yil o‘tib, Respublikamiz hayotida ulkan tarixiy voqea yuz berdi. Mustaqillikni qo‘lga kiritdik. Istiqlolning ilk yillaridanoq ona tilimiz taraqqiyoti borasida katta ishlar qilindi. Tilimizning jahon sahnida obro‘-e‘tiborini yuksaltirish borasida tizimli ishlar tashkil etila boshlandi.

1995-yilga kelib, oldin qabul qilingan qonunga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish ehtiyoji paydo bo‘ldi, chunki oldingi qonun turg‘unlik davrining so‘nggi yillari mahsuli bo‘lib, unda, baribir, sovet tuzumining temir panjalari izlari bor edi. Ba‘zi moddalar o‘z kuchini yo‘qotgani, tahrir talab o‘rinlar bo‘lgani sabab ham 1995-yil 21-dekabrda O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IV sessiyasida “Davlat tili haqida”gi qonun yangi tahrirda qabul qilindi.

Istiqlol yillarida tilimizning obro‘-e‘tiborini mustahkamlash borasidagi muhim ishlardan biri 2016-yil 13-mayda Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O‘zbek tili va adabiyoti universitetining tashkil etilishi bo‘ldi. Bu ta‘lim dargohi ham ona tilimiz va adabiyotimiz rivojida katta ishlarni amalga oshirib kelmoqda.

Mustaqillik yillarida olib borilayotgan Davlat tili borasidagi siyosatning tayanch ustunlari sifatida 2019, 2020-yillarda e‘lon qilingan Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning farmonlarini e‘tirof etish joiz. 2019-yil 21-oktabrda e‘lon qilingan “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Prezidentimiz farmonida juda dolzarb masalalarni amalga oshirish ko‘zda tutilgan edi va ularning ko‘pchiligi hozirgi kunda bajarildi ham. Jumladan, 21-oktabr – O‘zbek tili bayrami sifatida e‘lon qilindi va maxsus qonun qabul qilindi. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasini tuzilmasida 9 ta shtat birligidan iborat Davlat tilini rivojlantirish departamenti tashkil etildi. Bu departament ham o‘z faoliyatini boshlab yubordi. Yuqoridagi farmonga ko‘ra, “Davlat tili haqida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonunini bugungi kun talablari nuqtayi nazaridan takomillashtirgan holda, uning yangi tahrirdagi loyihasini ishlab chiqish va qabul qilish ishlari tegishli tashkilotlarga topshirilgan edi, bu jarayon hozirgi kunda ham davom etmoqda. Shuningdek, farmonda mamlakatimiz ijtimoiy hayotining barcha sohalorida, jumladan, davlat boshqaruvi, zamonaviy va innovatsion texnologiyalar, sanoat, bank-moliya tizimi, huquqshunoslik, diplomatiya, harbiy ish, tibbiyot va boshqa sohalarda davlat tilining imkoniyatlaridan to‘liq va to‘g‘ri foydalanishga erishish kabi qator masalalar ko‘zda tutilgan hamda shular asosida tizimli ishlar tashkil qilinmoqda.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning 2020-yil 20-oktabrdagi PF-6084-sonli “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni 2019-yildagi farmonning mantiqiy davomi va rivojlantiruvchisi bo‘ldi, deyish maqsadga muvofiqdir. Farmon maqsadi o‘zbek tilining xalqimiz ijtimoiy hayotida va xalqaro miqyosdagi obro‘-e‘tiborini tubdan oshirish, unib-o‘sib kelayotgan yoshlarimizni vatanparvarlik, milliy an‘ana va qadriyatlarga sadoqat ruhida tarbiyalash, mamlakatimizda davlat tilini to‘laqonli joriy etishni ta‘minlash, O‘zbekistondagi millat va elatlarning tillarini saqlash va rivojlantirish, davlat tili sifatida o‘zbek tilini o‘rganish uchun shart-sharoitlar yaratish, o‘zbek tili va til siyosatini rivojlantirishning strategik maqsadlari, ustuvor yo‘nalish va vazifalarini hamda istiqboldagi bosqichlarini belgilashdir. Ana shu maqsadlarni ko‘zlab belgilangan vazifalar dolzarbligi bilan e‘tiborni tortadi va farmonda belgilangan ishlar ro‘yobi tilimizning nufuzini chinakam ma‘noda oshirgan bo‘lar edi. Farmonda 2020 – 2030-yillarda o‘zbek tilini taraqqiy qildirish bo‘yicha qator ishlar belgilangan va ularni amalga oshirish boshlab yuborildi. Ushbu farmonga asosan, 2020 – 2030-yillarda o‘zbek tilini rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish konsepsiyasi tasdiqlangani, ana shu konsepsiyani 2020 – 2022-yillarda amalga oshirish dasturi tasdiqlangani respublikamiz ahli uchun quvonarli hol va uning bajarilishi tilimiz umrboqiyiligini ta‘minlovchi hodisadir. Shuningdek, 2020 – 2030-yillarda o‘zbek tilini rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirishning asosiy yo‘nalishlarida belgilangan maktabgacha ta‘lim tizimida o‘zbek tilli guruhlar qamrovini oshirish, umumta‘lim maktablarida o‘zbek tili o‘qitish soatlarini ko‘paytirish, oliy ta‘lim dargohlarida o‘zbek tili kafedralari sonini oshirish, lotin yo-

zuviga asoslangan o'zbek alifbosida "O'zbekiston milliy qomusi" jildlarini nashr etishni bosqichma-bosqich ko'paytirib borish, o'zbek tili lug'at boyligini oshiruvchi turli xil lug'atlarni yaratish ishlarini yilma-yil rivojlantirib borish, davlat tilining zamonaviy axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalariga integratsiyalashuvini ta'minlash, xorijiy oliy ta'lim muassasalarida tilimizni o'rgatuvchi markazlar, "O'zbek tilining do'stlari" klublari sonini ko'paytirish kabi ishlarining amalga oshirilishi ona tilimizni rivojlangan davlatlar tillari qatoriga qo'shishi, shubhasiz. Yana shuni alohida ta'kidlash o'rinliki, farmonda lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosiga to'liq o'tishni tezlashtirish vazifalari ham belgilangan.

Ushbu farmonda jamoatchilikni qiynab kelgan ko'pgina muammolarga ham yechim topilgan. Jumladan, 2021-yilgacha o'zbek tili va adabiyoti bo'yicha bilimlarni baholovchi milliy test tizimi yaratilgan edi. Shuningdek, rahbar kadrlarning davlat tilida rasmiy ish yuritish darajasini aniqlash, mas'ul lavozimlarga tayinlanadigan shaxslar uchun davlat tilini bilish bo'yicha sertifikatlar berish tizimi ham bizda yo'q edi. Bu amaliyot ona tilimizni bilmaydigan yoki unga bepisand qaraydigan amaldorlarning mas'ul lavozimlarga kelib qolishining oldini oladi. Abituriyentlarning ham ona tilimiz va adabiyotimiz bo'yicha test sinovlarida ishtirok etib, sertifikatlariga ega bo'lishi ham juda muhim yangilik hisoblanadi. Chunki shunday imtihon tizimi chet tillari bo'yicha bor edi-yu, biroq ona tilimiz bo'yicha yo'q edi.

Yana bir muhim yangilik shuki, Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O'zbek tili va adabiyoti universiteti huzurida Davlat tilida ish yuritish asoslarini o'qitish va malaka oshirish markazi hamda uning hududiy bo'limlarining ochilishi bo'ldi. Bu tashkilotlarda turli korxonamuassasalarning sohaga daxldor xodimlarining malaka oshirishi tilimizni asrab-avaylash, uning bexato qo'llanilishida asosiy ko'makchilardan biri bo'ladi.

Mazkur farmonda O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasiga, Tashqi ishlar vazirligi va boshqa tashkilotlarga juda muhim topshiriqlar berilgan. Ayniqsa, Milliy teleradiokompaniyaga 2021-yil 1-yanvardan boshlab markaziy telekanallarda "Tilga e'tibor", "Ona tilida so'zlashamiz", "Notiqlik mahorati", Til – millat ko'zgusi", "Kitob – bilim manbayi", Bilimli yoshlar – kelajak bunyodkori" kabi turkum ko'rsatuv va eshittirishlarni tashkil qilish, muntazam ravishda efirga uzatib borilishini ta'minlash topshirilgan. Yana eng ahamiyatlisi va asosiysi, farmonda nazarda tutilgan chora-tadbirlarni moliyalashtirish manbalari ham ko'rsatib berilgan.

Yuqoridagilardan xulosa qilish o'rinliki, tilimizni asrab-avaylash, obro'-e'tiborini yuksaltirish borasida bir qancha me'yoriy hujjatlar qabul qilingan. Yangi tahrirda qabul qilinadigan qonunni ham qo'shib hisoblasak, tilimiz borasidagi rasmiy hujjatlar haddi a'losiga olib chiqilgan. Endi millatimiz ahliga, o'zbekistonliklarga nima ish qoldi, deydi bo'lsak, shoir tili bilan aytganda, tilimizni sevishdan, uni ardoqlashdan boshqa ish qolmadi. Ha, sevish. Bu so'z zamiriga juda ko'p fazilatlarini kiritish mumkin. Bunda me'yoriy hujjatlarga og'ishmay amal qilish, bir fuqaro sifatida har bir mutaxassis o'ziga yuklatilgan vazifalarni vijdonan bajarish kabi fazilatlar yotadi. Afsuski, ba'zi hollarda, o'zibo'larchilikka, loqaydlikka yo'l qo'yilmoqda. Ko'plagan muammolar, kamchiklar ildiz otmoqda. Jumladan:

1. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida o'zbek tilli guruhlar soni yildan yilga oshirilib borilishi belgilansa-da, bu muassasalarda, asosan, chet tillariga urg'u beriladi. Xorijiy tillar ko'p o'qitiladi. Biz chet tillarini o'rgatilishiga qarshi emasmiz. Dastlab, ona tilimizga muhabbatni singdiraylik. Keyin xorij tillarini o'rgataylik.

2. Umumta'lim maktablarida o'zbek tili fanining soatlari soni oshirilsa-da, o'qituvchilarning oylik maoshlari ko'paytirilsa-da, ko'pincha, davlat tilini o'qitish talab darajasida emas. Chet tili 25 nafar o'quvchidan oshmagan guruhlar kesimida o'qitiladi-yu, o'zbek tili o'qitishda bunday qoidaga amal qilinmaydi.

3. Oliy ta'limda "Sohada o'zbek tilining qo'llanilishi" fanining soatlari oz. Milliy adabiyotimiz esa ko'pchilik ta'lim yo'nalishlarida, umuman, o'qitilmaydi.

4. Barcha viloyat, shahar, tuman hokimlarining ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish, davlat tili to'g'risidagi qonun hujjatlariga rioya etilishini ta'minlash masalalari bo'yicha maslahatchilari bor. Biroq ularning barchasi ham davlat tili bo'yicha mutaxassis emas. Nima uchun ular o'z hududlarida davlat tili bo'yicha ish yuritilishida bayroqdorlikni qo'lga olmaydi? Lavozim yo'riqnomalarida ko'rsatilgan ishlarni bajarishda juda ko'p xatoliklarga yo'l qo'yishmoqda. Hududlardagi til me'yorlari bilan bog'liq xatolarga ular tish-tirnog'i bilan qarshi kurashishmayapti.

5. Deyarli ko'pchilik korxonatashkilotlarda davlat tili me'yorlariga amal qilishga mas'ul xodimlar yoki shu bo'yicha malaka oshirgan mas'ullar bor. Biroq bu tashkilotlarda ham "Davlat tili haqida"gi qonunga, ona tilimiz me'yorlariga amal qilish qoniqarli emas.

6. Ba'zi viloyat, shahar, tuman markazlarida bosh harflar bilan yozilgan ingliz tilidagi shu hududni sevish, shu hududga mehmonlarning tashrifidan xursandlik mazmunini ifodalovchi jumlar yozib qo'yilgan. Nahotki, buni o'zbek tilida yozishning imkoni yo'q?!

7. O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasiga tilimizni ulug'lovchi turli xil ko'rsatuv va eshittirishlar tayyorlash 2020-yil 20-oktabrda e'lon qilingan farmonda topshirilgan. Biroq xususiy telekanallardagi reklamalarda ona tilimiz me'yorlariga amal qilinmaydi. Ayrim ko'rsatuvlarning nomi ham inglizcha. Jumladan, "The cover up", "Kids show" va boshqalar. Xalqimiz e'zozlaydigan san'atkorlar, qo'shiqchilar ko'rsatuvlarga boshlovchilik qiladi. Ular, ko'pincha, o'z shevalarida gapirishadi.

Bugungi kunda "motivatsiya" so'zi urf bo'ldi. Ommaviy axborot vositalarida bu so'z juda ko'p qo'llanmoqda. Hatto shu nomdagi ko'rsatuv ham bor. Biroq bu so'zni o'z tilimizda ifodalash imkoni ham borligini unutib qo'ymoqdamiz.

8. O'zbek tilini ilm-fan tili sifatidagi nufuzini oshirish borasida ancha ishlar qilinmoqda. Biroq bu borada ham muammolar talaygina. Ayniqsa, aniq fanlarda g'arb atamalaridan foydalanish kuchli. Hatto o'zbek tilshunosligiga doir tadqiqotlarda ham bunday holga duch kelamiz. 2019-yildagi Prezidentimiz farmonida ko'zda tutilgan "...zamonaviy va innovatsion texnologiyalar, sanoat, bank-moliya tizimi, huquqshunoslik, diplomatiya, harbiy ish, tibbiyot va boshqa sohalarida davlat tilining imkoniyatlaridan to'liq va to'g'ri foydalanishga erishish"da sustkashlikka yo'l qo'yilmoqda.

9. Tilimizning ajralmas qismi bo'lgan shevalarni o'rganish, ular bo'yicha tadqiqot ishlari olib borish, boshqa tillardan kirgan so'zlar o'rniga shevalardan so'z olish, sheva so'zlari lug'atini tuzish ishlari ham ko'ngildagidek emas. Bu boradagi ishlarni kuchaytirish davr talabi, vijdon amri, eng muhimi, chin millatparvarlik ishiga aylanmog'i kerak.

10. Bugun tadbirkorlarimizga juda katta imkoniyatlar yaratilmoqda. Ular shaxsan Prezidentimiz himoyasida. Biroq ular ham tilimizga hurmatda namuna bo'lsalar, ayni muddao bo'lar edi. Bugungi kungi ochilayotgan aksar firmalarning nomlari boshqa tillarga mansub. Ayniqsa, xalqaro hamkorlari bor firmalarning nomlari shunday. Ular mijoz jalb qilish, chet elliklar bilan ishlayotganini ko'rsatish uchun shunday qilayotganini aytishadi. O'z firmasini o'zbek tilida nomlab, xalqaro maydonda ham savdo tashkilotining, ham ona tilimizning obro'sini oshirsa, buning nimasi yomon. Aksincha, bu faxr emasmi?!

11. Bugungi kunda turli xil "City"lar ko'payib ketdi. Yangi qurilgan mavze, dahalarni "City" deb nomlash urf bo'ldi. Bu ham ingliz tili va madaniyatiga ko'r-ko'rona ergashishdan boshqa narsa emas. "Toshkent mavzesi", "Olmazor mavzesi", "Choshtepa mavzesi", "Urganch mavzesi" deb nomlasak, nimasi yomon?! Shahar me'morchiligida Yevropa arxitekturasiga ergashish kuchli, shu bilan bir qatorda, nomlashda ham.

Bugungi kunda dunyo xalqlari tillarining teng yarmi yo'qolib ketgan yoki yo'qolish arafasida. Ba'zi turkiy xalqlar ham o'z ona tillari mavqeyini boshqa tillarga boy bermoqdalar. Hozirgi kunda o'zbek tilida so'zlashuvchilar dunyoda 50 million kishini tashkil etadi. Bu degani tilimiz uchun muloqot maydoni keng, yana ham rivojlanish istiqboli katta. Prezidentimiz tomonidan ona tilimizga bo'lgan e'tibor davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Shunday ekan, ona tilimizni asrab-avaylash, nufuzi va mavqeyini oshirish asosiy vazifamiz bo'lmog'i lozim.

Vatanimizda bugungi kunda "Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari" tamoyili asosida ulkan ishlar qilinmoqda. Milliy yuksalishning asosiy tayanchi millat sifatida o'zining taraqqiy etgan va sofligini saqlagan tiliga ega bo'lish. Bugungi kunda Yangi O'zbekiston g'oyasi asosida ham ma'naviy-ma'rifiy, ham madaniy, ham iqtisodiy jabhada taraqqiyotga yuz burdik. Albatta, Yangi O'zbekistonning ham asl tayanclaridan biri taraqqiy etgan o'zbek tilining mavjudligidir. Shunday ekan, milliy yuksalish uchun ham, Yangi O'zbekiston uchun ham ona tilimiz ulug'vorligi bosh masala bo'lib qolaveradi.

Тошқулов Абдукодир Хамидович (иқтисодиёт фанлари доктори, доцент)
**ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**
(Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари мисолида)

Аннотация. Мазкур мақолада чорвачилик фаолияти билан шугулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш билан боғлиқ масалалар, Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тўланган солиқларнинг ҳудудлар кесимидаги таҳлили ва динамикаси келтириб ўтилган.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы налогообложения сельскохозяйственных предприятий, занимающихся животноводческой деятельностью, анализ и динамика налогов, уплачиваемых сельскохозяйственными предприятиями, специализирующимися на производстве продукции животноводства в Сурхандарьинской области.

Annotation. This article deals with issues related to the taxation of agricultural enterprises engaged in livestock activities, the analysis and dynamics of taxes paid by agricultural enterprises specializing in the production of livestock products in Surkhandarya region.

Калим сўзлар: қўшилган қиймат солиғи, қишлоқ хўжалиги, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, чорвачилик маҳсулотлари.

Ключевые слова: налог на добавленную стоимость, сельское хозяйство, фермерские хозяйства, дехканские хозяйства, продукция животноводства.

Key words: value added tax, agriculture, farms, dekhkan farms, livestock products.

Мамлакатимизда чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш аҳолини арзон ва сифатли гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда фаолият кўрсатувчи фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўсиб келаётган мамлакатимиз аҳолисини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, ички истеъмол бозорларда гўшт, сут, тухум, асал ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда уларнинг нархлари барқарорлигини доимий таъминлаш энг муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улушининг 44 фоизи чорвачилик тармоқлари маҳсулотлари ҳисобига тўғри келиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда республикаимиз чорвачилигида қорамолчилик муҳим ўринни эгаллайди. Айнан шу тармоқдан ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг асосий улуши етиштирилади. Шу туфайли ҳам бу тармоқни илмий асосда ривожлантириш, урчитилаётган қорамол зотларининг маҳсулдорлик, насл, наслдорлик, технологик хусусиятларини такомиллаштириш, уларнинг янги сермахсул йўналишларини, оилаларини, типларини, подаларини яратиш муҳим вазифалардандир.

Бундай муҳим вазифани амалга оширишда наслчилик подалари тармоғини кенгайтириш, сунъий қочиришни кенг қўллаш, подаларда танлаш ва жуфтлаш ишларини мақсадли олиб бориш, сермахсул сигирларнинг селекция подаларини яратиш, соф зотли урчитишдан кенг фойдаланиш, жаҳон генофондига хос қариндош зотларнинг наслдор буқалари уруғидан фойдаланиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, молларни тўла қийматли озиклантиришни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса фермер ва дехқон хўжаликларида қорамолларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш, уларни тўла қийматли озиклантириш, асраш шароитларини яхшилаш, наслдорлик хусусиятларидан унумли фойдаланиш, йилига ҳар бир бош сигирдан бир бошдан бузоқ олиш, сунъий уруғлантириш усулидан кенг фойдаланиш, бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришни ташкил этиш ва қорамол зотларининг маҳсулдорлик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади.

Халқимизнинг чорвачиликни ривожлантириш борасидаги тадбиркорлик ташаббусларини доимий равишда қўллаб-қувватлаш, ушбу тармоқда илмий ёндашувларни амалга ошириш ва тадқиқотлар олиб бориш ҳамда бу борада илғор замонавий технологиялардан фойдаланиш, экспорт-боп чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни рағбатлантириш, натижада аҳоли

фаровонлигини юксалтириш ва даромадларини кўпайтириш аҳамиятли масалалардан ҳисобланади.

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳам бугунги кунда муҳимдир.

Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январда алоҳида қарори қабул қилинган.¹

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5017-сонли қарори қабул қилиниб, республикасида ички истеъмол бозорида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш белгилаб олинди.

Мазкур қарор билан 2021 йил 1 январдан бошлаб, 2024 йил 1 январга қадар наслчилик субъектлари учун уларнинг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорида қўлланилиши белгиланди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан келтирилган товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, уларни олиб киришда ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддати 180 кунга узайтирилади, тўланган қўшилган қиймат солиғининг ҳисобот даври якунидаги салбий фарқ суммаси солиқ тўловчининг аризасига асосан, тезлаштирилган тартибда 20 кундан кечиктирмасдан қоплаб берилади.

Бундан ташқари, ушбу қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 июндан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўм, паррандачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 1 000 сўм, балиқчилик хўжаликларига – интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқлари (лосось, форель ва осётр)нинг ҳар бир килограмми учун 3 000 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 1 000 сўм миқдорида республика бюджетидан субсидия ажратилади.

Чорвачилик соҳасини жадал ривожлантиришда чорвани озиклантирувчи яйловлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Яйловлардан яна-да самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 689-сонли қарори² қабул қилиниб, ушбу қарорга асосан, яйловларда чорвадан фойдаланиш нормалари ҳамда яйловлар алмашилишини таъминлаш ва юритиш тартиби белгилаб берилган (1-жадвал). Ҳар бир майдонда бир марталик ўтлатиш навбатдаги ўтлатиш участкасига бўлиш орқали амалга оширилади.

Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдорини ҳудудлар кесимида қуйидаги 2-жадвал маълумотлари орқали таҳлил қилишни лозим топдик.

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Сурхондарё вилоятида фаолият олиб боровчи чорвачиликка ихтисослашган корхоналар сони традицион равишда ортиб борган, яъни, 2015 йилда 596 тани, 2016 йилда 672 тани, 2017 йилда 800 тани, 2017 йилда 866 тани ва 2019 йилда эса 964 тани ташкил қилган. Корхоналар сони ортиши билан бир қаторда, улар томонидан тўланган солиқлар миқдори ҳам сезиларли даражада кўпайиб борган. Ушбу ҳолат, албатта, ижобийдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4576-сонли қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш, яйловлар алмашилишини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 689-сонли қарори.

Сурхондарё вилоятидаги туманлар кесимида човачилик бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари сони бўйича энг юқори кўрсаткич Бойсун туманига тўғри келади. Буни туманнинг асосий ер майдонлари суғорилмайдиган яйлов ва пичанзор ерларга тўғри келиши билан изоҳлаш мумкин. Вилоят бўйича чорвачиликка ихтисослашган корхоналарнинг умумий сонига нисбатан Бойсун тумани ўртача 20 фоизни ташкил этмоқда. Таҳлилий даврда Бандихон тумани фаолият кўрсатмаганлиги туфайли кўрсаткичлар келтирилмаган.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдорининг ҳудудлар кесимида таҳлили¹

| № | Ҳудудлар номи | 2015 йил | | 2016 йил | | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | |
|----|------------------|--------------|--------------------------|--------------|--------------------------|--------------|--------------------------|--------------|--------------------------|--------------|--------------------------|
| | | Корхона сони | Солиқ миқдори (млн. сўм) | Корхона сони | Солиқ миқдори (млн. сўм) | Корхона сони | Солиқ миқдори (млн. сўм) | Корхона сони | Солиқ миқдори (млн. сўм) | Корхона сони | Солиқ миқдори (млн. сўм) |
| 1 | Термиз шаҳар | 1 | 1,0 | 1 | 2,2 | 1 | 1,2 | 4 | 5,9 | 3 | 5,4 |
| 2 | Ангор тумани | 7 | 118,7 | 9 | 130,6 | 10 | 129,5 | 15 | 210,7 | 17 | 316,0 |
| 3 | Олтинсой тумани | 13 | 95,0 | 15 | 112,5 | 18 | 124,4 | 21 | 127,7 | 23 | 238,8 |
| 4 | Бойсун тумани | 141 | 340,9 | 151 | 486,6 | 187 | 605,7 | 188 | 679,3 | 192 | 806,8 |
| 5 | Музработ тумани | 10 | 113,7 | 12 | 151,8 | 15 | 136,6 | 16 | 122,7 | 18 | 126,5 |
| 6 | Денов тумани | 66 | 372,6 | 72 | 413,2 | 80 | 371,9 | 86 | 397,5 | 96 | 438,2 |
| 7 | Жарқўрғон тумани | 27 | 350,5 | 30 | 370,8 | 31 | 333,7 | 33 | 367,0 | 34 | 534,0 |
| 8 | Қумқўрғон тумани | 19 | 207,9 | 24 | 205,6 | 50 | 284,9 | 52 | 267,9 | 55 | 322,2 |
| 9 | Сариосиё тумани | 90 | 69,8 | 97 | 91,2 | 111 | 349,2 | 124 | 339,3 | 138 | 362,9 |
| 10 | Термиз туман | 21 | 193,1 | 25 | 180,6 | 30 | 274,2 | 31 | 339,4 | 37 | 380,9 |
| 11 | Қизириқ тумани | 38 | 148,4 | 41 | 141,4 | 57 | 257,7 | 75 | 446,2 | 115 | 699,8 |
| 12 | Шеробод тумани | 66 | 159,8 | 77 | 134,7 | 82 | 229,6 | 87 | 263,7 | 95 | 313,6 |
| 13 | Шўрчи тумани | 63 | 225,8 | 70 | 165,6 | 75 | 227,4 | 79 | 261,9 | 81 | 305,2 |
| 14 | Узун тумани | 34 | 94,2 | 48 | 76,1 | 53 | 175,6 | 55 | 220,4 | 60 | 242,7 |
| 15 | Бандихон тумани | 0 | 0,0 | 0 | 0,0 | 0 | 0,0 | 0 | 0 | 0 | 0,0 |
| | Жами | 596 | 2491,6 | 672 | 2663,0 | 800 | 3501,6 | 866 | 4049,6 | 964 | 5093,0 |


Ҳар бир корхона миқёсида тўланган солиқлар миқдорини таҳлил қилинганда, 2015 йилда ҳар бир корхонага ўртача 4,2 млн. сўмдан, 2016 йилда 4,0 млн. сўмдан, 2019 йилда эса 5,3 млн. сўмдан тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткич туманлар кесимида энг паст кўрсаткич Сариосиё туманига тўғри келган. 2015 йилда ҳар бир корхонадан ўртача 0,8 млн. сўм миқдорида, 2019 йилда ўртача 2,6 млн. сўм миқдорида солиқ ундирилган. Энг юқори кўрсаткич эса Ангор туманига тўғри келмоқда, яъни, 2015 йилда ҳар бир корхонадан ўртача 17,0 млн. сўм миқдорида, 2019 йилда ўртача 18,6 млн. сўм миқдорида солиқ ундирилган. Ушбу ҳолат ерларнинг меъёрий миқдори Сариосиё туманида жуда паст, Ангор туманида эса жуда юқори эканлигидан далолат беради.

Қуйидаги 1-расм маълумотлари орқали сўнгги беш йилда Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдорини кўришимиз мумкин.

1-расм маълумотлари сўнгги йилларда Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналари сони ортиб борганлигини кўр-

¹Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

сатмоқда. Мазкур ҳолатга тўғри мутаносиб равишда корхоналар томонидан тўланган солиқлар миқдори ортиб бориш тенденцияси кузатилган. Яъни, тўланган солиқлар миқдори 2015 йилда 2491,6 млн. сўми ташкил этган бўлса, 2019 йил якунарига кўра, 5093,0 млн. сўми ташкил этиб, 2015 йилдагиги нисбатан 2 баробар кўпайган. Ҳар бир солиқ тўловчи кесимидаги таҳлилга кўра, 2015 йилда битта солиқ тўловчига ўртача 4,2 млн. сўм миқдорида солиқ тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 4 млн. сўми, 2017 йилда 4,4 млн. сўми, 2018 йилда 4,7 млн. сўми, 2019 йилда 5,3 млн. сўми ташкил этмоқда. Олдинги йилларга нисбатан 2019 йилда солиқ тўловчилар сони ортиши билан бирга, улар томонидан тўланган солиқлар ҳам ортиб борганлигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Сурхондарё вилоятида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган кишлоқ хўжалиги корхоналари ва улар томонидан тўланган солиқлар миқдори¹ (млн. сўм).

Юқоридаги 1-жавал кўрсаткичларининг таҳлили чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи «Boysun chorvasi» фермер хўжалигининг ер майдони 2019 йилда кўп тармоқли фермер хўжалиги таркибига ўтганлиги сабабли, деярли икки баробарга кескин кўпайганлигини кўрсатмоқда. Ушбу корхонанинг фойдаланишидаги ер майдони кенгайиши билан бирга, тўланган солиқ миқдори ҳам мутаносиб равишда ортиб борганлигини ижобий баҳолаш мумкин.

Корхоналар томонидан 2015 – 2016 йилларда тўланган солиқлар миқдorigа эътибор қаратиш лозим, сабаби ягона ер солиғининг ставкаси 2015 йилда 6 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда кескин камайтирилиб, 0,95 фоизлик ставка белгиланган. Ушбу ўзгариш айрим корхоналар учун жиддий таъсир кўрсатган бўлса, айримларига деярли таъсир қилмаган.

Жумладан, «Boysun chorvasi» фермер хўжалигининг ер майдони 2015 ва 2016 йилда деярли ўзгармаган, лекин тўланган солиғи миқдори кескин равишда ортиб кетган, яъни, 2015 йилда 252,8 минг сўми ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 1840,8 минг сўми ташкил қилиб, ўртача 7,5 баробарга кўпайган. Бошқа корхоналарда ушбу кўрсаткич деярли фарқ қилмайди.

Чорвачиликка ихтисослашган «Мансуров Абул Файз» фермер хўжалигининг фойдаланишидаги ер майдони сўнгги беш йилда, умуман, ўзгармаган. Тўланган солиқ миқдори 2016 йилда 2015 йилга нисбатан ортиб, кейинчалик, камайиш кўрсаткичига эга. Ушбу ҳолатни ернинг меъёрий қийматидаги ўзгариш билан изохлаш мумкин.

¹ Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

Чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили¹


| № | Корхона номи | Кўрсаткичлар | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил |
|---|---|-----------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| 1 | «Boysun chorvasi» ф/х (Бойсун тумани) | Ер майдони (га) | 102,6 | 108,3 | 108,3 | 108,3 | 193,3 |
| | | Ернинг меъёрий қиймати (минг сўм) | 4214,7 | 193773,1 | 193773,1 | 165329,9 | 649868,3 |
| | | Тўланган солиғи (минг сўм) | 252,8 | 1840,8 | 1840,8 | 1570,6 | 4786,0 |
| | | Ишчилар сони (нафар) | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 2 | «Қадр-каноат» ф/х (Шўрчи тумани) | Ер майдони (га) | 920,1 | 706,6 | 697,1 | 702,1 | 702,1 |
| | | Ернинг меъёрий қиймати (минг сўм) | 20994,8 | 154663,6 | 44195,1 | 75178,1 | 75178,1 |
| | | Тўланган солиғи (минг сўм) | 1259,6 | 1469,3 | 419,8 | 714,1 | 714,1 |
| | | Ишчилар сони (нафар) | 2 | 2 | 4 | 2 | 2 |
| 3 | «Мансуров Абул Файз» ф/х (Қизирик тумани) | Ер майдони (га) | 591,7 | 591,7 | 591,7 | 591,7 | 591,7 |
| | | Ернинг меъёрий қиймати (минг сўм) | 10777,3 | 71771,1 | 44816,7 | 44816,7 | 44816,7 |
| | | Тўланган солиғи (минг сўм) | 646,6 | 681,8 | 425,8 | 425,8 | 428,5 |
| | | Ишчилар сони (нафар) | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| 4 | «Холиқ-Азим» ф/х (Денов тумани) | Ер майдони (га) | 696,3 | 661,2 | 660,9 | 661,2 | 656,6 |
| | | Ернинг меъёрий қиймати (минг сўм) | 137333,1 | 946718,4 | 940705,2 | 642068,7 | 857990,3 |
| | | Тўланган солиғи (минг сўм) | 8239,9 | 8993,8 | 8936,6 | 6099,6 | 8150,9 |
| | | Ишчилар сони (нафар) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |

Таҳлил қилинаётган чорвачиликка ихтисослашган корхоналарда ишловчи ходимлар таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, солиқ идораларига тақдим этилган ҳисоботларида кўрсатилган ишчилар сонини улар фойдаланаётган ер майдонига, умуман, мутаносиб эмас. Жумладан, «Boysun chorvasi» фермер хўжалигида 193,3 гектар майдонга бир нафар, «Қадр-каноат» фермер хўжалигида 702,3 гектар майдонга икки нафар, «Холиқ-Азим» фермер хўжалигида 656,6 гектар майдонга бир нафар ишчи тўғри келмоқда. Ушбу ҳолатни деярли барча қишлоқ хўжалиги корхоналарида ходимлар сонини яшириб, ҳақиқатда бюджетга кам даромад солиғи ўтказиб бермоқда. Чунки қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ишчиларни шартнома асосида ишга қабул қилмай, балки кунлик ишлатиши ва ишчилар қўлига «конверт» асосида иш ҳақи тўлаш ҳоллари мавжуд. Бу эса натижада қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ўз ишчиларига энг кам иш ҳақи миқдорида маош ҳисоблаш ва ундан келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисоблашга олиб келмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ташкил этишда уларнинг фойдаланишидаги ер майдони ўлчамига қараб ишловчилар сонини белгилаш мақсадга мувофиқ. Натижада, бир томондан, қишлоқ аҳолиси асосий иш жойига эга бўлади, иккинчи томондан, даромадларни декларациялаш ҳамда ижтимоий солиқ объекти ошиши натижасида ушбу тўлов бўйича бюджетга тушум ортади.

Юқоридаги 4-жадвал маълумотларига таяниб, чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан тўланган ягона ер солиғининг ҳар бир гектарга нисбатан улуши ўрганилганда куйидаги кўриниш ҳосил бўлади (2-расм).

¹ Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.



2-расм. Сурхондарё вилоятида чорвачилик корхоналарининг эгалигидаги ер майдони ва уларнинг ҳар бир гектари учун ундирилган солиқлар улуши.¹

2-расм маълумотларига кўра, Сурхондарё вилоятининг ҳар хил туманларида фаолият кўрсатувчи чорвачилик билан шуғулланадиган кишлоқ хўжалиги корхоналарининг эгалигидаги ҳар бир гектар ер майдони учун тўланган ягона ер солиғининг улуши бир-биридан кескин фаркли кўрсаткичга эга. Ушбу ҳолатни ерларнинг меъёрий қиймати ўзгарувчан баҳоланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, «Boysun chorvasi» фермер хўжалигининг кўрсаткичлари бошқаларига нисбатан юқори улушга эга, яъни 2015 йилда бир гектар ер учун 2,5 млн. сўм солиқ тўланган бўлса, кейинги йилларда кескин равишда ошиб, 2019 йилда бу кўрсаткич 10 баробар кўпни ташкил қилмоқда. Қизирик туманидаги «Мансуров Абул Файз» фермер хўжалиги ва Шўрчи туманидаги «Қадр-қаноат» фермер хўжалигининг кўрсаткичлари бошқа кишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан жуда паст. Фойдаланилган бир гектар ер майдони учун 0,7–1,0 млн. сўм атрофида ягона ер солиғи тўлаган.

Денов туманидаги ҳолатни бошқа корхоналарга нисбатан ижобий деб баҳолаш мумкин. Ушбу ҳудудда ягона ер солиғининг ундирилиш кўрсаткичи йиллар давомида катта ўзгаришларга сабаб бўлмаган ва жуда кичик суммани ташкил этмайди. Мазкур ҳолатларни ҳар бир туманда яйловлар учун ажратилган ер майдонларининг меъёрий қийматлари ҳар хил, яъни аниқ бир механизм ёки тартиб асосида адолатли белгиланмаганлигидан далолат беради.

Юқоридаги тадқиқ этилган таҳлилларнинг амалга оширилиши натижасида, фикримизча, куийдаги масалаларга эътибор қаратиш ўзининг ижобий натижасини беради:

¹ Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тайёрланган.

– чорвачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг адолатлилик принципига амал қилган ҳолда, ерларнинг меъёрий миқдорини аниқ бир механизм асосида ҳисоблаш мақсадга мувофиқ;

– чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

– чорвачиликнинг барча тармоқлари ва наслчилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

– чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг чорвачилик тармоқларини барқарор ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини ҳамда чорвачилик бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан ахборотларини мунтазам тинглаш;

– чорвачилик хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинишини ташкил этиш ҳамда чорва бош сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини назорат қилиш;

– чорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, илмий тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этиш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

**Мадрахимов Рузимбай Машарипович (Ўзбекистон Миллий университети)
“ПСЕВДОНОРМА” . ИЗРАИЛ МОИСОВИЧ ГЕЛЬФАНД МУАММОСИНИНГ ЕЧИМИ
ХАМДА СОНЛИ ЧИЗИҚЛИ АЛГЕБРАНИНГ МАТРИЦА ШАКЛЛАНГАЛИГИ БИЛАН
БОҒЛИҚ МАРКАЗИЙ МУАММОЛАРИДАН БИРИНИНГ ЕЧИМИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада янги “псевдонорма” тушунчаси киритилади. У Израил Моисович Гельфанд тамонидан қўйилган муаммонинг ечими бўлади. Бундан ташқари, сонли чизикли алгебранинг марказий муаммоларидан бири бўлган матрицанинг шаклланганлиги билан боғлиқ бўлган муаммони янги “псевдонорма” тушунчасини татбиқ қилиш ёрдамида ечими кўрсатилади.*

***Аннотация.** В этой статье вводится новое понятие «псевдонорма». Это будет решение проблемы, поставленной Израилем Моисовичем Гельфандом. Кроме того, решение проблемы, связанной с обусловленностью матрицы, которая является одной из центральных проблем численной линейной алгебры, показано введением нового понятия «Псевдонорма».*

***Annotation.** This article introduces a new concept of “pseudo-norm”. This will be the solution to the problem posed by Israel Moiseovich Gelfand. In addition, the solution of the problem related to the conditionality of the matrix, which is one of the central problems of numerical linear algebra, is shown by the introduction of the new concept “Pseudo-norm”.*

***Калим сўзлар:** матрица, тескари матрица, матрицавий норма, матрицанинг шартланган сонли, чизикли тенгламалар системаси, псевдонорма.*

***Ключевые слова:** матрица, обратная матрица, матричная норма, числом обусловленности матрицы, псевдонорма.*

Key words: Matrix, inverse matrix, matrix norm, matrix condition number.

Кириш. Маълумки, нормалланган фазо хозирги замон математикасининг асосий тушунчаларидан бирдир. У математиканинг турли соҳаларига татбиқ қилинган. Ушбу мақолада нормалланган фазонинг аксиоматик таърифида етишмавчилик борлиги тўғрисида Израил Моисович Гельфанд (1961) томонидан қўйилган муаммо ўрганилган ва мутлақо янги тушунча “псевдонорма” тушунчаси киритилади. Бу “псевдонорма” орқали ҳосил қилинган фазо идеал шакланган фазо бўлади. Мақолада “псевдонорма”нинг татбиғи сифатида, сонли чизикли алгебранинг шаклланганлиги билан боғлиқ бўлган марказий муаммоларидан бирининг ечими берилади.

Асосий қисм. Фаннинг ҳамма соҳасида ҳам абадий ўзгармас ҳақиқатлар бўлмайди. Билишнинг турли воситалари узлуксиз ва жадал ривожлана бориши бизни аввал равшан бўлган ҳодисаларга бошқача қарашга ва унинг янги, аввалгидан мутлоқ фарқли моҳиятини кўришга олиб келади. Математика фани ҳам шулар жумласидан. Масофа, норма тушунчаси йигирманчи асрнинг бошларида киритилган. У Банах ва унинг шогирдлари томонидан ривожлантирилди. 1961 йилда инсоният тарихида улуг воқеа содир бўлди, яъни Юрий Гагарин космик фазога парвоз қилди. Ўша йили ёзда математикларнинг IV Бутуниттифоқ съезди бўлиб ўтди. Съездга уч ярим мингдан зиёд олимлар катнашди, жумладан, Тошкентдан 39 нафар олим катнашди. Съездда жуда катта муаммолар ўртага ташланди. Муаммо қўйганлардан бири XX асрнинг энг гигант математикларидан бири Израил Моисович Гельфанддир. У нормал фазолар таърифида аксиоматик етишмавчилик бор эканлигини тушқин кайфиятда баён қилди. Бу фикрлар таникли математикларнинг назаридан четда қолмади. Бу ҳақда муаллифлари Н.Я.Великин, Е.А.Горин, А.Г.Костюченко, М.А.Маслов, Б.С.Митягин, Ю.И.Петунин, Я.Б.Рушицкий, В.И.Соболев, В.Я.Стеценко, Л.Д.Фадиев, Э.С.Цитланадзелардан иборат бўлган, С.Г.Крейн таҳрири остида 1964 йилда чиққан, “Функциональный анализ” (қаранг [3]) китобида айтиб ўтилган. Бу китоб редакторининг сўз бошида эътибор Израил Моисович Гельфанднинг муаммосига қаратилган. Ҳақиқатан, Израил Моисович Гельфанднинг фикрларини асослашга киришамиз. Қуйидаги

$f(W) = W^{-1}$, $W \in C[n \times n]$ матрицавий функцияни қараймиз. Агар $n=1$ га тенг бўлса, $\|W\| > 0$ да берилган функция аниқланган.

Юқоридаги функциянинг битта $W = 0$ махсус нуқтаси бор. Агар $n > 1$ бўлса, вазият, умуман, бошқача бўлади. $\|W\| > 0$ да берилган функция аниқланмаган бўлади. Бунда махсуслик $\det W = 0$, бу эса гиперсиртдир. $C[n \times n]$ да ихтиёрий нормани олганимизда ҳам юқоридаги вазият

рўй беради. Демак, нормал фазо аксиомалари орқали юкоридаги матрица аргументли функцияларнинг хоссаларини ўрганиб бўлмайди.

Биз шундай норма топишимиз керакки, унда $\|W\| > 0 \Leftrightarrow \det W \neq 0$ бўлиши керак.

1-теорема. $W \in C[n \times n]$ бўлсин. У ҳолда $\det W \neq 0 \Leftrightarrow WW^* > \theta$.

Исботи. Агар $n = 1$ бўлса, $\det W \neq 0 \Leftrightarrow W\bar{W} > 0$, бўлади.

Агар $n = 2$ бўлса, $W = \begin{pmatrix} W_{11} & W_{12} \\ W_{21} & W_{22} \end{pmatrix}$, $W^* = \begin{pmatrix} \bar{W}_{11} & \bar{W}_{12} \\ \bar{W}_{21} & \bar{W}_{22} \end{pmatrix}$

$WW^* = \begin{pmatrix} W_{11} & W_{12} \\ W_{21} & W_{22} \end{pmatrix} \begin{pmatrix} \bar{W}_{11} & \bar{W}_{12} \\ \bar{W}_{21} & \bar{W}_{22} \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} |W_{11}|^2 + |W_{12}|^2 & W_{11}\bar{W}_{12} + W_{12}\bar{W}_{21} \\ W_{21}\bar{W}_{11} + W_{22}\bar{W}_{21} & |W_{21}|^2 + |W_{22}|^2 \end{pmatrix}$ у ҳолда

$\det W \neq 0 \Leftrightarrow |W_{11}|^2 + |W_{12}|^2 > 0$, $\det WW^* > \theta$, демак, $WW^* > \theta$ қолган

учун шунга ўхшаш исбот қилинади

Ушбу мақолада ана шу масаланинг ечими бўлган нормалланган фазонинг мутлақо янги таърифи берилди. Таърифда матрицавий псевдонорманинг қиймати матрица бўлади, бунинг учун учбурчак тенгсизлигининг бажарилмаслиги Нельсол мисоли орқали тушунтирилади. У олдинги нормалардан матрицалар ўртасидаги ноъмафий (мусбат) аниқланганлик, псевдоучбурчак тенгсизлиги аксиомаси, псевдохалқавий хоссаси ҳамда матрицавий псевдонорманинг идеал шакланганлиги билан фарқ қилади, яъни барча $\det A \neq 0$ лар учун $\|A\|^2 \|A^{-1}\|^2 = I$ тенглик ўринли бўлади.

Матрицавий псевдонорма. $M^+ = \{AA^* \mid A \in C[n \times n]\}$ элементлари комплекс сонлардан иборат ҳамма матрицалар}.

1-таъриф. Элементлари комплекс сонлардан иборат бўлган ҳамма матрицаларда аниқланган $\|\cdot\|$ $\rightarrow M^+$ акслантиришга матрицавий псевдонорма дейилади, агарда у куйидаги аксиомаларни қанотлантирса:

- $\|A\| \geq \theta$, $\|A\| = \theta$ шу ҳолда ва фақат шу ҳолдаги, $A = \theta$;
- $\|\beta A\| = |\beta| \times \|A\|$ ихтиёрий β комплекс сон учун;
- $2(\|A\|^2 + \|B\|^2) - \|A + B\|^2 \geq \theta$ псевдо учбурчак тенгсизлиги;
- $2(\|A\|^2 \times \|B\|^2) - \|AB\|^2 \geq \theta$ псевдохалқавий хоссаси.

2-таъриф. $C[n \times n]$ даги ҳамма матрицалар учун матрицавий псевдонорма аниқланса, бунга псевдофазо дейилади.

1-мисол. $A \in C[n \times n]$ ҳамма матрицалар учун матрицавий псевдонормани $\|A\| =$

$\sqrt{\frac{AA^* + A^*A}{2}}$ тенглик орқали аниқлаймиз (қаранг: б).

Бу матрицавий псевдонорма бўлади. Ҳақиқатдан ҳам,

1) $\forall A \in C[n \times n] \quad \|A\| = \sqrt{\frac{AA^* + A^*A}{2}} \geq \theta$, $\|A\| = \sqrt{\frac{AA^* + A^*A}{2}} = \theta$ шу ҳолда ва фақат шу

ҳолдаки, қачонки, $A = \theta$.

2) $\|\beta A\| = |\beta| \|A\|$ тенглик ихтиёрий β комплекс сон учун ўринли;

3) $2(\|A\|^2 + \|B\|^2) - \|A + B\|^2 \geq \theta$ псевдоучбурчак тенгсизлиги.

Исботи. $\forall Z, \forall W \in C[n \times n]$. У ҳолда $\|Z - W\|^2 = \frac{(Z - W)(Z - W)^* + (Z - W)^*(Z - W)}{2} = \frac{ZZ^* - ZW^* - WZ^* + WW^* + Z^*Z - W^*Z - Z^*W + W^*W}{2} \geq \theta$

бундан

$$\|Z\|^2 + \|W\|^2 - \frac{ZW^* + WZ^* + W^*Z + Z^*W}{2} \geq \theta$$

$$\|Z + W\|^2 = \frac{(Z + W)(Z + W)^* + (Z + W)^*(Z + W)}{2} = \frac{ZZ^* + ZW^* + WZ^* + WW^* + Z^*Z + W^*Z + Z^*W + W^*W}{2} \geq \theta$$

$$\|Z\|^2 + \|W\|^2 + \frac{ZW^* + WZ^* + W^*Z + Z^*W}{2} \leq 2(\|Z\|^2 + \|W\|^2)$$

Демак, $2(\|Z\|^2 + \|W\|^2) - \|Z + W\|^2 \geq \theta$

3). $\forall Z, \forall W \in C[n \times n]$ лар учун $2(\|Z\|^2 \times \|W\|^2) - \|ZW\|^2 \geq \theta$ псевдохалқавий хоссаси. Исботи.

$$\| \mu Z + W \|^2 = \frac{(\mu Z + W)(\mu Z + W)^* + (\mu Z + W)^*(\mu Z + W)}{2} = \frac{\mu^2 Z Z^* + \mu(ZW^* + WZ^*) + WW^* + \mu^2 Z^* Z + \mu(W^* Z + Z^* W) + W^* W}{2} \geq \theta$$

Бундан ҳамма μ лар учун қуйидаги тенгсизликга эга бўламиз:

$$\mu^2 \|Z\|^2 + \mu \left(\frac{ZW^* + WZ^* + W^* Z + Z^* W}{2} \right) + \|W\|^2 \geq \theta$$

Бундан матрицавий дискриминант

$$4\|Z\|^2 \times \|W\|^2 - \left(\frac{ZW^* + WZ^* + W^* Z + Z^* W}{2} \right)^2 \geq \theta$$

У ҳолда

$$\|Z\|^2 \times \|W\|^2 - (\operatorname{Re}(ZW^*))^2 \geq \theta$$

худди шунга ўхшаш

$$\|Z\|^2 \times \|W\|^2 - (\operatorname{Im}(ZW^*))^2 \geq \theta$$

Демак,

$$2\|Z\|^2 \times \|W\|^2 - \|ZW^*\|^2 \geq \theta$$

Равшанки, $\|W\| = \|W^*\|$ эканлигини эътиборга олсак, биз исботламоқчи бўлган тенгсизликга келамиз.

Бу псевдонорма учун одатдаги учбурчак тенгсизлиги бажарилмайди.

2-мисол (Э.Нельсон, қ.[5], 241бет, 16 масала).

$$B = \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & -1 \end{pmatrix}, C = \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & -1 \end{pmatrix} \text{ бўлса, у ҳолда}$$

$$\|B + I\| + \|C - I\| - \|(B + I) + (C - I)\| \geq \theta$$

Юқорида аниқланган матрицавий псевдонорма учун қуйидаги тенгсизликлар ўринли.

2-теорема. Агар A ва B лар дионал матрицалар бўлса, у ҳолда қуйидаги муносабатлар ўринли:

$$1) \quad (\|A\| + \|B\|) - \|A + B\| \geq \theta$$

$$2) \quad \|A\| \times \|B\| = \|AB\|.$$

Исботи унчалик мураккаб эмас.

3-теорема. Агар $\det A \neq 0$, у ҳолда $\|A\|^2 \|A^{-1}\|^2 = E$, яъни матрицавий псев-донорма идеал шаклланган.

$$\text{Исботи. } \|A\|^2 \|A^{-1}\|^2 = \frac{AA^* + A^*A}{2} \frac{A^{-1}(A^*)^{-1} + (A^*)^{-1}A^{-1}}{2} = E$$

Чизиқли тенгламалар системасини ечиш жараёнидаги хатоларни априор баҳолаш муаммоси сонли чизиқли алгебранинг марказий муаммоларидан биридир. Бу муаммонинг қўйилганига ҳам деярли эллипс йил бўлаяпти (қаранг [2]). Таниқли россиялик математик А.Р.Алимов (қаранг [4]) ҳам бу муаммога тўхталиб, чизиқли тенгламалар системасини ечим ўзгаришини баҳолаш усули мавжуд эмаслиги ҳақида гапирди. У ёмон шаклланган матрицаларда норма ёрдамидаги баҳолаш-ни коррект бўлмаган масала деб атайди. Ҳақиқатда ҳам, шундай. У норманинг танланишига ва матрицанинг танланишига боғлиқ бўлиб қолади. Биз бу ерда юқоридаги ғояларнинг татбиғи сифатида сонли чизиқли алгебранинг марказий муаммоларидан бирининг мутлақо янги усул билан ечимини берамиз. Бизни юқоридаги матрицавий псевдонормамиз барча тескариланувчи матрицалар учун идеал шаклланган норма бўлади. Биз олган баҳолаш фақат матрицадаги қиймат ўзгаришларига боғлиқ. Масаланинг ечимига киришамиз. Бунинг учун тескари матрицани ҳисоблашда юзага келадиган ҳатоликларни баҳолашда матрица нормаларидан фойдалангандаги муаммоларни қараб чиқамиз.

$B \in C[n \times n]$ хосмас матрица бўлсин. Принцип жиҳатдан тескари матрицанинг аниқ қийматини ҳисоблаш мумкин бўлсин. B^{-1} , аммо ҳисоблаш рақамли компьютерларда ҳисобланганлиги учун яхлитлаш хатоси бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳисоблашларни аниқ даражада олинганда ҳам, B бирор эксперимент натижаси бўлиши мумкин. Аниқ матрицанинг тескари матрицаси билан қиймати тақрибий топилган матрицанинг тескараси орасидаги ҳатоликни баҳолаш қандай муҳим аҳамиятга эга. Жуда кўп қўлланиладиган алгоритмларда яхлитлаш хатосининг эффеқтини ҳисоблашда берилган бошланғич қийматларини ўзгаришлари бўйича моделлаштириш мумкин.

$B \in C[n \times n]$ хосмас матрица бўлсин ва биз B^{-1} тескари матрицани ҳисоблаймиз, аммо, ҳақиқатда, $(B + E)^{-1}$ ни ҳисоблаймиз, бу ерда ўзгариш $E \in C[n \times n]$ четланишни етарли даражада

«кичик» ҳамда $B + E$ матрица тескариланувчи деб фараз қиламиз. У ҳолда $B^{-1} - (B + E)^{-1}$ бах – ҳолаймиз (қаранг [1], [7], [8 – 15]). Бизга бирор матрицавий $\|\cdot\|$ норма берилган бўлсин, у ҳолда $\|EB^{-1}\| < 1$ лар учун қуйидаги баҳолашни олмиз:

$$\frac{\|B^{-1} - (B+E)^{-1}\|}{\|B^{-1}\|} \leq \frac{\|E\|\|B^{-1}\|}{1 - \|E\|\|B^{-1}\|} = \frac{(\|E\|/\|B\|)\|B\|\|B^{-1}\|}{1 - (\|E\|/\|B\|)\|B\|\|B^{-1}\|}, \text{ у ҳолда}$$

$$L(B) = \begin{cases} \|B\|\|B^{-1}\|, \text{ агар } B \text{ хосмас бўлса} \\ \infty, \text{ агар } B \text{ хос бўлса.} \end{cases}$$

Ушбу миқдор $\|\cdot\|$ нормага нисбатан B матрицанинг шаклланганлиги дейилади.

Modellashtirishning o'ziga xos muhim tomonlari shundaki, unda turli xil fizik vosita va asboblardan tayyorlash shart emas, hodisalarni jonli va tabiiy ko'rinishda tasvirlash, ma'lum tadqiqotlarni talabalar tomonidan yuzlab, kerak bo'lsa, minglab marotaba qayta-qayta amalga oshirishga imkoniyat yaratadi, kuzatish qiyin bo'lgan, umuman, kuzatilishi mumkin bo'lmagan jarayonlarni ham namoyish etish olish imkoniyatiga ega bo'ladi. Bu talabadan o'rganilayotgan muammoning mohiyatini chuqur his qilishni va fizik jarayonning mohiyatini chuqur tushunishga yordam beradi.

Ushbu ishda HTML, CSS, JavaScript, ActionScript dastur tillaridan foydalanib, Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlash jarayoni axborot texnologiyalardan foydalanib modellashtirilgan. Modellashtirilgan laboratoriya ishlari Urganch davlat universiteti texnika ta'lim yo'nalishlarining Fizika fani dars mashg'ulotlarida virtual laboratoriya sifatida foydalanilmoqda.

Yaratilgan EHM dasturining vazifasi: "Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlashni" virtual laboratoriya ko'rinishida amalga oshirishdan, ya'ni kompyuterdan foydalangan holda, Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlashdan iborat. Bu virtual laboratoriyaning bir qancha imkoniyatlari mavjud. Masalan, shkif radiusi (R)ni, yukning tushish balandligi (h), yelkadagi yuklar massa(m)larini o'zgartirib, bir qancha amallarni bajarish mumkin. Krestovina yuklarsiz bo'lgan holatda moslamaga 0.1 kg yuklanish qo'yib, uning tushish vaqti hisoblanadi. Berilgan kattaliklarni o'zgartirish orqali qattiq jismning inersiya momentini aniqlashda amaliy tajribaga nisbatan qisqa vaqt ichida ko'proq natija olinadi va olingan natijalarni analitik hisoblash imkoniyati vujudga keladi. Shu orqali talabalar bilimlari mustahkamlanadi va ishdan ko'zlangan maqsadga erishiladi. Bundan tashqari, virtual laboratoriyada keltirilgan nazariy va amaliy savollar orqali talabalar o'z bilimlarini nazorat qilish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Virtual laboratoriya ishini bajarish jarayonida quyidagi ketma-ketlik bo'yicha menyularga kiriladi: 1) ishning maqsadi; 2) nazariya; 3) kerakli asbob va uskunalari; 4) ishni bajarish tartibi va tajriba; 5) nazariy savollar; 6) dastur haqida.

Talabalar ishni bajarish jarayonidan oldin ishning nazariy qismini o'qib o'rganib, kerakli asbob va uskunalari bilan tanishib chiqadilar. So'ngra ishni bajarish menyusiga o'tadilar. Ishni bajarishda quyidagi ketma-ketlik bo'yicha tajriba o'tkaziladi: 1) shkif radiusi 0.05 m qilib qo'yiladi; 2) yukning tushish ba-

¹ Е.И.Бутиков. Основы классической динамики и компьютерное моделирование. Материалы 7 научно-методической конференции. Академическая гимназия, Санкт-Петербург, 1998, «Старый Петергоф», с. 3, 6.

²Бутиков Е.И. Интерактивные компьютерные модели в преподавании физики. «Компьютерное моделирование 2003». Труды 4-й Международной научно-технической конференции. СПб., "Нестор", 2003, с. 5.

landligi kiritiladi; 3) yelkadagi yuklar tanlanadi; 4) krestavina yuksiz bo'lgan holatda moslamaga 0.1 kg yuk qo'yilib, sekundamerning start tugmasini bosish orqali tushish vaqti hisoblanadi; 5) turli xil o'lchamdagi yuklar tanlanadi; 6) har bir holat uchun tajriba natijalaridan foydalanib, burchak tezlanishi (1), aylantiruchi moment (2) va inersiya momentlarini (3) nazariy ma'lumotda keltirilgan quyidagi

$$\varepsilon = \frac{2h}{t^2 R} \quad (1)$$

$$M = m\left(g - \frac{2h}{t^2}\right)R. \quad (2)$$

$$J = \frac{mR^2(gt^2 - 2h)}{2h} \quad (3)$$

ishchi formulalar orqali hisoblab topiladi; 7) olingan natijalar tajriba jadvaliga yozib boriladi va excell dasturiga o'tkaziladi. Talabalar olgan bilimlarini mustahkamlash maqsadida keyingi nazorat savollar menyusidan nazariy savollarga javob berish bilan birgalikda masalalarni ham yechadilar.

Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlash

Ishni bajarish tartibi:

1. Shkif radiusi(R)ni 0.05m qilib qabul qilinadi.
2. Yukning tushish balandligi(h) aniqlanadi
3. Yelkadagi yuklar massasi aniqlanadi
4. Krestovina yuklarsiz bo'lgan holatda moslamaga 0.1kg yuklanish qo'yib, uning tushish vaqti hisoblanadi
5. 4-band, turli xil(0.2kg, 0.3kg, 0.4kg) yuklanishlar uchun bajariladi
6. Har bir holat uchun Kattaliklar aniqlanadi
7. O'lchangan va hisoblangan kattaliklar mos ravishda tajriba ostidagi jadvalga yoziladi

| T/r | Yuklanish massasi, [kg] | Vaqt, [s] | H, [m] | M, [Nm] | ε , [1/s ²] | J |
|-----|-------------------------|-----------|--------|---------|-------------------------------------|--------|
| 1 | 1 | 2.275 | 1.55 | 0.132 | 41.955 | 0.0012 |
| 2 | 0.6 | 3.045 | 1.7 | 0.115 | 18.334 | 0.021 |
| 3 | 0.8 | 2.874 | 2 | 0.19 | 19.373 | 0.0098 |

1-rasm. AKTdan foydalanib, “Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlash” mavzusi bo'yicha yaratilgan virtual laboratoriya ishi.

| T/r | Yuklanish massasi, [kg] | Vaqt, [s] | H, [m] | M, [Nm] | Epsilon, [1/s ²] | J [kg*m ²] |
|-----|-------------------------|-----------|--------|---------|------------------------------|------------------------|
| 1 | 1 | 2,275 | 1,55 | 0,132 | 41,955 | 0,0012 |
| 2 | 0,6 | 3,045 | 1,7 | 0,115 | 18,334 | 0,021 |
| 3 | 0,8 | 2,874 | 2 | 0,19 | 19,373 | 0,0098 |

2-rasm. “Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlash” mavzusi bo'yicha yaratilgan virtual laboratoriya ishidan olingan natijalar (excell dasturi yordamida).

Laboratoriya ishidagi fizik jarayonlarning kompyuter imitasion modeli orqali jarayon tushuntirilsa, talabalar bu jarayonlarni tushunishi, tasavvur qilishi osonlashadi hamda eshitish, ko'rish orqali olgan bilimlari uzoq vaqt yodda saqlanadi.

Xulosa qilib aytganda, fizik jarayon sifatida Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlash jarayonini kompyuterda modellashtirishni bir qator afzalliklari mavjud. Ular quyidagilardan iborat:

–Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentini aniqlashda odamga yoki atrof-muhitga zarar bermasdan, tajriba o‘tkazish mumkinligi, chunki ba’zi tadqiqotlarni amalga oshirish inson hayoti uchun xavf tug‘diradi;

–ushbu modellashtirilgan virtual laboratoriya ishida hech qanday mablag‘ talab qilinmaydi. Bu o‘z-o‘zidan nafaqat katta miqdorda mablag‘lar tejallishiga, balki ularga, umuman, ehtiyoj ham tug‘dirmaydi.

– tajriba natijalarini prognoz qilish, ehtimoliy ta’sirlarni yoki yo‘qotishlarni ta’kidlab, muammolar paydo bo‘lishidan oldin ularga yechim topish mumkinligi;

– jarayonni vaqt bo‘yicha tezlashtirish yoki tajribaga sarflanadigan vaqtni sezilarli darajada qisqartirish;

– model sistemani turli xil ssenariylar asosida parametrlarni o‘zgartirib, qayta takrorlash, talabalar tomonidan yuzlab, kerak bo‘lsa, minglab marotaba qayta-qayta amalga oshirishga imkoniyat yaratadi.

Bu talabalarning o‘rganilayotgan muammoning mohiyatini chuqur his qilishini va fizik jarayonning mohiyatini tushunishiga yordam beradi. Shuning bilan birga, AKTdan foydalanib, virtual laboratoriyalar orqali dars mashg‘ulotlari tashkil etilsa, faqat o‘quv materiallarini o‘zlashtirish emas, balki yaxshi o‘zlashtira olmaydigan talabalarning ham yangi bilim olishga bo‘lgan intilishini o‘stiradi. AKT yordamida fizik jarayonlarni modellashtirish orqali ta’lim jarayonini tashkil etish talabalarning faolligini, ularning o‘zlashtirishining sifat ko‘rsatkichini oshirishga asos bo‘ladi.

**Тешаев Шухрат Жумаевич (Бухарский государственный медицинский институт),
Бабажанов Тўлқин Жуманазарович (Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии)
МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ ОБОДОЧНОЙ КИШКИ ПРИ ФИБРОЗЕ ЛЕГКИХ**

Аннотация. Ўпка фибрози – бу прогрессияланувчи хавфли касаллик бўлиб, фибробластлар пролиферациясининг кучайиши ва хужайрадан ташиқари, матрицанинг преципитацияси билан характерланади. Касалхонагача бўлган даврда ўпка фиброзини ўрганишидаги замонавий ёндашувларга бутун танани визуализация қилиши, гистологик ва молекуляр усуллари киради. Бутун танани визуализация қилиши усуллари, жумладан, рентгенография, компьютер томография, позитрон-томография, магнит резонанс томография ва биоломинесценция ёки флуоресценция усуллари ёрдамида ўпкадаги патологияларни миллиметрлар аниқлигида беради. Молекуляр биология усулида фиброз билан боғлиқ бўлган, лекин суюқлик билан чегараланган ёки тўқималар томонидан ҳазм қилинган ва охир-оқибатда аниқ жойлашишига эга бўлмаган молекулалар танлаб олинади.

Аннотация. Фиброз легких – это прогрессирующее смертельное заболевание, которое характеризуется усилением пролиферации фибробластов и преципитацией внеклеточного матрикса. Современные подходы к доклиническому изучению фиброза легких включают методы визуализации всего тела, гистологические подходы и методы молекулярной биологии. Методы визуализации всего тела, включая рентгенографию, компьютерную томографию, позитронно-эмиссионную томографию, магнитно-резонансную томографию и биоломинесценцию/флуоресценцию всего тела с помощью визуализации IVIS, обеспечивают *in vivo* индикацию патологии легких с точностью до миллиметра. Наконец, методы молекулярной биологии отбирают молекулы, непосредственно связанные с фиброзом, но ограниченные жидкостями или переваренной тканью и, следовательно, не имеют пространственной локализации.

Annotation. Pulmonary fibrosis is a progressive, fatal disease characterized by increased fibroblast proliferation and extracellular matrix precipitation. Current approaches to the preclinical study of pulmonary fibrosis include whole body imaging, histological approaches, and molecular biology techniques. Whole body imaging techniques, including radiography, computed tomography, positron emission tomography, magnetic resonance imaging, and whole body bioluminescence / fluorescence with IVIS, provide *in vivo* indication of lung pathology with millimeter accuracy. Finally, molecular biology techniques select molecules that are directly associated with fibrosis but are confined to fluids or digested tissue and therefore lack spatial localization.

Калим сўзлар: йўгон ичакнинг морфометрик параметрлари, ўпка фибрози, йўгон ичакнинг ўпка фибрози ҳисобига морфометрик параметрлари, органлар морфометрик параметрларининг фиброздаги морфометрик ўзгариши.

Ключевые слова: морфометрические параметры ободочной кишки, фиброз легкого, морфометрические параметры ободочной кишки за счет фиброза легкого, морфометрические параметры органов, морфометрические изменение при фиброзе

Key words: morphometric parameters of the colon, pulmonary fibrosis, morphometric parameters of the colon for the account of pulmonary fibrosis, morphometric parameters of organs, morphometric changes in fibrosis.

Идиопатический фиброз легких (IPF) является наиболее агрессивным проявлением легочного фиброза и характеризуется обилием коллагена в стенке альвеол, что приводит к утолщению и разрушению структуры.¹ Однако неясно, нарушается ли внутренний внеклеточный матрикс без воспаления или воспалительные явления предшествуют чрезмерному рубцу на легочной ткани.²

Помимо альвеолярно-капиллярного повреждения, цитокины и факторы роста, такие как трансформирующий фактор роста-β₁ (TGF-β₁), интерлейкин-1β (IL-1β), интерлейкин-8 (IL-8) и ин-терлейкин-17A (IL-17A) индуцируют пролиферацию фибробластов и источник коллагена I

¹ King TE Jr., Pardo A, Selman M Идиопатический фиброз легких. Ланцет, 2011, vol 378, p. 1949 – 1961.

²Gauldie J Pro. Воспалительные механизмы являются второстепенным компонентом патогенеза идиопатического легочного фиброза. Am J Respir Crit Care Med. 2002, vol. 165, p. 12.

типа, который также рекрутирует и активирует интерстициальные легочные лейкоциты, тем самым способствуя сильному воспалению и повреждению тканей.¹

Смертность составляет от 2 до 80% случаев в зависимости от возбудителя.² При последних формах РФ и, в частности, при IPF текущие методы лечения только облегчают симптомы и не изменяют течение заболевания. Возможно, из-за сложной природы фиброза легких и, в частности, механизмов, лежащих в основе развития IPF, пациенты плохо реагируют на доступные противофиброзные препараты.³

Целью данной статьи является обзор множественных изменений функции легких при ИФЛ.

Диагноз ИФЛ основан на сканировании с помощью компьютерной томографии высокого разрешения (HRCT) и патологических исследованиях и здесь не обсуждается. Роль исследований функции легких для прогнозирования и принятия клинических решений была в центре внимания недавних обзоров.

Гистологическое строение желудочно-кишечного тракта. Пищеварительная система млекопитающих состоит из пищеварительной трубки и расположенных вне ее желез (поджелудочная железа, печень и слюнные железы), секрет которых участвует в процессе пищеварения. После отстрела животных пищеварительный тракт извлекают из брюшной полости и фиксируются в 10%-ном растворе нейтрального формалина по методике, описанной А.Г.Сапожниковым и др. (2000), Ф.Д.Гуковым и др. (2002). Органы выдерживаются в растворе в течение 5 суток, после чего промываются в проточной воде и освобождаются от брыжейки. Для гистологического исследования из каждого отдела желудочно-кишечного тракта забираются образцы размером, соответствующим стандартным гистологическим кассетам. Последующее их окрашивание для обзорного исследования производится с помощью мультитейнера Tissue-Tek DRS 2000. В нашем исследовании используются методики окраски гематоксилином и эозином по Майеру (1904). Морфометрию образцов тканей проводится на основе метода случайной выборки по Автандилову Г.Г. (1990), что обеспечивает наиболее репрезентативные результаты.

Морфометрия. При морфометрическом исследовании подсчитывали абсолютное количество клеточных элементов в собственной пластинке слизистой оболочки (СПСО) ободочной кишки на стандартной площади среза (1000 мкм²). Проводили дифференцированный подсчет клеточных элементов (на 1000 клеток) в СПСО с определением относительного количества нейтрофилов, лимфоцитов, плазмочитов, фиброцитов и фибробластов при увеличении 600. Подсчитывали абсолютное количество энтероэндокринных клеток, выявленных при реакции с антителами к хромогранину А, на стандартной единице площади эпителия (10000 мкм²).

Таким образом, проведенный обзор литературы показал, что в отечественной литературе исследуемый вопрос изучен недостаточно. Фиброз легкого является одним из тяжелых осложнений у пациентов с заболеваниями толстой кишки и определяет течение заболевания, требует динамического наблюдения за показателями гемодинамики и своевременного назначения как фармакологических, так и механических средств профилактики фиброзных процессов. Предупреждение развития фиброза является одним из важных шагов для увеличения выживаемости пациентов с заболеваниями толстой кишки.

¹ Уилсон М.С., Мадала С.К., Рамалингам Т.Р., Гочуико Б.Р., Росас И.О. и др. Опосредованный блеомицином и IL-1beta легочный фиброз зависит от IL-17A. *J Exp Med*. 2010, vol 207, с. 535 – 552.

² Laurent GJ, McAnulty RJ, Hill M, Chambers R Побег из матрицы: множественные механизмы активации фибробластов при легочном фиброзе. *Proc Am Thorac Soc*, 2008, vol. 5, p. 311–315.

³ Руссо Р.К., Гуабираба Р., Гарсия К.С., Барселуш Л.С., Роффе Э. и др. Роль хемокинового рецептора CXCR2 в вызванном блеомицином воспалении легких и фиброзе. *Am J Respir Cell Mol Biol*, 2009, vol 40, с. 410–421.

**Xudaynazarov Nuraddin Shavkatovich (UrDU mustaqil tadqiqotchisi)
HADISLAR DINIY ILM SIFATIDA VA ULARNING YOSHLAR MA'NAVIYATIGA TA'SIRI**

***Annotatsiya.** Hadislardagi etikaviy, ijtimoiy-axloqiy g'oyalarda, fikrlarda hayot falsafasi mujassam. Ularda hayotning har bir muammosiga oid tavsiyalar, didaktik nasihatlar mavjud. Ularning mohiyati hayotiy tasavvurlar va muammolarga real yechimlar topish, tavsiya etishdadir. Aynan shu nuqtayi nazardan ular hayotiy ilmdir.*

***Аннотация.** Этические, социальные и моральные идеи и мысли в хадисах воплощают философию жизни. В них содержатся советы и дидактические советы по всем жизненным проблемам. Их суть в том, чтобы найти и рекомендовать реальные решения жизненных проблем и проблем. В этом смысле они – наука о жизни.*

***Annotation.** Ethical, social and moral ideas and thoughts in hadith embody the philosophy of life. They contain advice and didactic advice on all life's problems. Their essence is to find and recommend real solutions to life's problems and problems. In this sense, they are the science of life.*

***Kalit so'zlar:** hadislar, din, islom, inson, axloq, ma'naviyat, etika, ijtimoiy-axloqiy, jamiyat, taraqqiyot, hadisshunoslik.*

***Ключевые слова:** хадис, религия, ислам, человек, мораль, духовность, этика, социоэтика, общество, развитие, хадисоведение.*

***Keywords:** hadith, religion, Islam, man, morality, spirituality, ethics, socio-ethics, society, development, hadith studies.*

Islom falsafasida hadisshunoslik “Musyalaxum hadis”ning o'rni beqiyosdir. Dinlar asoschilari o'z ta'limotini va qarashlarini yozma tarzda ifoda etmaganlar, kitoblar yozmaganlar, ular o'z g'oyalarini so'zlar bilan, etiqodlarini amaliy xatti-harakatlari bilan, izdoshlari yashashini o'z turmush tarzi bilan tasdiqlaganlar. Ular vafotidan keyin izdoshlari, hammaslklari deganlarini, xatti-harakatlari va turmush tarzini qayta tiklab yozib, ibrat timsoliga aylantirib, din arkonini mustahkamlaganlar. Buddaviylikda “Dxamma-padda”, nasroniylikda “Yangi ahd”, islomda hadislar shunday paydo bo'lgan.

Islom tarixida hadisshunoslik Quroni karimdan keyin turadigan ikkinchi muqaddas manba hisoblanadi. U Muhammad payg'ambar aytgan yoki biror nimani namuna qilib ko'rsatgan yoki biror nimani ma'qullamay, man etgan bo'lsa, ular, ushbu uch manba, hadis, sunna sifatida qaraladigan bo'ldi. Muta-xassislarning takidlashicha “Hadislarda islom dini ahkomlari, ya'ni farz, vojib, sunnat, mustahab, halol, harom, makruh, mizbah kabilardan tashqari, odob-axloqqa doir ko'rsatmalar ham talqin qilinadi”. Ularda ibodatning da'vat etish bilan birga, insoniy fazilatlar ham keng tashviq qilinadi, insoniylik sha'niga dog'tushiradigan razil fazilatlar qoralanadi.¹

Hadislardagi axloq-odobga oid jihatlar ularni etikaga, ijtimoiy-axloqiy ta'limotlar sifatida talqin etishga undaydi. Yoshlarda diniy e'tiqodni etikaviy bilim, diniy bilim sifatida qarashda hadisshunoslikning o'rni, ahamiyati beqiyosdir. Ular nafaqat islom dini tarix uchun, ayniqsa, islomdagi ijtimoiy-axloqiy qarashlarning ommalashishi, yoyilishi uchun ham muhim edi. Muhammad payg'ambarning “Din, avvalo, axloqdir”, degan fikri, hadisi islomdagi etikaviy, ijtimoiy axloqiy negizining to'g'ri anglashga yordam beradi.

Hadislardagi shariyatga, insonga, axloqqa oid fikrlar, g'oyalar o'rta osiyolik mutafakkirlarning diqqatini tortgani bejiz emas. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy (810–870), Abu Iso Muhammad ibn Iso at-Termiziy (824–892), Abu Muhammad Abdulloh ibn Abd ar-Rahmon al-Dorimiy as-Samarqandiy (797–868), Abu Abdulloh Muhammad ibn Yazid ibn Mojja (824–886) to'plagan o'rgangan va e'lon qilgan hadislar tufayli nafaqat “Mustalahum hadis”, shu bilan birga, islom dini e'tiqodga aylandi. Yurtimizda diniy bilimlar tarqalishiga hissa qo'shdi. Professor M.Imomnazarovning yozishicha, “yuz yildan kamroq vaqt ichida (IX asrda) mintaqaning allomalari tomonidan ishonchli hadislar to'plamlari yaratildi va ularning islom dunyosi e'tirof etdi. Bu ikki asr mehnatini Sunna bosqichi deb nomlash mumkin. Bu bosqichni tavhid e'tiqodi ma'naviy kamolotida ibrat bosqichi, deb aytsak, bizningcha, asl mohiyatga muvofiq keladi”.²Eng muhimi, hadislardagi lo'nda fikrlar, didaktika inson yodida qoladi, ularning badiiy-

¹ Axloq-odobga oid hadis namunolari. Muqaddima. Hikmatullayev A., Mansurov A. Toshkent, “Fan”, 1990.

² Islom va ma'naviy kamolot bosqichlari. Islom: bag'rikenglik va mutaasiblik. Imomnazarov M. T., “Fan”, 1998.

ligi, obrazlilik esa obyektivligini, hayotiyiligini, insonlar qalbiga, tajribalari va istaklariga yaqinligini ko'rsatadi. "Inson tug'ulib, yorug' dunyoni idrok etishni boshlar ekan, dastlab, atrofida gilardan, ayniqsa, yoshi ulug'lardan ibrat olib, ma'naviy kamolot kasb etib boradi. Bu o'rinda ota-onalar, aka-opalar, keyinroq bog'cha va maktabga borganda, ustozlari uning uchun, birinchi navbatda, ibrat maktabi bo'ladi Aytish lozimki, bola kattalarning quruq nasihatlaridan ko'ra ularning hayotdagi xatti-harakatlaridan ko'proq ibrat oladi. Shu sababli ota-onaning, ustozlarning farzand va shogirdning ma'naviy shakllanishi borasida mas'uliyatlari o'ta jiddiy. Payg'ambarimizning har bir so'zlari, xatti-harakatlaridam mezonda mo'minlar uchun ibrat bo'lib kelgan".¹

Muhammad Sodik Muhammad Yusuf e'tirof etganidek, "Bizning muhaddislarimizdan oldin kerakli insonlarning ijtimoiy o'rni va salohiyatini alohida o'rganib, o'sha o'rganilgan ma'lumotlarni ilmiy ravishda qayd qilib, kitob shakliga keltirgan xalq bo'lmagan. Raviylarning ishonchli va ishonchsiz ekanliklarini, ularning yod olishdagi quvvat darajalarini va boshqa narsalarni o'rganish uchun olib borilgan izlanishlar natijasida mazkur juda katta-katta buyuk ilm yuzaga kelgan".² Hadislarni yod olish, avlodlarga yetkazish ishonchli yoki ishonchsiz ekanini aniqlash, sahobalar va Muhammad payg'ambargacha yetkazuvchilarning ismi, mavqeyi, avlodlari xronikasini bilish hozirgi talqinda ham ilmiy bilimdir. Eng muhimi, falsafa fanlari nomzodi, dotsent Imom Buxoriyning hadisshunoslikka oid merosini maxsus tadqiq etgan N.Musayevaning yozishicha: "Ma'naviy-axloqiy munosabatlar hadislarning ijtimoiy-falsafiy va aksiologik mag'zini tashkil etadi. Har bir hadisdan inson va uning ijtimoiy, shaxsiy, ma'naviy hayotiga oid antropologik fikr, xulosa topsa bo'ladi".³ Ha, inson o'zining teotsentrik qarashlaridan kelib chiqadi. U "Allohga etishishni, jannatga tushishni ideal inson – Muhammad payg'ambarga taqlidan yashashni insonning ma'naviy-axloqiy izlanishlari markaziga qo'yadi. Mazkur teotsentrik yondashuv insonga ma'naviy-axloqiy ideal tomoniga yordam beradi".⁴

Diniy limning etikaviy, axloqiy ilm, dunyoqarash ekani hodisalardagi inson, hayot, ma'naviy-axloqiy poklik, adolat, ezgulik, vorisiylik va burchga sadoqat kabi voqeliklarga mavhumlik apriori sifatida emas, balki insonni ma'naviy takomillashtirish va real hayotni gumanistik qilish mumkin, degan nuqtayi nazardan yondashilganidadir. Hadislar diniy forma doirasidan chiqib, insonning ma'naviyati, real hayot va bu boradagi muammolarga yechim izlagani bilan ilmdir. Ular mavjud muammolarni etikaviy, axloqiy ilm nuqtayi nazardan hal etishga, ularga yechim topishga intiladi. Bu esa ularni din formasidan tashqariga chiqishga, insonning real ma'naviy-axloqiy hayotiga yaqinlashtirgan.

Hadislarda aytilishicha, insonning barcha xatti-harakati uning niyatiga muvofiqdir. "Darhaqiqat, barcha amallar niyatga yarasha bo'lg'usidir. Kimki hijratdan niyati dunyo topmoq ersa, dunyoga erishgusi, kimki hijratdan niyati xotin olmoq ersa, xotinga nikohlangusidir. Demak, ne niyatda hijrat qilganligi e'tiborga olingusidir".⁵

E'tibor qilsak, ezgu maqsadga ezgu niyat orqali erishiladi, degan g'oya bildirilyapdi. Zamonaviy ta'limotlar ham inson barcha narsaga qodir, agar u AQSH Prezidenti bo'laman deb niyat qilsa, unga intilisa, maqsadga erishish mumkin. Yirik olim, fan arbobi bo'lishni niyat qilgan, bu yo'lda sa'y-harakat qilsa, niyatiga yetadi. Zamonaviy sivilizatsiyaning oldingi bosqichlaridan farqi, ijobiy jihatlari ham shunda.

Diniy bilim, hadislar yaxshi niyatni insonning hayotiy maqsadi, turmush tarzi sifatida kun tartibiga qo'yganida formadan emas, insonning ichki ma'naviy potentsiali va real hayotidan kelib chiqadi. Allah jamoliga yetish uni anglash ham ezgu niyatdan, ichki ma'naviy potentsialdandir. Buni islom arkoni mutafakkirlaridan biri Abu Hamid G'azzoliy quydagicha ta'riflaydi: "Inson qalbida ikki xil turtulish (qo'zg'alish, ilhom) bo'ladi. Birinchi malaklar qo'zg'aydi, yaxshilikka va haqiqatlarni tasdiqlashga da'vat etadi. Kim buni (turtulishni) his etsa, bilsinki, u Oллоhdandir. Oллоhga hamd o'qisin. Ikkinchisini dushman qo'zg'aydi – yomonlikka boshlaydi, haqiqatlarni inkor etadi va yaxshi qilishga yo'l bermaydi. Kim bunday turtulishni his etsa, shaytonning zulmidan Oллоhga sig'insin".⁶

Ha inson hayoti, uning o'y fikrlari, shu jumladan, niyatlari ham ziddiyatlar ta'siridan mutlaq xoli shakllanmaydi, ezgulik va yovuzlik, yaxshilik va yomonlik yonma-yon yuradi. Ezgulik, yaxshilik, Oллоh-

¹ Shu manba.

² Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Mustalahum hadis. Toshkent, "Sharq", 2011.

³ Musayeva N. Imom Buxoriyning Al-jome' as-sahih asari va uning ijtimoiy antropologik mohiyati. Toshkent, "Innovatsiya-ziyo", 2019.

⁴ Shu manba.

⁵ Abu Hamid G'azzoliy. Mukoshafat ul-qulub (qalblar kashfiyoti). Ikkinchi kitob, Toshkent, "Minhoj nashr", 2004.

⁶ Shu manba.

ga bo'lgan chuqur e'tiqoddan, yovuzlik, yomonlik shayton vasvasasidir. Oллоhni ezgulik, yaxshilik man-bayi deb qarash islom formatikasidir. Islomga e'tiqod – Oллоhga e'tiqod, Oллоh baxsh etadigan ezgu-lik, yaxshilik ifodasidir. Islomiy diniy ilm ezgulik, yaxshilik negiziga Oллоhni qo'yadi. Oллоhni unutish shaytonga sherik bo'lish bilan barobar. Imom G'azzoliy talqinida esa "Shaytonning yo'llari nafsoniy istak va orzulardir".¹

Demak, islomiy diniy bilim markazida Oллоhga e'tiqod, u orqali ezgulikga, yaxshilikga ishonch, niyat turadi. Aynan ushbu etikaviy, ijtimoiy-axloqiy g'oya, konseptual islom dini, islomiy diniy bilimni zamonaviy qiladi, chunki inson ma'naviyatiga oid qarashlar azaliy, har bir davr uchun zamonaviydir.

Hadislardagi asosiy fikrlar yoshlar va ota-onalar munosabatlariga qaratilgan. Diaxron, ya'ni avlodlararo munosabatlar mudom zamonaviy mohiyatga ega, shuning uchun hadislardagi yoshlar va ota-onalar munosabatlariga oid fikrlar mudom zamonaviy, dolzarb mavzular sifatida qabul qilinadi. Hadislarda keltirilishicha, bir odam Muhammad payg'ambarni oldiga kelib, mening yaxshi muomala qilishimga kim haqliroq deb so'raganda, u "Onang! Onang!" deb javob bergan ekan. Uchinchi bor ularga qo'shimcha qilib, "Otang!" degan.² "Oysha onalarining, keksalik vaqtida har ikkisini yoki biri bo'lmaganida boshqasini rozi qilib, jannatiy bo'lib olmagan farzand xor, yana-yana xor bo'lsin!"³ Chamasi, o'sha paytlarda ham avlodlar o'rtasida munosabatlar, xuddi hozirgidek kechgan. Ammo hadislar ushbu mavzuning azaliy ekanini esga soladi va etikaviy, ijtimoiy-axloqiy tarbiya dolzarb bo'lib qolishga e'tibor qaratadi. Diniy bilimlar, ayniqsa, hadislar va hadisshunoslikdagi g'oyalar ma'naviy-axloqiy muammolarga oid yechimlarini tavsiya etishi bilan qimmatlidir. Ularda mavjud muammolar shunchaki qayd etilmay, har biri uchun ma'lum bir yechim tavsiya qilinadi.

Бозоров Шухрат (СамДЧТИ таянч докторантура (PhD) докторанти)
АХМАД ДОНИШ ҚАРАШЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Аннотация. *Мазкур мақолада Аҳмад Дониш илмий меросининг ижтимоий-фалсафий моҳияти акс эттирилган. Аҳмад Дониш ўз замонасининг энг ижобий прогрессив фикрловчи маърифатпарвари сифатида шухрат қозонган. Аҳмад Донишнинг илмий мероси кенг ва кўп қиррали бўлиб, асосан, ўз даврининг етук шарқиунос олимлари томонидан тадқиқ этилган. Аҳмад Дониш илмий меросининг ранг-баранглиги унинг ўз замонасининг етук тадқиқотчиси бўлганлигини кўрсатади.*

Аннотация. *В данной статье отражается социально-философское значение научного наследия Ахмада Дониша. Ахмад Дониш известен как самый позитивный и прогрессивный просветитель своего времени. Научное наследие Ахмада Дониша обширно и многогранно, оно в значительной степени изучалось ведущими востоковедами своего времени. Разнообразие научного наследия Ахмада Дониша показывает, что он был зрелым исследователем своего времени.*

Annotation. *This article reflects the socio-philosophical significance of the scientific heritage of Akhmad Donish. Akhmad Donish is known as the most positive and progressive educator of his time. The scientific heritage of Akhmad Donish is vast and multifaceted and it was largely studied by the leading orientologists of his time. The diversity of Akhmad Donish's scientific heritage shows that he was a mature researcher of his time.*

Калим сўзлар: Дониш, "Аҳмад Калла", "Муҳандис", "Аҳмад Махдум", миниатюра, "Наводир ул-вақое".

Ключевые слова: Дониш, «Ахмад Калла», «Инженер», «Ахмад Махдум», миниатюра, «Наводир уль-вақое».

Key words: Donish, "Akhmad Kalla", "Engineer", "Akhmad Makhdum", miniature, "Navodir ul-wakoe".

Мамлакатимизда аждодлар меросидан ёшларни баҳраманд қилиш билан бирга, амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг равишда мутафаккирларнинг замон руҳига мос ғояларини таҳлил этиш орқали ёш авлодни муносиб тарбиялаш амалга оширилмоқда. Мутафаккирларнинг

¹ Shu manba.

² Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy, IV kitob, Hadis. Al-Jomi as-sahih (ishonarli to'plam). Toshkent, Qomuslar bosh tahririyati, 1992.

³ Axloq-odobga oid hadis namunalarini. Muqaddima. Hikmatullayev A., Mansurov A. Toshkent, "Fan", 1990.

умумбашарий ғоялари, илмий мероси, орадан неча асрлар ўтса-да, ўз ахамиятини йўқотмагани ҳамда замон талабига жавоб бера олиши ҳам, айна ҳақиқат. Халқнинг ғаму ташвиши билан ёниб ўзидан муносиб из қолдирган улуғ мутафаккирлар, асосан, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг ижтимоий-сиёсий аҳволини яхшилашга, халқнинг онгу шуурини мустақиллик ғоялари билан суғоришга интилиш орқали улкан маърифатпарварлик ишларини амалга оширганлар. Шундай маърифатпарвар, забардаст мутафаккирлардан бири Аҳмад Донишдир.

Асл исми Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафи ас-Сиддикий ал-Бухорий бўлган лекин “Аҳмад Калла”, “Муҳандис”, “Аҳмад Махдум” номлари билан ўз замонасининг энг ижобий прогрессив фикрловчи маърифатпарварига айланиб, шуҳрат қозонган Аҳмад Дониш 1827 йилда Бухорода мударрис оиласида таваллуд топган. Дастлаб, мактабда, сўнгра Бухородаги мадрасаларда таҳсил олган ҳамда ўз даврининг илғор олими ва мутафаккири даражасига кўтарилган Аҳмад Дониш адабиёт, тарих, фалсафа, таъбабат, астрономия илмларини пухта ўзлаштириш билан бирга, хаттотлик ва рассомчилик билан ҳам шуғулланган. Айниқса, XV аср миниатюра санъати услубида чизилган ва бугунги кунгача сақланиб қолган “Мактаб” номи миниатюраси хотин-қизларни ўқитиш ғояси илгари сурилганлиги билан диққатга сазовордир.¹

Аҳмад Дониш риёзиёт, фалакиёт, адабиёт, мусика, меъморчилик, тарих ва фалсафа билан шуғулланиш билан бирга, Ибн Сино, Умар Хайём, Навоий, Фузулий, Бедил каби мутафаккирларнинг асарларини таҳлил қилган ва уларнинг фикрларидан ўз рисолаларида кенг фойдаланган. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, бадий масалалар билан бирга, астрономия илмини ўрганишга катта эътибор қаратган Аҳмад Дониш Бухоро элчилари таркибида уч маротаба Петербургда бўлиб, Европа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишгач, дунёқарашда катта бурилиш бўлиб, ўз таассуротлари таъсирида Бухорода мавжуд тартибларни ислоҳ қилиш лойиҳасини олға сурган.

Аҳмад Донишнинг илмий мероси кенг ва кўп қиррали бўлиб, асосан, ўз даврининг етук шарқшунос олимлари Евгений Бертельс, академик Иброҳим Мўминов, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул каби олимлар томонидан тарихий-фалсафий ва филологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро амири Амир Насрулло саройида хизмат қилган Аҳмад Дониш ҳаёти давомида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ислоҳ қилиш, халқнинг илмий-адабий тафаккурини янгилашга ҳаракат қилган. Бунинг учун Россия ва Европа мамлакатларидан андоза олиб, ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, турли табақа вакилларидан иборат кенгаш тузиш, барча қонун, низомларни шу кенгашда ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиш, мактаб ва мадраса фанларини тубдан янгилаш, янги ўқитиш услубларини жорий этиш борасидаги ўзининг илғор фалсафий қарашларини илгари сурган.²

Жумладан, “Маълумки, давлат ва салтанатнинг қурилиши учун фуқаро жамияти ва вилоятлар тузилиши керакдир. Бунинг учун мамлакат ободлиги ҳамда етарли аскарнинг бўлиши лозим; чунки буларсиз ҳеч бир давлатнинг сақланиши мумкин эмасдир. Аскарсиз шоҳ бўлмайди, хазинасиз аскар яшай олмайди. Халқ кўпайиб, ободлик бўлмаса, хазина бойлиги кўпаймайди. Мамлакат обод бўлмагунча фуқаро жамияти бўлмайди”, деган ўз даврига хос бўлмаган қарашларни илгари сурган. Яъни, Аҳмад Дониш XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаёт тарзида кескин бурилиш ясаши мумкин бўлган фикрларни ўртага ташлайди.

Мутафаккирнинг ушбу фикрлари айнан XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга қарши ўлароқ, муҳим бир портлаш назариясига ўхшайди ва алломанинг ҳақиқий фалсафий тафаккур тарзини намоён этади.

Касб-хунарга, илм-фанга меҳр, ҳалоллик, мансаб-мартаба, мол-дунё ҳирсидан узоқ бўлиш, инсонларга ҳар қандай ҳолда ҳам яхшилик қилиш, исломий ахлоқ Аҳмад Дониш васиятларининг асосий мазмунини ташкил этади. Аҳмад Дониш қарашларининг диққатга сазоворлиги шундаки, барча инқилоблар тарихини чуқур ўрганиб, ҳақсизлик ва адолатсизлик сабаби давлат ишларининг ёлғиз подшо қўлида бўлганидан эканлигини таъкидлайди. Европа давлатларини мисол келтириб “барча давлатларни енгиб, бутун дунёга эга бўлишларининг сабаби ҳуқуқда ҳамманинг тенглиги ва давлатни ҳамманинг ўртасида турган киши идора қилишидир” деб таъкидлаган. Мутафаккирнинг ушбу қарашлари муҳим ижтимоий-сиёсий мазмун касб этади.

¹ Айни С. Воспоминания. Пер. с таджикского А.Розенфельд. М., Ленинград, 1960, с. 255.

²Бертельс Е.Э. Рукописи произведений Ахмада Каллэ. Труды таджикской базы АН СССР, М.–Л., 1936, с. 12.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг кўлёмалар фондида Аҳмад Дониш илмий меросига оид ўн олтига рисола, бир қанча шеърлари киритилган тазкиралар, Имом Ғаззолий ва Абдурахмон Жомий асарларидан кўчирилган кўлёмза нусхалари жой олган. Жумладан, Аҳмад Донишнинг 1877 йилда ёзилган “Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла” (Аҳмад Калланинг ҳамма тарихий ва фалсафий асарлари – И.Мўминов таржимаси) номли кўлёмза-масида турли тарихий, адабий, фалсафий масалаларда чуқур таҳлилий фикрлар юритилган. 1902 йилда бошқа бир хаттот томонидан ўша ном билан кўчирилган мазкур кўлёмзада Марказий Осиё тарихидаги энг муҳим масалалар, хусусан, Мирзо Улуғбек, машҳур шоир ва файласуф Абдурахмон Жомий ҳақида, шунингдек, калом илми фалсафаси тўғрисида қимматли маълумотлар берилган.¹

Бундан ташқари, Аҳмад Донишнинг ўз кўли билан ёзилган “Наводир ул-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”), “Таржимаи аҳволи амирони Бухоро” (“Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари”), “Тарихи салтанати хонадони манғития” (“Манғит амирлари тарихи”), “Дафтари тақвим” (“Кундаликлар”), “Рисолаи дар назми тамаддун ва маъовун” (“Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола”), “Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла” (“Аҳмад Калла ҳикоялари тўплами”), “Ин рисолаист ислоҳ миёни шиа ва сунн” (“Шиалар ва суннийларни яраштириш тўғрисида насиҳат”), “Манозир ул-кавокиб” (“Сайёраларнинг жойлашуви”), “Рисола фи аъмол ал-курра” (“Глобусдан фойдаланиш йўллари”), “Мажмуи рисолаи нужум”, “Меъёри тадайюн”, “Бухородан Петербургга саёҳат” сингари кўлёмза асарлари нусхалари кўлёмзалар фондида сақланмоқда.

Аҳмад Дониш шиалар ва суннийларни муросага келиштириш масалаларига бағишланган рисоласида ислом тарихи, ундаги турли йўналишларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, Жалолиддин Румий, Ғаззолий, Жомий, Бедил каби донишмандларнинг ушбу масалаларга муносабатларини ёритган. Шунингдек, ижтимоий фанлар соҳасида Марказий Осиёнинг ўтмиш тарихи, фани, адабиёти, давлатчилиги, дини каби масалаларига оид ҳамда ўзига хос мазмунга эга бўлган шеърӣ асарлар яратиш билан бирга, табиий илмлар, хусусан, астрономия, космология муаммолари устида ҳам муттасил тадқиқотлар олиб бориб, бир қатор асарлар ёзиб қолдирган.

“Наводир ул-вақоеъ” асари Аҳмад Дониш асарлари орасида энг муҳими саналиб, унда кўплаб ижтимоий-ахлоқий масалалар хусусида фикр юритилган. Аҳмад Дониш ушбу асарида ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўладиган ижтимоий-сиёсий тузум, тартиб ва муносабатларни танқид остига олган ҳолда, кишиларни ҳаёт ва тафаккур тарзини ўзгартиришга ундайди.

“Наводир ул-вақоеъ” асари 1870 – 1885 йиллар оралиғида ёзилган тарихий, фалсафий, мемуар асар бўлиб, 23 бобдан иборат. Асарда ота-она ва фарзанд муносабатлари, мол-дунё, тарих, сафар қилиш фойдалари, илм-фан техника янгиликлари, ҳақиқий ва мажозий ишқ ҳамда унинг одоби, никоҳ, тақдир, касб-кор, жисм ва рух, ер тузилиши ва маъданлар, туш таъбири, айрим ҳадислар талқини, инсон ахлоқини белгилаш каби мавзулар ёритилган. Бундан ташқари, асар ичида мутафаккирнинг “Мамлакатни бошқариш ва халқни маърифатли қилиш ҳақида рисола”си ҳам ўрин олган бўлиб, унда подшоҳларнинг халқ олдидаги масъулиятлари кўрсатиб берилган.

Аҳмад Дониш ўрта аср ислом фалсафасида кенг тарқалган таваккул назариясини инсонлар нотўғри талқин қилишини кескин танқид остига олади. Жумладан, “Агар киши таваккулга ишониб ҳаракат қилмаса, меҳнат қилмаса ва қийинчиликда, камбағаллик билан ҳаёт кечириш ёки мўл-кўлликда яшаш қисматда бор экан, деб айтса, ундай киши хато қилади. Демак, у ақлли эмас” деб, қайд этади. Шу сабабли Аҳмад Дониш кишиларни ғайратли бўлишга ва киши ўз ғайрати ва ҳаракати билан мақсадига эриша олишини қайд этгани ҳолда, мақсадни фойдали ишга қаратишга даъват этади. Таваккалчиликка ружу кўйишни беҳаракатлик, беҳафсалалик, текинхўрлик ва ишёқмасликдир, деб таъкидлайди.

Аҳмад Дониш XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, Бухоро амирлигини Европа мамлакатлари ва Россия билан таққослайди, ўз ватанини иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолганлигини кўрсатиб, ижтимоий-сиёсий тузумда ислохотлар ўтказиш зарурлигини уқдиради.

Мутафаккир: “Давлат бир гуруҳ кишилар эҳтиёжларини қондириш учун эмас, балки халқ манфаатлари ва мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилмоғи зарур. Бунинг учун ҳукмдор билимдон, маърифатли, одил ва ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қилмоғи шарт. Мамлакатни

¹ Иброҳим Мўминов. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. Т., “Фан”, 1999, 188-бет.

идора қилишда эса ҳукмдор муҳим давлат муаммоларини ўз атрофидаги маслаҳатчилар билан биргаликда ҳал қилиши, маслаҳатчилар эса донишманд ва адолатли кишилар бўлмоғи лозим. Шунингдек, “Ҳукмдор ҳамиша оқил олимлар суҳбатларига ташна бўлиб, уларнинг насиҳатларини ғанимат билсин”, дея таъкидлаган.¹

Аҳмад Дониш ўз ватанини қоқоқликдан чиқариш йўлларини излаб, “Киши ўз ватанини ҳимоя қилсагина, ўз халқи билан бирга бўлсагина, у ҳар доим барҳаётдир”, дея таъкидлайди. Аҳмад Дониш Шарқ мутафаккирлари таълимотини ўрганиш билан бир қаторда, Ғарбнинг ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам қизиқиши мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий орзулари бор кенг кўламдаги тадқиқотчи эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Донишнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Аҳмад Дониш мавжуд иқтисодий-сиёсий тузумнинг тараққиётига ғов бўлиб қолганлигини кўриб таҳлил қилган ва бу ҳукмрон мафқурани олиб ташлаш йўлларини қидирган. Бугунги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Аҳмад Дониш илмий меросининг бир қисмигина ўрганган. Бу соҳада рус олимлари ва Ўзбекистон, Тожикистонда олиб борилган тадқиқотларни ҳануз мутафаккир ижоди бўйича пешқадамликни сақлаб қолмоқда. Аҳмад Дониш асарларининг асл нусхаси тожик, рус ва ўзбек тилларида нашр этилганлигига қарамай, бу комусий билим эгасининг бой ижодий меросини, табиий-илмий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш ҳануз охирига етмаганлиги, айни ҳақиқат.

Pulatov Jaxongir Nazirovich (Navoiy viloyati xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi dotsenti, falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD);

[pulatovjahongir00@gmail.com](mailto: pulatovjahongir00@gmail.com)

JAMIYAT BARQARORLIGI – INSON TARAQQIYOTINING O‘ZIGA XOS MEXANIZMI SIFATIDA

***Annotatsiya.** Maqolada barqarorlik, farovonlik, millatlar o‘rtasida do‘stlik-qardoshlik munosabatlarini kengaytirish, millatlar totuvligi va ahilligini yanada rivojlantirish, milliy qadriyatlarni hurmat qilish, har bir millatning tili, urf-odatlar va an‘analarini muntazam ravishda amalga oshirish, muayyan mamlakatga nom bergan millat bilan unda yashaydigan boshqa millat va elatlar o‘rtasidagi hamjihatlik jamiyat taraqqiyotining eng muhim omillaridan biri ekanligiga oid taklif va tavsiyalar yoritilgan.*

***Аннотация.** В статье делается акцент на стабильности, процветании, расширении дружеских и братских отношений между народами, дальнейшем развитии мира и согласия между народами, уважении национальных ценностей, регулярном соблюдении языка, обычаев и традиций каждого народа, названия той или иной страны, предложения и рекомендации по укреплению солидарности между нациями и народами, живущими в одной стране, что является одним из важнейших признаков развития общества.*

***Annotation.** The article focuses on stability, prosperity, expansion of friendly and fraternal relations between nations, further development of peace and harmony among nations, respect for national values, regular implementation of the language, customs and traditions of each nation, naming a particular country, proposals and recommendations that solidarity between the nation and other nations and peoples living in it is one of the most important signs of the development of society.*

***Kalit so‘zlar:** barqarorlik, taraqqiyot, farovonlik, millat, xavfsizlik.*

***Ключевые слова:** стабильность, развитие, процветание, нация, безопасность.*

***Key words:** stability, development, prosperity, nation, security.*

Har bir insonning baxt-saodati, uning buguni va kelajak hayoti butun insoniyatning taqdiri bilan uzviy bog‘liqdir. Hozirgi tarixiy jarayonlarning rivojlanishi, bir tomondan, har xil davlatlar o‘rtasidagi ziddiyatlarning saqlanib qolishi bilan, ikkinchi tomondan, jahon hamjamiyati davlatlarining o‘zaro bog‘liqligi tobora kuchayib borishi, turli xalqlarning ijtimoiy hayoti va turmush tarzining baynalmilal tus olib borishi bilan tasniflanadi. Ayni vaqtda, barcha xalqlar uchun munosib chinakam insoniy turmushning moddiy va ma’naviy shart-sharoitlarini yaratish, sayyoramizdagi hayotni ta’minlash, uning boyliklariga, avvalo, eng katta boylik – insonning o‘ziga, uning imkoniyatlariga avaylab munosabatda bo‘lish bugungi kunning dolzab muammolariga aylanib bormoqda. “Endilikda inson, uning hayoti, ozodligi, sha’ni, qadr-qim-

¹ Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақоеъ. Душанбе, “Дониш”, 1988, 218-бет.

mati va boshqa ajralmas huquq hamda erkinliklari muqaddas sanalib, ular davlat tomonidan kafolatlanadi".¹ Bu boradagi eng muhim masalalardan biri – bu millatlararo munosabatlar sanalib, mazkur masala har bir davlat milliy xavfsizligining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi.

Jahonda yuz berayotgan ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy jarayonlarning tahlili davlatlar tomonidan o'z xavfsizligini ta'minlash, ya'ni, uning tashqi va ichki muvozanatini saqlash masalasi strategik vazifaga aylanganligidan dalolat bermoqda.² Bunda tashqi, siyosatning prinsiplariga barcha davlatlar birdek rioya qilishini taqozo etadi. Shuningdek, mintaqada tarixiy jarayonlarni etnik manfaat nuqtayi nazari asosida giperozlashtirish, "Mumtoz (tanlangan) xalq" nazariyasini rivojlantirishga intilishlar kuzatilayotgan davrda, bu masalaga jiddiy e'tibor qaratib, milliy xavfsizlik duyoqarashini shakllantirish maqsadga muvofiq hisoblanadi.³ Bu esa o'zining milliy xususiyatidan kelib chiqqan holda, bag'rikenglik siyosatini amalga oshirishni talab qiladi.

Millatlararo munosabatda uyg'unlik vujudga kelgan mamlakatlarda ko'p millatlilik jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga samarali ta'sir etadi. Muayyan mamlakatga nom bergan millat bilan unda yashaydigan boshqa millat va elatlar o'rtasidagi hamjihatlik ijtimoiy taraqqiyotning eng muhim omillaridan biridir. Aksincha, bu g'oyaning amaliy ahamiyatini tushunib yetmaslik jamiyat hayotini, xavfsizligini va barqarorligini izdan chiqarishi mumkin.

Ko'p millatli davlatlardagi etnoslararo hamda millatlararo munosabatlar milliy xavfsizlik degan tushunchaning shakllanishiga asos bo'ladigan ta'sirchan vositalardan biridir. Shu bois sho'rolardan keyingi makonda yangi mustaqil davlatlar shakllanishida etnoslararo va millatlararo munosabatlarni uyg'unlashtirishning dolzarbli ahamiyati yanada ortadi.

Shuningdek, milliy-etnik munosabatlarni uyg'unlashtirib borish bilan fuqarolik jamiyatini shakllantirish davlat siyosatining muhim bo'lgan yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Hozirda jamiyatda milliy birlikni va millatchilikni butunlay barham toptirib, insonlarning millatparvarlik hamda vatanparvarlik kayfiyatini shakllantirib borishni taqozo etadi. Markaziy Osiyo davlatlarida milliy-etnik nizolarning oldini olish va unga shart-sharoit yaratayotgan sabablarning o'z vaqtida bartaraf etilmasligi, milliy-etnik konfliktlarning avj olishiga, bu esa, o'z navbatida, chegara hududlarida yashovchi turli etnoslarning hayotiga xavf solishi hamda mintaqada beqaror vaziyatni keltirib chiqarishi mumkin.

Insoniyat paydo bo'lganidan beri kishilar, millatlar va elatlar o'rtasida mudom u yoki bu ko'rinishda to'qnashuvlar, nizolar, urushlar va qirg'inlar sodir bo'lib kelgan.⁴ Ma'lumotlarga ko'ra, dunyoda 2 mingdan ortiq etnoslar mavjud bo'lsa, globallashuv sharoitida etnoslarning ko'payishi va oz sonli xalqlarning kamayish tendensiyasi kuzatilmoqda.⁵ So'nggi yillarda yuzaga kelayotgan nizo o'choqlari, asosan, yangi mustaqil davlatlarga to'g'ri kelmoqda. Bu esa, o'z navbatida, ularning xavfsizligi va iqtisodiy rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ma'lumotlar tahliliga ko'ra, jahonda yuz bergan 120 dan ortiq konfliktlarning aksariyatida etnik omil bo'lib, millatlarning o'z mustaqil davlatini qurishga nisbatan harakatlari asosiy sabab bo'lib qolmoqda.

Biroq, Yer yuzida faqat 257 ta etnos o'z milliy mustaqil davlatchiligiga ega bo'lib, ulardan atiga 193 tasi BMTga a'zo bo'lib kirgan va milliy davlatlar doirasida qabul qilingan va qilinayotgan me'yoriy-huquqiy, konstitutsiyaviy qonunlar umumiy holda inson huquqlari va erkinliklarini ta'minlab kelmoqda.⁶ Ba'zi mutaxassis va olimlarning fikriga ko'ra, aynan dunyo aholisining yildan yilga ortib borishini ham millatlararo nizolarning vujudga kelishida bevosita omillardan biri sifatida qaralmoqda. Xo'sh, bugungi kunda dunyo hamjamiyati va aksariyat dunyo mamlakatlarining "bosh og'rig'i" sifatida qaralayotgan "millatlararo nizolar" masalasi nima sababdan ko'payib ketmoqda, bularning asl sabablari nimada va shu kabi savollar mazkur masalaga alohida e'tibor qilishni talab etmoqda.

Ma'lumki, hozirgi kunda dunyoda demografik jarayonlarning birlamchi va asosiy o'ziga xosligi – aholining tez sur'atlar bilan o'sib borishidir. Agar XX asrning birinchi yarmi mobaynida Yer yuzi aholisining umumiy soni 1,5 mlrd.dan 2,5 mlrd.gacha ko'paygan bo'lsa, keyingi o'n yilliklarda aholi nufuzi 3,5

¹ Sh.Mirziyoyev. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Toshkent, "O'zbekiston", 2017, 102-bet.

² Самаров Р.Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. Тошкент, "Академия", 2010, 245-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Азизова Н. Ўзбек тили – миллатлараро ва давлатлараро муомала воситаси. "Жамият ва бошқарув", Т., 2010, 1-сон, 117-бет.

⁵ Анджелина Джолли Межэтнические конфликты: предпосылки и пути решения//http://www.coolreferat.com/Межэтнические_конфликты. 20.07.2011.

⁶ Сколько государств в мире//<http://milledi.ucoz.ru/publ/20-1-0-2739>. 02.06.2012.

mlrd.ga yoki 2,4 martaga ortdi. 1999-yil aholi soni 6 mlrd.ga yetdi. Ma'lumotlarga ko'ra, 2025-yilga kelib, yer yuzi aholisi 8 mlrd. 524 mln. 100 yildan so'ng esa 11 mlrd.dan ortishi mumkinligi ekspertlar tomonidan bashorat qilinmoqda.¹ Ma'lumotlar shuni ko'rsatmoqdaki, yagona millat istiqomat qiladigan davlat bugungi kunda dunyo mamlakatlarining juda kam qismini tashkil etadi. Aniqroq keltirib o'tish joiz bo'lsa, dunyo bo'yicha 12 ta (umumiy davlatlarning 9 foizi) mamlakatda bir millatga mansub xalqlar turmush kechiradi. Shuningdek, 31 ta mamlakatda umumiy aholining 50 foizdan 70 foizigacha bir millatga xos bo'lib, titul millatga mansub fuqarolar bo'lsa, dunyoning 39 ta mamlakatida esa aholining teng yarmi boshqa millatga mansub fuqarolardir.² Shu jihatdan, "millat", "etnos", "millatchilik" va "millatlararo nizolar" tushunchalarining nazariy-uslubiy jihatdan tahlil qilib o'tsak, quyidagilarni ko'rishimiz mumkin. Jumladan, "millat", tushunchasi keng qamrovli tushuncha bo'lib, ma'no jihatidan juda boy mazmun va mohiyatga ega. Shu sababli millatlararo munosabatlar va jamiyatda milliy-etnik hayotning rivojlanish shart-sharoitlarini tadqiq qilish millatlararo totuvlikni va uyg'unlikni ta'minlashda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

"Millat" atamasi qadimda va o'rta asrlarda, asosan, kelib chiqishi bir bo'lgan, iqtisodiy va siyosiy jihatdan umumiylik kasb etgan ma'lum bir guruh kishilarga nisbatan ishlatilgan. Yangi davrda, ayniqsa, XVIII asr intihosidagi Buyuk Fransuz inqilobidan keyin fransuz, ingliz va G'arbiy Yevropa xalqlari tillarida millat atamasi ma'lum bir davlat fuqarolariga nisbatan, ya'ni, etnik ma'noda qo'llanila boshlagan. Markaziy va Sharqiy Yevropada milliy davlatchilik taraqqiyoti Sharqqa nisbatan biroz kechroq boshlanganligi sababli "millat" iborasi bir hududda yashagan hamda til – madaniy munosabatlari umumiyligiga ega bo'lgan, ya'ni etnik ma'noda qo'llanila boshlagan.

Fransuz olimi E.Renan millatning yangi ilmiy konsepsiyasi muallifi hisoblanadi. E.Renan olim tomonidan 1882-yilda yozilgan "Millat nima?" nomli ilmiy risolasida ushbu mavzuga oid dastlabki ilmiy qarashlar bayon qilingan. Olimning ta'kidlashicha, millatning belgilaridan biri insonlarning qiziqishlari, maqsadlari hamda manfaatlarining umumiyligidir. Umumiylik esa qiziqishlar birligidan kelib chiqadi, shuningdek, hayotning umumiy shart-sharoitlari, tarixining umumiyligi, millatning vujudga kelishi va rivojlanishi katta ahamiyat kasb etgan omillardan hisoblanadi. Olimning fikricha "millat abadiy mavjud bo'lmaydi. Ularning ibtidosi ham nihoyasi ham mavjud".³ E.Renan ilk bora 1877-yilda etatik (davlatga doir) va etnik talqinlarni umumlashtirishga hamda millat iborasining, dastlab, qo'llanilishini o'rta asrlarda Yevropada milliy davlatchilikning paydo bo'lish jarayoni bilan bog'liq, deb talqin qilgan. Millat, uning fikricha, avvalo, ma'lum bir guruh kishilarining birgalikda yashashi, ajdodlardan avlodlarga o'tib kelayotgan an'analarni saqlab qolishga bo'lgan harakati hamda umumiy maqsad yo'lida birlashishidir. E.Renandan so'ng ijtimoiy fanlar tizimida "millat" atamasi bilan bog'liq qator nazariy-metodologik qarashlar bayon qilingan bo'lsa-da, ularning birortasi ham mukammal nazariya sifatida shakllanmagan va umumxalq tomonidan e'tirof etilmagan.

Yevropalik olimlar, faylasuflar hamda tadqiqotchilar E.Renandan ilgari ham millat va uning jamiyat taraqqiyotida tutgan o'rni haqidagi muammoga yechim qidirganlar. Lekin shuni qayd etish joizki, XVIII asrdagi millat tushunchasi hozirgi davrdagi millat tushunchasidan ancha farq qilgan. Usha davrlardagi qarashlarga ko'ra, millat atamasi faqatgina hukmron tabaqa vakillari hamda jamiyat ziyolilariga nisbatan qo'llangan bo'lib, ular, albatta, davlat boshqaruvida ishtirok etishlari lozim bo'lgan.

Etnos yoki etnik birlashma deganda, odatda, qabila, milliy birlik, millat, hatto millatlar guruhi sifatida tarixan vujudga kelgan ancha mustahkam uyushmani tushinish lozim. Ko'p holatlarda, etnos deganda umumiy turmush tarziga ko'ra birlashgan va umumiy madaniy-psixologik hamda xulq-atvor belgilariga ega bo'lgan milliy-lingvistik guruh tushuniladi. Insoniyat siyosiy tarixida etnoslarning alohida yaxlit uyushma sifatida tutgan o'rni L.Gumilov tomonidan etnografik, geosiyosiy, hatto, etnokosmogonik nuqtayi nazar asosida o'rganilgan. Etnos bilan bog'liq yangi zamonning nazariy qarashlaridan yana biri – etniklik tushunchasidir. Bu atama XIX asrning 60-yillarida etnos muammolari majmuasiga G'arbiy Yevropa etnologiyasida etnosning hosilasi sifatida inglizcha "ethnicity" so'zi orqali paydo bo'ldi. G'arbiy Yevropa etnologlari tasavvuriga ko'ra, bu tushuncha asosida, birinchi navbatda, polietnik xarakterdagi etnos muammolari yoki mintaqaviy etnoslararo munosabatlardagi ziddiyatli holatlarni o'rganish ko'zda tutiladi.⁴ Shu bilan birga, bu haqda faylasuflar I.Kant va G.Gegel tomonidan ham juda aniq izohlab beril-

¹ О Кыргызстане // <http://www.gdhotel.kg/ru/show/about-kyrgyzstan/12.02.2012>.

² Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Москва, РАН, 1995, 56-бет.

³ Ренан Э. Что такое нация? Собрание сочинений. В 12, т. 6, Киев, издание Б.К.Фукса, 1902, с. 98.

⁴ Крыско В.Г. Этническая психология. Москва, издательский центр "Академия", 2008, 10 – 13-бетлар.

gan, ya'ni, u millat va etnos atamalarini o'zaro bog'lab qaragan.¹ Natijada "xalq" atamasi orqali ko'pchilik odamlarning ma'lum bir hududda jamlangan, ular birgalikda bitta yaxlitlikni, milliylikni tashkil etgan. Shuningdek, milliylik elementlarining o'ziga xos xususiyatlaridan biri sifatida bu inson ongining shakllanish va idrok etish jarayoni bilan bog'liqligi deb ta'kidlashgan.² Sobiq sovet davrida esa "millat" atamasiga rivojlangan sinfiylikka xos etnos tipi, deb ta'rif berilgan. "Millat" iborasining paydo bo'lishi feodal tarqoqlikning yuzaga kelishi va kapitalizmning maydonga kelishi, ya'ni, kapitalistik ishlab chiqarishning vujudga kelishi bilan bog'liq iqtisodiy-xo'jalik va boshqa ijtimoiy-madaniy aloqalarning rivojlanishi, ona tilida erkin ijod qilish, milliy-etniklik hissining kuchayishi, milliy davlatchilikni qurish harakatining avj olishi bilan bog'liqdir.³ "Millat" atamasi G'arbiy Yevropa davlatlari tillarida "bir davlat fuqarolari jamoasi" degan mazmuni anglatuvchi siyosiy ma'noda talqin etilgan. So'nggi o'n yilliklarda esa "millat" atamasi bilan bog'liq an'anaviy qarashlarda inqilobiy o'zgarishlar yuz berdi.

Bu borada rus tadqiqotchisi V.Tishkovning tadqiqotlari alohida diqqatga sazovordir. Uning fikricha, "millat tasavvurdagi tuzilma bo'lib, jamoaviy harakatlarga asos bo'ladi va qat'iy voqelikka aylanadi.⁴ Millat tarixan tashkil topgan etnik birlik bo'lib, yagona til, yagona hudud, iqtisodiy hayot birligi, madaniyat hamda psixologik birlik va milliy o'zlikni anglashning barqarorligiga asoslanadi".⁵ Mintaqalar va kishilararo o'zaro iqtisodiy va madaniy munosabat, urf-odat va an'analardagi umumiylik, xalq va kishilar orasidagi munosabatlarning mushtarakligi – bular millatda elatlarga nisbatan samaraliroq bo'ladi.

Millat – bu elatlar birlashuvidan hosil bo'lgan, turmush tarzi, hudud birligi, madaniyat, ong, til, ruhiyat uyg'unligi mushtarakligi asosida shakllangan tarixiy etnik birlik shakli.

Shuningdek, har bir inson ma'lum bir millatning namoyandasi hisoblanib, uning o'ziga xos his-tuyg'ulari, qadriyatlari, stereotiplari, orzu-umidlari mavjuddir. Aynan ana shularni inobatga olib, "milliy-etnik guruhlar – umumiy ichki va tashqi psixologik xususiyatlariga ko'ra, bir-biri bilan bog'liq"⁶ bo'lgan minglab, millionlab kishilardan iborat bo'lishi mumkin bo'lgan guruhdir. "Agarda oddiylikdan murakkablik tomon boradigan bo'lsak, bu urug' va qabila, xalq va millat, irq va elatdir".⁷ Yuqorida qayd etilganidek, millat tarixan tashkil topgan, til, hudud, iqtisodiy turmush tarzi muayyan madaniyatga va milliy o'zligini anglashning barqarorligiga asoslanuvchi birlikdir.

Ma'lumki, tarixiy taraqqiyotning muayyan bosqichida bir-biriga yaqin mintaqalar o'rtasida iqtisodiy, siyosiy va madaniy aloqalarning mustahkamlanishi natijasida elatlar millat sifatida shakllana boshlagan. Shu o'rinda ta'kidlab o'tish joizki, bugungi zamonaviy yondashuvda millatni belgilovchi bir qancha belgilar mavjud: hudud, til, iqtisod, madaniyat, tarixan umumiylik, etnosning uyushqoqligi ma'lum bir davlat doirasida bo'lishi, o'z etnik nomiga ega bo'lishi, din umumiyligi va bir qancha boshqa alomatlarini keltirish mumkin.

"Millat" insoniyat taraqqiyotining yuqori bosqichiga ko'tarilgan davriga xos bo'lib, etnosning sifat jihatidan yaxlit, umumiy milliy xarakterga ega bo'lgan ko'rinishidir. Ishlab chiqarish sohalari rivojlanishi, iqtisodiy va madaniy aloqalarning kuchayishi, o'zaro tarqoqlikning barham topishi natijasida etnik hayotda yangi jarayonning vujudga kelishi millatning shakllanish jarayonini boshlanganligidan dalolat beradi. Millatning shakllanish jarayonida barqaror iqtisodiy turmush tarzi va kishilar dunyoqarashida aniq o'zlikni anglashning tarkib topishi sezilarli ahamiyatga egadir.

Millat – etnoslarning etnik sifatiy taraqqiyot mahsuli, boshqacha qilib aytganda, etnosning eng yuqori bosqichi, kamolot cho'qqisidir. Millat va etnos bir xil, ya'ni xalq ma'nosini anglatadi. Masalan, turkiy etnosning taraqqiyoti natijasida o'zbek, qozoq, turk, turkman, qirg'iz, ozarbayjon kabi guruhlar vujudga kelib, ular tarixiy taraqqiyot natijasida millat sifatida shakllandi. Qadimgi rus etnosining taraqqiyoti velikoros, malorus va belorus etnoslari vujudga kelishi natijasida rus, belorus, ukrain kabi millatlari shaklida namoyon bo'ldilar.

¹ Макаров В.В. Место и значение национальной особенности в антропологическом учении немецкого идеализма//ftp://lib.herzen.spb.ru/text/makarov_5_10_320_324.pdf 05.10.2011 г.

² Кант И. Антропология с прагматической точки зрения. Санкт-Петербург, "Наука", 1999, 471 с.//http://www.bim-bad.ru/biblioteka/article_full.php?aid=424&binn_rubrik_pl_articles=108 11.12.2011 г.

³ Самаров Р. Сиёсий хавфсизлик асослари. Тошкент, "Академия", 2011, 29-бет.

⁴ Тишков В.А. Реквием по этносу. Исследования по социально-культурной антропологии. Ин-т этнологии и антропологии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. Москва, "Наука", 2003, 544 с.

⁵ Смирнов А. Национализм: нация коллективное действие: пустое означающее. "Логос", Москва, 2009.

⁶ Самаров Р. Сиёсий хавфсизлик асослари. Тошкент, "Академия", 2011, 96-бет.

⁷ Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, "Университет", 2007, 92-бет.

Ammo xalq millat darajasiga ko‘tarilganda, unga qo‘yilgan talablar ko‘lami, ichki mazmuni va mohiyati jihatidan jamiyat oldida mas‘uliyati yuz karra, ming karra yuqoridir. Millat termini qadimda va o‘rta asrlarda, asosan, kelib chiqishi bir bo‘lgan, iqtisodiy va siyosiy jihatdan umumiylik kasb etgan kishilar guruhiga nisbatan ishlatiladi. Bunday qaraganda, “millat tushunchasiga berilgan izoh etnos tavsifidan farq qilmaydi”.¹

“Millatchilik” tushunchasi o‘zining millatini ulug‘laydi, boshqa millat vakillari huquq, ehtiyoj, qadriyatlarini tan olmaslik va ularni kamsitishni anglatadi. Millatchilik tushunchasi milliy mahdudlik va mumtozlikni targ‘ib va tashviq qilishga asoslanadi va o‘z millatini ko‘klarga ko‘taradi, o‘zga millatlarga esa ishonchsizlik ruhi bilan yo‘g‘rilgan nazariya va amaliyotdir. Millatchilik tushunchasiga yuqoridagi zikr etilgani kabi tus berish keng tarqalgan bo‘lsa-da, ammo uning qamrov doirasini turlicha talqin qilish hollari mavjud. Xususan, sobiq Ittifoq davrida milliylikning har qanday ko‘rinishi millatchilik sifatida baholangan va millatchilik tushunchasi atayin soxtalashtirilgan edi. Hozirgi davrda ayrim tadqiqotlarda “millatparastlik”, “millatparvarlik” va “millatchilik” tushunchalarini mazmunan farqlash to‘g‘risida fikrlar bildirilmoqda. Xususan, ilmiy adabiyotlarda ta‘kidlanishicha, millatchilik millatlarning tengligini ikor etish, o‘z millatini boshqa millatlardan ustun qo‘yish, unga imtiyozlar yaratishga intilish, o‘z millatiga sajda qilish, unga xolis baho bermaslik, kamchilik va nuqsonlarini sezmaslik holatlari bilan talqin qilindi.

Ingliz tarixchisi A.Toyinbi “Millatchilik – dunyodagi eng kuchli mafkuradir, agar milliy manfaatlar konflikti paydo bo‘lsa, boshqa hech bir mafkura millatchilikka qarshi tura olmaydi”, deb yozgan. Shuningdek, millatchilik ko‘p qirrali va turli xil kombinatsiyalarda va turlicha shakllarda, xususan, an’anaviy, diniy, etnomadaniy konsepsiyalar (panislomizm, panamerikanizm va boshqalar) uchraydi.² Millatchilik mafkurasining asosiy mohiyati o‘z millatining boshqa millatlardan ustunligini targ‘ib qiladi. Millatchilik ekspansionizm, izolatsionizm, shovinizm, natsizm ko‘rinishlarida namoyon bo‘lishi mumkin. Millatchilik bir mamlakat doirasida turli qarama-qarshilikni keltirib chiqaradi, xalqaro miqyosda esa turli mamlakatlar xalqlari o‘rtasiga nifoq soladi. “Xalqaro qonunchilikka ko‘ra, millatchilik inson huquqlarini cheklash va siyosiy jinoyat sifatida baholanadi”.³ Biroq, millatparvarlikni millatchilik bilan aralashtirib yubormaslik kerak. Millatchilik o‘z millatini boshqa millatlardan ajratib olib, unga “buyuk”lik maqomini berishga intilish bo‘lsa, millatparvarlik deganda boshqa millatlarni kamsitmagan holda, o‘z millati ravnaqi uchun kurashishi tushuniladi. Chunki o‘z millatini sevmagan inson hech qachon boshqa millatlarni seva olmaydi. Albatta, bugun millatchilikning ijobiy jihatlari jamiyat hayotida ko‘zga tashlanmayotgan holdir. Uning salbiy jihatlari jamiyat va davlatning xavfsizligi uchun eng xavfli tahdidlardir.

Shu nuqtayi nazardan qaralganda, millatchilik, milliy-etnik munosabatlar bilan bog‘liq har qanday jarayon insonlarning turmush tarziga, o‘z imkoniyatlaridan to‘laqonli foydalanishga raxna solishi bilan birga, jamiyatning barqaror rivojlanishi uchun farovonlikka salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Yana shuni ta‘kidlash joizki, bugungi globallashuv davrida, millatchilik, ko‘p hollarda, siyosiy kurashlar etnik nizolarni keltirib chiqaradi.

Qanday shaklda bo‘lmasin, millatchilik g‘oyasi negizida boshqa millat va ularning madaniyatini kamsitish, mensimaslik kabi tuyg‘ular yotadi. Bunday qarashlar, aksariyat hollarda, millatning tarixiy rivojlanishi davomida ro‘y bergan adolatsizliklarda ham muayyan xalqlarni aybdor qilishga urinishlar bilan birga yuzaga chiqadi.

Umuman olganda, millatchilik, bir tomondan, boshqa millatlar bilan turli sohalaridagi o‘zaro foydali munosabatlardan mahrum qilib, millatning ma‘naviy qashshoqlashuviga sabab bo‘lsa, ikkinchi tomondan, jiddiy kelishmovchiliklarga zamin yaratadi. Millatchilik tuyg‘ulari butun millatni qamrab olgan va davlat tuzilmalari tomonidan qo‘llab-quvvatlangan hollarda esa u millatlararo munosabatlarning tarang holatda saqlanishiga, o‘zaro ishonchsizlik tuyg‘ularining ildiz otishiga, mavjud muammolarni hal etilishining cho‘zilib ketishiga va doimiy beqarorlik holatining saqlanib qolishiga sabab bo‘ladi. Millatchilik – shaxs yoki etnos ongining o‘ziga xos holati va ijtimoiy-ruhiy jihatdan yo‘naltirilgan oqim sifatida e’tirof etiladi. Ana shu omillar zaminida millatchilik nazariyasi, mafkurasi va amaliyoti vujudga keladi.

Shu o‘rinda, “millatlararo nizolar” tushunchasiga to‘xtaladigan bo‘lsak, millatlar o‘rtasida paydo bo‘ladigan nizolar hech qachon o‘z-o‘zidan vujudga kelmaydi. Albatta, bugun ko‘pgina fanlar, jumladan, “Sotsiologiya”, “Politologiya”, “Konfliktologiya”, “Psixologiya” hamda xavfsizlik yo‘nalishi bilan bog‘-

¹ Шу манба. 94-бет.

² Жумаев Р.З., Абдуллаев У.А., Хужанов Б.А. Конфликтология асослари. Т., “Академия”, 2000, 152-бет.

³ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғат. Тошкент, Ф.Ғулом нашриёти, 2009, 382 – 383-бетлар.

liq bo'lgan boshqa fanlarning asosiy o'rganadigan obyektiga aylangan millatlararo nizolar omili jamiyat va davlat barqarorligini ta'minlashdagi eng dolzarb mavzular qatorida e'tirof etilmoqda.

Milliy-etnik konfliktlarning kelib chiqish sabablarini aniqlash, ularning yuzaga kelish mexanizmlarini tahlil etish nafaqat nazariy ahamiyatga ega, balki shunday vaziyatlarning ichki va tashqi sabablarini farqlash, uning ta'sir etuvchi kichik elementlarini ham aniqlash, ularni bartaraf etishga jiddiy yondashish imkonini berganligi tufayli ham muhim hisoblanadi.¹ Mazkur jarayonni o'rganishda Xaos nazariyasi o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. Unda obyektga, ya'ni, muammoga tizim sifatida qaraladi va uning kichik elementlariga o'zgartirish yoki ta'sir ko'rsatilishi keng kulamdagi oqibatlariga hamda uning fizik xususiyatlarining o'zgarishiga olib kelishi nazarda tutiladi. Mazkur nazariyadan qudratli davlatlar o'z geosiyosiy va geoiqtisodiy manfaatlarini yo'lida keng foydalanib kelgan (SSSR – 1990, MDH davlatlarida).² Jumladan, geosiyosiy kuchlarning Markaziy Osiyodagi iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy va boshqa sohalarida vaziyatni keskinlashtirib, mamlakatda yashayotgan millatlarning g'ururi, or-nomusi, moddiy ahvoli, huquq va erkinliklari va boshqa omillarni bahona qilib, nizoli holatlarni yuzaga keltirishga intilishida ko'rinadi. Jumladan, 1986-yil dekabr oyidagi Olma-Otadagi voqealar, 1989-yildagi Farg'onadagi to'qnashuvlar, 1990-yilda Qirg'iziston shahridagi O'sh xunrezliklari, 1990-yil Dushanbe shahrida, 2005-yilgi Andijon hamda Qirg'izistondagi 2010-yil "iyun voqealari" Markaziy Osiyo xalqlari xotirasida fojia sifatida o'rin oldi.

Shu alohida ta'kidlash o'rinliki, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy sohadagi islohotlarni amalga oshirishda muvozanatning buzilishi mamlakat ichki barqarorligiga ham jiddiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Bugungi kunda, ko'pgina mamlakatlarda yashayotgan millatlar, elatlar va xalqlar o'z mustaqilligini qo'lga kiritdilar hamda o'zlari munosib deb bilgan taraqqiyot yo'lidan bormoqdalar. Ular mustaqillikni asrab-avaylash uchun milliy xavfsizlik tizimini barpo etdi va milliy taraqqiyotni belgilab beruvchi ustuvor yo'nalishlarni ishlab chiqadi.

Yuqoridagilarni umumlashtirgan holda, shuni ta'kidlash mumkinki, millatlararo munosabatlar, aloqalar hamda ziddiyat va nizolar bilan bog'liq masalalarni ilmiy-nazariy jihatdan o'rganish, o'rganilgan ko'nikmalar asosida esa jamiyatni barqarorlashtirish masalalariga ilmiy, amaliy yondashish muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda, asosan, mas'uliyat mamlakat fuqarosiga borib taqalsa-da, fuqaro tinchlik va osonyishtalik eng oliy ne'mat ekanligini his etishi lozim bo'ladi.

Demokratik jamiyat qurilishining eng asosiy tamoyillaridan biri – boshqa millat vakillarini kamsitmaslik, ularga titul millatga bo'lganidek munosabatda bo'lishdir. Chunki u yoki bu millat vakillari ham yashab turgan davlatning qonuniy fuqarolari hisoblanishini nazarda tutib, davlatning xalq oldida mas'ulligi yoki irqidan, ijtimoiy kelib chiqishidan, dinidan va tilidan qat'i nazar, mamlakat hududida istiqomat qiluvchi barcha fuqarolar qonun oldida tengligini ta'kidlash o'rinlidir.

Jumladan, mamlakatimizda amalga oshirib kelinayotgan siyosat, avvalo, milliy totuvlik va barqarorlikni ta'minlashga qaratilgan. Shu sababli millatlar o'rtasida do'stlik-qardoshlik munosabatlarini kengaytirish, millatlar totuvligi va ahilligini yanada rivojlantirish, milliy qadriyatlarni hurmat qilish, har bir millatning tili, urf-odatlarini va an'analarni muntazam ravishda amalga oshirish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Markaziy Osiyoda milliy-etnik omil mamlakatlar xavfsizligini ta'minlashning muhim omillaridan hisoblanadi. Bu esa mintaqadagi davlatlarda son jihatdan birmuncha kam bo'lgan boshqa millat vakillarining turmush tarzi, kundalik hayoti muhim masalalardan ekanligini bildiradi.

Bugungi kunda turli millatlar o'rtasida hamjihatlik barqaror rivojlanib kelganligi bois, bag'rikenglik ham noyob qadriyat sifatida mustahkamlanib bormoqda. Hozirda jahon miqyosida millatlarning o'zligini anglash, o'z manfaatlarini himoya qilish, urf-odat, an'ana va qadriyatlarini saqlab qolish hamda ularni dunyo xalqlari o'rtasida ommalashtirishga qaratilgan harakatlar kuchaymoqda. Bu jarayon qanchalik ijobiy bo'lmasin, o'z navbatida, turli millatlar va xalqlar o'rtasida o'zligini hamda manfaatlarini himoya qilishga bo'layotgan intilishlar tolerantlik tuyg'ularini tobora takomillashtirib borishni taqozo etadi.

¹ Жумаев Р.З., Абдуллаев У.А., Хужанов Б.А. Конфликтология асослари. Т., “Академия”, 2000, 145-бет.

² Теория «хаоса» <http://libsib.ru/menedzhment/tendentsii-razvitiya-menedzhmenta-osnovnie-etapi-nauchnie-shkolii-kontseptsii-upravleniya/teoriya-chaosa> 12.01.2012 г.

Рахмонов Суннатилло Мавлонович (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти (PhD)
докторанти; sunnat.rahmonov@inbox.ru)

НАҚШБАНДИЯ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИҚАТЛАРИ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Мазкур мақолада нақшбандия тасаввуфий таълимотининг Марказий Осиё тариқатлари ривожидида тутган ўрни ақс эттирилган. Тасаввуфда ҳар хил тариқатлар мавжуд. Нақшбандия тариқати ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан бошқа тариқатлардан ажралиб туради. Нақшбандия тариқати Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот ҳоялари орқали комил инсонни тарбиялашни тарғиб қилган ва умумбашарият тан олган тариқатдир.

Аннотация. В данной статье отражена роль Накибандия в развитии тарикаты Центральной Азии. В суфизме есть разные тарикаты. По своему содержанию Накибандий отличается от других тарикатов. Тарикаты Накибандия способствуют воспитанию идеального человека с помощью доктринальных идей, созданных Бахауддином Накибандом, и является общепризнанными.

Annotation. This article reflects the role of Naqshbandiya in the development of tariqas in Central Asia. There are different sects in Sufism. In its content, Naqshbandiya differs from other sects. The sect “Naqshbandiya” contributes to the education of the ideal person with the help of doctrinal ideas created by Bahauddin Naqshband and is generally accepted.

Калим сўзлар: тасаввуф, тариқат, зикр, нақшбандия, раиҳа.

Ключевые слова: суфизм, учения, зикр, нақшбандия, раиҳа.

Key words: Sufism, teachings, dhikr, nakshbandiya, rashkha.

Тариқатлар ислом динининг руҳи саналади. Тасаввуф таълимоти амалий ҳаётда “тариқат” деб юритилади. Тариқат – арабча “йўл” деган маънони билдириб, тасаввуф адабиётида “Аллоҳга яқинлашмоқ ва Унинг розилигига эришиш мақсадида юриш керак бўлган йўл” демакдир. Тариқат тушунчасидаги “йўл” атамаси моддий ҳаётдаги бир манзилни бошқасига туташтирувчи маъносида эмас, балки “руҳий камолот йўли” маъносида қўлланилади. Ушбу йўлга юрган киши эса “солик” дейилади.

Тариқатни тор доирада дин билан тенглаштирувчи фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, профессор Г. Наврўзова баъзи олимларнинг “Тариқат бу ислом дини, Аллоҳ таоллонинг амри, Расулulloҳнинг (с.а.в.) кадр-қиймати беқиёс, бебаҳо суннатидир. Бошқа ҳеч нарса эмас”, деб берган маълумотларга эътироз билдириб, “тасаввуф таълимотидаги тариқат тушунчаси таъмадан покланиб, Оллоҳ дийдорига етишиш, асл Ҳақиқат учун ҳаракат ва риёзат йўлидир” деб таъкидлаб, “Ҳақиқатга етган йўлчи учун тариқат йўли инсон руҳини олий ҳақ даражасига юксалтирадиган камолот йўли”, эканлигини эътироф этганлар.¹

Шариат ва бошқа илмларни ўрганиш йўллари турли-туман бўлганидек, тасаввуфда ҳам бир қанча тариқалар мавжуд. Ҳар бир тариқат ўзига хос йўлдан ҳақиқатга эришади. Тасаввуфий тариқалар хилма-хил бўлса-да, уларнинг асосий мақсади битта, яъни Ҳаққа яқинлашишдир.

Зикр тариқатларда энг муҳим амалий унсур бўлиб, тадқиқотчи олим Усмон Турар зикрнинг ҳолати, зикрнинг бажарилиш ва зикрда қўллаган услубига кўра уларни бир неча гуруҳларга таснифлаган. Зикр луғатда “эслаш”, “ёд этиш”, “хотирлаш”, “тилга олиш”, “баён этиш” каби маъноларни билдиради. Тасаввуфда эса зикр дин ва дунё саодатини қўлга киритмоқ мақсадида тасбех айтиш ёки Тангрини эслашдир. Тариқатларда зикрни жамоа бўлиб, ёки якка ҳолатда амалга оширганлар.

Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида кубравия, суҳравардия, мавлавия, чиштия, сафавия, ҳайдария, яссавия, қодирия, нақшбандия, жалолия, бектошия, шозалия, неъматуллоҳия, рифоия каби тасаввуф оқимлари вужудга кела бошлаган. Жумладан, нақшбандия, яссавия, кубравия ва ҳозиргача айрим Шарқ мамлакатларида сақланиб келаётган қодирия (Эрон ва Афғонистонда), Рифоия (Эронда), тайфурия (араб мамлакатларида), мавлавия (Туркияда), чиштия (Ҳиндистон ва Покистонда), бектошия (Туркияда), савафия (Эронда) ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу тариқатлар силсиласида нақшбандиянинг ҳам ўз ўрни бор. Нақшбандия тариқати Ўрта Осиё, Тур-

¹ Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т., “Фан”, 2007, 33-бет.

кия, Ҳиндистон ва бошқа ерларда энг кенг тарқалган тариқатлардан бири бўлиб, XIV аср ўртала-рида вужудга келган мумтоз тариқатларнинг охиригисидир.

XIV асрнинг иккинчи ярмида вужудга келиб, Ўрта Осиёда кенг тарқалган ва яссавия тари-катидан ҳам кучлироқ нуфузга эга бўлган нақшбандия тариқати Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг хо-жагон тариқати асосида вужудга келган. Нақшбандия тариқати ва таълимотининг ўқ илдизи Хо-жагон тариқати ва унинг намояндалари ирфоний меросидан озиқланади. Жумладан Ориф Ревга-рий ва Хожа Али Ромитаний илмий-ирфоний мероси ва уларнинг таълимоти Баҳоуддин Нақш-банднинг қарашларига кучли таъсир кўрсатган.

Хожагон тариқатига Абдулхолиқ Ғиждувоний (1180–1220) томонидан асос солинган бўлиб, Хожагон тариқатининг олти йирик Пири-муршиди – Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревга-рий, Махмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Амир Кулол билан еттинчи пир сифатида нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд қў-шилиб, ҳозирги кунгача мусулмон оламида “Етти Пир” номи билан машҳурдирлар. Хожагон тари-катининг асосий талаб ва ғояларини нақшбандияда тўла қабул қилиниб, ривожлантирилган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) эл орасида Баҳоуддин Балогардон, Хўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳурдир. Бухоронинг Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган Баҳоуддин Нақшбанд, Бобойи Самосий, Амир Кулол, Мавлоно Ориф Ревгарий, Халил ота, Қусам Шайх каби устозлардан сабоқ олганлар. Ғарибона ҳаёт кечириб, мис ва кимхобга нақш солиш би-лан шуғулланганлар. “Баҳоуддин” тахаллуси у кишига динни мустаҳкамлаш ва тараккий эттириш учун қилган хизматлари бекиёс бўлганлиги учун берилган бўлиб, маъноси диннинг фахри, бебаҳо-си демақдир. Яна асли исми Муҳаммад бўлган Нақшбандни “Баҳо ул Ҳақ ва дин”, деб шарафла-ганлар. Уни Ҳақ йўлни кўрсатувчи ва диннинг ёритувчиси даражасида деб айтганлар.¹

Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбандни “Шоҳ Нақшбанд” деган ном билан ҳам улуғлаганлар. Баҳоуддин Балогардон дейилишининг сабаби эса устози Шайх Бобойи Самосийнинг Нақшбандга қарата “Каромат килибдурларки, нозил бўлган бало сенинг барокатингдан даф бўлади”, деган сўз-ларига нисбат берилган. “Балогардон” балоларни қайтарувчи маъносини англатган.²

Баҳоуддин ориф, шайх даражасига етган комил инсон бўлиб, ўзи мустақил нақшбандия таъ-лимоти ва тариқатини асослаган. Нақшбандия таълимотининг вужудга келиши ва камолотида та-саввуф таълимоти ва тариқат арбобларининг хизматлари катта бўлган. Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яъкуби Чархий ва Ғиждувонийдир. Бундан таш-қари, Баҳоуддин зоҳиран бевосита мулоқотда бўлиб, Муҳаммад Бобои Самосий, Халил Ота, Баҳо-уддин Қишлоқий Диггароний, Саййид Амир Кулол, Ориф Диггароний ва Қусам Шайхдан тарбия олган.

Нақшбандия тариқати ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан янги тарбия усуллари, яъни суҳ-бат таълими, яширин, ботиний зикр, “анжуман ичра хилват”ни тарғиб қилиши билан ажралиб ту-ради. Яъни, Аллоҳга яқинлашишнинг бутунлай янги бўлган, сифат жиҳатдан аввалги тариқатлар-дан тубдан фарқ қиладиган ўн битта қоида, талаб ва усуллари ишлаб чиққанлиги шулар жумла-сидандир.

Баҳоуддин Нақшбанд, Нақшбандия тариқатига Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Ғиждуво-ний асослаган саккиз тамойилга учта янги – “вуқуфи замони”, “вуқуфи адади” ва “вуқуфи қалби”-ни киритиб, такомилга етказганган. Бу тариқатда ҳам “Даст ба кору дил ба ёр” шиор қилиб қабул этилган.

Нақшбандия тариқатидаги ўн бир асосий тамойиллар қуйидагилар бўлиб, уларга бу тариқат-га кирган ҳар бир солиқ риоя қилиши шартдир. Булар қуйидагилар:

Юсуф Ҳамадоний томонидан асосланган тўрт тамойил:

1. Хуш дар дам – ҳар нафасдан огоҳ бўлиш.
2. Назар бар қадам – ҳар қадамни кузатиш.
3. Сафар дар ватан – ботиндаги сафар, ахлоқни тузатиш.
4. Хилват дар анжуман – зоҳиран халқ билан ботинан ҳақ билан бўлиш.

Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан асосланган тўрт тамойил:

1. Ёд кард – Тангрини эслаш, зикр этиш.

¹ Шу манба. 65-бет.

² Наврўзова Г., Зойиров Э. Бухорои шарифнинг етти пири. Тошкент, “Muharir”, 2018, 27-бет.

2. Бозгашт – зикрдан кейин “Тангрим, мақсадим сенсан ва сени ризолигингни тилайман” иборасини такрорлаб, уни поклаш.

3. Нигоҳдошт – қалб ва хотира мууроқабаси.

4. Ёддошт – ҳар лаҳза Тангрідан огоҳ бўлиш.

Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган уч тамойил:

1. Вуқуфи замони – замон-вақтдан огоҳ бўлиш, уни асраш.

2. Вуқуфи ададий – сон-ададдан огоҳ бўлиш, тавҳидга етиш.

3. Вуқуфи қалби – қалб ҳолатидан огоҳ бўлишдир.

Нақшбандия тариқати, кейинчалик, Баҳоуддин Нақшбанд издошлари бўлмиш Хожа Аҳрори Валий, Махдуми Аъзам фаолиятлари туфайли нуфузи ошиб, Ҳиндистон, Арабистон, Туркия худудларига тарқалган.

Нақшбандияда тариқатга кирган толиб тавба қилиши, пайғамбаримизнинг суннатларига қатъий амал қилиши, шариатга зид бидъатлардан қочиши, тақвони кучайтиришга амал қилиши, зулм ва ноҳақлик қилмаслиги, қарзини тўлаши, розилик сўраши, қазо намозларини ўқиши, Тангрини ҳар лаҳзада зикр қилиши лозим.

Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт асос устига қурилган:

1. Шариат билан зоҳирни поклаш.

2. Тариқат билан ботинни поклаш.

3. Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ.

4. Маърифат ила Аллоҳга эришмоқ.¹

Баҳоуддин Нақшбанд шоҳу гадо баробарлиги тўғрисидаги адолатли ғояни илгари суриб, “Ҳожалик бандаликка тўғри келмас, Аллоҳ олдида барча баробар” деб айтган. Одамларга яхшилик қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб, “шам каби ёнгил, элга ойдинлик улаш, аммо ўзинг хилватда тургил” деб таъкидлаган. Нақшбандийликнинг асосий моҳиятини ташкил этувчи “Дил ба ёру даст ба кор” – “Дил ёр (Аллоҳ) билан, қўл иш билан банд бўлсин” шиори ҳамма учун, айниқса оддий халқ ва хунармандлар учун қўл келадиган шиорга айланган.

Айтиш жоизки, мазкур ҳаётбахш шиорда тасаввуфнинг назарий ва амалий жиҳатлари тугал ҳолга келганлиги ўз ифодасини топган. Баҳоуддин Нақшбанд илгари сурган “Дил ба ёру даст ба кор” шиорини яна-да соддароқ тарзда шундай изоҳлаш мумкинки, тасаввуф аҳлининг мақсади Аллоҳ васлига эришиш бўлса, бунинг учун тарки дунё қилиш, зоҳидлик йўлига кириши шарт эмас, балки Аллоҳни ҳар дамда дилда зикр этиб, қўл эса меҳнат билан банд бўлган ҳолда ҳам етиш мумкинлигини англатади.

Баҳоуддин Нақшбанд ислом динини ҳаёт, шахс ва оила билан, жамият равнақи билан боғлаб “Кам егил, кам ухла ва кам гапир” деб насиҳат қилганлар. Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу шиорга амал қилиб, аркону давлатга, барча мулозимларга айтар сўзим шу бўлди: “Кам енглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукаммаликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар”, деб таъкидлаган.²

XIV–XV асрларда ислом дини мафқураси билан бирга нақшбандия тасаввуфий таълимоти Марказий Осиёда кучли марказлашган давлат барпо бўлишига ёрдам берган. Ўша даврда Осиё ва Хуросонда ҳукмронлик қилган Амир Темур ва темурий шахзодалар ислом мафқураси ва тасаввуф таълимотига таяниб, давлатни идора қилганлар, мамлакат қудратини ошириш учун ундан оқилона фойдаланганлар.

XV–XVI асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия тўла тантана қилиб, гуллаган давр бўлган. Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келмаган.

Тариқатлар жуда кенг ёйилиб, тасаввуф таълимоти кишилар руҳиятига кириб бораётган XIV асрда яшаган Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф таълимотини мукаммал ўзлаштириб, комил инсон даражасида юксалган шахсдир. Баҳоуддин Нақшбанд ўзи мустақил равишда нақшбандия деб номланган тасаввуфий таълимот ва тариқатни яратган бўлиб, ушбу тариқатда комил инсонни тарбиялашнинг энг қисқа, энг мукаммал йўли тарғиб қилади. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” асари эса нақшбандия тариқатига ёзилган шарҳлар саналган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли ва мероси баркамол авлод тарбияси учун ибрат мактаби ҳамдир.

¹ Ислом энциклопедияси. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2017, 434-бет.

² Аҳмедов Б., Алимов А. Амир Темур ўғитлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007, 25-бет.

Аллабоев Жаҳонгир Джамолидинович (“Ипак йўли” халқаро Туризм университети тадқиқотчиси)
МЕҲНАТДАН БЕГОНАЛАШУВНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Ушбу мақолада жамиятда меҳнатдан бегоналашувнинг пайдо бўлиши фалсафий таҳлил этилган. Бугунги кунда жамиятда меҳнатдан бегоналашув хавфли тус олмақда. Замонавий ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, тўғри йўналтира олиш энг долзарб масалага айланиб бормоқда. Бунда оила ва таълим муассасаларининг жамоатчиликдаги ҳамкорлиги ёшларнинг меҳнатдан бегоналашувининг олдини олишга замин яратади.

Аннотация. В данной статье дается философский анализ возникновения отчуждения от труда в обществе. В современном обществе отчуждение от работы становится опасным. Наиболее актуальной задачей становится вовлечение современной молодежи в полезный труд, направление ее в правильное русло. В то же время сотрудничество семьи и образовательных учреждений в сообществе поможет предотвратить отчуждение молодежи от работы.

Annotation. This article provides a philosophical analysis of the emergence of alienation from labor in society. In modern society, alienation from work is becoming dangerous. The most urgent task is to involve modern youth in useful work, directing it in the right direction. At the same time, the cooperation of the family and educational institutions in the community will help to prevent the alienation of young people from work.

Калим сўзлар: бегоналашув, ёшлар сиёсати, анъана, урф-одат, кадрият, виртуал олам, қарамлик, глобалашув.

Ключевые слова: отчуждение, молодежная политика, традиции, обычаи, ценности, виртуальный мир, зависимость, глобализация.

Key words: alienation, youth policy, tradition, customs, values, virtual world, dependence, globalization.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янги ислохотлар замонавий ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Жумладан, ёшларнинг жамиятдаги энг фаол қатлам эканлигини инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январда “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муносабатлар мазмуни тубдан янгиланаётган айти пайтда ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ижтимоий зарурият сифатида қаралмоқда.

Бугунги замон ёшларини фойдали меҳнатга жалб этиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, тўлақонли таълим беришдан ташқари, унинг руҳиятидаги ўзгаришларни ўз вақтида англаш ва уларни тўғри йўналтира олиш ҳам муҳимдир. Юртимизда оила институтининг даражаси, оилада эр-хотин, ака-ука, опа-сингиллар, яқин қариндошлар муносабати асрлар давомида шаклланган бўлиб, ўзига хос ҳурмат ва эътибор асосига қурилган. Айниқса, луғатимиздаги биргина “Сиз” иборасининг қўлланиши оилада меҳр-муҳаббат, садоқат, ўзаро яқдиллик ва ҳурмат муҳитини шакллантиради. Лекин, атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қарайдиган, шунчаки кузатувчи бўлиб яшаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Бугунги кунда айрим ёшларимизда меҳнатдан бегоналашувнинг юзага келишида ижтимоий муҳит, оилавий ҳаёт, атрофдагиларнинг ҳам кучли таъсири сезилмоқда.

Замоннинг шиддат билан ривожланиши кишилар орасида ички тарқоқлик, бегоналашув ва меҳнатдан бегоналашув ҳолатларини юзага келтирмоқда. Инсонларнинг янгидан-янги ижтимоий гуруҳларга уюшиши ва катта мегополислар томон интилиши, ижтимоий тармоқларга муккасидан кетиши сабабларини ўрганиш меҳнатдан бегоналашувнинг туб моҳиятини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Дунёда, ҳаётимизда, ён-атрофимизда содир бўлаётган узоклашишлар, авлодлар ўртасидаги бегоналашув, инсонларнинг ўз менталитети, анъана ва урф-одатларидан воз кечиши бугун хавфли тус олмақда. Бегоналашув – бу ижтимоий-фалсафий тушунча бўлиб, кишининг жамиятдан, ўзи яратган муносабатлар ва объективлаштирилган нарсалардан четланлигини билдирувчи ижтимоий жараён. Бу бегоналашув, асосан, шахсда ижтимоий фаолиятсизликнинг, яъни, дангасалик-нинг юзага келиши, дахлдорлик ҳиссининг йўқолиб бориши, бефарқлик, жамиятга ҳеч бир наф келтирмаслик каби шаклларда намоён бўлмоқда.

Таҳлиллар натижасига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, йиллар давомида меҳнатга бўлган қарашлардаги бирёкламлик натижа бермаган. Кишиларда ишлаб чиқариш воситаларига бўлган ижтимоий мулкчилик муносабатлари, меҳнат фаоллигининг асоси барча ижтимоий иллатларнинг бош сабабчиси – хусусий мулкчилик деган нотўғри қараш ўзини оқламаган. Шахсий манфаатдорликни инкор этиш, жамоа ва жамият учунгина фаол меҳнат қилиш, иқтисодий мафкуравий мақсадларга бўйсундириш, меҳнат рақобати ўрнига сохта мусобақани жорий этиш меҳнатдан, ўз-ўзидан ва жамиятдан бегоналашув, боқимандалик кайфиятининг шаклланишига олиб келган, натижада жамият инкирози тезлашган.¹

Айтиш жоизки, давр ўтиши билан ҳаётдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида меҳнат жараёни ва меҳнат тарбиясига муносабат бугун ҳар қачонгидан ўзгариб бормоқда.

Меҳнат шахсни камол топтиришнинг муҳим омили эканлиги ота-боболаримиз тажрибасидан маълум. Меҳнат қадимдан инсон ҳаёти ва унинг фаровон турмуш кечириши учун моддий асос бўлиб келган. Шунингдек, меҳнат фақатгина моддий ҳаёт манбаигина эмас, балки юрт равнақи, унинг гуллаб-яшнаши ва кудратини оширишга ҳам хизмат қилган.

Халқимиз меҳнат инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжи эканлигини тушунган ҳолда, асрлар давомида ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор бериб келган. Халқ ўғитларида айтилганидай: “Инсон умрининг тўрт фасли бир-бири билан узвий боғлиқ. Агар умр баҳорини беғамликда, ёз фаслини лоқайдликда ўтказса, кузда ҳосили аттанг, умрининг охири – куз фасли эса ҳасрат-надоматдан иборат бўлади. Одамнинг умр баҳоридида чеккан қийинчиликлари ва машаққатлари умрининг куз фаслида ҳосил байрамига айланса, у энг бахтиёр инсондир”.²

Маълумки, оилада ва таълим муассасаларида ёш авлодга таълим-тарбия берилади. Уларга ўз иш тажрибаси, меҳнат малакалари, ижтимоий муносабатлар қонун-қоидалари ва ахлоқ меъёрлари ўргатилади, шунингдек, ўз вақтида тўпланган моддий ҳамда маънавий бойликлар мерос қилиб қолдирилади. Ёш авлод эса унга ўз тажрибасини қўшади, бойитади ва ўзидан кейинги авлодга етказилади. Шу тариқа, вақт ва авлодлар боғланиши рўй беради. Келажак ворислари миллий анъаналарни давом эттирувчилар ҳисобланади ва шунинг учун маҳорат, тажриба ҳамда билимлар анъанавий равишда авлоддан-авлодга ўтади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, миллий анъаналар, уларнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ўрганиш – тарбиявий омиллар билан боғлиқ турли хусусиятларни ҳам аниқлаш имконини беради. Яъни, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, тарбия жараёнини мазмунан бойитиш, кишилар ўртасидаги муносабатларни миллий характерга яқинлаштириш шулар жумласидандир.

Умуман олганда, анъана, урф-одат, қадрият каби тушунчалар мазмунига яхлит тизим сифатида қараш тарихий тажриба билан замонавийликнинг бирлашувини таъминлашга хизмат қилади.

Самарали ишлаб чиқариш бошқаруви тизимини юзага келтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бирга, жамоада ахлоқий-руҳий муҳитни яна-да соғломлаштириш, меҳнатдан бегоналашув каби ҳолатларнинг олдини олишга имкон яратади, Шунингдек, жамоа ходимлари онгида эртанги кунга ишонч ҳиссини шакллантиришда миллий анъаналарнинг ҳам ўрни беқиёсдир.³

Аммо, ўз навбатида, айтиш жоизки, глобаллашув ҳам ёшларнинг меҳнат тарбиясида миллий анъаналарга нисбатан бегоналашув таҳдидини келтириб чиқаришини унутмаслик лозим. Бегоналашув миллат вакилларининг ўз мероси, миллий анъана ва қадриятларига бефарқлик билан қараш эканлиги унутмаган ҳолда, ёшларни маънавий-мафкуравий куруллантини, уларда тарбия ўчоқларидан унутли фойдаланиш йўллари ривожлантириш керак. Шунингдек, немис социологи Э. Фромм “Дунёни моддий эмас, маънавий-руҳий тушуниш кўпроқ зарурдир”, деган фикрлари ҳам бугунги замон ўзгаришларида кишини теранроқ фикрлашга ундайди.

Бугунги кунда меҳнатдан бегоналашувнинг олдини олишда миллий анъана ва урф-одатларнинг беқиёс аҳамиятига моликлиги, шунингдек, ёш авлодни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда улардан фойдаланишнинг кўп қиррали ва мураккаб жиҳатларига эътибор қаратиш ҳамда кенг қў-

¹ Десслер Г. Управление персоналом. М., “Бином”, 1997, 56 с.

² Артикова М. Ёшларнинг меҳнат тарбиясида миллий анъаналарга нисбатан бегоналашув таҳдиди. Конференция материаллари. 2014, 41 – 45-бетлар.

³ Десслер Г. Управление персоналом. М., “Бином”, 1997, 299 с.

ламли тадқиқотлар олиб бориш заруриятини вужудга келтиради. Асосан, ёшларнинг меҳнатдан бегоналашувининг олдини олишда оилада ота-она, ўқув муассасаларида таълим берувчилар томонидан меҳнатни улуғловчи панд-насихатлар, ҳалоллик, ижтимоий бирдамликни ошириш борасидаги давра суҳбатлари ва анжуманаларни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ. Ёш авлоднинг меҳнатдан бегоналашувининг олдини олишда ва меҳнат тарбиясида халқимиз томонидан яратилган меҳнатни улуғловчи ўғитларнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Инсонинг ҳалол меҳнат туфайли ўз бахтини топиши, меҳнатнинг саодатга эришиш калити эканлиги тўғрисидаги ғоялар шулар жумласидандир.¹

Маълумки, қадимий урф-одатларимизга кўра, ўғил ва қиз боланинг ёши, кучи, зехнига қараб уй-рўзғор ишларига жалб этиш, уларга хўжалик юритишни, имкон даражада миллий руҳда кийиниш, тартиб билан ишлашни ўргатиш, яхши хулқни шакллантириш, ҳунар эгаллашга йўналтириш бурч ва анъана сифатида кадрланади. Лекин енгил-елпи ҳаёт, нарса-буюмнинг яратилишидаги машаққат, сабр-бардошни ҳис қилмаслик натижасида ёш авлодда меҳнатга ижтимоий бурч сифатида қараш, маълум фаолиятни бажаришда масъулиятни ҳис этиш, меҳнат ва унинг натижасидан фахрланиш, ўз ақлий ва жисмоний қобилиятини тўла намоён этиш каби сифатлар шаклланмай қолмоқда.²

Бизнингча, бу каби миллий анъаналаримизга нисбатан бегоналашув таҳдидининг ижобий ечимида оила ва таълим муассасаси ҳамда жамоатчилик ҳамкорлиги тизимида тўғри ишлар олиб бориш мустақкам ва амалий алоқаларнинг қарор топиши, катта авлод вакилларининг ўзлари шахсан ибрат ва намуна бўлиши ёшларнинг меҳнатдан бегоналашувининг олдини олишга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг меҳнатдан бегоналашувининг олдини олишда меҳнат самарадорлигига алоқадор инсонлар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликлари бекиёс натижа беради.

Меҳнат тарбияси замирида улкан вазифалар ётади. Меҳнат тарбияси, кенг маънода, шахс камолотини белгиловчи узлуксиз фаолиятдир. Шундай экан, мамлакатимизда меҳнат муносабатларини ислоҳ қилиш, меҳнатга ижодий тус бериш, меҳнатни рағбатлантириш ва ёшларнинг меҳнат тарбиясига эътиборни яна-да кучайтириш бугунги даврнинг долзарб талабларидан биридир. Ёшларнинг “устоз – шогирд” анъанаси асосида қўшимча касб-ҳунарни ўрганиши, спорт мусобақаларида қатнашиши, қизиқиш ва имкониятларини намоён этиши учун кенг йўл очиб бериш, ютуқ ва камчиликларини тўғри таҳлил қилиш уларнинг меҳнатдан бегоналашувининг олдини олади.

¹ Турдимов Ж., Музафаров Д. Королевство Мэри Кэй. “Экономическое обозрение”, 2004, № 7, с. 14.

² Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 47-бет.

Qurbonova Muhabbat Matyaqubovna (O‘zMU O‘zbek tilshunosligi kafedrasini mudiri, filologiya fanlari doktori, professor), Xirojiddinova Muattar Mansurovna (Qo‘qon davlat pedagogika instituti mustaqil tadqiqotchisi)

ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA RANG BILDIRUVCHI SIFATLARNING KONNOTATSIYASI

***Annotatsiya.** Til birliklarining konnotativ aspekti doimo tadqiqotchilarni qiziqtirib kelgan. Tilda mavjud birliklarni ko‘chma ma‘noda qo‘llab, yangi-yangi ma‘nolarni ifodalash, ta‘sirchanlikka erishish so‘zlovchining lisoniy qobiliyatiga, tafakkur darajasiga bog‘liq. Ayniqsa, badiiy uslubda til birliklarining konnotativ aspekti yaqqol namoyon bo‘ladi. Shu sababdan badiiy matnni bu jihatdan tahlil qilish juda qiziqarli, ayni paytda, juda dolzarb. Maqolada buyuk mutafakkir A.Navoiy asarlarida qo‘llanilgan rang-tus bildiruvchi leksemalar tahlil qilinadi va shu orqali tilimizdagi bunday sifatlarning ko‘chma ma‘nolari ochib beriladi. Maqolada struktur, qiyosiy, komponent va tavsiflash metodlaridan foydalanildi.*

***Аннотация.** Коннотативный аспект языковых единиц всегда интересовал исследователей. Выражение новых значений с использованием существующих единиц языка в переносном смысле, достижение чувствительности зависит от языковых способностей говорящего, уровня мышления. Коннотативный аспект языковых единиц особенно очевиден в художественном стиле. По этой причине анализ художественного текста в этом отношении очень интересен и в то же время очень актуален. В статье анализируются лексемы цвета, использованные в творчестве великого мыслителя А.Навои, и тем самым раскрываются переносимые значения таких качеств в нашем языке. В статье использованы структурный, сравнительный, компонентный и описательный методы.*

***Annotation.** The connotative aspect of language units has always been of interest to researchers. Expressing new meanings using existing units in the language in a figurative sense, the achievement of sensitivity depends on the linguistic ability of the speaker, the level of thinking. The connotative aspect of language units is especially evident in the artistic style. It is for this reason that the analysis of a literary text in this respect is very interesting and at the same time very relevant. The article analyzes the lexemes of color used in the works of the great thinker A.Navoi and thus reveals the portable meanings of such qualities in our language. The article used structural, comparative, component and descriptive methods.*

***Kalit so‘zlar:** konnotatsiya, o‘z va ko‘chma ma‘no, ta‘sirchanlik, sifat, rang-tus bildiruvchi so‘zlar.*

***Ключевые слова:** коннотация, выразительно-образное значение, выразительность, прилагательное, слова, обозначающие цвет.*

***Key words:** connotation, expressive and figurative meaning, expressiveness, adjective, words denoting color.*

Kirish. Konnotatsiya til birligining qo‘shimcha ma‘no ifodalaydigan qismi bo‘lib, u orqali nutqning emotsional-ekspressivligi, ta‘sirchanligi, ifodaviyligi ta‘minlanadi yoki so‘zlovchining nutq obyektiga munosabati yuzaga chiqariladi. Bunda konnotatsiya nutq subyekting ruhiy holatini, baho munosabatini, turli modal munosabatlarni ochib beruvchi semantik-pragmatik aspekt sifatida namoyon bo‘ladi.

O‘zbek tilshunosligida H.Ne‘matov va R.Rasulovlarning o‘quv qo‘llanmalarida, M.Mamadaliyeva Z.Mamarajabova, N.Ahmedova, E.Qilichev, B.Qilichevlarning ilmiy asarlarida muhim ma‘lumotlar uchraydi. Konnotatsiya masalasi barcha til birliklarida uchrashsa-da, rang ifodalovchi leksik birliklarda alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki rang bildiruvchi sifatlarning tilimizda ko‘chma ma‘nolarda qo‘llanuvchi eng faol birliklardir va ularda ijobiy va salbiy munosabat yoki ma‘no nozikligi ochiq-oydin ko‘rinib turadi. Tilning bu boy imkoniyati barcha so‘zlovchilar, xususan, ijodkorlar uchun nihoyatda qimmatli bo‘lib, bu kabi qo‘llanishlarning eng yuksak namunalarini badiiy matnlarda yaqqol ko‘rishimiz mumkin. Olim A.Lipgartning qayd etishicha, lingvopoetik tahlil semantik va metasemiotik tahlil asosida oydinlashadi. Metasemiotik tahlil tilning muloqot – xabar – ta‘sir etish vazifalari o‘rtasidagi o‘zaro aloqadorlikni namoyon etadi. Bu esa tilning ta‘sir etish funksiyasi, ya‘ni konnotativ aspekti lingvopoetik tahlilda muhim o‘rin tushinishini ko‘rsatadi.

Asosiy qism. XX asrdan e‘tiboran rus tilshunosligida til birliklarining denotativ va konnotativ ma‘nosi o‘rganila boshlangani ko‘pgina ishlarda qayd etilgan. Keyingi yillarda o‘zbek tilshunosligida ham so‘zlarning konnotativ ma‘nolari borasidagi ishlarning salmog‘i anchagina ko‘paydi. Xususan, A.G‘ulo-

mov, A.Hojiyev, A.Abdullayev, M.Mirtojiyev, R.Qo'ng'urov, Sh.G'oziyeva, S.G'oyibov, R.Hadyatullayevlarning tadqiqotlari aynan shu sohada bo'lmasa-da, muayyan bir aspektda ushbu muammoga daxldorligi bilan e'tiborni tortadi. Bir qator ishlar esa muammoning ana shu tomoniga e'tibor bergani bilan ahamiyatga molik. Xususan, M.Mamadaliyeva maqolasida konnotatsiya pragmatik hodisa sifatida baho munosabati bilan uzviy bog'liqligi ta'kidlangan. Z.Mamarajabova tadqiqotida esa konnotativ ma'noning ekspressiv bo'yoq asosida belgilanishi, ya'ni uning ekspressivlikka ishora qilishi qayd etilgan.

N.Ahmedova ishida bo'lsa har qanday konnotativ ifodada denotativ ma'noning saqlanishi, so'zlovchi o'zining pragmatik maqsadini namoyon etishda ana shu sema (belgi)dan uzoqlashmasligi ta'kidlangan. E.Qilichev, B.Qilichevlar konnotativ ma'noning (K) so'z semantikasidan (S) denotativ ma'no (D) ajralgandan keyin hosil bo'lgan ayirmaga tengligini ko'rsatgan. Ya'ni, $K=S-D$. Ularning qayd etishicha, so'zning konnotativ ma'nosi nafaqat kontekstda, balki muayyan sinonimik qatorda ham yuzaga chiqishi mumkin. Bunda konnotativ ma'no so'zlarning paradigmatic munosabati asosida belgilanadi. Shu nuqtayi nazardan, tilshunoslikda konnotatsiyaning ingerent va adgerent turlari farqlanadi. Ingerent konnotatsiya – bu so'zning kontekstdan tashqari olingan holatda anglanadigan, adgerent konnotatsiya – so'zning ma'lum kontekst asosida anglashiluvchi konnotativ ma'nosidir. Shuningdek, Z.Qodirov poetik matndagi poetik hosila sifatida, H.Ne'matov va R.Rasulovlar semema tarkibidagi ifoda, tasvir, qo'shimcha ma'no semalari (konnotativ semalar) sifatida izohlaydilar.¹

Yuqorida bayon etilganlar asosida xulosa qilish mumkinki, konnotatsiya denotativ ma'no ustiga qurilib, unga qo'shimcha ma'no (ekspressiv-emotsional ma'no) yuklovchi hamda nutq subyektiining voqelikka baho munosabatini ifoda etishga xizmat qiluvchi alohida aspektidir. Konnotatsiya masalasi rang ifodalovchi leksik birliklarda alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki rang bildiruvchi sifatlar tilimizda ko'chma ma'nolarda qo'llanuvchi eng faol birliklardir. Bu kabi qo'llanishlarning eng yuksak namunalari badiiy matnlarda yaqqol ko'rishimiz mumkin. Biz bu axborotimizda buyuk mutafakkir A.Navoiy asarlari misolida shu masalaga to'xtalishni lozim topdik.

Alisher Navoiy lirikasi, epik asarlarida so'zning, xususan, rang bildiruvchi sifatning konnotatsiyasi alohida o'rin tutadi. Aslida, Alisher Navoiy “asarlari tili so'z fondining tengsiz darajada boyligi (26 mingdan ortiq so'z ishlatgan), asarlari misralari sonining o'zigacha yashagan boshqa Sharq klassiklarining ko'pchiligiga nisbatan mo'lligi (ikki yuz ming qatordan ortiq), ko'plab yangi so'zlarni badiiy iste'molga olib kirgani, XV asrning ikkinchi yarmida o'zbek poetik adabiy tilida qo'llanishda bo'lgan va o'zi yangi olib kirgan (shoirning o'zi o'zbek tilida so'z yasash qoidalari asosida yasagan so'zlar) ko'pgina so'zlarga ko'plab yangi qo'shimcha ma'nolar berib ishlatgani, eski o'zbek poetik adabiy tilini ma'nodosh va zid ma'noli (antonim) so'zlar bilan boyitgani... eski o'zbek adabiy tili lug'at fondiga 1000 tagacha kishi ismlari (antroponim) va 300 tagacha joy nomlarini (toponimlar) til birligi sifatida badiiy vazifa bajarib poetik iste'molga olib kirgani... adibning so'z qo'llash sohasida qilgan xizmatlarining muhimlaridanidir, xolos”.²

Darhaqiqat, Alisher Navoiy asarlarida rang ma'nosini atovchi so'zlar soni va qo'llanish miqdorining ko'pligi bilan boshqa shoirlar asarlaridan anchayin yuqori turadi. Hozirgi vazifa Navoiy asarlarida uchrovchi rang nomlarini alohida-alohida tekshirish, uning asarning temasi va janriga bog'liqligini ko'rsatishdan iboratdir.³

Har bir xalq madaniy hayoti tarixida rang bildiruvchi sifatning o'rni va ularning ijtimoiy hayotdagi mavqeyi alohida ahamiyat kasb etishi ma'lum. Rang bildiruvchi sifatning, avvalo, neytral va ko'chma ma'nolarini yaxshi ajrata bilish darkor. Shundagina rang bildiruvchi biror sifatning denotativ ma'noda kelgani yoxud konnotativ ma'noda istifoda qilinganini fahmlab olish imkoni yuzaga keladi. Masalan, *oq* so'zi barcha xalqlarda ijobiy baholash ottenkasiga ega bo'lsa, *qizil* so'zi bir xalqda ijobiy, yana bir xalqda salbiy ma'no bildirishi mumkin. Yoki *qora* so'zi qadim turkiylarda rang ma'nosida neytral ma'noda ham, ulug', buzruk, beqiyos ma'nolarida konnotativ ma'noda ham keng ifodalagan bo'lsa, “qora niyat”, “qora kiydi” birikmalarida yana shunday ko'chma ma'no ifodalab, salbiy ottenkaga ega bo'lgan. Bundan tashqari, rang bildiruvchi so'zlarning turkiy, forsiy va arabiy variantlari og'zaki va yozma poetik tilda birday

¹ Ne'matov H., Rasulov R. O'zbek tili sistem leksikologiyasi asoslari. T., “O'qituvchi”, 1995, 58-bet.

² Ahmedova N. O'zbek tilida murojaat birliklarining semantik-konnotativ tadqiqi. Filol. fan. nomzodi ...diss. avto-ref., T., 2008, 184-bet.

³ Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik, 1-jild, T., G'G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011, 186-bet.

ishlatilavergan. Navoiy ijodida istifoda etilgan rang bildiruvchi sifatlarning bunday shakllarini quyidagicha tizimlashtirish mumkin:

- 1) oq – oppoq – bo‘z – bayzo – safed;
- 2) qora – qaro – qara – tiyra – savdo – siyah – mushkin;
- 3) sariq – sorig‘ – soriq – zard – za‘far – za‘faron;
- 4) qizil – alvon – hamro – nor;
- 5) yashil – zangor – hazro;
- 6) qo‘ng‘ir – jigarrang – sandaliy;
- 7) ko‘k – moviy.

Kuzatishlarimizga ko‘ra, Navoiyning birgina “G‘aroyib us-sig‘ar” devonida rang bildiruvchi *qora* so‘zining bir necha yuz o‘rinda istifoda qilib, shaklda ham, mazmunda ham uning turli variantlaridan foydalanganligini ko‘rish mumkin. Misollarga murojaat qilaylik. “G‘aroyib us-sig‘ar”da *qora – qaro – qara* sifatlari denotativ ma‘noda kelgan o‘rinlar anchagina. Jumladan, ushbu baytlarda *qora* o‘z ma‘nosida istifoda etilib, lirik timsol yaratish uchun xizmat qilayotganini ko‘rish mumkin:

*Pariyvashim qora bo‘rkinki, bir yon egri qilibdur,
Magarki sham‘i jamoli fatilasi egilibdur.*¹

Baytda “pariyvashimning kiygan bosh kiyimi qora rangda” deyilmoqda yoki boshqa bir baytda ham shoir mazkur rang bildiruvchi sifatni ayni o‘zining ma‘nosida istifoda qilganligini kuzatish mumkin. Bu baytdagi har ikkala *qaro* so‘zlarining birinchisi yuzingdagi xol siyah (bu so‘zning asli lug‘aviy ma‘nosi *qora* demakdir) xuddi oq sahifaga tomgani kabi yuzingda qop-qora bo‘lib ko‘zga tashlanib turibdi, deydi.

*Yuzungda xol safhada tomg‘an kebi qaro,
Xoling malohati tuz erurkim, qaroda bor.*²

Boshqa bir baytda shoir *qora* so‘zi bilan *mushk* variantini parallel qo‘llaydi. Ya‘ni, “Bu ma‘shuqa surma qo‘yib ko‘zini qoraytiribdimi yo Xo‘tan jayrani mushk (qora) ustiga ag‘anabdimiki, ko‘zi bu qadar qorayibdi, deydi shoir.

*Surma bilanmu ul oy ko‘zni qora aylamish,
Yo‘qsa Xo‘tan jayrani mushk ichida ag‘namish.*³

Rang bildiruvchi sifatlarni o‘z ma‘nosida istifoda etish shoirning lirik va epik she‘riyatida anchagina uchraydi. Biroq bunday so‘zlarni konnotativ ma‘noda qo‘llash bundan ham ko‘p ekanligi alohida diqqatga sazovor. *Qora* so‘zi yolg‘iz holda yoki ot turkumiga oid so‘zlar bilan birikib, uning rangini emas, boshqa belgilarini ifodalashga o‘tsa, unda konnotatsiya mutlaqo yangicha tus oladi. Bu o‘rinda *qora* sifati, hatto so‘zning boshqa turkumga ko‘chishini ham ifodalashga o‘tadi:

*Ne uchun kiymish qora haryon solib jaybig‘a chok,
Furqatingdin Ka‘ba gar qolmaydurur motam aro.*⁴

Bu o‘rinda “qora” sifati “motam tutmoq” ma‘nosiga ishora qilmoqda.

*Men o‘larmen g‘amdinu, yig‘lab kuyub boshimda sham‘
Dudidin chirmab qora har tun tutar shevan manga.*

Bunda esa g‘am-hijronni quyuqlashtirish ma‘nosiga ishora qilmoqda. *Qora* sifati shoir lirikasida ko‘p qo‘llanishining asosiy sababi shundaki, bu she‘riyatda bandaning Alloh va ta‘alodan, Payg‘ambar (s.a.v.)dan, solikning piri murshid nazaridan, real oshiqning ma‘shuqadan ayroilig‘ini ifodalash uchun tanlanganini to‘g‘ri qabul qilish lozim. Shuning uchun Navoiy she‘riyatida *baxti qaro, anbar soch, xoli mushkin, zulf savodi, qaro ko‘z, yuzi qaro, qaro yer, qoshi qaro* kabi sintaktik birliklar uchraydiki, bular shoir mahoratini belgilovchi unsur sifatida namoyon bo‘lgan.

Alisher Navoiy lirikasida emas, epik asarlarida ham rang bildiruvchi sifatlari ko‘p uchraydi. Chunonchi, shoir “Xamsa”sining to‘rtinchi dostoni “Sab‘ayi sayyor” dostonida rang bildiruvchi yetti xil sifat qahramonning ichki tuyg‘u va tug‘yonlarini ifodalovchi vosita sifatida ishlatilgan. Bilamizki, “Sab‘ayi sayyor” burjlar, sayyoralar, hafta kunlari, sayyoralar bilan bog‘liq yetti xil rangning uyg‘unligi asosida bosh qahramonning baxti-yu baxtsizligi, shodligi-yu hijronini ifodalashga xizmat qilgan. Yuqorida *qora* sifatining lirik she‘riyatidagi konnotatsiyasi to‘g‘risida so‘z yuritgan edik. Ayni shu maqsadni mazkur

¹ Shu manba. 167-bet.

² Shu manba. 172-bet.

³ Shu manba. 285-bet.

⁴ Shu manba. 27-bet.

bo'lgan dostonga ham tatbiq qilib ko'raylik. Dostonning XX bobining sarlavhasidayoq Bahromning qora kunini tunga ulagani haqida hikoya qiladi. Sarlavhadagi qoralik ma'nosini anglatuvchi *mushkfom libos, mushkin gunband, mushkbo' g'azol, mushkin boda, dudi qaro, shom so'z* va birikmalari konnotativ ma'nosi bilan e'tiborni tortadi: "Shanba kuni Bahromning mushkfom liboslar kiyib, gunbadi mushkinga xirrom qilib, g'azoli mushkbo' bila bodayi mushkin ichgoni va bu mashg'ulluq bila hijron o'tining dudi qaro qilg'on kunni shomg'a yetkurgoni".¹

Shunisi ahamiyatliki, masnaviyalarda ham qora sifatining turli konnotatsiyasini qo'llashga erisha olgan:

*Subhi shanbaki, shomi dayjuriy,
Yuziga hulla yopti kofuriy,
Qasri mushkinga qo'ydi yuz Bahrom,
Ichgali mushkbo' g'azol ila jom.
Lu'bati hindzodu chiniyvash,
La'li jonbaxshu sunbuli dilkash.
Hullasin oydek aylabon shabgun,
Durlar ul hulla uzra kavkabgun.
Taxt-u raxtini aylabon mushkin,
Mushk uza yer tutub g'azolai Chin.
Tutubon uyni mushkkin zulmot,
Mahvash ul zulmat ichra obi hayot.
Shah dag'i hulla mushkfom aylab,
Kirdi mahvash sari xirom aylab.*²

Xulosa. Xulosa qilib aytganda, har qaysi tilda rang-tus bildiruvchi leksemalar konnotativlikni ifodalashda keng imkoniyatga ega. Jumladan, o'zbek tilida ham bunday birliklar o'z denotativ ma'nosidan tashqari, turli xil ko'chma ma'nolarni ifodalab keladi va muallifning badiiy-estetik maqsadini ochib berishga xizmat qiladi. Shu boisdan iste'dodli ijodkorlar tildagi bu imkoniyatdan unumli foydalanishadi. O'zbek tilida rang-tus bildiruvchi leksemalarning konnotativ ma'nolarni ifodlashining eng go'zal namunalarini buyuk mutafakkir Alisher Navoiyning lirik va epik asarlarida ko'p uchratamiz. Rang bildiruvchi sifatlar shoirning badiiy niyati bilan uyg'unlashib, she'r yoki epik asardagi g'oyaning yanada yorqinroq chiqishini ta'min etishga hissa qo'shadi. Ayni chog'da, ularning konnotatsiyasi shoirning badiiy mahoratini ko'rsatishda alohida ahamiyat kasb etadi.

**Эсанова Муқаддамхон Иброҳимовна (Фарғона шаҳридаги Корея Халқаро
университети Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, ФарДУ тадқиқотчиси)
ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДАГИ ЎЗЛАШМА ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ МАВЗУ
ГУРУҲЛАРИГА ДОИР**

Аннотация. Мақолада глобаллашув даврида ўзбек тили лексикасига кириб келган сўзларнинг мавзуй гуруҳлари белгиланган ва гуруҳлаштирилган. Сўз ўзлаштиришида меъёр ва миллийлик ҳақидаги фикрлар берилган.

Аннотация. В статье определены и тематически сгруппированы слова, которые вошли в лексику языкового узбекского языка в период глобализации. Изложены идеи относительно нормы и национализации в усвоении слов.

Annotation. The article identifies and groups thematic groups of words that entered the lexicon of the Uzbek language in the era of globalization. Thoughts on norms and nationalism are given in word acquisition.

Калим сўзлар: сўз ўзлаштириши, глобаллашув, ўзлашма сўзлар, неологизм, меъёр ва миллийлик, муқобил лексема.

Ключевые слова: заимствование слов, глобализация, заимствованные слова, неологизм, норма и национализация, альтернативная лексема.

Key words: word acquisition, globalization, assimilation words, neologism, norm and nationality, alternative lexeme.

¹ Shu manba. 393-bet.

² Shu manba. 393 – 394-betlar.

Глобаллашув тушунчаси кейинги пайтларда инсониятнинг асосий қисмини молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларни ягона, илғор ва янги телекоммуникация ҳамда ахборот технологиялари асосида бошқаришга ўтиш деб тушунтирилмоқда. Глобаллашув феноменининг асосий омили сифатида инсон билиш жараёнининг мислсиз ривожланиши, яъни илмий-техникавий билимларнинг юксалиши ва бунинг натижасида инсоннинг Ер юзининг хоҳлаган нуқтасидаги объектни ёки юз бераётган ҳодисаларни индивидуал билиб олиш имкониятларининг пайдо бўлиши деб белгиланмоқда.¹ Демак, “глобаллашув” деган тушунчанинг замирида “бутун дунёни қамраб олиш”, “воқеа-ҳодисаларнинг глобал миқёс касб этиши” ётар экан, ўзбек турмуш тарзи ҳам глобаллашув жараёнларига тортилгани, табиий. Халқ турмушики глобаллашув жараёнларига тортилган экан, унинг тили ҳам глобаллашув таъсирига берилади. Бугун ўзбек тилининг барча вазилавий услубларида глобаллашув таъсири изларини кўриш, кузатиш мумкин. Албатта, бу таъсирлар айрим вазилавий услубларда бирмунча секин, бир қадар кам кўзга ташланади, аммо публицистик услубда, унинг турли жанрларида тезроқ ва кўпроқ акс этади. Негаки, публицистик услуб бошқа вазилавий услублардан фарқли ўлароқ, асосан, жамият ҳаётининг ҳозирги ҳолатидан баҳс юритади.²

Ҳақиқатан, глобаллашув ижтимоий ҳаётимиздаги барча соҳаларда ўз изини қолдириб келмоқда. Жумладан, ўзбек тилининг луғат фондида жуда кўп ўзлашма лексемалар пайдо бўлиб бормоқда ҳамда тилимизнинг луғавий бойлиги кейинги йигирма йил давомида, асосан, ўзлашма лексемалар ҳисобига ҳам кенгайди. Мустақилликдан аввалги 50 – 60 йил давомида ўзбек тилидаги ўзлашма лексемалар, асосан, рус тилидан ёки бўлмаса, рус тили воситасидан қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда ўзбек тилига рус тилидан бошқа тиллардан ҳам лексемалар ўзлаштириляпти. Бунинг сабаби Ўзбекистон халқаро алоқаларининг кенгайиши ҳисобланади. Чунки халқларнинг алоқаси натижасида тиллар алоқага киришади ва бунинг оқибатида маълум бир тилдан иккинчи тилга лексемалар ўзлашади.

Ё.Одилов “Глобаллашув даври публицистикаси тилининг тараққиёти” деб аталган монографиясида глобаллашув вақтида тилимизга кириб келган қуйидаги ўзлашма лексемаларни мисол қилиб келтирган: “Ўзбек тилининг чорак асрдан ортиқ мустақил тараққиёт даврида салмоқли миқдордаги янги сўзлар ўзлашди ва уларнинг аксарияти янги тушунчаларнинг номи сифатида миллий тилни бойитишгагина хизмат қилмоқда. Масалан: *авиакомпания, автогол, агробанк, агрофирма, андроид, аудиовизуал, баннер, бизнес-клуб, боулинг, бренд, генофонд, гигабайт, мегабайт, грил, дистрибьютор, драйвер, имиж, инновация, лаваш, логин, логистика, логотип, кластер, маркер, менежер, минибанк, ноутбук, оффшор, панел, педтехнология, пиксел, пинкод, планшет, промоутер, репродуктив, роуминг, селфи, сервер, скайп, скутер, спам, спарринг, терминал, ток-шоу, тренинг, трафик, фанклуб, фейсбук, фотошоп, хакер, хеттрик, транзит, интеграция, миграция, саммит, инвестиция, логистика, офис, менеджер, менежмент, смартфон* сингари ўзлашмалар ва улар ифодалайдиган тушунчалар ўзбек халқига хос оламнинг концептуал ва лисоний манзараларини бойитган”³.

Мазкур ўзлашма лексемалар қаторини яна ушбу ўзлашма тил бирликлари билан кенгайтириш мумкин. Чунончи: *бонус, риэлтор, дилер, пайнет, вайфай, панно, портфолио, коллеж, бакалавр, бакалавриатура, магистр, магистратура, дерби, технопарк, минимаркет, супермаркет, мегаполис, бургер, гамбургер, чизбургер, хотдог, лаваш, питца, булава, букмекер, терабайт, винчестер, флешка, дивидиром, сидиром, диск, кейс, патронаж, перинатал, коронавирус, ковид, гендер, инстанция, портал, виртуал, модератор, платформа, инновацион, криптовалюта, профил, профнастил, акфа, травертин, видеоселектор, вебинар, видеоконференция, зуум, субсидия, преференция, хостел, корпоратив, департамент, дизайн, дизайнер, органайзер, сенат, спикер, слайд, презентация* ва бошқалар.

Биз юқорида халқ ҳаётининг барча соҳаларида ўзлашма сўзлар борлигини айтиб ўтгандик. Энди шу нарсани соҳалар кесимида кўриб чиқамиз.

¹ Рузикулова М.Ю., Рауфжонова З.Т. Глобаллашув даврида фан ва таълимнинг долзарб масалалари. “Молодой ученый”, 2017, №4, с. 44.

²Одилов Ё. Глобаллашув даври публицистикаси тилининг тараққиёти. Монография, Т., “Nodirabegim”, 2020.

³ Юқоридаги асар. 49-бет.

Бошқарувга оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *сенат, парламент, спикер, менежмент, менежер, офис, меморандум, симпозиум, ратификация, брифинг* ва бошқалар.

Сиёсатга оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *фракция, электорат* ва бошқалар.

Иқтисодий соҳасига оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *инвестор, инвестиция, субсидия, преференция, кластер,*

Ҳуқуқий соҳага оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *консенсус* ва бошқалар.

Банк ишига оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *кредит, ипотека, терминал, пластик карточка, банкомат, банкинг, конвертация* ва бошқалар.

Спорт ва жисмоний тарбияга оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *булава, спарринг, хеттрик, дерби, аперкод, вар, мундиал, допинг, антидопинг* ва бошқалар.

Тиббиётга оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *патронаж, перинал, скрининг, коронавирус, ковид, доплер, томография, эндоскопик, репродектив* ва бошқалар.

Таълимга оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *тест, грант, коллеж, бакалавриатура, бакалавр, магистратура, магистр, портфолио, тренинг, семинар, антиплагиат, кластер, интерактив, маркер, пенал, штрих* ва бошқалар.

Туризм соҳасига оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *туроператор, мотел, хостел, гид, агротуризм, экотуризм, чартер, бизнескласс* ва бошқалар.

Ахборот-коммуникацияга оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *сервер, провайдер, браузер, онлайн, зум, платформа, интернет, сайт, вебсайт, вайфай, вебинар, видеоселектор, видеоконференция, блогер, модератор, виртуал, пайнет, роуминг, логин, пинкод, бонус, трафик, контент* ва бошқалар.

Электрон қурилмаларга оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *винчестер, гаджет, дисплей, жойстик, интерфейс, кейс, чип, симкарта, диск, дисковод, сидиром, дивидиром, флешка, виндовс, адаптер, бит, байт, мегабайт, гигабайт, терабайт, турникет, гаджет* ва бошқалар.

Озиқ-овқатга оид янги тушунчаларини ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *лаваш, питца, бургер, гамбургер, чизбургер, лаваш, суши, грилл, хотдог, попкорн* ва бошқалар.

Савдо-сотикқа оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *брокер, бартер, минимаркет, супермаркет, дилер, риэлтор, лизинг, биржа, лот, аукцион* ва бошқалар.

Қурилиш соҳасига оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *акфа, профнастил, травертин, таркет, гипсокартон, мдф, пенопласт* ва бошқалар.

Маданият соҳасига оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *сериал, видеоролик, триллер, мелодрама, продюссер, кастинг, клип, соунтрек, реп, репер, шоу-бизнес* ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигига оид янги тушунчаларни ифодалаётган ўзлашма лексемалар: *агрофирма, агрокластер, агротехник, кластер* ва бошқалар.

Ушбу ўзлашма лексемаларнинг халқ тилига ҳам, ўзбек адабий тилига ҳам тез сингиб кетганлигининг сабабларидан бири уларнинг янги тушунчаларни атаб келганлигидир. Н.Маҳмудовнинг “Тил тилсими тадқиқи” китобида ҳам хорижий ўзлашмалар янги тушунчани номи сифатида бирон-бир тилга қабул қилинса, ижобий ҳолат деб тушунилишини таъкидлайди.¹

Ўзбек тилига кириб келган янги ўзлашма сўзлар тилимизни ҳар қанча бойитмасин, бирибир, чет сўзларга салбий муносабатда бўлиш ҳолатлари кузатилади. Мазкур қараш эгалари бундай пуристик муносабатнинг сабабини она тилини соф сақлаш, дея изоҳлайдилар. “Бу жараёнларга тилшуносларнинг, филологларнинг, умуман, зиёлиларнинг муносабати ҳеч бир замонда айнан бир хил бўлган эмас, бу ҳодисани айримлар тилни бойитишга хизмат қиладиган ижобий жараён сифатида баҳоласалар, баъзилар тилнинг софлигига путур етказадиган, тамомила зарарли ҳодиса сифатида талқин қиладилар. Бунда керагидан ортиқ радикализм кўзга ташланадики, бу хорижий сўзни ўзлаштиришда меъёр масаласини, объектив омилларни, тилнинг табиий тараққиёт тамойилларини эътиборга олмаслик натижасидир”.² Аммо дунёда мавжуд 7000 га яқин тилнинг ҳеч бири соф ўз

¹ Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. Тошкент, “Mumtoz so‘z”, 2015, 146 – 147-бетлар.

² Ўша асар. 144-бет.

сўзларидан ташкил топмаганлигининг ўзи ҳам тиллар бири иккинчисидан сўз олиб ривожланишини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча ҳам, бирон-бир тилдан янги сўз қабул қилинишидан олдин, унинг миллий тилимиздаги муқобилини излаш ўринли бўлади. Сўз халқ тилига ўрнашиб кетгандан кейин ҳар қанча яхши ва мос муқобил лексема аниқланмасин, халқ тилидан чиқиб кетиши қийин бўлади. Чунончи, мустақилликнинг бошларида ўзбек тилида “резина идиш” маъносидаги *баклажка* сўзи ишлатилишга ўтди ҳамда жуда ҳам фаоллашиб кетди. Журналистлар, ёзувчи ва шоирлар баклажка атамасининг ўрнига кўплаб муқобил сўзларни топган бўлсалар ҳам, ҳануз халқимиз *баклажка* сўзидан фойдаланиб келмоқда. Демак, маълум бир чет сўзни қабул қилиш керакми, йўқми, деб ўйлалиб ўтиргунча, бу каби олинма сўзлар жуда шитоб равишда тилларга кириб бормоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун чет сўзни илк бор қўллаётган киши – у журналистми, соҳа мутахассисими, аввало, ўз-ўзига “шу чет сўзнинг ўрнини босадиган сўз тилимизда йўқмикан?” деган саволни бериши, ўзи қўлламоқчи бўлган ҳар бир янги олинма сўзга ана шундай муносабат, талаб билан ёндашиши лозим. Ана шундагина чет сўзларнинг халқ тилига кўплаб кириб келишининг олди олинган бўлади.

Narzullayeva Furuza Olimovna (BuxDU Tarjimashunoslik va lingvodidaktika kafedrası o‘qituvchisi) KONNOTATIV MA’NONING NUTQDA VOQELANISHI

***Annotatsiya.** Ushbu maqola so‘zlar denotativ va konnotativ ma’nosining nutqda voqelanish omillari tahliliga bag‘ishlangan bo‘lib, unda nutq subyekting borliqqa emotiv baholash va uslubiy belgilangan munosabatini ifoda etish vaziyat pragmatikasiga bog‘liqligi yoritib berilgan.*

***Аннотация.** Данная статья посвящена анализу факторов функционирования денотативного и коннотативного значения слов в речи, в которой также рассматривается зависимость субъекта речи от прагматики ситуации при выражении эмоциональной оценки и стилистической маркированности речи говорящего.*

***Annotation.** This article is dedicated to the analysis of the functioning factors of the denotative and connotative meanings of words in speech. It also investigates the interdependence of the subject of speech on the pragmatics of the situation in the process of expressing the emotional assessment and stylistic marking of the speaker’s speech.*

***Kalit so‘zlar:** konnotativ, denotativ, ekspressiv, semantik, pragmatika, til birliklari, ingerent, adgerent.*

***Ключевые слова:** коннотативное, денотативное, экспрессивное, семантический, прагматический, языковые единицы, ингерент, адгерент.*

***Key words:** connotative, denotative, expressive, semantic, pragmatic, language units, inherent, adherent.*

Kishilar orasida muhim aloqa vositasi bo‘lgan til nominativ, kommunikativ va ekspressiv bo‘lgan murakkab hodisadir. Tilning nominativ va ekspressiv funksiyaga ega ekanligi, til elementlarida, ayniqsa, so‘zda o‘z aksini topadi.

Tilshunoslar tilda ikki xil ma’no: denotativ (atash) va konnotativ (qo‘shimcha) ma’no mavjudligini qayd etadilar. So‘zning qo‘shimcha ma’nosi turli nomlar bilan ataladi. Chunonchi, stilistik bo‘yoq qo‘shimcha ma’no, ekspressiv ma’no ottenkasi. So‘z semantikasi faqat denotativ (atash) ma’nosi bilan cheklanib qolmay, so‘zda konnotativ ma’no ham mavjud. Keyingi davrdagi ilmiy ishlarda til birliklaridagi denotativ ma’nolar umumtilshunoslikda atroflicha o‘rganilganligi qayd etilgan.

So‘zning denotativ (atash) ma’nosiga bag‘ishlangan turli darslik, o‘quv qo‘llanmalari, monografik tadqiqotlar yaratilgan. Ammo, konnotativ ma’no til yaruslarining barchasida mavjudligiga qaramasdan, ular to‘g‘risida hali yetarlicha ilmiy xulosalar chiqarilmagan. Bu tilshunoslikda semasiologik yo‘nalishdagi tadqiqotlar olib borishni kuchaytirishini taqozo etadi.

Konnotativ ma’noning turlari, ularning so‘zni til va nutq elementi sifatida olingan holatlarda so‘z semantikasiga munosabati, shuningdek, fonetik vositalarda ifodalangan konnotativ ma’nolar, ya’ni, nutq tovushlarining talaffuzi bilan bog‘liq uslubiy xususiyatlar, tilda mavjud supersegment fonetik vositalarda ifodalangan qo‘shimcha ma’no “bo‘yog‘i” hamda morfologik birliklarda ifodalangan konnotativ ma’nolar tadqiqi kabi qator masalalar tilshunoslikda haligacha uzil-kesil o‘z yechimini topganicha yo‘q. Bu haqda tilshunoslikda turlicha qarashlar mavjud bo‘lib, ba’zi olimlar so‘zning konnotativ ma’nosi so‘z semanti-

kasi komponentiga kirmaydi, degan fikrlarni bildirsalar, boshqa tilshunoslar konnotativ ma'no so'z semantik strukturasi bevosita tarkibiy qismlardan biri, deb qaraydilar.

Ayrim tilshunoslar esa konnotatsiya so'z pragmatikasining bir qismi deb ta'riflaydilar. Ilmiy adabiyotlarda esa konnotatsiya denotatsiyaga ilova qilingan, til birligining konnotativ ma'no ifodasi, uning atrofini o'rab olgan qo'shimcha semalardir, degan ta'riflar mavjud.

Konnotatsiya til birliklari semantikasiga kiruvchi semantik mavjudlik bo'lib, u nutq subyekting borliqqa emotiv baholash va uslubiy belgilangan munosabatini ifoda etadi. Tilshunoslikda konnotatsiyani tadqiq etishda xuddi shu tarzda pragmatik baho hisobga olinmoqda. Pragmatika hozirgi davr tilshunosligida nisbatan torroq ma'noda tushuniladi. Fikrimizcha, tilda doimiy (turg'un) holatga ega bo'lgan pragmatik axborot lingvistik qiziqish tug'dirdi. Ushbu fikrdan kelib chiqib, biz pragmatika deb so'zlovchi tomonidan til birligida mustahkamlangan quyidagi uch narsaning baholashini tushunamiz: axborot predmeti bo'lgan borliqni, axborot mazmunini va adresatini.

Bevosita "pragmatika" termini akademik V.V.Vinogradov ishlarida uchramaydi, ammo u tilning turli birliklarida real pragmatik ma'lumotlar mavjudligini qayd etadi.

"Pragmatika – hodisa, predmetni anglatib, so'z, shu bilan birga, uning dinamik butunlikdagi, tarixiy borliqdagi aloqa va munosabatlarini ham bildiradi." Borliqning bir bo'lagini" va bu bo'lakning mazkur borliqning boshqa unsurlariga nisbatan munosabatini tushunishini aks ettiradi. Bu munosabatlarning muayyan davrdagi jamiyat va xalq tomonidan qanday anglashilgani va anglashilayotganini aks ettiradi".

Konnotatsiya so'zining birinchi marta tilshunoslikda termin sifatida qo'llanilishini kuzatish murakkab. Biroq, shuni aytish mumkinki, XIX asrning o'rtalarida sinonimik lug'atlar nazariyasi va ularni yaratish amaliyoti bilan bog'liq bo'lgan ingliz leksikografik adabiyotida "konnotatsiya" terminining ikki xil ma'nosi shakllangan. Birinchidan, konnotatsiya – so'zning izohida bevosita kiritiladigan leksik ma'nolarning "qo'shimcha" (modal, emotsional-ekspressiv) elementlari deb qaralgan. Ikkinchidan, konnotatsiya – narsa va borliqning boshqa obyektini qonuniy baholash so'zining bevosita leksik ma'nosiga kiritilmagan. XIX asrga kelib, konnotatsiya so'zining yuqorida ko'rib chiqilgan ma'nolaridan tashqari, yana bir necha ma'nolari (izohlari) borligi aniqlandi. Ushbu izohlar talqinida konnotatsiya terminiga turli ta'riflar berilganligi aniqlandi. Chunonchi, konnotatsiya denotatsiyaga qarama-qarshi ma'no (logik qarash); konnotatsiya so'zning sintaktik valentligi (psixolingvistik qarash); konnotatsiya – majoziy unsurlarga (elementlarga) asoslangan ko'chma ma'no; konnotatsiya leksik ma'noning majburiy bo'lmagan, qo'shimcha ikkinchi darajali (fakultativ) unsuri (element) ekanligi qayd qilgan.

Yevropa va rus tilshunosligida konnotatsiya, konnotativ ma'no terminlari I.A.Melchuk, L.I.Iordanskaya, A.K.Jolkovskiy, K.Byuler, A.V.Isachenko, R.Tokariy, Y.Bartminskiy kabi yetuk olimlarning ishlarida uchraydi. Konnotatsiya so'zining evolutsiyasi va uning turlicha qo'llanishi ta'rifi A.V.Barovskiy ishlarida to'liq yoritilgan. Ammo shuni alohida ta'kidlash lozimki, Y.J.Uotli XIX asrning eng mashhur kitobi "Selection of synonyms" (1951) "Sinonimlar saylanmasi" so'zboshida konnotatsiya so'zining izohida bevosita kiritiladigan leksik ma'nolarning qo'shimcha (modal, emotsional-ekspressiv elementlari) deb ta'riflangan. Keyingi yillarda lisoniy birliklarning konnotativ aspektiga qiziqish ortgan bo'lsa-da, konnotatsiya tushunchasi turli fan doirasida turlicha talqin etilmoqda. Jumladan, uslubshunoslikda konnotatsiya-ga uslubiy ma'no sifatida qaralib, uni emotsional bo'yoq bilan bog'lab o'rganiladi.

Tarjimashunoslikda konnotatsiyaga pragmatik ma'no sifatida qaraladi. Ma'noni sistem aspektida o'rganuvchi semasiologlar konnotatsiyaga ekspressiv bo'yoq, emotiv ifoda tarzida qaraydilar. Psixologik yo'nalishdagi tadqiqotlarga esa konnotatsiyaga semantik assotsiatsiyalar sifatida yondashiladi. Ushbu terminga qanday baho berilmasin, baribir, uning asosiy vazifasi nutq pragmatikasi bilan bevosita va uzluksiz bog'langan ta'sir etish funksiyasidir. Bu ta'sir ifodalanayotgan fikrning so'zlovchi uchun qay darajada muhimligini adresatga yetkazish jarayonida yuzaga chiqadi. Nutq subyekti bo'lgan so'zlovchining borliqqa munosabati – bu baholashi muhim sanaladi. Lingvistika doirasida yuqoridagi sanalgan ma'nolarning saqlanib qolinishini tushunish ancha mushkul, chunki konnotatsiya terminini deyarli hamma ma'nolari uchun hozirgi tilshunoslik batafsil va mantiqan aniq tushunchalarga ega, ya'ni modallik doirasi, baholash komponenti, semantik-sintaktik valentlik va hokazo. Bunda konnotatsiya terminiga daxldor bo'lib faqatgina bitta ma'no (izoh) qoladi, bu berilgan so'zning nomi bo'lgan bog'liq obyektining mazkur tilda qonunlashtirilgan baholanishidir.

So'z semantik strukturasi o'rganishda ikki xil konnotatsiya mavjudligi qayd etiladi: ingerent konnotatsiya – so'z kontekstdan tashqari olingan holatda unga xos bo'lgan konnotativ ma'no va adgerent konnotatsiya – so'zda ma'lum kontekstda hosil bo'ladigan konnotativ ma'no. Ingerent va adgerent konnotatsiyani izchillik bilan farqlash lozim, chunki har ikkalasini farqlamasdan turib, na so'z semantikasini

o'rganish va na konnotativ ma'noni so'zning semantik strukturasi kirish-kirmasligini hal etish mumkin. Har qanday konnotativ ifodalarda denotativ ma'noga xos ma'lum semalar saqlangan. So'zlovchi pragmatik maqsadini namoyon etishda ana shu sema (belgi)ni nazarda tutadi. Shu sababdan denotatsiya subyektini baholash va tushunish vazifasini bajaradi. Shu boisdan konnotatsiyaga, oddiy birlashtiruvchi halqa sifatida emas, balki so'z (va boshqa til birliklari)ning barcha ma'nolari asosida obyektivlik va subyektivliklarni bog'lovchi vosita sifatida munosabatda bo'lish talab etiladi. Chunonchi, har qanday konnotativ ifodalarda denotativ ma'noga xos bo'lgan ma'lum belgi (semalar), albatta, ifodalangan bo'ladi. Til tadqiqotchisi M.Mamadaliyeva o'zining "O'zbek tilida nominativ birliklarning konnotativ aspekti" nomli ishida asosli faktlar bilan isbotlaydi. Uning fikricha, konnotativ ma'no tasodifan sodir bo'lmaydi, u ma'lum asoslarga tayangan holda paydo bo'ladi va har qanday konnotativ ma'noda denotativ ma'no saqlanadi.

Konnotatsiya hozirgi davrda uch yo'nalishda o'rganilmoqda. Birinchi yo'nalish semantik yo'nalish bo'lib, J.Yelmeslev, R.Barta ishlarida ko'zga tashlanadi. Ikkinchi yo'nalish psixolingvistik yo'nalish bo'lib, bu yo'nalishga xos fikrlar A.Leontev, L.Zalevskaya ishlarida olg'a surilgan. Uchinchi yo'nalish sof lingvistik yo'nalish bo'lib Sh.Balli, V.N.Teliya kabi tilshunoslarning ishlarida uchraydi. Ammo o'zbek tilshunosligida sof konnotativ yo'nalishda olib borilgan tadqiqotlar kam sonli bo'lib, pragmatikaga oid tadqiqotlardagina ayrim fikr-mulohazalar bildirilgan. Jumladan, o'zbek tilshunosligida ekspressiv bo'yoqning barcha turlarini o'z ichiga olgan tushunchalar keng tarqalgan bo'lib, ular quyidagilar: ekspressivlik (A.Abdullayev), uslubiy ma'no (G.Abdurahmonov, M.Sodiqova), metaforik ma'no (B.Umrzoqov), pragmatik ma'no (Z.Tohirova), stilistik sema (Sh.Rahmatullayev), ekspressiv ma'no ottenkasi (E.Begmatov), emotsional ekspressiv bo'yoq (A.Shomaqsudov, B.O'rinboyev), konnotativ ma'no (E.Qilichev, A.Mamatov, S.Karimov), fonetik vositalarda ifodalangan konnotativ ma'no fonografik vositalarda ifodalangan konnotativ ma'no fonosemantik vositalarda konnotativ ma'no. Tildagi barcha yaruslar bir-biri bilan uzviy aloqada bo'lgani kabi, fonetika va stilistika o'rtasidagi bog'lanish tufayli fonetik uslubiyat paydo bo'lgan. Fonetik vositalarda ifodalanayotgan konnotativ ma'nolarning jozibadorligi tilning turli yaruslarida o'zaro aloqadorlikda namoyon bo'lganligi sababli ular uslubiy imkoniyatlar katta bo'ladi. Odatda, tildagi biror xususiyat leksik va grammatik jihatdan to'la namoyon bo'lmasa, fonetik tomondan ekspressiv shakllantirish natijasida to'ldiriladi. A.Haydarov "Konnotativ ma'noning fonetik vositalarda ifodalangan konnotativ ma'nolarni tahlil va tadqiq qilgan. Uning fikricha, fonetik vositalarda leksik, morfologik hamda sintatik birliklarga qaraganda konnotativ ma'no kuchli ifodalanadi, uni besh punktda izohlaydi. Darhaqiqat, konnotativ ma'no komponentlarini tashkil qiluvchi "bo'yoqlar" fonetik vositalarda uchraydi va ular quyidagilar:

1. Nutq tovushlari tallafuzi bilan bog'liq konnotativ ma'nolarning aks etishi; so'zlarning tovush qiyofasini o'zgartirib aytish, tovush orttirilishi yoki tushirilishi, alliteratsiya, assonans kabilar orqali ma'no hosil qilish.

2. Baho komponenti – so'zda tasdiq yoki inkorni intonatsiya orqali ifodalash.

3. So'zda belgi (miqdor) darajasining kuchliligini bildiruvchi tovush cho'ziqligi.

4. So'zlovchining shaxs va hodisalarga nisbatan turlicha munosabatini ifodalovchi pragmatik ma'no, ya'ni urg'u va pauzalar orqali qo'shimcha bo'yoq ifodalash.

5. Nutqning vazifaviy uslublari bilan bog'liq qo'shimcha ma'no komponenti.

Yuqorida qayd qilingan konnotativ ma'no komponentlari bir-biri bilan uzviy bog'langan holda ro'yobga chiqadi.

Til sistemasidagi har qanday birlik nutq jarayonida turlicha voqelanadi. Leksik birliklar borliqdagi narsa va hodisalarni nomlaydi, shu bilan birga, so'zlovchiga ta'sir etish vazifasini ham bajaradi. Shu sababdan, leksemalarga atash vazifasidan tashqari turli qo'shimcha ma'no (konnotativ) ham voqelanadi. Nominativ birliklarning konnotativ ma'nolari, ularning yuzaga kelish sabablari, bu birliklardagi konnotativ ma'nolar tahlili tadqiqotchisi M.Mamadaliyevaning "O'zbek tilida nominativ birliklarning konnotativ aspekti" nomli ilmiy tadqiqotida batafsil yoritilgan. Uning fikricha, konnotatsiyaning asosiy vazifasi nutq pragmatikasi bilan bevosita va uzluksiz bog'langan ta'sir etish funksiyasidir. Bu ta'sir ifodalayotgan fikrning so'zlovchi uchun qay darajada muhimligini adresatga yetkazish jarayonida yuzaga chiqadi.

Shunday qilib, barcha til birliklari konnotativ ma'nolarga ega. Ular tilshunoslar tomonidan bir qadar o'rganilgan. Shunga qaramay, bu sohada ilmiy izlanishlarni yanada davom ettirish, ayniqsa, fonetik birliklardagi konnotativ ma'nolarni chuqur tadqiq etish davr talabidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abduazizov A. O'zbek tili fonologiyasi va morfonologiyasi. T., "O'qituvchi", 1992, 134-bet.

2. Abdullayev A. Hozirgi o'zbek tilida ekspressivlikning ifodalanishi. T., "Fan", 1983, 88-bet.
3. Axmedova N.Sh. O'zbek tilida murojaat birliklarining semantik-konnotativ tadqiqi. Filol. fan. nomz. diss. avtoreferati, T., 2008, 25-bet.
4. Saparova Q. Rus va o'zbek tillarining fonostilistik tizimlari haqida. "O'zbek tili va adabiyoti", Toshkent, 2001, 33-bet.

Салихова Нодира Нуруллоевна
(БухДУ Таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси ўқитувчиси
ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ УНДОВ СЎЗЛАРНИНГ ГРАДУАЛ СЕМАНТИКАСИ

Аннотация. *Ушбу мақолада градуалликнинг функционал-семантик категория сифатида хусусият, ҳаракат, ҳолат ва бошқаларнинг маъносини турли тил воситалари орқали ўсиш ёки пасайиш даражасида етказиб бериши акс эттирилган.*

Аннотация. *В данной статье рассматривается роль системного, всестороннего описания семантических особенностей и функционального назначения междометий как показателя градуальности.*

Annotation. *This article examines the role of a systematic, comprehensive description of the semantic and functional purpose of interjections as an indicator of graduality.*

Калим сўзлар: *кучайтириши, пасайтириши, восита, хусусият, даража, нутқ, семантика, градуаллик, ундов.*

Ключевые слова: *усиление, уменьшение, средство, особенности, уровень, речь, семантика, градуонимия, междометия.*

Key words: *strengthening, decreasing, means, features, level. speech, semantics, gradonymy, interjections.*

Турли даражадаги тил ходисаларига психологлар, тилшунослар ва файласуфларнинг лисоний шахс муаммосига кизиқиши коммуникатив ёндашув сабаб қайта тиклана бошланди. Ўз вақтида В.Гумбольдт «Инсонни тилсиз ўрганиб бўлмайди, тилни эса инсонсиз», деб таъкидлаган эди. Шак-шубҳасиз, ҳолат шундайки, агар тилнинг таҳлили сўзловчи ёки тингловчига нисбатан олиб борилмаса, унда у адекват бўла олмайди. Нутқ ҳолатининг маркази сўзловчи ҳисобланади. Инсон ўз онгида кўп ёки кам даражада меъёрдан четлашган ҳолда, тақдим этилган предметлар, ходисалар ва бошқаларни муҳраб олади. Бу ҳолат тилда градуаллик категориясининг мавжудлиги билан изоҳланади, чунки градуаллик семантикаси субъектнинг градация қилинаётган объектга нисбатан тилнинг ўлчов бирлиги маъносида қўлланилиши билан боғлиқдир.

Замонавий тилшуносликда градуаллик муаммосини ўрганиш, асосан, тўртта йўналишда олиб борилиши аниқланган. Биринчи йўналиш градациялашнинг «ҳамма жойда мавжудлиги билан тавсифланувчи» кўриниши – бунда градуаллик маъносининг «глобаллиги» кўзга ташланади, градуаллик маъносининг турли даражадаги функционал ва прагматик таҳлиллари амалга оширилади. Иккинчи йўналиш турли даражалардаги тил воситалари (фонетик, лексик, сўз ясовчи, морфологик ва синтактик воситалар)нинг градуал мазмунлари кўриб чиқилишини ўз ичига олади. Учинчи йўналиш градуалликни интенсивлик даражаси сифатида баҳолайди ва градуалликнинг табиатини тубдан акс эттиради. Тўртинчи йўналиш градуалликни сифат ва муносабатларнинг интенсивлик даражаси сифатида тадқиқ қилади. Шундай қилиб, ҳар бир ҳолатда ҳам ифодаланаётган хусусиятнинг намоён бўлиш даражаси ҳақида фикр юритилади.¹

Н.В.Халина градуаллик категориясини коммуникатив-функционал категория сифатида кўриб чиқиб, уни предметнинг, ҳолатнинг, ходисанинг тил даражасида сифатий ва миқдорий аниқликда шаклланишини акс эттиради, деб таъкидлайди.²

С.М.Колесникованинг таърифига кўра, градуаллик – бу функционал-семантик категория бўлиб, хусусият, ҳаракат, ҳолат ва бошқаларнинг маъносини турли тил воситалари орқали ўсиш ёки пасайиш даражасида етказиб беради. Градуациялаш ҳамда миқдор ва даражанинг намоён бўлиш белгиси сифатида юзага келган таассурот, сўзловчи томонидан қиёслаш даражаси, субъектив баҳо, миқдор ва даража маъноларини феълли ҳаракат усуллари билан расмийлаштирилиши ҳисобидан

¹ Пирматова М. Ундовлар ва гендер дифференциацияси. “Ўзбек тили адабиёти”, 3, Тошкент, 2013, 118-бет.

² Халина Н.В. Категория градуальности в слове и тексте. Барнаул, изд-во Алтайского гос. ун-та, 1993, 164 с.

яратилади. Градуациялашнинг моҳияти градациялар шкаласида градациялаш поғоналари кўринишида жойлашган градуацияланган ўлчамларнинг, сифат даражаларининг аста-секинлик билан ўсиб-пасайиб боришидан иборат. Градуалликнинг ўлчов бирлиги сифатида градусема юзага чиқади. Ҳар қандай (битта) кадам, градация шкаласи бўйича бир поғона юқорига (ўсиш йўналишида) ёки пастга (камайиш йўналишида) маъноларини (градуал маъно) англатса, градусема ҳисобланади. Агар градация поғонаси деганда янги маъно берувчи, градуалликнинг минимал ўлчов бирлиги тушунилса, унда градусема деб белгиланган атамани қўллаш имкони туғилади. Бу талкинда градусема деганда турли тил манифестацияларини (аффикслар, кўшимча товушлар, лексемаларни) тушуниш мумкин.¹ Ҳинд-европа тилларида, градуал лексика мавжудлиги назарда тутилиб, градуаллик ифодаси сифатида кўпроқ морфологик усул сермахсул, деб ҳисобланади.

Градуал лексика – бу градусемалар (хусусиятнинг миқдорини ва даражасининг ҳажмини билдирувчи маъно)ни ўз ичига олган, сўз ва сўз бирикмалари (фразеологик иборалар, мақоллар)дир.² Градуал лексика, сўзловчи ёки ёзувчи томонидан муайян мақсадга – предмет, ҳаракат, ҳолат ва шу кабиларнинг хусусиятини у ёки бу даражадаги миқдорини кўрсатишга эришиш учун қўлланади. Градуал лексика иккига бўлинади: асосий градуал лексика (сифатлар, предикативлар, феъллар, отлар) ва ёрдамчи градуал лексика (даража ва миқдор равишлари, юкламалар, боғловчилар, ундов сўзлар). Ёрдамчи градуал лексикага кирувчи тил бирликлари – градуаторлар ҳисобланади, чунки уларнинг вазифаси флекцион маъноларни кучайтиришдан иборатдир.

Градуатор атамаси иккиламчи номенклатурага (атамалар мажмуғига) эга: 1) градуатор – бу умумий градуацияловчи тушунча бўлиб, бир хусусиятнинг иккинчисига ўтишини амалга оширади; у метасўз вазифасини бажаради; 2) градуатор – бу хусусият намоён бўлиши даражасини кучайтирувчи ёки пасайтирувчи махсус восита. Мазкур тадқиқотда биз градуатор атамасининг иккинчи талқинидаги маъноси билан градуаллик кўрсаткичи атамаси маъноларини параллел равишда қўллаймиз.

Градуаллик, ўз ичига ягона семантик вазифани бирлаштирган, турли даражадаги ифода воситаларини ифодаловчи майдонни акс эттиради. Градуаллик вазифаси икки ёқлама амалга оширилади: 1) сифатнинг миқдорий мазмунини етказиш; 2) реал воқеликни тасвирлашга нисбатан градуал тил воситалари қўлланилганда ўлчов муносабатини етказиш.³

Градуал семантикада инсон омили гапнинг мақсади сифатидаги – градуаллик вазифасини ажратиб кўрсатишга, яъни мулоқот жараёнида градацияланаётган объект хусусиятининг катта-кичиклик даражасини кўрсатишга имкон беради.

Градуаллик семантикаси субъектнинг градацияланаётган объектга нисбатан қўллаётган ўлчов маъносини тил воситасида ифодалашни назарда тутди. Градуация субъекти (сўзловчи) реал воқеликда инсоннинг муайян бир ҳолатидан ёки умуминсоний меъёрлардан келиб чиққан ҳолда, аниқ предметга, ҳаракат хусусиятига у ёки бу миқдорини (даражасини) кўшимча қилади. Сўзловчи субъект, предмет ва объект ҳаракатининг у ёки бу даражадаги хусусиятини ифодалай туриб, идрок этишнинг глобал хусусияти билан ифодаланган, уни қуршаб олган кўламининг ҳар бир жиҳатини ажратиб кўрсатади. Сўзловчи субъектнинг мантиқий тушунчасидан келиб чиққан ҳолда, хусусиятининг ўлчови (даражаси) ифодаланаётган градуация объекти, унинг характери сўзловчинини объектив борлиқда ўраб турган предметларни қай даражада баҳолаши билан ифодаланади.

Градуация субъекти ва объекти орасида градуацион муносабатлар пайдо бўлади. Градуацион муносабатлар тушунчаси сўзловчи субъект томонидан ўрнатилади ва адресат томонидан қабул қилинади. Градуал муносабатларнинг моҳияти қабул қилинган меъёрларга нисбатан қиёсий меъёр ва ҳаракат даражаларида ифодаланади.

Мазкур тадқиқот ишида асосий эътибор ундов сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилида градуаллик кўрсаткичи сифатида ифодаланишини кўриб чиқишга қаратилган. Градуаллик категориялари семантик ва вазифавий моҳиятига кўра, ҳис-туйғулар, экспрессивлик, баҳолаш ва модаллик тушунчалари билан боғлиқ. Маъноларнинг градуаллашуви сўзловчи нутқининг экспрессивлиги билан кузатилади. Экспрессивлик – тил бирликларининг семантик-стилистик хусусиятларининг мажмуаси бўлиб, сўзловчининг нутқ мазмунига ёки нутқ адресатига бўлган субъектив муносабатларини

¹ Пирматова М. 114-бет.

² Шу манба. 113-бет.

³ Шу манба. 114-бет.

ифодалаш воситаси сифатида, унинг мулоқот жараёнида иштирок этиш қобилиятини таъминлайди.

Жонли нутқ ҳар доим экспрессив безалган, чунки «сўзловчи, унинг эмоционал ҳолати, кайфиятини, ички ишонч ёки ўзига ишончсизлигини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тасдиқлаши ёки инкор қилишини акс эттирувчи ифодаликка интилади ва бунинг натижасида у томонидан уни ўраб турган атроф-оламга ва нутқ субъектининг ўзига бўлган турли тавсифлар берилади».¹

Ундов сўзлар лексик экспрессив воситаларга киради. Тилнинг экспрессив воситаларини амалда қўллаш натижасида ҳар қандай тил бирликлари экспрессивлик ифодачиси бўлиб иштирок этишига имкон туғилади ҳамда уларнинг бирикиши ва ўзаро муносабатга киришиши нутққа экспрессивлик даражасини юклайди, яъни ифодавийликка, сўзловчи ҳис-туйғулари, кайфиятининг намоён бўлиши тил ва унинг алоҳида компонентларининг махсус воситалар орқали – кучайтириш қобилиятлари ёрдамида эришилади. Ундов сўзларнинг такрор қўлланиши ва матнда бир неча ундов сўзнинг биргаликда қўлланиши сўзларнинг турли маъно кирраларини очиш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, гапдаги ифодавийлик, таъсирчанликни оширади:

Вой, тасаддуғ-эй, эй, вой, тасаддуғ-эй! Хў-ўн болаларимиз бор-да, тасаддуқ! – деди Аълобуш, – Собиржонимни айтмайсизми, тунов кун хатойи, мандалинни посилка қилсам нима дейсиз, депти. Йўқ, дедим, тасаддуқ, йўқ, дедим. Ўзинг киявер, дедим. Маскопда ярашади бунақа кийимлар, дедим (Ўлмас Умарбеков. Совға).

Юқоридаги парчада икки марта градуал ҳолатда қўлланилган “вой”, уч марта қўлланилган “эй” ундовлар бадий асарда персонажлар характери, ички кечинмаларини очиб беришда муҳим роль ўйнайди. Ундовларнинг қайси сўзлар билан қўлланилиши ҳам фикрнинг таъсирчанлигини ошириш, қайси миллатга мансублигини очиб беришда катта аҳамиятга эга. Келтирилган мисолда ундовлар бошқа миллатлар тилида учрамайдиган “тасаддуқ” сўзи билан қўлланилар экан, ўзбек она характери очиб бериш, момоларимизнинг фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатлари чексизлигини ифодалашга хизмат қилган.

Градуацияланаётган мулоҳазаларнинг компонентлари бўлиб иштирок этаётган ундов сўзлар, ҳар доим ҳис-туйғуларга бой бўлади, чунки уларда муайян ҳис-туйғулар ифодаланади. Эмоциялар турли-туман ҳис-туйғулардир. Эмоциялар тўплами ўзининг намоён бўлиш интенсивлиги жиҳатидан жуда ранг-баранг ва ҳар хил бўлади. Қайд этиш лозимки, олим К.Э.Изард ўнта асосий эмоцияни ажратади: хурсандчилик, ҳайрат, қайғу, қаҳр-ғазаб, нафрат, жирканиш, қўрқув, уят, кизиқиш, айбдорлик ҳислари.² Эмоционал ҳолатларни объектив ўлчашнинг иложи йўқ, аммо ўта кучли ва ўта кучсиз, паст эмоционал ҳолатларнинг мавжудлигини тасаввур қилиш мумкин. Эмоционал ҳолатлар бутун мавжудлиги давомида ўз-ўзи билан қолиб кетиб, ўзининг интенсивлигини ўзгартиради. Эмоциялар қанчалик интенсив бўлса, уларнинг тилда ифодаланиши шунчалик экспрессив бўлади. Айнан экспрессив жиҳатдан бой бўлган гапларда бирор-бир нарсани кучайтирилгани акс этади, яъни градуаллик категорияси намоён бўлади.³

Гапнинг эмоционаллиги – бу нафақат сўзловчининг ҳис-туйғуларини намоён эта олиш қобилиятини билдиради, балки тингловчининг ҳис-туйғуларига таъсир эта олиш қобилиятини ҳам аңлатади. Тил тизимида эмоционаллик потенциал. У тилда баъзи эмоционал ифодалар воситаси борлигида намоён бўлади: эмоционал сўзлар, эмоционал фразеологик бирикмалар, мурожаатлар ва ҳоказо. Аммо бу воситалар ўзининг бутун бир эмоционал кучини муайян мулоқот жараёнидагина яққол кўрсата олади. Нутқий ифодавийлик асосини сўзловчи нутқида предметга нисбатан объектив мавжуд бўлган эмоция ва баҳонинг намоён бўлиши ташкил этади.

Ундов сўзлар градуаллик кўрсаткичи вазифасини бажаради ва сифатларнинг ҳажми, миқдори, эмоционал ҳолати, муносабати, инсоннинг психологик ва физиологик тавсифи, интеллектуал хусусиятлари, инсоннинг қобилиятлари, этик ва эстетик баҳоларнинг маъноларини таъкидлайди. Замонавий тилшуносликда ундов сўзларга предмет – мантиқий мазмунга эга бўлмаган ўзига хос ғуруҳдаги сўзлар деб қаралади.

¹ Алибаева Н.М. Бадий матнларда эмоционал гаплар. “Молодой ученый», № 4, Москва, 2017, с. 2.

² Карасик В.И. Культурные доминанты в языке. Языковая личность. Культурные концепты. Сборник научных трудов, Архангельск, «Перемена», 1996, с. 7.

³ Алибаева Н.М. 3-бет.

Жўрақулова Насиба Шамуровна (Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти; e-mail: Nasibazhurakulova@gmail.com)

АҲМАД ЯССАВИЙ ИЖОДИДА ЭР ВА ЭРАН ОБРАЗИ

Аннотация. *Мазкур мақолада Яссавий ҳикматларида эр, эран – илоҳий насиба эгалари тарихат мартабасидаги валий зот сиймосида гавдаланганига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, эр ва эран халқ ҳимоячиси, фазилатли йўлбошчи, инсоният орзу қилган маърифатпарвар шахс, ўғит берувчи устоз, шайх, муришид эканлиги мисоллар ёрдамида далилланди ҳамда бу масала юзасидан тегишли илмий хулосаларга келинди.*

Аннотация. *В статье особое внимание уделяется тому, что в мудрых поучениях Яссави эр, эран – обладатели божественного наследия, воплощены в образе хранителя секты. Также на примерах было доказано, что эр и эран – защитники народа, добродетельные лидеры, просветители, о которых мечтало человечество, учителя и наставники, шейхи, муришид, и по этому поводу сделаны соответствующие научные выводы.*

Annotation. *In this article, special attention is paid to the image of “er” and “eran” – possessors of divine destiny as a great person on the sect level. And er and eran were proved to be the defenders of nation, clever leader, educated persons in dreams of humanity, teacher, sheikh with the help of examples. Certain scientific conclusions were made on this issue.*

Калим сўзлар: *ориф, ошиқ, муришид, жўмард, зикр, нафс, авлиё.*

Ключевые слова: *просветитель, влюблённый, предводитель, великодушный, воспоминание, корысть, святой.*

Key words: *knowledge, lover, teacher, courage, mention, passion, saint.*

Туркий сўфиёна шеърятнинг асосчиларидан улуғ авлиё ва сўфий Аҳмад Яссавий ижодида Эр ва Эран лафзи нафс тарбиясида энг баланд мартабага эришган зотларга нисбатан қўлланилган. “Яссавийни билиш – бу инсон ақли, қалби ва руҳи сирларини теран англаб, комиллик мақомидан огоҳ бўлиш, Яссавий адабий меросига қизиқиш – кулнинг Яратувчисига бўлган ишқини англашнинг айнан ўзи” экан,¹ шайхул машоих ҳикматларидаги ирфоний маърифат эгаси ориф ва ошиқ кулларни бирлаштирувчи ном Эрандир. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида қолу ҳол ила йўл кўрсатувчи муришид ҳам, эътиқод ва ихлос йўлда собит солиқ ҳам, “Фақирлигим – фаҳримдир” шиори ила эргашувчи фақир дарвешлар ҳам эр ёхуд эран образида намоён бўлади. Тарикат асосчиси наздида, Ҳаққа етмоқ йўлини Эранлардек биладиган зотлар йўқ. Эр ва Эранлар комиллик йўлида жонини фидо қиладиган жўмардлар, ишқ ўтида куйиб-ёнган парвоналардир:

*Эранлари ушбу йўлда жондин кечти,
Зикрин айтиб, саҳарларда бағрин тешти.
Жафо тортиб, бу дунёнинг захрин ичти,
Ондоғ ошиқ роҳат билан етармукин?²*

Яссавий ижодида “Айтиб ўтгон Эранлардин йўлни сўргил”, “Эранларнинг йўлин сўраб юрдим ман”, “Эранларнинг орқасидан ҳаргиз колма, Йўлга кирган охир мурод топар, дўстлар” каби мисраларга жуда кўп ўринда дуч келамиз. Эранлар юрадиган қандай йўл борки, бу йўлдаги азоб-уқубатлар, турли кўргуликлар ҳақида тинимсиз баҳс юритилади, такрор-такрор эслатилади. Агар бу мақсад, у манзилнинг бори-йўғи ғам-қайғу бўлса, нега ҳикмат соҳиби эранлар ортидан боришга бу қадар орзуманд?! Эътибор беринг, бир ҳикматда Эранлар йўлига шундай таъриф берилади:

*Шариатда мурод улдур, йўлга кирмак,
Тарикатда мурод улдур, нафсдин кечмак,
Ҳақиқатда азиз жонни фидо қилмак,
Жондин кечмай ишқ шаробин ичса бўлмас.
Эранлари ушбу йўлда қадам урди,
Мужоҳада мунги бирлан амал қилди,*

¹ Иброҳим Ҳаққулов. Ижод иқлими. Тошкент, “Фан”, 2009, 115-бет.

² Хожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. Нашрга тайёрловчилар: И.Ҳаққулов, Н. Ҳасан. Масъул муҳаррир С.Сайфуллоҳ. Тошкент, “Наврўз”, 2018, 284-бет.

*Мукошафа ботин ичра маълум бўлди,
Мундоғ бўлмай мужоҳада қилса бўлмас.¹*

Демак, эрлар тариқатда, яъни руҳий тарбия камолотида муроди ҳосил бўлган авлиёлардир. Эранлар бутун умр нафсоний истақлари билан мужоҳада олиб бориб, кашфу каромат соҳибига айланган азиз зотлар тимсолидир. Маълумки, шариат сўфийнинг сулук йўлидаги илк манзили, тўрт эшикнинг дастлабкисидир. Зеро, шаръий қонун-қоидаларни тўлиқ ўзлаштирмай, кейинги манзилга ўтишнинг иложи йўқ. Диний амр ва шариат ҳукмларини адо этмасдан, тариқат аҳли сафига қўшилиш мумкин эмас. Умуман, Яссавий ижодида тасаввуфий йўлнинг тўрт босқичи, жумладан, шариатга алоҳида таъриф берилади, шаръий ҳукмлар ҳикматларнинг қат-қатига сингиб кетган. Зеро, “тасаввуф томони устунлик қилган ҳикматларида ҳам Яссавий бир шариат арбобидир. У шариатнинг моҳияти, шакли ва ҳазрати пайғамбарнинг суннатига мутлақ зайлда тобе эрур”.² Яссавий “Фақрнома” асарида ҳам Ҳазрат Алидан нақл қилинган сўфийликнинг қирқ мақоми ҳақида айтар экан, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат мақомларининг ҳар бирида ўнтадан даража борлигини таъкидлайди. Сўфийлар бу мақомларни эгаллаши шарт эканлиги, йўқса, комиллик даъвосидан воз кечиши кераклиги уқдирилади. Яссавий ҳикматларида эранлар тўрт босқичдаги қирқ мақомни адо этган авлиёлар, дея таърифланади.

Демак, Эрлар йўл пешволари, сир соҳиби валийлар, лохут оламида ҳайрат эгаларидир. Шу боис Яссавий йўл бошидаги толибга эранлар изин излаб, фоний дунё ҳавасларидан воз кечиш кераклигини, уларга хизмат қилиб, файзи футуҳ олиш саодат калити эканлигини бот-бот такрорлайди.

⁴ Жалилов К. Exam skills for teachers and learners of English. Тошкент, 2016, “Турон Замин Зиё”, 3-бет.

Талабгор чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва сертификатни олиш мақсадида тест синовида қатнашишга рўйхатдан ўтиш учун давлат Тест марказининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти орқали онлайн ёки бевосита давлат Тест маркази ва унинг вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига ариза билан мурожаат қилади. Талабгорнинг тушган аризаси давлат Тест маркази томонидан етти иш куни мобайнида кўриб чиқилади. Тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида талабгор рўйхатдан ўтказилади ҳамда тест синовида қўйиладиган талабгорлар рўйхатига киритилади. Тест синови гуруҳларнинг шакллантирилишига қараб, талабгор рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, олти ҳафта ичида ўтказилади.

Мазкур ҳужжатнинг 18-, 19-, 20-, 23-, 34-бандларига биноан тест синовларини ўтказиш вақти ва талаблари куйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тест синовларини ўтказиш вақти ва талаблари

| Дараж алар | “тинглаб тушуниш”, “ўқиш”, “лексик ва грамматик компетенциялар”, “ёзма иш” | “гапириш” |
|------------|--|-----------|
| A2, A2+ | 150 дақиқа | 10 дақиқа |
| B1, B1+ | 185 дақиқа | 15 дақиқа |
| B2 | 200 дақиқа | 15 дақиқа |
| C1 | 210 дақиқа | 20 дақиқа |

Тест синови ҳар бир бўлимнинг энг юқори баҳоси 30 баллни ва барча бўлимлар учун максимал баҳо 150 баллни ташкил этади. Тест синови якунлари бўйича энг юқори баллнинг 60 фоизидан кам (90 баллдан кам) балл олган талабгор даража шартларини бажармаган, деб ҳисобланади ва қайта қатнашиш учун, тест синовлари ўтказилган кундан бошлаб, камида бир ойдан кейин, чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва сертификатни олиш учун белгиланган тартибда ариза билан мурожаат қилиб, тўлов тўлаган тақдирда, тест синовларига қўйилади. Тест синовидан муваффақиятли ўтган талабгорга тест синови натижалари эълон қилинган кундан бошлаб, бир ҳафта мобайнида, давлат Тест маркази буйруғи асосида сертификат берилади.

2. Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларида иштирок этиш учун ўқитувчилар ариза билан давлат Тест марказига мурожаат қилади. Аризалар бевосита, почта алоқаси ёки Давлат тест марказининг интернетдаги расмий сайти орқали ҳар йили апрель ва ноябрь ойларида қабул қилинади. Ўқитувчи унинг аризаси давлат Тест маркази томонидан қабул қилинган кундан бошлаб, икки ой ичида тест синовидан ўтказилади. Тест синовлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ариза билан мурожаат қилган ўқитувчиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда, давлат Тест маркази директори томонидан тасдиқланадиган жадвал асосида ўтказилади. Тест синовлари ўтказиладиган сана, вақт, жой ва унда иштирок этадиган ўқитувчилар рўйхати тест синовлари ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин давлат Тест марказининг интернетдаги расмий сайтида эълон қилинади. Тест синовлари икки босқичда ташкил этилади. 1-босқичда ўқитувчининг тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар, ёзиш бўйича билим ва кўникмалари, 2-босқичда гапириш кўникмаси баҳоланади.

Тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар бўлимларидан ихтиёрий бири бўйича белгиланган максимал баллнинг 50 фоизидан кам балл тўплаган ўқитувчининг ёзма иши текширилмайди. Ёзма иши текширилмаган ёки ёзиш бўлими бўйича белгиланган максимал баллнинг 60 фоизидан кам балл тўплаган ўқитувчи тест синовининг 2-босқичига қўйилмайди. Тест синовининг 1-босқичи натижалари тест синови ўтказилган кундан сўнг икки ҳафта ичида эълон қилинади. Тест синовининг 2-босқичи унинг 1-босқичи натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафтадан кейин, бироқ икки ҳафтадан кечиктирмасдан ўтказилади. Гапириш бўлими бўйича белгиланган максимал баллнинг камида 50 фоизини тўплаган ўқитувчи мазкур босқичдан муваффақиятли ўтган ҳисобланади. Тест синовлари натижалари ҳар бир бўлим бўйича алоҳида ва умумий балл кўринишида қайдномада акс эттирилади. Ҳар бир бўлим учун максимал балл 30 баллни ташкил қилади. Гапириш бўлими бўйича тест синовлари ўтказилган кундан бошлаб, ўн кун ичида барча бўлимлар бўйича тест синови натижалари давлат Тест марказининг расмий сайтида эълон қилинади.

Тест синовлари топшириқлари куйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

♦**тинглаб тушуниш бўлими** – ўқитувчининг оғзаки нутқни тушуниш, эшиттирилган матннинг асосий мазмуни ва сўралган махсус маълумотларни англаб олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади, 30 та саволдан иборат бўлади, бажариш ва белгилаш учун 35 дақиқа вақт берилади;

♦**ўқиш бўлими** – ўқитувчининг ярим-аутентик ва аутентик матнларнинг асосий мазмунини ҳамда сўралган махсус маълумотларни англаб олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади, 30 та саволдан иборат бўлади, бажариш ва белгилаш учун 60 дақиқа вақт берилади;

♦**лексик ва грамматик компетенциялар бўлими** – ўқитувчининг тегишли грамматик тузилмалар ва сўзларни фарқлаш ҳамда уларни тўғри қўллай олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади, 30 та саволдан иборат бўлади, бажариш ва белгилаш учун 40 дақиқа вақт берилади;

♦**ёзиш бўлими** – ўқитувчининг грамматик тузилмалар ва сўзларни тўғри ишлатган ҳолда, берилган мавзулар бўйича яхлит матнлар ёза олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади, камида 150 та ва 250 та сўздан иборат жавоблар талаб қилинадиган 2 та мавзудан иборат бўлади, бажариш учун 60 дақиқа вақт берилади;

♦**гапириш бўлими** – ўқитувчининг грамматик тузилмалар ва сўзларни тўғри ишлатган ҳолда, саволларга жавоб бериш, берилган мавзу бўйича ўз фикрини билдириш ва асослай олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади ҳамда ўзи ҳақидаги саволларга жавоб бериши, берилган муаммоли вазиятларни изоҳлаши ва уларга нисбатан ўз муносабатини билдиришини назарда тутувчи 3 та саволдан иборат бўлади, бажариш учун 15 дақиқа вақт берилади.

Тест синовларининг тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар бўлиmlарининг ҳар биридан белгиланган максимал баллнинг камида 50 фоизини, гапириш ва ёзиш бўлиmlарининг ҳар биридан белгиланган максимал баллнинг камида 60 фоизини тўплаган ўқитувчилар тест синовларидан муваффақиятли ўтган, деб ҳисобланади.

Ўқитувчининг давлат Тест маркази томонидан бериладиган чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги малака сертификати бўйича C1 даражасига, IELTS (International English Language Testing System) сертификати бўйича 7,0 балл ва ундан юқори баллга, TOEFL (Test of English as a Foreign Language, IBT) сертификати бўйича 95 балл ва ундан юқори баллга, давлат Тест маркази ва Британия кенгаши томонидан ўтказиладиган “APTIS for teachers” тестларидан C даражасига, Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber), GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF (Diplôme approfondi de langue française), DELE (Diplomas de Español como Lengua Extranjera) сертификатлари бўйича C1 даражасига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжати чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовидан ўтганлик ҳақида маълумотнома ўрнида қабул қилинади.

Тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошларига ойлик устамалар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сонли қарори билан тасдиқланган таълим муассасаларининг қўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимлари лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорлари асосида белгиланади. Тест синовларининг ижобий натижаси 3 йил муддатга амал қилади. 3 йилдан сўнг ўқитувчи устама олиш ҳуқуқини берувчи тест синовларидан қайтадан муваффақиятли ўтиши лозим.

Комил Жалилов (2016) ўзининг “Exam skills for teachers and learners of English” китобида ҳар иккала тестнинг “Test specifications”ларини ёритган.¹ Тестлар даража ва тестнинг турига қараб, маълум миқдорда ўзгариб ва мураккаблашиб боради.

Мазкур тестнинг ижобий томонлари, унда инглизча термин билан айтадиган бўлсак, “Face validity” мавжуд, яъни мазкур тестлар давлат Тест маркази мутахасислари томонидан обдон ишлаб чиқарилган ва у олдин синовдан ўтказилган тест ҳисобланади. Шунингдек, унда “Gateway function”нинг мавжудлиги бўлиб, ундан муваффақиятли ўтган номзодлар ўқишга кириши ёки яхши ишга жойлашиш эҳтимоли катта ҳисобланади ҳамда унинг айнан шу тарафлари тестдан мотивация олишга олиб келади. Тестнинг формати ҳақида гапирадиган бўлсак, у қулай, асосан, кўп вариантли саволлардан тузилган ва C1 даражасидан ташқари бошқа даражаларда тинглаб тушуниш бўлимини икки марта эшитиш имконияти мавжуд.

Лекин, шу билан бирга, мазкур тестнинг ўзига хос камчиликлари мавжуд бўлиб, улар C1 даражасидан ташқари, бошқа даражаларда тинглаб тушуниш бўлимини икки марта эшитиш бу номзодларни нотўғри баҳолашга сабаб бўлиши, тестнинг турли хил савол турларига таянган ҳолда ишлаб чиқарилмаганлиги, берилган топшириқларнинг реал ҳаёт билан боғлиқ эмаслиги (Authen-

¹ Жалилов К. Exam skills for teachers and learners of English. Ташкент, 2016, «Турон Замин Зиё», 6-бет.

ticity), айнан ўқитувчилар учун яратилмагани, яъни кенг аудитория ёки турли ёшдаги номзодлари учун бир хил эканлидир. Шунингдек, унинг энг катта камчилиги, инглизча атама билан айтганда, салбий “Wash back”нинг борлигидир, номзодларга ижтимоий таъсири, муваффақиятсиз ўтганларга салбий таъсири, мотивациянинг сўниб бориши ва ҳоказолар. Юқорида санаб ўтилган тестнинг ижобий ва салбий томонлари унинг муҳокамали мавзу эканлигидан далолат беради ва унинг янада чуқурроқ тадқиқ қилиниши кераклигини билдиради.

Демак, кўриниб турганидек, давлат тест маркази томонидан тузилаётган тест стандартлаштирилган ва у номзодни тил кўникмалари бўйича текширади. Ўқитувчининг касбий маҳорати, унинг дарс бериши ва педагог эканлигини инобатга олиш бўйича эса текширмайди. CEFR ҳужжати асосида яратилган бўлса-да, мазкур тест ҳозирча маҳаллий даражада олиниши ва номзодларни баҳолаши мумкин. Бундан ташқари, миллий тест ўзининг тест спецификацияси ва даража дескрипторларига эга эмаслиги боис, у баъзи ҳолларда номзодларнинг ўз-ўзини баҳолай олмасликларига олиб келиши мумкин.

Norquziyeva Zebo Kamalovna (Guliston davlat universiteti; norkuziyevaz@mail.ru)
KOGNITIV IKKI TILLILIK KASBIY KOMMUNIKATSIYA SOHASIDA CHET TILI
KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISH

***Annotatsiya.** Maqolada ikki tilli ta'lim texnologiyasi, shakllanishi, o'zlashtirish va o'qitilish tartibi keltirib o'tildi. Ikki tillilik va uning mexanizmlari va bizga u nima beradi? O'qitilish vazifalari va shakllantirish usullari, pedagogik mahorat va uning texnologiyasi to'g'risida ma'lumot berilgan.*

***Аннотация.** В статье описана технология билингвального образования, формирование, освоение и порядок преподавания. Двухязычие, его последствия и то, что оно нам дает. Была дана информация о функциях образования и методах его формирования, педагогическом мастерстве и его технологии.*

***Annotation.** The article describes the technology of bilingual education, the formation, mastering and the order of teaching. Bilingualism and its consequences and what it gives us. Information was given about the functions of education and methods of formation, pedagogical skills and its technology.*

***Kalit so'zlar:** bilingvizm, ikki tillilik, o'qitilish texnologiyasi, ikki tillilik mexanizmi, kerakli qobiliyatlarni rivojlantirish, o'rganish texnikalar, vizual subyekt.*

***Ключевые слова:** билингвизм, технология обучения, механизм билингвизма, развитие необходимых навыков, методика обучения, визуальный субъект.*

***Key words:** bilingualism, teaching technology, bilingual mechanism, development of necessary skills, learning techniques, visual subject.*

Konsepsiya ikki tilli til ta'limi «ikki tilda (ona va ona tili bo'lmagan) talabalarning o'zaro bog'liq va teng darajada mahorat ko'rsatishi, ona va xorijiy til madaniyatining rivojlanishi, talabaning ikki tilli va biokultural (polikultural) shaxs sifatida shakllanishi va uning ikki tilli va biokulturatsion a'zoligi to'g'risida xabardorligi».

Shu munosabat bilan, ikki tilli tilda o'qitishning amaliy maqsadlari quyidagicha belgilanishi mumkin:

- ♦ fan bilimlarini ikki til (o'z ona va xorijiy) yordamida o'zlashtirish;
- ♦ talabalarning madaniyatlararo kompetensiyasini shakllantirish va takomillashtirish;
- ♦ o'quvchilarning ona va o'rganilayotgan chet tillarida kommunikativ kompetensiyasini rivojlantirish;
- ♦ talabalarning chet tilini faoliyatining turli sohalarida qo'shimcha mavzular (tilga oid bo'lmagan) ma'lumotlarni olish qobiliyatini rivojlantirish.

Ushbu maqsadlarni ro'yobga chiqarish talabaning tilshunosligini, ya'ni nutqiy so'zlarni yaratishga va tushunishga qodir shaxsni shakllantirishni anglatadi. Tilshunoslik shaxsining tarkibi odatda quyidagi tarkibiy qismlarni o'z ichiga oladi:

♦ qadriyat, mafkuraviy tarkibiy qism ta'lim mazmuni, ya'ni qadriyatlar tizimi yoki hayot ma'nolari. Til dunyoni dastlabki va chuqur ko'rinishini ta'minlaydi, dunyoning lingvistik qiyofasini shakllantiradi va milliy xarakterning shakllanishiga asoslanadigan va lingvistik dialog jarayonida amalga oshiriladigan ma'naviy vakilliklar ierarxiyasini shakllantiradi;

◆madaniy tarkibiy qism, ya'ni tilga bo'lgan qiziqishni oshirishning samarali vositasi sifatida madaniyatni o'zlashtirish darajasi. Nutq va nutqqa xos bo'lmagan xatti-harakatlar qoidalari bilan bog'liq maqsadli til madaniyati faktlarini jalb qilish aloqa sherikiga yetarlicha foydalanish va samarali ta'sir qilish ko'nikmalarini shakllantirishga yordam beradi;

◆shaxsiy tarkibiy qism, ya'ni bu shaxs, chuqur, har bir odamda.

Shunday qilib, milliy xususiyatga ega bo'lgan tilshunoslik uchun to'g'ridan to'g'ri parallellikni jalb qilish mumkin emas, ammo ular o'rtasida chuqur o'xshashlik mavjud. Shuni ta'kidlash kerakki, buyuk nemis tilshunosi Vilgelm fon Humboldt tilni dunyoning manzarasini o'ziga xos ko'rish sifatida xalqning ma'lum bir ruhiy energiyasi deb hisoblagan. Binobarin, tilshunoslik shaxsini chuqur milliy hodisa¹ sifatida talqin qilish va ma'lum bir til – o'ziga xos tilshunoslik (masalan, rus – rus tilining o'ziga xos xususiyati) bilan bog'liq holda ko'rib chiqish mumkin.

Chet tilini o'rganishga kelsak, “tilshunoslik shaxsiyati” tushunchasi bilan bir qatorda, boshqa madaniyat vakillari bilan o'zaro munosabatda bo'lish qobiliyatining yig'indisi sifatida tushuniladigan lingvodidaktik kategoriyani “ikkinchi darajali lingvistik shaxs”, deb hisoblash kerak. Bunday holda, ona va xorijiy tillardan foydalanish parallel ravishda amalga oshiriladi.

Ikkilamchi lingvistik shaxs tushunchasiga muvofiq ikkinchi darajali lingvistik shaxs sifatida o'zini anglash quyidagilarni ta'minlaydi:

◆o'zini-o'zi anglash, umuman, tilshunos shaxs sifatida, shu jumladan motivatsion darajani, lingvistik darajani va semantik darajani;

◆matn faoliyatida tildan foydalanish qobiliyati – aloqa;

◆o'z-o'zini rivojlantirish qobiliyati, ijodiy matn faoliyatini ta'minlash uchun.

Hozirgi vaqtda fiziologiya va psixologiya ma'lumotlari ikkinchi tilni o'rganish nafaqat leksik birliklarni, vaziyatlarni tanlash va grammatik shakllar va tuzilmalarni assimilatsiya qilish natijasida til materialini to'plash emas, balki o'zaro ta'sir o'tkazish uchun odamning nutq mexanizmlarini qayta qurish, keyinchalik, o'rganish degan yetarli asosli xulosa chiqarish imkonini beradi va ikkita til tizimidan parallel foydalanish. Assimilatsiyaning dastlabki bosqichlarida buning uchun tildan tilga o'tish mahoratini shakllantirish kerak va keyingi bosqichlarda boshqasining ishlashi uchun yanada qulay sharoit yaratish uchun bitta tizimni zararsizlantirish, shuning uchun ikki tilli tillarni o'qitishning asosiy vazifalaridan biri ikkiyuzlamachilik mexanizmini yaratishni ko'rib chiqish kerak.

Ikki tillilik mexanizmining shakllanishining mohiyatini hisobga olsak, u “zaruriyat sharoitida leksik birliklarning belgi, denotativ (semasiologik) yoki situatsion ulanishlarni boshlash yoki ikki til tizimlari o'rtasida tanlov qilish imkoniyati” dan iboratligini ta'kidlash kerak. Chet tilini o'rganishni boshlagan har bir kishi o'z ona tilining leksik birliklari o'rtasida denotativ yoki vaziyatli bog'liqliklarga ega. Ular kerakli chegaralar ichida, u yoki bu obyektini, u yoki boshqa hodisani qanday belgilashni, yuzaga keladigan vaziyatga qanday nutq birliklari bilan munosabatda bo'lishlarini bilishadi. Ikkinchi tilning leksik birliklarini o'rganayotganda, har bir yangi xorijiy til leksik birligi u yoki bu voqelik predmeti bilan emas, balki ona tilining tegishli so'zlari bilan va faqat u orqali belgilangan belgi bilan bog'liq. Bunday holda yangi xorijiy so'z ona tilida to'liq ekvivalenti bo'lmaganda, soxta ramziy ulanishlarni yaratish xavfi mavjud.

R.K.Minyar-Beloruhev ikkiyuzlamachilik mexanizmining shakllanishining ba'zi xususiyatlarini ta'kidlaydi. Ikki tilning leksik birliklari o'rtasida noto'g'ri ishora aloqalarini yaratish imkoniyati ushbu mexanizmning birinchi xususiyatidir.

Ikki tilli mexanizmning shakllanishining ikkinchi xususiyati – chet tilning ona tili bilan bog'liqligi, shuningdek, uning har qanday leksik birlik atrofida hosil bo'lgan tegishli semantik tizim bilan bog'lanishidir. Uning uchinchi xususiyati ikkinchi va boshqa tillarni bostiradigan va nafaqat leksik, grammatik, balki lingvistik va madaniy aralashuvning sababi bo'lgan dominant tilning qoidasi bilan bog'liq.

Ikki tilli mexanizmi shakllantirishning yuqorida aytib o'tilgan xususiyatlari ta'limning boshlang'ich bosqichida uning shakllanishi zarurligini ko'rsatadi. Ta'limning ushbu bosqichida talabaning shaxsini shakllantirish, uning qobiliyatini aniqlash va rivojlantirish amalga oshiriladi. Yangi tilni o'rganish bilan bola nafaqat ufqlarini, balki dunyoqarashi va munosabatining chegaralarini ham kengaytiradi. Shu bilan birga, uning dunyoni anglashi va unda ko'rgan narsalar har doim talabaning ona tili asosida shakllangan tushunchalarda va ushbu tilga xos bo'lgan turli xil ifodali vositalarni hisobga olgan holda namoyon bo'ladi. Bola tomonidan boshqa madaniyat fenomeni har doim ona tilshunoslik jamiyatida qabul qilingan

¹ Essina I.Y., Abramova N.V. Ingliz tilini o'rganishning innovatsion strategiyasi. “Yevropa tabiiy tarix jurnali”, 2013, № 5, p. 38 – 40.

madaniy me'yorlar va qadriyatlar prizmasidan, u o'rgangan dunyoqarash modeli prizmasidan baholana-
di.

Binobarin, biz, bir tomondan, ona va xorijiy tillarning nutq birliklari o'rtasida yolg'on ishora aloqa-
larini yaratishning oldini olish, boshqa tomondan, ona tili tushunchalari tizimi bilan o'zaro bog'liq holda,
yangi milliy tushunchalar tizimini shakllantirishga hissa qo'shayotganimiz haqida gaplashmoqdamiz. Bu
quyidagi vazifalarni bajarishda mumkin:

- ◆chet tilidagi nutq birliklarining ishora aloqalarini ona tilidagi ekvivalentlari bilan birlashtirish;
- ◆xorijiy tilning situatsion klisheelerining situatsion aloqalarini rivojlantirish;
- ◆ikkinchi va birinchi tillarning leksik birliklari va tuzilmalari o'rtasida noto'g'ri ishora aloqalarini yaratish jarayonining oldini olish;
- ◆bir tildan boshqasiga o'tish mexanizmini ishlab chiqish;
- ◆ona tilining tuzilishidan qat'i nazar, xorijiy tillarda so'zlashuvlarni shakllantirish uchun sharoit yaratish.

Yuqoridagi qoidalarni amalda tatbiq etish boshlang'ich bosqichda quyidagi o'qitish usullaridan foydalanganda mumkin:

- ◆xorijiy tillarning leksik birliklarini ularning semantik sohalari hisobga olgan holda taqdim etish, ya'ni. uning ma'nosi chegaralarini, shuningdek, boshqa so'zlar bilan zarur bo'lgan aloqalarni izohlash;¹

- ◆so'z birikmalarining ramziy bog'lanishlarini yaratish, ularni, birinchi navbatda, ona tilidan xorijiy tilga tarjima qilish orqali yaratish va mustahkamlash bo'yicha tizimli mashqlar;

- ◆nutq klıklarining situatsion aloqalarini yaratish va konsolidatsiya qilish uchun nutq mikrositatsiyalarini ishlab chiqish;

- ◆o'qish, diktant yozish, raqamlarni raqamli belgilash, hafta, oy kunlari nomlarini mashq qilish;

- ◆vizual subyektiv koddan ona tilining ta'sirini cheklab, monologik nutqni o'qitish vositasi sifatida foydalanish. Buning uchun talabalarga har qanday an'anaviy belgilar, shu jumladan, chizmalardan foydalangan holda, ammo ona tilidagi so'zlardan foydalanmasdan, chet tilidagi matn tarkibini yozish vazifasi beriladi. Talabalar o'zlarining yozuvlari asosida monologik iborani tuzadilar. "Shaxsiy kod" bilan ishlash katta qiziqish uyg'otadi va motivatsiyani oshiradi.

O'qitishning dastlabki bosqichida ikki tilli bo'lish mexanizmini yaratishda hamrohlik qiluvchi nutq mexanizmlarini shakllantirishga qaratilgan mashqlar yordam beradi:

- ◆nutqning tezligi va vaqt oralig'ida farq qiluvchi chet tilidagi matnni takrorlash (so'zlar sonida o'lchanadigan ma'ruzachining nutqidan orqada qolish);

- ◆maqsad tilidagi til twisterlari;

- ◆ona tilidagi matn asosida chet tilidagi matnni tinglash;

- ◆tinglash qiyin (boshqa matnni o'qiyotganda tinglash);

- ◆ball bilan matnni vizual idrok etish va boshqalar.

Ikki tilli til ta'limi kontekstida ta'limning dastlabki bosqichida nafaqat ikki tilli tilni o'rganish mexanizmini, balki talabalarining ona va xorijiy tillarni o'rganishga bo'lgan qiziqishini, ona va xorijiy til madaniyatini chuqur anglashga hissa qo'shadigan uslublar alohida rol o'ynaydi. Eng samarali usullardan biri bu ona tilidagi matnni o'qishdir, unda yangi leksik birliklar xorijiy tilda berilgan va ularning ma'nosini kontekstdan bilib olish yoki chet tilidagi matnni o'qish ona tilidagi so'z birikmalariga to'g'ri keladi. Masalan, o'qituvchi sekin sur'atda o'z ona tilidagi matnni o'qiydi va ba'zi so'zlarni chet tillariga almashtiradi:

Mening tug'ilgan kunim (1) 5-yanvar. Biz uni (2) oilaviy doirada (3) nishonlaymiz. Onam (4) katta-katta kechki ovqatni tayyorlaydi. Bu juda mazali (5). Dadam (6) katta pirojniy sotib oladi. Uni sham bilan bezatadi. Men (7) juda ko'p sovg'alar olaman va hokazo.

Talabalarining vazifasi xorijiy so'zlarning ruscha ekvivalentini yozishdir. Keyin ular matnni tushunishda qiyinchiliksiz chet tilida o'qishadi. Shundan so'ng, quyidagi ish turlari taklif etiladi: talabalar chet tilidagi matnni o'qiydilar, unda faollashtirilgan leksik birliklar o'z ona tillariga tarjima qilinadi. O'qituvchi tomonidan taklif etilgan ro'yxatni tanlab, talabalar ularni chet tillariga almashtirishlari kerak.

Oddiy chet el matni bilan ishlaganda quyidagi texnikadan foydalanishingiz mumkin: uni ko'zingiz bilan o'qing, ona tilingizda baland ovozda sanang. Avvaliga buni qilish qiyin bo'ladi, lekin tez orada

¹ Chubukova D.I. Ikki tilli ta'lim zamonaviy til ta'limi tizimining asosiy tarkibiy qismi sifatida (elektron resurs). Kirish tartibi: <http://rspu.edu.ru/li1/journal/tschubukowa.billing.htm>.

o'quvchilar og'zaki hisob-kitoblarga qaramay,¹ moslashadilar va xorijiy matnning ma'nosini chiqarib olishlari mumkin. Bunday matnni o'qiganingizdan so'ng, u yerda nima yozilganligini aniq aytib berishingiz kerak va shundan so'ng yana matnga murojaat qilib, o'zingizni tekshirishingiz mumkin.²

Ikki tilli bo'lish mexanizmini shakllantirish nutq texnikasida ishlashni ham talab qiladi, bunda talabalar chet va ona tilida turli xil til sirlarini tayyorlaydilar, otlarga sifatlar tanlaydilar, oddiy jummalarni kengaytiradilar, berilgan mavzu bo'yicha qisqa monologlarni talaffuz etadilar va h.k.

• ikki tilli ta'lim o'quvchi yoki talabaga ko'p tilli dunyoda o'zlarini qulay his qilishlariga imkon beradi;

• ushbu tamoyil asosida qurilgan ta'lim bu etnik kelib chiqishi bilan aloqani uzmasdan dunyo tillaridan birida ta'lim olish imkoniyatidir (bu lahzani kuzatish mumkin, masalan, agar talaba chet elga o'qishga boradigan bo'lsa, bundan tashqari, ushbu misol dars berish uchun juda xosdir);

• ikki tilli ta'lim tafakkurning "chegaralarini" kengaytiradi, tahlil qilish san'atiga o'rgatadi;

• ikki tilli dasturlar odamga xorijiy tilni tushunmaslik to'sig'idan qo'rqmaslik va o'quvchilar va talabalarni boshqa tillarni o'rganishga ko'proq moslashtirish, nutq madaniyatini rivojlantirish, so'zlarning so'z boyligini kengaytirish;

• bir vaqtning o'zida, bir nechta tillarda dars berish aloqa ko'nikmalarini, xotirani rivojlantirishga hissa qo'shadi, talaba yoki talabani harakatchan, bag'rikeng, moslashuvchan va xotirjam qiladi, shuning uchun ko'p qirrali va qiyin dunyoda qiyinchiliklarga ko'proq moslashadi.

Hozirgi vaqtda fiziologiya va psixologiya ma'lumotlari ikkinchi tilni o'rganish nafaqat leksik birliklarni, vaziyatlarni va grammatik shakllar va tuzilmalarni tanlash natijasida til materialini to'plash emas, balki yetarli asosli xulosaga kelish imkonini beradi. Nutq mexanizmlarini qayta qurish o'zaro munosabatda bo'lish uchun shaxs va keyinchalik tilni o'rganishning dastlabki bosqichlarida tildan tilga o'tish mahoratini shakllantirishni talab qiladigan ikkita til tizimidan parallel foydalanish, keyingi bosqichlarda – boshqa tizimning ishlashi uchun yanada qulay sharoit yaratish uchun bitta tizimni zararsizlantirish. Shuning uchun chet tilini o'qitishda mexanizmni yaratish ikki tilli ustuvor deb hisoblash metodologiyaning vazifasi... Ikki tilli mexanizmning mohiyati zarurat sharoitida yoki ikkita til tizimlari o'rtasida tanlov qilish imkoniyatiga ega bo'lgan leksik birliklarning belgi, denotativ yoki situatsion birikmalarini boshlashdan iborat. Ikkinchi tilning leksik birliklarini, o'qitish usulidan qat'i nazar, talabaning ko'rish maydonida paydo bo'lgan har bir yangi chet tilining leksik birligi voqelikning u yoki bu predmeti bilan emas, balki ona tilining tegishli so'zlari bilan va faqat u orqali belgilanishi bilan bog'liq. Bu sodir bo'lganda soxta ramziy ulanishlarni yaratish xavfi, agar yangi xorijiy so'z ona tilida to'liq ekvivalenti bo'lmasa, bu xavf birinchi xususiyat bilingalizm mexanizmi.

Ikkinchi xususiyat. Ikki tilli mexanizmning shakllanishi nafaqat o'qitishning dastlabki bosqichlaridan boshlab uni shakllantirish zaruriyati haqida gapiradi, balki ona tiliga nisbatan o'qituvchi ishining strategiyasi va taktikasini ham aniqlab beradi. Bundan tashqari, ular chet tilini o'qitish usullarini tanlash va rivojlantirishga samarali yondashuvlarni aniqlashga imkon beradi. Ona va xorijiy tillarning nutq birliklari o'rtasida noto'g'ri ishora aloqalarini yaratishning oldini olish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish kerak:

◆ chet tilidagi nutq birliklarining ona tilidagi ekvivalentlari bilan ishora aloqalarini mustahkamlash;

◆ chet tilining vaziyatli kliklarining vaziyatli aloqalarini rivojlantirish;

◆ ikkinchi va birinchi tillarning leksik birliklari va tuzilmalari o'rtasida noto'g'ri ishora aloqalarini yaratishga yo'l qo'ymaslik;

◆ bir tildan boshqasiga o'tish mexanizmini ishlab chiqish;

Ona tilining tuzilishidan qat'i nazar, chet tilidagi iboralarni shakllantirish uchun sharoit yaratib berilgan. Sanab o'tilgan qoidalarning amalda bajarilishi quyidagilarni ishlab chiqish va foydalanishni o'z ichiga oladi. O'rganish texnikalari: semantik sohalarini hisobga olgan holda xorijiy tillarni Lularini kiritish. Amalda, bu nafaqat so'zni kiritishni, balki uning ma'nosi chegaralarini, eng muhimi, boshqa so'zlar bilan bog'liq bo'lgan aloqalarni tushunishni ham anglatadi. Asosan, ona tilidan chet tiliga tarjima shaklida iboralarning ramziy birikmalarini yaratish va mustahkamlash bo'yicha tizimli mashqlar: maktabga boring,

¹ Galskova N.D., Koryakovtseva N.F., Musnitskaya E.V., Nechaev N.N. Ikki tilli asosda ta'lim ilg'or til ta'limi tarixiy qismi sifatida. "Maktabdagi chet tillar", 2003, №2, p. 12 – 16.

² Essina I.Y., Efimova I.I. Ilmiy tarjimaning amaliy masalalari. Zamonaviy tilshunoslikva lingvididaktikaning dolzarb muammolari. ilmiy va amaliy xalqaro onlayn-konferensiya materiallari. Saratov, 2-aprel 2013. M., Ed. Uy ta'limi ilmi, 2013.

maktabga boring, maktabga kech qoling, maktabni tugating va h.k. Nutq kliklarining situatsion ulanishlarini yaratish va konsolidatsiya qilish uchun nutq mikrosituatsiyalarini ishlab chiqish. Milliy leksik fonga ega xorijiy til leksik birliklari va soʻz birikmalariga oid lugʻaviy va madaniy izohlar. Aniq soʻzlar bilan, yaʼni raqamlar, toʻgʻri ismlar, haftaning kunlari, oylari nomlari bilan intensiv mashqlar. Mashqlar oʻqish, diktant, raqamlarni raqamlashdan iborat. Haftaning kunlari (masalan: dushanba – 1, payshanba – 4, sentabr – 9, dekabr – 12 va hokazo), arifmetik misollarni ovoz chiqarib hal qilish. Aniq soʻzlar ustida ishlash kommutatsiya koʻnikmalarini shakllantirishga va parallel (ikki tilli) denotativ aloqalarni yaratishga yordam beradi; Vizual subyektivdan foydalanish.

Ona tilining taʼsirini cheklaydigan monologik nutqni oʻqitish vositasi sifatida. Bu chet tilidagi matn tarkibini har qanday shartli belgilar, shu jumladan rasmlar bilan, lekin ona tilidagi soʻzlardan foydalanmasdan yozish vazifasi bilan bogʻliq. Shu bilan birga, matn tarkibidagi asosiy maʼlumotlarni tez va iqtisodiy ravishda qayd etishga yordam beradigan tarjimali kursiv, belgilar va yozuvlarni tartibga solish qoidalari keng qoʻllaniladi. Ushbu yozuvlar asosida talabalar asta-sekin oʻz ona tilining grammatik va leksik imperativlaridan xalos boʻlib, chet tilida soʻzlashuvni yaratadilar.

Bundan tashqari, “shaxsiy kod” bilan ishlash talabalar orasida katta qiziqish uygʻotadi va motivatsiyani oshirishga yordam beradi. Tarjima boʻlimlarida tarjimani oʻqitishdan tashqari, oʻqitish vositasi sifatida keng qoʻllanilmagan boʻlsa, aniq soʻzlar bilan mashq qilish va subyektivdan foydalanish, shu bilan birga, ularning ikki tilli til mexanizmini yaratishdagi samaradorligi uzoq vaqt davomida bir qator oliy oʻquv yurtlarida dars berish amaliyoti bilan isbotlangan. Ikki tilli boʻlish mexanizmini yaratish jarayoni roʻyxatda keltirilgan oʻqitish usullari bilan cheklanmaydi. Bunga qoʻshimcha nutq mexanizmlarini shakllantirishga qaratilgan mashqlar yordam beradi. Bunday mashq quyidagilarni oʻz ichiga oladi: nutq tezligi va vaqt oraligʻida farq qiladigan chet tilidagi matnni takrorlash, maqsadli tilda turli xil til twitterlari, ichki tilga tarjima (bir xil tarkibni ona tilining turli xil usullari bilan uzatish), ona tilidagi matn asosida chet tilidagi matnni tinglash, tinglash qiyin, skor bilan matnni vizual idrok etish va boshqalar.

Aytilganlarning barchasini xulosa qilsak, biz quyidagi xulosaga kelishimiz mumkin: zamonaviy til taʼlimi uchun fanlararo integratsiya, koʻp bosqichli, oʻzgaruvchan, tilni oʻrganishning madaniyatlararo tomoniga yoʻnaltirilganlik zarur.

Yuldashov Kaxraman Kamulovich (Urganch davlat universiteti katta oʻqituvchisi) MILLIY HUNARMANDCHILIK TARIXINI OʻRGANISHNING AHAMIYATI

Аннотация. *Mazkur maqolada milliy hunarmandchilik tarixini oʻrganishning ahamiyati va ularni yoshlarni milliy qadriyatlar hamda urf-odatlar ruhida tarbiyalash haqida mushohadali fikr-mulohazalar yuritilgan.*

Аннотация. *В статье обсуждается важность изучения истории народных промыслов и воспитания их в духе национальных ценностей и традиций.*

Annotation. *This article discusses the importance of studying the history of national crafts and educating them in the spirit of national values and traditions.*

Калит сўзлар: *oʻquvchi-yoshlar, texnologiya taʼlimi, taʼlim, tarbiya, milliy hunarmandchilik, oʻzbek xalqi, tarix, milliy gʻurur, milliy tuygʻu, umuminsoniy qadriyatlar, ijod, kasb-hunar.*

Ключевые слова: *образование, обучение, технология, составляющая, национальное мастерство, интересы, общение, идеология, развитие, интеллект, отношение, креативность.*

Key words: *students, technology, education, upbringing, national crafts, Uzbek people, history, national pride, national feeling, universal values, creativity, profession.*

Bugungi kunda yoshlarni kasb-hunarga toʻgʻri yoʻnaltirish, ularda turli kasb-hunarlarga qiziqishni oshirish, kasblarni eʼzozlash va faxrlanish tuygʻularini shakllantirish oʻta muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki kelajagi buyuk davlatimizning kelgusi taqdiri shu masala bilan chambarchas bogʻliqdir. Buni oʻz oʻrnida toʻgʻri hisobga olgan hukumatimiz doimo hunarmandchilikni rivojlantirish va yoshlarni hunar oʻrganishga yoʻnaltirish ishiga alohida ahamiyat qaratib kelmoqda. Xususan, “Xalq badiiy hunarmandchiligi va amaliy sanʼatini rivojlantirishni ragʻbatlantirish toʻgʻrisidagi” 2008-yil 1-apreldagi PF-3983-sonli, 2010-yilning 30-martidagi “Xalq badiiy hunarmandchiligi va amaliy sanʼatini rivojlantirishni yanada qoʻllab-quvvatlash toʻgʻrisida”gi farmonlarda xalq ijodiyoti sohasiga aholining keng qatlamini, ayniqsa, yoshlarni jalb etish uchun qulay sharoitlarni taʼminlash yoʻllari belgilab berilgan. Bu tadbirlarning barchasi, ayniqsa, bitiruvchi yoshlar uchun keng imkoniyatlar yaratilayotganligidan darak beradi. Bunday

yuksak natijalarga erishmoq uchun, bizningcha, barcha o'quv yurtlarida "Kasbim mening – faxrim mening", "Hunar, hunardan unar", "Hunarli odam xor bo'lmas", "Ishlaganning umri beozor, ishlagandan el bezor", "Hunarni bilgan, ko'p narsani biladi" mavzularida davra suhbatlari, turli tadbirlar o'tkazib borish o'quvchilarni kasbga bo'lgan qiziqishlarini oshirishga xizmat qiladi. Shu maqsadda so'nggi yillarda respublika hududidagi ko'plab kasb-hunar ta'limi muassasalarida o'quvchilar faolligini oshirish, kasbni ulug'lashga bag'ishlangan tadbirlar o'tkazib kelinmoqda. Bu ishlar yoshlarning farovon kelajagi uchun muhimdir. Zero, mashhur pedagog A.S.Makarenkoning fikrlari bilan aytganda, "Qo'lidan ko'p ish keladigan, nimagaki urinsa, uddasidan chiqadigan, ishi tez o'ngidan keladigan, har qanday sharoitda ham o'zini yo'qotib qo'ymaydigan, buyumlarga egalik va xo'jayinlik qila oladigan odamlarning naqadar quvnoq va baxtli yashashlarini yaxshi bilamiz".

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2018-yil 28-dekabrda Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasida, jumladan, "...aholi o'rtasida ishsizlikni kamaytirish, odamlar va oilalarning daromadini oshirish lozim"ligini alohida ta'kidlagan edi. Bunday ulug'vor vazifani bajarish ish o'rinlarini yaratish va ko'paytirish bilan amalga oshirilishi hech kimga sir emas. Binobarin, ish o'rnini yaratishning o'ziyoq murakkab va jiddiy vazifalardan biridir. Mahalliy sharoitda buni hal etishning yo'llaridan biri – o'quvchi-yoshlarga milliy hunarmandchilik ishlarini o'rgatish. Chunki milliy hunarmandchilik, ko'p hollarda, murakkab jihoz va asbob-uskunalarni talab qilmaydigan, xomashyolarni ham mahalliy sharoitda topish va tayyorlash mumkin bo'lgan sohalaridan hisoblanadi. Bu ishlarni, albatta, maktabda va maktabdan tashqari muassasalarida amalga oshirish mumkin.

Ma'lumki, har bir xalq, millat o'zining takrorlanmas, boy tarixiga ega, har qaysi xalqning ildizlari asrlar qa'riga singib ketgan. Bu holat, ayniqsa, har bir xalqning hunarmandchilik ishlarida yaqqol ko'zga tashlanadi. Xuddi shu kabi o'zbek xalq hunarmandchiligi ham o'zbek xalqining paydo bo'lishi, shakllanishi, tarixiy rivojlanishi, milliy qadriyatlarini ifodalaydigan soha bo'lib xizmat qila oldigan ma'naviy, moddiy, madaniy merosimizdir.

Xalqning milliy g'ururi nochor bo'lgan mamlakat hech qachon buyuk davlat bo'la olmaydi. Miloddan avval yashagan yunon mutafakkiri Lukianning "Vatan sha'niga" nomli asarida shunday so'zlar bor: "Mening bu gaplarim g'oyat eski gaplardir. Lekin haqiqat shundaki, o'z millatini, uning qadriyatlarini sevmagan farzand o'zga millatni va uning qadriyatlarini ham seva olmaydi, hurmat ham qila olmaydi". Ikki ming yildan ortiq vaqt o'tgan bo'lsa ham, Lukianning bu gaplari hozir ham qadrini yo'qotgani yo'q. Inson har narsalarni o'ylab topishi mumkin, ko'p narsalarni qilishi mumkin, ammo gap uning ma'qul yoki ma'qul emasligida, qadriyat darajasiga ko'tarila olishida hamdir.

Xalq hunarmandchiligi tarixi xalqlarning, jumladan, o'zbek xalqining ham mentalitetini ko'rsatuvchi omillardan biridir. Shuning uchun yoshlarga, maktab o'quvchilariga xalq hunarmandchiligiga oid ishlarni o'rgatish, ularni ma'naviy tomondan tarbiyalash, umuminsoniy ko'rinishdagi milliy qadriyatlarni singdirish, o'z xalqining hunarmandchiligi, urf-odatlarini, asriy an'analari bilan tanishtirishda va kasb-hunarga yo'naltirishda katta ahamiyatga egadir.

1997-yil 31-martda e'lon qilingan "Xalq badiiy hunarmandchiliklari va amaliy san'atni yanada rivojlantirishni davlat yo'li bilan qo'llab-quvvatlash to'g'risida"gi farmonda ko'rsatilganidek "Yoshlarni xalq san'ati ustalarining ko'nikmalariga o'qitib, o'rgatish uchun zarur bo'lgan shart-sharoitlarni vujudga keltirishda amaliy yordam ko'rsatish eng muhim vazifa"dir deb korsatilgan edi. Binobarin, respublikamizda muntazam ravishda o'tkazib kelinayotgan "Tashabbus" ko'rik-tanlovlari va boshqa shu kabi tadbirlar mazkur sohada amalga oshirilayotgan ishlarni ko'rsatuvchi va sarhisob qilishga yordam beruvchi muhim omillardan bo'lib qoldi.

Xalq hunarmandchiligi naqqoshlik, ganchkorlik, zargarlik, yog'och o'ymakorligi, metall o'ymakorligi, kashtachilik, ko'nchilik, pazandachilik, yog'ochlarni kuydirib ishlash, kulolchilik, kosibchilik, mahsido'zlik, sangtaroshlik, temirchilik, pichoqchilik, anjomsozlik, qulfsozlik, miskarlik, ignasozlik kabi 150 dan ziyod sohaga ega bo'lib, o'zida mehnat va kasb ta'limining ko'pgina xususiyatlari – amaliyligi, ijodiyligi, milliyligi, mahalliy xomashyolarni topish va foydalanish qulayligi, o'g'il va qiz bolalar mehnatining o'ziga xosligi, shahar va qishloq maktabini uyg'unlashtira olishi, asosiy hollarda murakkab qurilmalar, uskunalar, asboblarni va stanoklar talab qilmasligi, mashg'ulotlarni tashkil etishning soddaligi bilan ajralib turadi. Natijada bu sohani yetarlicha o'rgangan, ma'lum kasblarni egallagan yoshlarning ishsiz qolmasliklari, mehnat bozorining raqobatbardoshligi bilan alohida e'tiborga molikdir. Xalq hunarmandchiligi san'ati milliy qadriyatlarni, an'analarni izchil o'rganish, rivojlantirish va takomillashtirgan holda boyitib borish, malaka va ko'nikmalariga asoslanadi.

Xalq hunarmandchiligi yoshlarning tafakkuri, tasavvuri, estetik didi, epcilligi kabi sifatlarini shakllantirishga yordam beradi. Zero, bu sifat va fazilatlar yosh avlodni har tomonlama rivojlantirishga samarali ta'sir ko'rsatadi. Darhaqiqat, xalq bor ekan, bu san'at yashayveradi.

Ta'lim metodlarini shaxsga mos holda tanlash va qo'llash ishlarini takomillashtirish hozirgi kunning dolzarb vazifalaridan hisoblanadi. Texnologiya darslarida xalq hunarmandchiligiga oid ayrim ishlardan ham keng foydalanish mumkin. Chunki maktab o'quvchilariga xalq hunarmandchiligiga oid ishlarni o'rgatish ularni ma'naviy tomondan, umuminsoniy milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda, o'z xalqining hunarmandchiligi, urf-odatlarini, asriy milliy qadriyatlarini bilan tanishtirishda va kasb-hunarga yo'naltirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Bu borada umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'qitiladigan texnologiya fanidan chiqarilgan o'quv dasturida o'quvchilarga xalq hunarmandchiligi haqida ma'lumot berish, xalq hunarmandchiligiga oid ishlarni o'rgatish ko'zda tutilgan bo'lib, bunda bevosita yuqoridagi vazifalarni amalga oshirish uchun katta imkoniyatlar mavjud. Shularni hisobga olgan holda, keyingi yillarda mamlakatimizda xalq amaliy san'atining bir necha o'nlab turlari rivojlantirilmoqda. Qadimiy yodgorliklarni saqlash, ularni qayta tiklash, ta'mirlash ishlariga keng yo'l ochib berilmoqda. Jumladan, Samarqand, Buxoro, Xiva, Qo'qon, Toshkentdagi obidalar va muqaddas ziyoratgohlar qayta tiklanmoqda, ularni tiklashga xalq ustalari jalb etilib, ustalar o'z shogirdlari bilan birgalikda obidalarga sayqal berishmoqda. Naqqoshlik san'ati ancha rivojlantirilib, turli xil zamonaviy binolarga zeb berish ishlarida keng qo'llanilmoqda, bularni vatanimizning barcha hududlarida qad rostlayotgan namunaviy uylarda, kop qavatli binolarda ko'rish mumkin.

Ganch o'yish va gul solish hunari o'zbek xalq san'atida katta o'rin tutadi. Issiq kunlarda oppoq sathli ganchli devor xonani sovuq tutadi, biroq bezagini ko'zdan kechirsangiz, o'sha oppoq va nafis bezaklar qalbingizni isitadi. Xalq ustalari, ganch tili bilan inson his-tuyg'ularining butun ehtirosini ifodalash mumkin, deb hisoblaydilar.

O'zbekiston xalq amaliy san'atining juda keng tarqalgan turlaridan biri kulolchilikdir. Milliy tovoq, bejirim kosalar, piyola, nafis ko'za va vazalarga bugungi kunda ham talab katta, ayniqsa, ular sayyohlar nazarini o'ziga jalb qilmoqda. Kandakorlik san'ati metallarga badiiy ishlov berishning qiziqarli, o'ziga xos tarmog'i hisoblanadi. Misdan ishlangan buyumlar turmushda san'at namunalarini sifatida keng foylanilmoqda.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarda fuqarolarga munosib turmush va mehnat qilish sharoitlarini yaratishga, xalq farovonligini oshirishga, ijtimoiy adolat tamoyillarini qaror toptirishga, o'sib kelayotgan yosh avlodni insonparvarlik ruhida tarbiyalashga katta e'tibor qaratilmoqda. Hozirgi sharoitda yoshlarning mehnat va kasb tayyorgarligi muhim ijtimoiy vazifa bo'lib, bu soha nazariyotchilari va amaliyotchilari, pedagog olimlar, o'qituvchi, tarbiyachi, murabbiy va ustalar yoshlarga xalq hunarmandchiligining turli qirralarini o'rgatishi, ularni shu yo'nalishlardagi kasblarni egallashga tayyorlashi hunarmandchiligimizni rivojlantirishga, taraqqiy ettirishga va shu orqali jahon madaniyati xazinasiga munosib hissa bo'lib qo'shishga olib keladi. Milliy urf-odatlar, an'analar xalqlarning yashash sharoiti milliy xususiyatlarni o'zida jamlab, ming yillar davomida hayot deb atalmish murakkab sinovlardan o'tib, xalqning o'ziga xos tuzugi qonuni darajasiga ko'tarilgan. Mustaqillik sharofati bilan bugunga kelib, ajdodlarimizdan qolgan bebaho merosni o'rganish, amaliyotga tatbiq etishga shart-sharoit yaratildi. Hozirgi davrda ta'lim-tarbiya ishini takomillashtirish, milliy lashtirish, jahon andozalariga mos keladigan pog'onaga ko'tarishda boy milliy-madaniy merosimizga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga, yangi davrning yangi talablariga alohida ahamiyat berish kerak. Bu esa, eng avvalo, zamonaviy ta'lim-tarbiya shakllari, vositalari va usullaridan keng ko'lamda foydalana oluvchi yuqori malakali o'qituvchilar tayyorlashni taqozo etadi.

Xalq hunarmandchiligi moddiy madaniyatimizning eng qadimiy va muhim turlaridan hisoblanadi va tasviriy hamda amaliy san'atining ko'pdan ko'p sohalarini bilan uyg'unlashib ketadi. Ammo tasviriy va amaliy san'at, buyumlarga badiiy ishlov berish jarayoni hamda xalq hunarmandchiligining o'ziga xosligi, yo'llari, xususiyatlari bir-biridan farqlanadi. Shuning uchun ma'naviyatning, madaniyatning ushbu sohalariga oid mavjud ta'riflarini keltirib, taqqoslab o'tish o'rinlidir.

Tasviriy san'at – san'at turi bo'lib, rassomlik, grafika, haykaltaroshlik va foto san'ati sohalarini o'z ichiga oladi. Tasviriy san'at real borliqni ko'rgazmali obrazlarda, mavjud predmetlarni ularning tabiiy shakli, o'rni bo'lishini o'ziga o'xshatib, umumlashtirib va tipiklashtirib ifodalaydi.

Amaliy bezakchilik san'ati – tasviriy san'atning eng qadimgi turlaridan biri bo'lib, materialga berilgan bezak texnikasiga qarab farqlanadi, xalq turmush madaniyatini xarakterlaydi. Amaliy bezak san'ati buyumlarining badiiyligi shu buyumlarining amaliy funksiyasi bilan bog'liq.

Hunarmandchilik – hunarmand, har xil oddiy mehnat qurollari yordamida xomashyodan turli mahsulotlar ishlab chiqarish kasblarining umumiy nomi. Yuqoridagi ta’riflardan ko’rinib turibdiki, xalq hunarmandchiligining mohiyati, mazmuni, tuzilishi, xususiyati o’ziga xosdir.

Toshkent, Samarqand, Buxoro, Nukus, Xiva, Termiz, Namangan, Andijon, Farg’ona, Chust, Shahrisabz va boshqa markazlarining ta’limiy-tarbiyaviy imkoniyatlari beqiyos bo’lib, o’ziga xosligi jihatidan bir-biridan ajralib turadi. O’zbek xalqining shakllanishi tarixi bilan uyg’unlashib ketgan xalq hunarmandchiligining o’nlab turlari bo’lishiga qaramasdan, hozirgi zamon ta’lim-tarbiya tizimida ulardan deyarli foydalanmasdan kelish hollari ham mavjud, bu esa mehnat va kasbga yo’naltirishda ta’lim tizimining milliy, mahalliy, etnik, tarixiy xususiyatlardan ajralib qolishiga sabab bo’ladi. Shuning uchun ham hozirgi kunda bu o’zbek milliy an’analarimizni qayta tiklash eng muhim vazifalardan biri bo’lib qolmoqda.

Dunyoda har qanday hunar bo’lmasin, albatta, uning ustalari va uning shogirdlari bo’ladi. Milliy hunarmandchilikni rivojlantirishga katta e’tibor berilayotgan hozirgi bir paytda o’zbek milliy an’analarimiz asosida ustozlar shogirdlariga o’z hunarlarini o’rgatib kelmoqdalar. Har bir hunar qadimdan muqaddas hisoblangan bo’lib, ular hurmatlab, e’zozlab kelingan. Ota-bobolarimiz tomonidan ustoz va shogirdlar uchun o’ziga xos odob-axloq me’yorlari, maxsus tartib-qoidalar, urf-odatlar, muomala madaniyati, irimlar, duolar, milliy an’analar ishlab chiqilgan bo’lib, ularga qat’iy rioya qilingan. Chunki xalqimizni xalq bo’lib, millat bo’lib shakllanganidan buyon uni mehnatsiz, hunarsiz tasavvur etib bo’lmaydi. Buning uchun mehnatkash xalqimizning eramizdan avvalgi davrlarga borib taqaladigan hunarmandchiligi, amaliy san’ati, milliy qadriyatlarini chuqur o’rganish va yoshlarga o’rgatish zarur bo’ladi. Xalqimizning o’zligini anglash uning hunarmandchiligi taraqqiyoti bilan uzviy bog’lagan o’tmishni anglashdan boshlanadi. Buni yoshlar ongiga singdirish uchun mehnat va kasb ta’limini o’qitishda xalq hunarmandchiligi sohalarini o’rganish muhim ahamiyatga egadir. Shu sababli umumiy o’rta ta’lim maktablarda 5–9-sinflarda o’qitiladigan “Texnologiya” o’quv fani tarkibiga xalq hunarmandchiligining ayrim turlariga oid mashg’ulotlarni o’rgatish kiritilgan.

Hunarmandchilik – insoniyatning, dastlab, yaratgan va shug’ullana boshlagan faoliyat turlaridan hisoblanadi. Binobarin, dastlab, qayerda qanday hunarmandchilik ishlari paydo bo’lganligi va rivojlanganligi haqida qat’iy fikr aytish qiyin. Mamlakatimizning ko’pgina aholi yashay boshlagan tarixiy markazlari, jumladan, Markaziy Osiyoning qadimiy madaniy o’choqlaridan biri hisoblangan Xorazm vohasi va Farg’ona vodiysi hamisha yirik hunarmandchilik va savdo markazlaridan biri bo’lib kelgan. Azaldan vohaning ham vodiyni ham katta-kichik shahar va qishloqlarida xilma-xil hunarmandchilik turlari rivoj topib kelgan. Chunonchi, ko’plab hunarmandchilik turlari qatorida bu yerlarda kulolchilik, metall va yog’ochdan buyumlar tayyorlash va ularga naqsh berish usullari, xilma-xil mato to’qish hunarmandchiligi, ko’ncilik va hunarmandchilikning nodir tarmog’i – qog’ozgarlik yuksak darajada rivoj topgan. Darhaqiqat, hunarmandlar o’zlarining yuqori sifatli va jozibador hunarmandchilik mahsulotlari bilan dunyoda mashhur bo’lgan. Hunarmandchilik mazkur hududlardagi o’troq va yarimo’troq aholi xo’jalik tarmoqlarini rivojlanishi, ikki xil ukldali xo’jalik yo’nalishini o’zaro uyg’unlashtirgan holda umumiy ichki iqtisodiyotini shakllanishida muhim o’rin tutgan.

XIX asrning ikkinchi yarmida Rossiyada tayyorlagan arzon fabrika mahsulotlarining o’lkamizga kirib kelishi natijasida tarmoqning bir qancha muhim sohaları tanazzulga yuz tutishiga olib keldi. Lekin ayrim sohalar shu davrda ham o’zining iqtisodiyotidagi muhim o’rnini saqlab qola oldi.

Bugungi dolzarb masalalardan biri Xorazm hunarmandchilik maktablari faoliyatini yanada rivojlantirish, eng muhim an’analarini qayta jonlantirib, ular negizida yosh avlodni kasb-hunarga o’rgatish, soha tarixini o’rganishdan iboratdir. Bugungi kunda vatanimiz tarixi xolisona o’rganilayotgan davrda mamlakatimiz har bir go’shasining chuqur o’rganilgan tarixini yaratish muhim vazifa hisoblanadi. Bu o’rinda hunarmandchilik tarixining tadqiq etilishi vohamizning turli markazlarida ma’lum hunar turlari qanday asosda vujudga kelganligi, rivoj topganligini, bu joylarda qanday mashhur hunarmandlar faoliyat yuritgan va mahsulot tayyorlashda o’ziga xos usullarini ishlab chiqqanligini aniqlash, voha hunarmandchilik maktabi xususiyatlarini, tayyorlangan mahsulot turlari hamda bu buyumlarning aholi maishiy turmushidagi o’rnini, hunarmandchilik qanday sabablarga ko’ra, tanazzulga uchrash tarixini o’rganish yurtimiz tarixini hamda ayrim milliy an’nalarni yanada chuqurroq o’rganilishini ta’minlaydi. Ayni paytda, to’plangan tarixiy materiallar tarix bilan qiziqayotgan yoshlarni shu sohaga oid qimmatli o’lkashunoslik materiallari bilan tanishtiradi, ularning dunyoqarashini kengaytiradi, ularda tarixga mehr uyg’otadi, eng asosiysi, kasb-hunar o’rganishga ularda qiziqishni o’stiradi.

Tarixiy ma’lumotlar Xorazm vohasining yirik shaharlarida hunarmandchilik rivoj topganligi to’g’risida ma’lumot beradi. Chunonchi, Xiva va Ko’hna Urganch shaharlarida hunarmandchilikning muayyan

bir turi bilan shug'ullanuvchi mahallalar bo'lib, shu tufayli mahallalarning nomi ham mazkur hunarlar nomi bilan atalgan va bu nom bu yerdagi kishilarning kasb-korini ifodalagan.

XIX asrning ikkinchi yarmida Xivada kulolchilik buyumlari bilan birga metall idishlar ham turmushda keng foydalanilgan. Chunonchi, aholi choyni har xil hajmdagi mis idishlarga damlab iste'mol qilganlar. Keyinchalik, turmushga elektr va gazning kirib kelishi, zavodlarda tayyorlangan yangi metall idishlardan keng foydalanila boshlanishi bilan mis idishlarga talab kamaygan, lekin mis choy idishlarda qaynatilgan suvdan damlangan choy butunlay o'zgacha ta'mga ega ekanligini qariyalarimiz yaxshi bilishgan. So'nggi yillarda respublikamizda kasb-hunar maktablari tarmoqlarinig jadal rivojlanishi yoshlarni hunar sirlarini egallab, ajdodlari erishgan tajriba va malaka asosida jismonan va ruhan barkamol avlod bo'lib etishishini ta'minlaydi. Ushbu holat ular uchun yangi darslik va qo'llanmalar yaratishni taqozo etadi.

**Абдупаттаев Ҳасанбой Абдурахмонович (Қўқон Давлат Педагогика
институтини ўқитувчиси; e-mail:abdupattaevhasanboy@mail.com)
МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ**

Аннотация. Мақолада миллий тарбия мазмуни, унинг асосий таркибидаги назарий-методологик ва услубий-методик қисмлар ҳақида сўз боради. Мақоладаги маълумотлар хориж, жумладан, япон халқининг миллий тарбияси билан қиёсий таҳлил асосида ёритилади. Унда келтирилган барча маълумотлар илмий-педагогик, ижтимоий-мафкуравий ҳамда тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Аннотация. В статье раскрывается содержание отечественного образования, его основные теоретико-методологические и методико-методологические части. Информация в статье основана на сравнительном анализе с национальным воспитанием иностранцев, в том числе японцев. Вся представленная в нем информация анализируется с научно-педагогической, социально-идеологической и исторической точек зрения.

Annotation. The article reveals the content of national education, its main theoretical and methodological and methodological and methodological parts. The information in the article is based on a comparative analysis with the national upbringing of foreigners, including Japanese. All information presented in it is analyzed from the scientific-pedagogical, socio-ideological and historical points of view.

Калит сўзлар: тарбия, миллий тарбия, назарий-методологик, услубий-методик асос, “олтин ўрталик”, “амаэ”, “икудзи”, “тарбия импорти”.

Ключевые слова: образование, народное образование, теоретико-методологические, методико-методологические основы, «золотая середина», «амаэ», «икудзи», «образовательный импорт».

Key words: education, national education, theoretical-methodological, methodological-methodological basis, “golden mean”, “amae”, “ikudzi”, “educational import”.

Маълумки, миллий тарбия тушунчаси таҳлил этилганда унда иккита таркибий қисм мавжудлиги аён бўлади. Улар: 1) назарий-методологик асос; 2) услубий-методик асос.

Назарий-методологик асосга миллий тарбия мазмунининг шаклланишида асосий роль ўйнаган мифологик, диний ёки дунёвий (илмий) мазмундаги назария ва таълимотлар киради. Кўп ҳолларда, миллий тарбиянинг назарий-методологик асоси ягона мазмунда, яъни фақат мифологик, диний ёки дунёвий (илмий) мазмунда бўлмайди. У миллатнинг узок йиллик ўтмишидаги барча шакллардаги таълимотлар асосида шаклланади. Айрим ҳолатларда назарий-методологик асос мазмунида мифологик, диний ёки дунёвий (илмий) таълимотларнинг бири устуворлик касб этиши ҳам мумкин. Лекин, бу дегани миллий тарбиянинг назарий-методологик асоси ягона таълимот асосига қурилганлигини билдирмайди.

Миллий тарбиянинг услубий-методик асоси деганда:

– ахборот узатиш йўллари;

– тарбия бериш шакллари;

– тарбия жараёнида баҳоловчи, рағбатлантирувчи ва жазоловчи методлар назарда тутилади.

Мазкур қисм ҳам миллий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, у биринчи қисм – назарий-методологик асос билан чамбарчас боғлиқликда шаклланади ва давр талаблари асосида ўзгариб боради.

Таъкидлаш ўринлики, ўқувчи-ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топишлари, рақобатдош ва ватан-парвар фуқаро бўлишлари айнан миллий тарбия институтининг юқорида келтирилган икки таркибий қисмини нечоғлик давр талабларига мослиги ҳамда улар ўртасида ўзаро мувофиқлик қай даражада шаклланганлигига боғлиқ.

Дарҳақиқат, бугунги кунда миллий тарбия масаласида унинг ҳар икки қисми, яъни, назарий-методологик ва услубий-методик асосларини давр талаблари асосида шакллантирган ва уларни ўзаро мувофиқлаштира олган миллатлар миллий тарбия самараси орқали жаҳон таракқиётининг олди ўринларини эгаллаб турибди. Жаҳонда ушбу масалада “олтин ўрталик”ни топган мамлакатлар талайгина бўлиб, улардан энг кўп мисол келтириладигани бу Япония ҳисобланади. Дарҳақиқат, Япония юқорида тилга олинган миллий тарбиянинг икки қисми, яъни, назарий-методологик ва услубий-методик жиҳатларини давр талабларига мослаштириб, улар ўртасида ўзаро мувофиқликни топа олган мамлакатдир.

Дарҳақиқат, япон болалари тарбияли, одобли, оккўнгил ва камдан-кам ҳолларда ўз ҳиссиётлари устидан назоратни йўқотади. Бунинг асосий сабаби япон миллий тарбиясида қўшалок «амаэ» – она ва бола жуда яқинлигининг муҳимлиги ҳамда «икудзи» – бола аввал худо, кейин хизматкор ва тенг назарияларининг мавжудлигидир. Мазкур назариялар айни вақтда амалий фаолият – услубий-методик (ахборот узатиш йўллари, тарбия бериш шакллари, тарбияни баҳоловчи, рағбатлантирувчи ва жазоловчи) ҳаракатлар билан узвий боғланиб кетган.

«Амаэ» – она ва бола жуда яқинлигининг муҳимлиги назариясига кўра, она ва бола яқинлиги маиший ҳаётда тўлиқ акс этади: она ва бола бирга ухлайди, она болани узоқ вақт кўтариб юради. Бу назарий ва амалий фаолиятда она-бола алоқаси ҳиссий даражада акс этади: она бола қилаётган ҳамма нарсани меҳр, сабр ва ғамхўрлик билан қабул қилади.

«Икудзи» (бола аввал худо, кейин хизматкор ва тенг) тамойилига кўра, беш ёшгача болага ҳамма нарса мумкин ҳисобланади. Бу кўплаб хорижликлар ўйлаганидек, иродасизлик ва бўйсунмаслик эмас, аксинча, бу болада «мен яхши ва севимлиман» тушунчасини ҳосил қилишга ёрдамлашади.

Бундай муносабат «амаэ»нинг шаклланишига ҳисса қўшади. Бу сўзнинг бошқа тилларда муқобили йўқ. «Амаэ» – болалар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар асоси бўлиб, болалар тўлалигича ота-оналарига ва уларнинг меҳрига суяниши мумкин. Қариялар эса катта ёшли болаларидан худди шу нарсани қабул қилиб олади.

«Икудзи» тарбия тизимига асосан, бола беш ёшгача – худо, беш ёшдан 15 ёшгача – хизматкор, 15 ёшдан бошлаб тенг ҳисобланади. Аслида, «икудзи» назарияси инсоннинг индивидуал манфаатларини иккинчи даражага тушадиган жамоавий жамият аъзоларини тарбиялашга йўналтирилган назария ҳисобланади.

Мазкур назариянинг биринчи босқичида (бола – худо) улар болани чексиз меҳр ва кўмак билан ўраб олади. Иккинчи босқичда эса (бола – хизматкор) бу меҳр ҳеч қаерга кетмайди, шунчаки бола жамият қоидаларини фаол ўрганади ва унда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Бунда дастлабки йилларда шаклланган онага кучли боғланиш болага катта таъсир кўрсатади. Бола онасининг жаҳлини чиқармаслик учун ўзини тўғри тутишга ҳаракат қилади.

Асосий томони шундаки, дастлаб, япон таълим муассасалари (мактабгача ва бошланғич таълим босқичлари)да тарбияга алоҳида эътибор қаратилади. Бу жараёнда ёш авлод “энг яхшиси” ёки “энг ёмони” каби сифатлар билан рағбатлантирилмайди ёки жазоланмайди. Мазкур ҳолат япон миллий тарбиясида нафақат тарбия назарияси, айни вақтда, тарбиянинг амалий фаолияти – услубий-методик (ахборот узатиш йўллари, баҳолаш, рағбатлантириш, жазолаш каби) жиҳатлари ҳам тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Учинчи босқичда (бола – тенг) ёш авлод жамиятнинг шаклланган аъзоси ҳисобланади. Бу босқич тарбия даври тугаланганлигини, эндиликда ота-оналар ўз фаолиятлари “ҳосил”ини йиғиб олишлари керак бўлган босқич ҳисобланади.

«Япония. Уни қандай тушуниш керак» китоби муаллифи Икено Осаму кизиқ бир тажриба ҳақида ёзади. Япон оналари ва европалик оналардан болалари билан бирга пирамида йиғиш сўралган. Япон оналари, дастлаб, ўзлари йиққан ва кейин болалардан такрорлашни сўраган. Агар болалар бирор нарсани ўхшата олмаса, улар ишни қайта бошлаган.

Европалик оналар эса бошқа тактикани танлаган: улар болаларга пирамида қандай йиғилишини батафсил тушунтирган. Кейин эса болаларга ишни бажаришни таклиф қилган. Кўриниб ту-

рибдики, япон оналари «мен каби қил» тушунчасини берган бўлса, ғарблик оналар фақат назарияни тушунтириб, болаларни ҳаммасини ўзи бажаришга мажбур қилган.

Шунинг учун япон миллий тарбияси «хижжаловчи тарбия» деб аталади. Япон оналар камдан-кам ҳолларда болаларни қилиб кўрмаган ишини қилишга мажбурлайди. Улар аввал мисол кўрсатиб, болада шу ишни қилишга хоҳиш уйғотади.

Япон миллий тарбиясининг амалий фаолияти – услубий-методик (ахборот узатиш йўллари, баҳолаш, рағбатлантириш, жазолаш каби) жиҳатида ҳиссиётларга муносабат алоҳида ўрин тутади. Бу жараёнда ёш авлодга жамоавий жамиятда яшашни ўргатишдан олдин атрофдагилар ҳиссиёти ва манфаатини кўриш ва ҳурмат қилиш нима эканлигини тушунтирилади. Шунинг учун оналар болаларнинг сезгирлигини ҳурмат қилади. Улар болаларга ортикча босим ўтказмайди, уялтирмайди, балки болакайларнинг ҳиссиётларини уйғотади. Мисол учун, агар бола машинани синдириб қўйса, «Машинанинг жони оғрияпти, у ҳозир йиғлайди», дейди. Европалик ота-оналар эса «Бундай қилма, бу яхши эмас. Машинани сотиб олиш учун қанча ишлаш керак», дейди.

Японларнинг ўзи уларнинг усуллари ягона тўғри усул эканлигини тасдиқламайди. Сўнги вақтларда ғарб кадриятлари уларнинг анъаналарига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бироқ японча тарбия ёндашувнинг асосий тамойили болаларга сокинлик, сабр ва тўлиқ меҳр билан ёндашув ҳисобланади.¹

Дарҳақиқат, ҳозирги мураккаб ва ноаниқ даврда “ҳар бир халқ ўз аجدодлардан мерос миллий кадриятларини асраб-авайлаши, энг муҳими, фарзандларини тўғри тарбиялаши ва уларнинг яхши билим олишлари учун барча шароитларни яратиб бериши лозим. Глобализация шароитида дунёни улкан бир қишлоққа менгзайдилар. Бу “қишлоқ”да қарашлар, маданиятлар, тутумлар, урф-одат ва миллий кадриятлар аралашиб кетиш хавфи мавжуд. Фақат маърифат, илм билангина ўзлигимизни сақлаб қолишимиз мумкин”.²

Таъкидлаш ўринлики, миллий тарбия масаласи жуда нозик стратегик масала ҳисобланади. Унинг шаклланиш ва ривожланиши, аксарият ҳолларда, ички имкониятни талаб этади. Халқаро тажриба ёки импорт масаласи иқтисодиёт (хомашё, ишлаб чиқариш техника ва технологиялари ва ҳоказолар)да, сиёсат (давлат структурасини такомиллаштириш ва ҳоказолар)да, ҳуқуқий соҳа (чет элда инсон ҳуқуқлари ва бошқалар)да, ҳатто таълим соҳаси (аниқ, табиий, техника фанлари назариялари, таълим технологиялари кабилар)да ижобий аҳамият касб этиши мумкин. Бироқ, тарбия, миллий тарбия масаласида хориж таъсири, “тарбия импорти” муқаррар равишда миллатни инқирозга, маънан йўқ бўлиш томон олиб боради. Бу аксиомани бугунги кунда миллий тарбия самараси орқали барқарор тараққий этаётган мамлакатлар тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Сингапур, Исроил каби давлатлар юқорида келтирилган “тарбия импорти”дан сақланган мамлакатлар ҳисобланади. Улар ўз вақтида иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар, ҳатто таълим соҳасида ҳам хориж тажрибасидан унумли фойдаланиб, бу соҳаларга импортнинг кириб келишига катта имкониятлар яратган. Лекин мазкур давлатлардаги асосий ўхшашлик уларнинг барчасида миллий тарбия масаласида ички имкониятга таянилган ва “тарбия импорти”га имкон қолдирилмаган.

Мазкур тараққий этган давлатларнинг миллий тарбия масаласидаги тажрибалари бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида тарбия фанини ўқитиш амалиётини йўлга қўйишда ҳам долзарб ҳисобланади.

Юқорилардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак:

Биринчидан, миллий тарбия деганда, “аждодларнинг ижтимоий-педагогик, ижтимоий-мафкуравий, диний ҳамда иқтисодий-маданий мероси асосига қурилган, ёш авлодни миллатнинг тарихий ва стратегик интилишларини рўёбга чиқаришга ундовчи мақсадли, умуммиллий фаолият” тушунилади.

¹ Япон болаларини тарбиялашдаги бешта сир. <https://www.adme.ru/svoboda-puteshestviya/5-sekretov-vospitaniya-kotorye-delayut-yaponskih-detej-mechtoj-lyubogo-roditelya-1510365/>

² Анвар Шерматов. Берлин шаҳридаги Виндмюленберг мактаби ўқитувчиси. “Ким кимга ҳавас қилиши керак ёки Германияда ёшлар тарбияси қандай?” http://uza.uz/oz/society/kim-kimga-avas-ilishi-kerak-yekigerma-niyada-yeshlar-tarbiya-30-03-2018?month=07&year=2018&phrase_id=3979224&ELEMENT_CODE=kim-kimga-avas-ilishi-kerak-yeki-germaniyada-yeshlar-tarbiya-30-03-2018&SECTION_CODE=society(мурожат қилинган сана 30.03.2018)

Иккинчидан, миллий тарбия таркибида иккита таркибий қисм мавжуд бўлиб, улар назарий-методологик ва услубий-методик асослардир. Назарий-методологик асосга миллий тарбия мазмунининг шаклланишида асосий роль ўйнаган мифологик, диний ёки дунёвий (илмий) мазмундаги назария ва таълимотлар кирса, услубий-методик асосга ахборот узатиш йўллари, тарбия бериш шакллари, тарбия жараёнида баҳоловчи, рағбатлантирувчи ва жазоловчи методлар киради. Миллий тарбия масаласида назарий-методологик ва услубий-методик асосларини давр талаблари асосида шакллантирган ва уларни ўзаро мувофиқлаштира олган миллатлар миллий тарбия самараси орқали жаҳон тараққиётининг олди ўринларини эгаллаб туради.

**Primova Go'zal G'ulomjonovna (Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU
Samarqand filiali o'qituvchisi; primovagozal@gmail.com)
TA'LIMNI RAQAMLASHTIRISH MASALALARI, ARALASH VA GIBRID O'QITISH
TEKNOLOGIYALARI**

***Аннотация.** Maqolada ta'limni raqamlashtirish masalalari, aralash va gibridd o'qitish texnologiyalari haqida so'z yuritiladi. Onlayn ta'limda asinxron va sinxron o'qitishlarning qiyosiy tahlili, aralash ta'lim va gibridd ta'lim afzalliklari va kamchiliklari keng yoritilgan.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы цифровизации системы образования. Приведён сравнительный анализ асинхронного и синхронного обучения в онлайн-обучении, а также выделены преимущества и недостатки смешанного и гибридного обучения.*

***Annotation.** The article discusses the issues of digitalization of the education system. A comparative analysis of asynchronous and synchronous learning in online learning is given, and the advantages and disadvantages of blended and hybrid learning are highlighted.*

***Kalit so'zlar:** masofaviy ta'lim, asinxron o'qitish, sinxron o'qitish, aralash ta'lim, gibridd ta'lim.*

***Ключевые слова:** дистанционное образования, асинхронное обучение, синхронное обучение, смешанное образования, гибридное образования.*

***Key words:** distance education, asynchronous learning, synchronous learning, blended education, hybrid education.*

Kirish. Oxirgi 50 yil ichida barcha sohalarda ro'y bergan texnologik rivojlanishning eng katta afzalliklaridan biri – bu hayotning har bir bosqichi uchun raqamli ta'lim va o'qitish yechimlarini ishlab chiqish imkoniyatini berdi. Bugungi kunda ta'limga oid tashabbuslar nafaqat tarkibni moslashtirish va talabalar uchun yanada jozibali o'quv tajribalarini yaratish uchun texnologiyalarni qo'llashga qodirligini, balki doimiy ravishda ish joyidagi ta'limni o'z sohalari mutaxassislarining kundalik ishlariga osonlikcha qo'shib berish usullarini taqdim etadi.¹ Mobil aloqa va internet xizmatlari hamda axborot-kommunikatsion texnologiyalarning rivojlanishi ta'limni raqamlashtirishga keng imkoniyatlar yaratmoqda.

Ta'limni raqamlashtirish. Oliy ta'limda o'qituvchilar o'zlarining mashg'ulotlarini web-texnologiyalari asosida OTMning LMS – ta'limni boshqarish tizimi (TBT)da yoki ommaviy ochiq onlayn kurs (O'OK), Google Classroom kabi bepul servislardagi shaxsiy kurslarida elektron o'quv materiallarni taqdim qilish uchun sinf mazmunini, xususan, ma'ruza mashg'ulotlarini o'zgartirishga majbur etdi. Biroq, buni amalga oshirishda o'qituvchilar o'quv materiallarini an'anaviy sinf mashg'ulotlaridan ko'ra samaraliroq qilishga urinishlarida katta mehnat sarflamoqda. Bunday ta'lim texnologiyada o'qituvchilar ma'ruza mashg'ulotida kompyuter taqdimotlarini TBTdan yuklab o'tishi, onlayn amaliy mashg'ulotlar, o'z-o'zini sinab ko'rish, tajriba-o'quv mashg'ulotlari va onlayn guruh loyihalari kabi ko'proq “faol o'rganish” topshiriqlari orqali dars berish imkoniyatlari yaratildi.

O'zbekistonda birinchilardan bo'lib 2011–2012-yillarda Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent Axborot texnologiyalari universiteti va uning filiallarida aralash o'qitish tizimida E-learning (e.study.uz) va ochiq kodli MOODLE platformasi kabi TBTlardan (moodle.tuit.uz) foydalanila boshlandi. Kutubxonadagi mavjud adabiyotlarning elektron shakllarini yaratish, elektron kutubxonalar bazasini kengaytirish va ulardan masofadan foydalanish imkoniyatlari yaratilmoqda. Barcha kurslardan elektron o'quv-uslubiy majmualar universitet virtual ta'lim tizimiga joylashtirildi va auditoriyalardagi dars jara-

¹ Дергачева О.А. Перспективы применения технологии «Перевернутый класс». Актуальные проблемы филологии и методики преподавания иностранных языков. Сб. науч. тр. по материалам очной ХВ Международ. студ. науч.-практ. конф., М., 2017, с. 98 – 100.

yonlarida elektron ta'limdan foydalanish yo'lga qo'yilgan. Hozirgi kunga kelib, mamlakatimizdagi barcha oliy ta'lim muassasalarida ochiq kodli MOODLE platformasi asosida elektron ta'lim an'anaviy ta'limda birgalikda tatbiq etilmoqda. Guruhlardagi talabalarning xohishlari, imkoniyatlari turlichaligi yoki cheklanganligi nuqtayi nazaridan, oliy ta'limda AKTdan samarali foydalanganda aralash va gibrid o'qitish texnologiyalarini qo'llashning didaktik usullarini ishlab chiqish dolzarb hisoblanadi.

Zamonaviy ta'limdagi muammolar. Butun dunyoda, jumladan, O'zbekistonda ham Covid-19 pandemiyasi karantin sharoiti ta'lim tizimida o'qitish shaklini o'zgartirishga majbur qildi. Hatto ishonchli axborot-kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmasi va uy sharoitida internet aloqasi bo'lgan mamlakatlarning o'qituvchilari uchun ham onlayn ta'limga tez o'tish juda qiyin bo'lgan. AKT va boshqa masofaviy ta'lim resurslari mavjud bo'lmagan mintaqalardagi o'qituvchilar uchun o'tish yanada qiyin yoki imkonsiz bo'lib qoldi.

1-jadval

Covid-19 pandemiyasi karantini davrida O'zbekistonda ta'lim olishdan mahrum bo'lgan o'quvchilar va talabalar soni

| Ta'lim muassasasi turi | Qiz bolalar | O'g'il bolalar | Jami |
|------------------------|-------------|----------------|-----------|
| Maktabgacha ta'lim | 350 194 | 382 658 | 732 852 |
| O'rta maktab ta'limi | 1 200 484 | 1 284 694 | 2 485 178 |
| O'rta maxsus ta'lim | 1 890 715 | 2 002 173 | 3 892 888 |
| Oliy ta'lim | 119869 | 179765 | 299 634 |
| Jami | 3 561 262 | 3 849 290 | 7 410 552 |

Butun Jahon bankining baholashicha, karantin davrida dunyoda 826 milliondan ortiq o'quvchilar ta'lim resurslaridan (kompyuterga ega bo'lmagan) foydalanmagan, 706 million atrofida o'quvchilar esa internetga ulana olishmagan. UNESCOning Statistika institutining baholashicha, karantin davrida 191 ta davlatda yopilgan boshlang'ich va o'rta ta'limda kamida 1,5 milliard o'quvchilar va 63 million o'qituvchilarga Covid-19 pandemiyasi o'z ta'sirini ko'rsatdi. O'zbekistonda 7,4 milliondan ortiq o'quvchilar va talabalar uchun ta'lim muassasari 2020-yilning 16-martidan boshlab yopilgan (1-jadval), keyinchalik, onlayn va aralash an'anaviy ta'limga o'tildi.

Karantin davrida barcha ta'lim muassasalarida masofaviy ta'limni joriy qilishda talabalar bilan birgalikda o'qituvchilarda ham bir qancha muammolar oydinlashdi, hatto masofaviy ta'limni joriy etish bo'yicha normativ hujjatlar qabul qilindi. Ayniqsa, maktab ta'limida masofaviy ta'lim uchun keng ko'lamli AKT joriy qilinmagan sharoitda milliy televideniya orqali onlayn maktab darslari tashkil etildi. O'qituvchi va o'quvchilar o'rtasida topshiriq-javoblar almashinuvi ijtimoiy tarmoqlar (telegram), maktablar uchun web platformalar (masalan, <https://kundalik.com>) joriy qilindi. Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim ommaviy ravishda Moodle ochiq kodli TBT asosida davom ettirildi. Bu esa pedagoglarga masofaviy va an'anaviy sinf sharoitida dars mashg'ulotlarini olib borishda aralash yoki gibrid o'qitish ta'lim texnologiyalarini qo'llash kompetentligini oshirishni taqozo etadi. Ko'pchilik shunday xulosaga keldiki, onlayn o'qitish – onlayn ma'lumot uzatishdan ko'ra ancha murakkab jarayondir. Bundan tashqari, IT-infratuzilmasi va talabalarning aksariyati kompyuterlar va gadjetlar bilan ta'minlanmasdan masofaviy o'qitish imkonsiz ekanligi aniq bo'ldi. Masofaviy ta'limda talabalar va o'qituvchilarning asinxron va sinxron kommunikatsiyasida ta'lim metodlarining turli usullari tadqiq qilingan. Ushbu maqolada hozirgi kungi ta'limning masofaviy va an'anaviy ta'lim shakllarining uyg'unlashuvida o'qitish texnologiyalari qisqacha tadqiq qilinadi.

Masofaviy ta'limda o'qitish texnologiyalari. Ushbu masalada, dastlab, Murning tranzaksiya masofa nazariyasi haqidagi fikrlarini qaraylik. Майкл Грэхем Мур (Michael Graham Moore) nazariyasiga ko'ra, tranzaksiya masofasi "maxsus tashkil etish va o'qitish usullari"ni talab qiladigan geografik kategoriya emas, balki pedagogikdir va ikkita o'zgaruvchidan (klasterlar, o'lchovlar) – tuzilma va dialogdan iborat. Tuzilma kurs loyhasini aks ettiradi hamda o'quv jarayonini tashkil etish va AKTdan foydalanish vazifalarini belgilaydi. Muloqot AKT bilan bog'liq real vaqtda ikki tomonlama aloqani o'z ichiga olishi mumkin. Ushbu nazariyaga ko'ra, talabalar onlayn muhitda psixologik va kommunikatsion bo'shliqlarni boshdan kechirishiga asoslanadi. Murning pozitsiyasidagi talabalar bu masofani kamaytirish uchun tengdoshlari, o'qituvchilari va o'quv kontenti bilan uzviy munosabatda bo'lishlari kerak. Mur o'quvchilar tarkib bilan o'zaro aloqada bo'lganda, ular o'zlari bilan fikrlashadigan, muhokama qiladigan va o'rganadigan ichki dialogni tashkil etishini ta'rifladi. Shuningdek, u talabalarning o'qituvchilar bilan o'zaro aloqasi

muhim ahamiyatga ega, chunki talabalar tarkib bo'yicha mutaxassis bo'lgan o'qituvchidan tajriba orttirishlari muhimligini ta'kidlaydi. Nihoyat, talabalar o'rtasidagi o'zaro aloqalar hayotiy ahamiyatga ega, chunki talabalar bir-biri bilan o'zaro aloqada bo'lganda, ular nafaqat tarkibni yaxshiroq o'rganibgina qolmay, balki guruh dinamikasida harakat qilishni ham o'rganadilar. Mur o'zaro munosabatlar sinxron yoki asinxron bo'lishi kerakligini o'ylamagan bo'lsa-da, uning asosiy sharti har qanday o'zaro munosabatlar talabalarning bilimini qo'llab-quvvatlashi edi.

Asinxron ta'lim – bu o'qitish uslubi bo'lib, bu jarayonda o'qituvchi va talaba o'rtasidagi aloqa ix-tiyoriy vaqtda amalga oshiriladi. Bunda butun mas'uliyat talabaga beriladi (2-jadval).

2-jadval

T-diagramma: asinxron o'qitish

| Yutuqlari | Kamchiliklari |
|---|---|
| Mustaqil va qunt bilan o'rganishda moslashuvchanligi, qulay vaqt tanlash, masofadan o'qish, kurslarni ixtiyoriy ketma-ketlikda o'zlashtirish, turli va ko'p sonli tinglovchilar guruhi, boyitilgan elektron o'quv kontenti, kognitiv malakani oshiradi. | AKT bo'yicha ko'proq bilim va ko'nikmani talab qiladi, AKT bilan bir xil ta'minlanmaslik, internetda axborot xurujida chalg'ishlar, internetning pastligi, tajriba o'tkazishning imkonsizligi yoki virtualligi. |

Asinxron o'rganishni qo'llab-quvvatlash uchun ishlatiladigan internet resurslariga elektron pochta, havolalar ro'yxati, OOOKlar, multimedia, konferensiya tizimlari, elektron testlar, virtual o'quv tizimlari, internet onlayn muloqot servislari (forumlar, bloglar, podkatlar va skrinkastlar) kiradi. Asinxron o'qitish modellaridan biri bu Piring o'qitish (inglizchada Peering training), u boshqa nomlarda gorizontol trening, tengdosh-o'zaro o'qitish, P2P learning kabi uchraydi. Ushbu yondashuv mustaqil ta'limda talabalar va o'qituvchilar o'rtasidagi muloqotni asinxron aloqa bilan birlashtiradi. Sinxron o'qitishning roli onlayn o'qitish muhitida tobora ortib borayotgan bo'lsa-da, asinxron o'qitish hali ham masofaviy ta'limda o'z o'rniga ega.

Sinxron o'qitish talabalar bilan o'zaro muloqotning ajralmas qismi bo'lib, bunda talabalar, bir vaqtning o'zida, bir guruh bo'lib ishtirok etadigan o'quv jarayonini nazarda tutadi. Talabalar guruhi bilan o'qituvchi biror vaqtda biror onlayn muhitning virtual sinfida mashg'ulot o'tkazadi (3-jadval). Shunday qilib, sinxronlashtirilgan onlayn ta'lim videokonferensiyalar, telekonferensiyalar, jonli chatlar va jonli efir kabi usullarni o'z ichiga oladi.

3-jadval

T-diagramma: sinxron o'qitish

| Yutuqlari | Kamchiliklari |
|--|--|
| Talabalarning o'qituvchi va guruhdagilar bilan oson muloqot qilishi, guruhli jamoaviy faoliyat yuritish, real vaqtda o'qish, tezkor teskari aloqa, tezkor fikr almashish, kontent bo'yicha tushunmovchiliklarga o'z vaqtida barham berish. | Samaradorlikning o'qituvchi kompetentligiga bog'liqligi, tayinlangan vaqtda talabalarning onlayn bo'lishi, qat'iy grafikda dars jadvali, ehtiyoj tug'ilganda kontentdan foydalana olmasligi, savol-javobda to'liq nazoratning bo'lmasligi. |

Pandemiya karantini davrida ta'lim jarayonidagi tajribalar shuni ko'rsatdiki, talabalar onlayn ta'limning sinxron o'qitish usulini qadrlashadi va o'z tengdoshlari va o'qituvchilar bilan aloqadorligini his qilishadi. Talabalarga tezkor taskari aloqa muhim, tengdoshlarining tayyorlagan ma'lumotlarini qiziqib kuzatadilar, ijtimoiy tarmoqlarda jonli muloqotlar bilan o'zlarini virtual sinfda tengdoshlari bilan birga his qiladilar. Bunday munosabatlarda talabalar tranzaksiya masofasining qisqarishini his qilishlariga olib keladi, boshqacha qilib aytganda, o'zlarini guruhdoshlarining oldida jismonan hozir bo'lib, mashg'ulotlarni o'zlashtirishlariga ehtiyoj sezmasliklari kuzatilmoqda.

4-jadval

Onlayn ta'limda asinxron va sinxron o'qitishlarning asosiy farqlari

| Farqlari seziladigan omillar | Asinxron o'qitish | Sinxron o'qitish |
|---|----------------------------------|--|
| O'qish vaqti va sharoiti | Ixtiyoriy vaqtda onlayn kanallar | Real vaqtda onlayn yoki masofaviy ta'lim |
| Ma'ruza o'tish | Avtonom holatda | Onlayn |
| Darsda erkinlik, jadallik | Aktiv | Passiv |
| Tezkor teskari aloqa | Sust | Tez |
| Ta'lim mas'uliyati | Talabada | O'qituvchida |
| Kurslarni o'zlashtirish ketma-ketligini tanlash | Erkin | Majburiy |

Asinxron va sinxron o'qitishning birlashtirilgan ta'lim sharoitlarida olib borilgan tadqiqotlar tahlilidanda ma'lum qilinganki, aralash o'qitish talabalarga unchalik ma'qul kelmagan. Tadqiqotchilar tajribalarida 62 nafar talabaning 9 foizi audioni tinglash va videokontentni ko'rib chiqish, javoblarni yozish va prezentatsiyalarini ko'rishda ta'lim olish ishtiyoqining yo'qolganligini va traxzaksiya masofasining kattalashganini kuzatishgan. Natijada o'qituvchilarga onlayn ta'limda dastlabki mashg'ulotlarni sinxron o'tkazishlarini taklif qilishgan. Biroq, Covid-19 pandemiyasida qat'iy yoki biroz yumshatilgan karantin davrida asinxron va sinxron o'qitishni birlashtirilgan ta'lim texnologiyalarida ta'limni tashkil etish dolzarb hisoblanadi.

Masofaviy va an'anaviy ta'lim shakllarining uyg'unlashuvida o'qitish texnologiyalari. Aralash ta'lim (Blended learning) – sinxron va asinxron onlayn o'qitishning o'ziga xos xususiyatlarini bilishni hamda ikkalasi o'rtasida to'g'ri muvozanatni topishni talab qiladi. Hozirgi kunda aralash ta'lim asosiy ta'lim modeli sifatida yuzaga chiqish uchun katta imkoniyatlarni ko'rsatadi. An'anaviy va onlayn o'qitishning eng yaxshi elementlarini birlashtirganligi sababli, u eng samarali ekanligini isbotlaydi.

Aralash o'qitish onlayn ta'limning yanada moslashuvchan variantini taqdim etadi, bu yerda an'anaviy sinf mashg'uloti to'liq yoki qisman virtual sinfdan foydalangan holda hamkorlikdagi veb-konferensiyalar (onlayn sinxron ta'lim) bilan almashtiriladi va mustaqil ta'lim uchun TBT bilan birlashtiriladi.

Aralash ta'limning ajoyib namunasi – dunyo eng ko'p ishlatiladigan o'quv platformasi bo'lgan Moodle TBT orqali o'qitiladigan kurslar va virtual sinf yechimi orqali sinxron onlayn o'qitishning uzluksiz integratsiyasi deb aytish mumkin. Ushbu birlashtirilgan yechimlar onlayn o'qitishni keyingi bosqichga olib chiqadi. Talabalar har qanday hududdan o'z tengdoshlari va o'qituvchilari bilan onlayn tarzda muloqot qilishlari va hamkorlik qilishlari mumkin. Bundan tashqari, ular o'zlari uchun qulay bo'lgan vaqtda kurslarni ta'limni boshqarish tizimi orqali o'zlashtirishlari mumkin.

Aralash o'qitish texnologiyasini qo'llashdan oldin, kursning sillabusini puxta ishlab chiqish lozim bo'ladi. Sillabusda talabalarining boshlang'ich bilimlariga qo'yiladigan talablar bilan birga, sinov savollarini taqdim etish maqsadga muvofiq. Chunki virtual sinfdan guruh talabalarining boshlang'ich bilimlari, qiziqishlari va kurs davomida instrumental dasturiy vositalarda ishlash ko'nikmalari minimal talabda bo'lishi lozim. Buning uchun kichik onlayn test sinovi yoki so'rovnoma o'tkazish, virtual sinfdan jonli suhbat qurish maqsadga muvofiq.

Ta'limning kredit tizimida kompyuter injiniring, axborot xavfsizligi va AKT kasb ta'limi yo'nalishlari 2-kurs talabalari uchun "Elektronika va sxemalar" fanidan kurs Moodle TBTda aralash o'qitish texnologiyasi asosida tashkil qilindi. Onlayn kurs quyidagicha tashkil etildi:

- ◆ fanning namunaviy dasturi asosida sillabusi ishlab chiqildi;
- ◆ aralash o'qitishda ZOOM videoaloqa platformasida virtual sinf tashkil etilgan bo'lib, onlayn video darslar rejalashtirildi, virtual sinfnin telegram botlari ishga tushirildi;
- ◆ onlayn kurs o'quv kontent haftalar kesimida matnli, video, animatsion, elektron kutubxonalariga havolalar va mehmon ma'ruzachi video darsiga havola, test nazoratlari kabi o'quv materiallari bilan ta'minlangan;
- ◆ mustaqil ta'lim modullar kesimida tashkil etilgan bo'lib, unda ma'ruza bo'yicha bilimni baholash test sinovi, amaliy va laboratoriya ishlari individual topshiriqlariga javoblariga o'qituvchi tomonidan qo'yilgan baholarning o'rtacha bahosi asosida ketma-ket o'zlashtirish sozlangan;
- ◆ virtual sinfdan har bir modulda nazariy, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlar bo'yicha taqdimotlar, topshiriqlarni bajarishga yo'riqnomalar berib borish dars jadvali asosida bajariladi.

Onlayn kursda talabalarining davomati 99%, biroq aralash o'qitishda virtual sinf davomati 45–60% atrofida. Buning sabablari talabalarining AKT terminallari bo'yicha imkoniyatlarining va hududlarda internet qamrovining turlichaligidir.

Gibrid ta'lim – bu har bir o'quv maqsadi uchun eng yaxshi variantdan foydalanishga urg'u beradigan an'anaviy sinf tajribalarini, o'quv tajribalarini va raqamli kurslarni birlashtirishning bir usuli. Bu shuni anglatadiki, dars davomida yuzma-yuz va onlayn kurslarni muvozanatlashtirishga qaratilgan aralash ta'lim modellaridan farqli o'laroq, gibrid sinf xonalari o'qitiladigan mavzuga va guruh talabalarining maqsadlarida aniq ehtiyojlariga qarab keskin farq qiladi.

Gibrid atamasi botanika, biologiya, kimyo va texnika fanlarida o'ziga xos tushuncha bo'lib, ikki turning tabiiy yoki laboratoriya sharoitida ikkisidan ham qandaydir jihatlar bilan hosil bo'ladigan uchinchi turni anglatadi. Masalan, avtomobil motorining ham gazda, ham benzinda yurishida, oq olma mevali daraxtiga qizil olma shoxchasini payvandlashda, bir-biriga yaqin o'simliklar gullarini o'zaro changlani-

shida gibridlash atamasini tasavvur qilish mumkin. Birida “u yoki bunisidan foydalanish”, boshqasida “ikkala turning genlarini saqlaydi” ma’nolari bilan turlicha talqin qilish mumkin. Biroq, oliy o’quv yurtlarida o’qiyotganlar uchun gibrid so’zi, umuman, boshqacha tushunchani – gibrid ko’rsatma atamasini yodga soladi. Gibrid so’zi lotincha “hybrida” so’zidan olingan bo’lib, o’zbekchada duragay yoki chatishma ma’nolarini anglatadi. Shuning uchun ham aralash va gibrid o’qitishni ta’limda bir ma’noda qarash mumkin.

Gibrid ta’lim atamasini 2006-yilda Aaron Doering qo’llagan bo’lib, u shunday ta’rif beradi: “O’qitishning abstract gibrid model bu sinfdagi kunduzgi ta’lim va onlayn muhitlarni aralash modelidir”.¹ Ya’ni gibrid o’qitish – zamonaviy ta’lim texnologiyasi bo’lib, uning asosi “sinf-dars tizimi” bilan elektron ta’limning birlashuvi konsepsiyasidan iborat. Bu elektron ta’lim, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va zamonaviy o’quv vositalari taqdim qiladigan yangi didaktik imkoniyatlarga asoslanadi. Gibrid o’qitish yoki aralash kurslar an’anaviy sinfda o’qish va onlayn o’quv mashg’ulotlari bilan mutanosiblikda rejalashtirilgan aralashmalar mavjud bo’lgan sinflarni nazarda tutadi. Boshqacha qilib aytganda, gibrid o’qitish o’qitishning har ikkala uslubining eng yaxshisini birlashtiradi. Talabalar o’zlarining o’qituvchilari bilan, shuningdek, boshqa talabalar bilan mazmunli aloqani o’rnatishga qodir, shu bilan birga, ular kurslarga borish uchun doimiy ravishda talabalar shaharchasiga borishlari shart emas, chunki kursning o’quv materiallarini OTMning elektron ta’lim resurslaridan olishi va unda bajarilishi mumkin.

Gibrid o’qitish texnologiyasining bir nechta afzalliklari bor. O’qitishda va o’zlashtirishda moddiy va vaqtga bog’liq xarajatlarni kamaytirish, qimmatli ko’rgazmalardan sinfni tozalash, talabalarda yozish va kompyuterda ishlash qobiliyatini yaxshilashga yordam beradi. Bundan tashqari, gibrid mashg’ulotlar talabalarining o’z-o’zini boshqarish, vaqtni boshqarish, muammolarni hal qilish va tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rag’batlantiradi. Ikkinchi tomondan, gibrid o’qitish qat’iy onlayn kurslar yoki auditoriyadagi o’quv mashg’ulotlaridan ko’ra talabaga ko’proq mavzu bo’yicha bilim olishga imkon beruvchi jihatlarni tadqiq qilish muhimdir.

Gibrid o’qitish XXI asrning 10-yillarida paydo bo’lgan bo’lsa-da, ko’pgina o’qituvchilar aralash darslarda yaxshi yutuqlarga erishganliklari haqida xabar berishadi. Ya’ni, talabalarni mustaqil ta’lim olishiga keng imkoniyatlarni ochib beradi. Gibrid o’qitish masofaviy va an’anaviy ta’limda uchraydigan kamchiliklarni bartaraf qiladi, biroq o’qituvchining ko’proq mehnat qilishiga, ham pedagogik ham AKT bo’yicha kompetentli bo’lishini talab qiladi. Bundan tashqari, aralash o’qitishda talabalar guruh muhokamalarida ishtirok etishadi va boshqa talabalar bilan onlayn tarzda hamkorlik qilishadi, chunki nafaqat javob tayyorlash uchun keng imkoniyat bor, balki ular guruh oldida jismonan gapirmaydilar. Darhaqiqat, gibrid o’qitishda sinf ishtirokchilari tezroq va sezgirroq bo’lishadi, chunki ular sinf sharoitida onlayn tarzda “gaplashadilar”. Aniqlik akademik afzalliklardan tashqari, gibrid o’qitish kurslar ko’plab odamlarning sifatli bilim olishlarini osonlashtirmoqda.

Gibrid o’qitishni tashkil etishda talabalarining individual imkoniyatlari (olis hudud, nogironlik, dars jadvalining noqulayligi)ga ko’proq e’tibor qaratiladi, fanning xususiyatiga ko’ra laboratoriya mashg’ulotlarini bajarish uchun OTMdagi yoki korxonalaridagi maxsus laboratoriya xonasiga tashriflari qulay muddatlari belgilanadi. Gibrid ta’limni samarali tatbiq etishda ma’lumotlarni yig’ish, talabalarining tirishqoqliklarini aniqlashda mashinali o’qitish va sun’iy intellekt usullaridan foydalaniladi. Talabaga yo’naltirilgan individual topshiriqlar ishlab chiqilishi mumkin, hatto o’quv kontentning mazmuni qayta ko’rib chiqiladi.

Gibrid ta’lim maydonlari sohasida tadqiqotchilar, ishlab chiquvchilar va amaliyotchi pedagoglar jamoalarining yanada ko’proq izlanish va chuqur muhokama qilishni talab qiladigan quyidagi masalalari qo’yilgan:²

Mulk huquqi va vakolat: agar biz o’quv kontekstlarini aralashsaksak, masalan, o’quv kursi o’quv maqsadlarini va MOOC kim belgilaydi? Yutuqni nazorat qilish uchun kim javob beradi?

Taqdim etish va talqin qilish. Biz yig’ilgan ma’lumotlarni qanday qilib murakkab o’quv dyamitika bilan taqqoslaymiz? Qanday qilib biz “ko’cha yoritkichi effekti”dan, qadrlaydigan narsani o’lchashdan ko’ra, nimani o’lchashimiz mumkinligini baholashdan qochishimiz kerak? Qanday qilib biz ma’lumotlardan tushunchalar olamiz va ularni o’quvchilar, o’qituvchilar va ma’murlarga yordam beradigan tarzda taqdim etamiz?

¹ Doering A. Adventure learning: transformative hybrid online education. *Distance Education*, 27(2), p. 197 – 215.

² Cohen A., Mor Y., Norgard R.T. Hybrid learning spaces – Design, data, didactics. *British Journal of Educational Technology*, 51(46). June 2020.

Odob-axloq: o'rganuvchilar va o'qitish muhiti haqida ma'lumot to'plash va ularni boshqarish qanday xavf va oqibatlariga olib keladi? Qanday qilib baholash, baholash va kuzatuv o'rtasidagi chegarani belgilaymiz? Gibrid ta'lim maydonlarida qanday xatti-harakatlar usullari mavjud? Bundan tashqari, o'quvchilar turli yo'nalishdagi va turli maqsadlarga ega bo'lgan gibrid o'quv maydonlarida ta'lim olishning maqsadi nima?

Xulosa. Tadqiqotlardan ma'lum bo'ldiki, masofaviy ta'limda, masalan, sirtqi ta'lim talabalari uchun sinxron va asinxron o'qitish texnologiyalarini birgalikda tatbiq etish mumkin va o'qituvchilar o'zlarining kurslariga qaysi kommunikatsiya usuli mos kelishini hal qilishdan oldin talabalarning motivatsiyasi va ehtiyojlarini, dars mazmuni uchun maxsus talablarni va mavjud texnik yordamni hisobga olishlari kerak. Talabalarning ijobiy davomatini doim rag'batlantirish lozim, berilgan javoblarni o'z vaqtida baholash, guruhli va individual ishlarda o'qituvchining kompetentligi muhim hisoblanadi.

Qo'chqorov Bahodir O'Imasovich (Andijon davlat universiteti

Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi kafedrasida katta o'qituvchisi, p.f.n.)

MASHG'ULOTLARDA TALABALAR SALOHIYATINI OSHIRISHDA INTELLEKTUAL O'YINLARDAN FOYDALANISH

Annotatsiya. Ushbu maqolada dars mashg'ulotlarida talabalarni salohiyatini oshirishda intellektual o'yinlardan foydalanish yo'llari to'g'risida ma'lumot berilgan.

Аннотация. В статье представлена информация о том, как использовать интеллектуальные игры для повышения потенциала учащихся в классе.

Annotation. Thus article provides information on how to use intellectual games to enhance students' potential in the classroom.

Kalit so'zlar: talaba, ilmiy tadqiqot, bilim, tushuncha, ko'nikma, malaka, intellektual o'yinlar.

Ключевые слова: студент, исследования, знания, понимание, навыки, квалификация, интеллектуальные игры.

Key words: student, research, knowledge, understanding, skills, qualification, intellectual games.

O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "Ilmiy tadqiqot va innovatsiya faoliyatini rag'batlantirish, ilmiy va innovatsiya yutuqlarni amaliyotga joriy etishning samarali mexanizmlarini yaratish" vazifalari belgilab berilgan bo'lib, ushbu maqsadning hamda belgilangan vazifalarning, ijobiy yo'nalish kashf etishi, mamlakatni ma'naviy rivojlanishini ta'minlash uchun, eng avvalo, o'sib kelayotgan yosh avlodni ilmiy bilimlar bilan qurollantirish, ularda ma'naviy tafakkurni, aqliy salohiyat, ma'naviy-axloqiy sifatlarni rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etishini ko'rsatadi.¹

Talabalar dunyoqarashini kengaytirish uchun, avvalo, ular ongida ilmiy izlanish haqidagi tushunchani paydo qilish lozim. Ilmiy tadqiqotning o'ziga xos ko'rinishi bo'lib, yangilikni topishga qaratilgan faoliyatdan iborat.

Talaba-yoshlarga ilmiy izlanish haqida tushuncha berishda ularning intellektual salohiyatli bo'lishini (aqli, ongli, ilmi, bilimli, ijodga intiluvchan, fikirlash doirasi kengligi, xulosalash qobiliyati yuksakligi, yangi fikrni qadrlashi, yangilikni ijodiy daraja sifatida seza olishi va h.k.) va ijodiy jasurligini hamda qat'iyat bilan yangilikka intilishi lozimligini keng miqyosda tushuntirish lozim. Bunda ijodkor talaba o'z zamonasining ilg'or g'oyalari bilan qurollangan bo'lishi ham ilmiy izlanish samaradorligini oshirishda muhim asos bo'ladi.

Ilmiy izlanish jarayoni fan, ilm ahli, bashariyat oldiga ilmning ijtimoiy maqsadlari sari rivojlantirishga oid maqsad va vazifalarni qo'yadi. Quyida ularning ba'zilarini keltiramiz:

– kishilik jamiyatida hayotni yaxshilash sari intilishdagi olovning, o'z navbatida, unga mos gurgurtning paydo bo'lishi;

– ish qurollarini takomillashtirishga bo'lgan zarurat orqali metallarga ishlov berish yo'nalishining paydo bo'lishi;

– ma'lumotlarni saqlash, to'plash va uzatish zarurati tufayli yozuvning paydo bo'lishi, qog'oz, kitob, bosmaxona va shu kabilarning vujudga kelishi;

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmoni. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2017-yil, 6-son.

- energiyaning bir turdan ikkinchi turga aylanishi muammosini hal qilish orqali ijtimoiy-iqtisodiy sohalardagi buyuk o‘zgarishlarning yuzaga kelishi;
- atomning paydo bo‘lishi, rivojlanishi va ulardan tinchlik maqsadlarida foydalanish;
- “uchar gilam” – aviatsiya orqali kishilarning uzog‘ini tezkorlik bilan yaqin qilinishi;
- “oynayi jahon” – televideniyaning kishilik jamiyatidagi turli jabhalarga keng kirib borishi;
- zamonaviy kompyuterlarning paydo bo‘lishi orqali tezkor hisoblashlarga bo‘lgan talablarning qondirilishi;
- “inson – mashina” tizimining hayotimiz turli jabhalariga keng joriy etilishi va hokazo.

Bugungi kunda kibernetika va mantiq fanlari ”sun’iy tafakkuri”ni shakllantirishda qo‘llanilmoqda.

Talabalar ilmiy dunyoqarashini kengaytirish ishlarini ta’lim-tarbiya jarayonining turli jabhalarida amalga oshirish mumkin. Buning uchun har bir fan rivojlanishidagi ilmiy asarlarni qayd qilib o‘tish va ilmiy izlanish jarayoniga talabalarining e’tiborini qaratish yetarli. Bularni talabalarga mustaqil topshiriq berish orqali birinchi kursdan boshlash kerak. Ushbu jarayonning uzluksiz ketma-ketligini quyidagicha amalga oshirish ma’qul: talabalarga o‘rganiladigan bilim, tushuncha, ko‘nikma va malaka yuzasidan ma’lumotlar to‘plashni (ma’lumotlar bankini hosil qilishni) va ularni axborotlar ko‘rinishiga keltirishni o‘rgatish. Bunda kutubxonadagi kartoteka va ular asosida adabiyotlar ro‘yxati tuziladi hamda o‘rganilgan fanlar bo‘yicha bilimlar, tushunchalar, qonunlar, qoidalar, ko‘nikma va malaka tizimlari yaratiladi. Talaba undan intellektual salohiyatni kengaytirish, muntazam foydalanish uchun qulay holga keltirish imkoniyati bo‘ladi. O‘rganilishi kerak bo‘lgan adabiyotlarning annotatsiyasi yoki referati haqida ma’lumot berish, buni fan o‘qituvchilari o‘z fanini o‘rgatishning dastlabki bosqichida, ya’ni, fanning maqsad va vazifalari hamda predmetlarni bayon qilish paytida amalga oshirsa bo‘ladi yoki bu jarayon ilmiy ijodiyot to‘garaklarining bevosita vazifasidir. Talabalarga aniq mavzu bo‘yicha referat yozishni topshirish orqali ham amalga oshiriladi. Ilmiy to‘garakalarda ilmiy mavzular orqali qatnashish, talabalarining kusr ish (loyiha)-larini tayyorlashga qatnashishi, muayyan fanga oid ilm-fan va texnika-texnologiyalarga bog‘liq ilmiy qadriyatlarni yig‘ish va ularni bir tizimga keltirish, ilmiy tushunchalar va fikr (g‘oya)lar bilan ilmiy-nazariy va ilmiy-amaliy anjumanlarga qatnashish uchun ma’ruzalar tayyorlash; ilmiy seminarlarga faol qatnashish, ilmiy qadriyatlarning ijtimoiy-moddiy qadriyatlarga aylanishi monitoringini olib borish, bitiruv malakaviy ishini tayyorlashda qatnashish va hokazo.

Talabalar ilmiy dunyoqarashini kengaytirishning qayd etilgan uzluksizlikdagi tegishli topshiriqlar berishda o‘tiladigan fanlar mazmuniga ko‘proq e’tibor berishga to‘g‘ri keladi, chunki oliy ta’lim muassasalarida talabalarining ilmiy dunyoqarashi, asosan, o‘qitiladigan fanlar mazmunlari va ularga tegishli ilmiy texnika taraqqiyoti yutuqlari asosida shakllanadi.

Talabalar ilmiy dunyoqarashini kengaytirish ilm-fan, ta’lim-tarbiya va texnika-texnologiyalarning muntazam rivojlanish natijalari ta’siri ostida ro‘y beradi. Bunday jarayonda texnika-texnologiyalar muntazam ravishda takomillashib, rivojlanib bormoqda, natijada shunga mos yetuk mutaxassislar tayyorlash zarurati ham tug‘ilmoqda bunda talabalar ilmiy dunyoqarashi va uning axborot ta’minotining tadqiqiy va texnikaviy yechimlaridan boshlab, olingan natijalarni amaliyotda qo‘llashgacha bo‘lgan barcha bosqishlarni samarali amalga oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.¹

Ilmiy dunyoqarash, dastavval, bo‘lajak mutaxassis tafakkurida fikr shaklida yuzaga keladi, keyin ular rivojlanib, takomillashib, qarash, ”konsepsiya”, g‘oya, ta’limot ko‘rinishiga o‘tadi va ularga taalluqli masalalar yuzasidan izlanishlar boshlanadi. Izlanishlar olib borishda o‘rganilayotgan tadqiqot ishigacha bo‘lgan ishlanmalar tahliliy o‘rganib chiqiladi, ya’ni, tahlil va sintez, umumlashtirish, xulosalash, tajribada sinab ko‘rish, kuzatishlar o‘tkazish, mantiqiy xulosalar chiqarish, ichki farazlarni ifodalab olish kabi ishlarni amalga oshiradi.

Bugungi kundagi ta’lim tizimi zamonaviy mutaxassislarga bo‘lgan talab asosida yaratilgan yangi standartlar va dasturlar doirasidagi ta’lim jarayonini eskirgan uslubda olib borishga yo‘l qo‘ymaydi. Shu sababli hozirda pedagogik innovatsiya yaxlit murakkab jarayon sifatida qaralib, uning interaktiv sifatleri, tarbiyaviy qismlari, funksional tavsifi va uzviyligi izchil tadqiq qilinmoqda. Bunda talabalar ilmiy dunyoqarashini yuksaltirishning innovatsion ta’lim texnologiyalarini yaratish lozim bo‘ladi, buning uchun, dastlab, ushbu muammo yechimini hal qilish maqsadida ma’lumotlar bazasini tayyorlash kerak. Bular orqali axborotli-boshqaruv bloki tuziladi va uning tarkibiga quyidagilar kiritiladi:

- maxsus o‘quv-didaktik ta’minot (axborotlar banki, ma’lumotlar bazasi, bilimlar banki);

¹ Olimjonova K.X. Zamonaviy ta’limda o‘quvchining “Tyutorlik”, “Supervayzerlik” va “Modernatorlik” faoliyati. 2017, 41 – 42-betlar.

- multimediali information texnologiyalar.

Talabalar ilmiy dunyoqarashini yuksaltirishga yangi axborot texnologiyalarini joriy etishga keng imkoniyatlar yaratuvchi ko‘makchi kompyuterli tizimni quyidagicha ifodalash maqsadga muvofiq.

Ushbu ko‘makchi kompyuterli tizimning afzalligi shundaki, bunda bo‘lajak mutaxassislarni tayyorlashda quyidagi imkoniyatlar kafolatlanadi:

- fanga oid ilmiy dunyoqarash va ular asosidagi aqlli tarbiyaga oid tushunchalarni umumiy dastur asosida kompyuter vositasida o‘rganish imkoniyatining mavjudligi, bo‘lajak mutaxassislarning mustaqil ishlashi uchun optimal variantlarni qo‘lga kiritish imkonini beradi.¹

Talabalar dunyoqarashini, shu jumladan, ilmiy dunyoqarashini kengaytirishda “O‘qing, qiziq“, “Eng, eng, eng...” kabi sarlavhalarda haftalik devoriy gazetalar tashkil qilishning o‘rni beqiyos bo‘lib, ulardagi ma‘lumotlar ko‘proq kasbiy faoliyat sohasiga tegishli bo‘ladi.

“O‘qing, qiziq” sarlavhasiga tegishli ma‘lumotlarni topishni talabalarning o‘ziga yuklash maqsadga muvofiq, chunki talaba bu orqali izlanishga o‘rganadi va shu sohadagi ko‘nikma va malakalari shakllanib boradi. Albatta, talaba bu sohadagi ishlarini samarali tashkil qilish uchun o‘qituvchi ko‘rsatma berishi lozim, aks holda, talabada bu sohadagi ishtiyoq so‘nishi mumkin va ko‘rsatma berishda ko‘proq “U kim, bu nima?” va shunga o‘xshash har xil ensiklopediyalar, gazetalar “O‘qing, qiziq“ va boshqa qiziqarli xabarlar, ”Turfa olam“ hamda “Fan va turmush“ kabi jurnallarni tavsiya etgan ma‘qul. Bunda, albatta, ixtiyoriy ma‘lumotlarni to‘playverish emas, yuqorida ta’kidlangandek, kasbiy faoliyatni yuksaltirishda intellektual o‘yinlar (“Zakovat”, “Intellektual ring”, “O‘yla, izla, top!” kabilar)ning o‘rni beqiyos.

Bugungi kunning dolzarb masalalaridan yana biri barcha fanlarni o‘qitishda “Zakovat”, “Intellektual ring“ kabi o‘yinlardan foydalanishsa, talabalar ilmiy dunyoqarashi, salohiyatini oshirish, mutaxassislarni tayyorlash, ularning sifatini mukammallashtirish vazifasi osonlashadi. Talabalar dunyoqarashini shakllantirishni quyidagicha amalga oshirgan ma‘qul: birinchi kurs talabalari o‘rtasida “Zakovat” klubini ochish kerak. Bunda “Zakovat” o‘yin turlarini o‘tkazish orqali quyidagi natijalarga erishish mumkin. Bunda bo‘lajak yosh pedagoglarning o‘quv-tarbiyaviy jarayoni turli fanlar bo‘yicha bilimlari tekshiriladi, baholash-ning pedagogik tizimlari ishlab chiqiladi. O‘zlashtirgan materiallarini har xil ko‘rinishda, turli sharoitda, qay darajada qo‘llashlikni, qadriyatimizni, turli ko‘nikma, malaka, bilimlarni shakllantiradi, dunyoqari-shini kengaytiradi.

Pedagogika oliy o‘quv yurti talabalari mashg‘ulot jarayonida ham ushbu o‘yinlardan foydalanilsa, o‘zlashtirish yuqori samara beradi. 1-kurs ushbu ta‘lim texnologiyasi talabalar dunyoqarashini kengaytiradi, o‘zlashtirish 40% gacha yaxshilanadi.

XXI asr talabasining imkoniyat va qobiliyatlarini 10–15 yil ilgarigi talabalar bilan qiyoslaganda shuni aytish mumkinki, ular nafaqat axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilimdoni, balki ruhiy va psixologik jihatdan ham ancha olg‘irdirlar. Shu omillarni hisobga olgan holda, nafaqat o‘quvchining, balki o‘qituvchining ham vazifalarida o‘zgarishlar bo‘lishi zarur. O‘rganish o‘qituvchining emas, talabaning qo‘lida bo‘lgandagina, haqiqiy o‘rganish bo‘ladi, deydi Bergmann va Sams. Xo‘sh, unda o‘qituvchi nima vazifani bajaradi? degan haqli savol tug‘iladi. Bergmann va Sams yaratgan modelda o‘qituvchi ma‘lumot manbayi emas, o‘qituvchi o‘rgatuvchi, baholovchi, ruhlantiruvchi, yo‘naltiruvchi, qo‘llab-quvvatlovchi vazifalarini bajaruvchisi hisoblanadi.

**Siddiqov Xasanboy (Urganch davlat universiteti Pedagogika fakulteti
yoshlar bilan ishlash bo‘yicha dekan o‘rinbosari; e-mail:xasan_siddiqov@mail.ru)
OLIV TA‘LIM TIZIMIDA TARBIVA JARAYONINING XUSUSIYATLARI**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada yoshlar tarbiyasi masalasi davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgani, “Oliy ta‘lim” atamasi zamirida iqtisod, fan, texnika va madaniyat sohasida faoliyat olib boruvchi, ish mobaynida ilm-fan, madaniyat, texnika yangiliklarini qo‘llagan va o‘z ustida ishlagan holda, nazariy va amaliy muammolarni bartaraf etuvchi yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash masalasi, oliy ta‘lim tizimida tarbiyaviy ishlarni tashkil etish pedagogik muammo sifatida buyuk adiblar tomonidan talqin qilinishi va oliy ta‘lim tizimidagi tarbiya jarayonining xususiyatlari haqida ma‘lumotlar berilgan.*

***Аннотация.** В данной статье вопрос воспитания молодежи поставлен на уровень государственной политики. Приводятся сведения об особенностях воспитательного процесса в вузе, анализируются вопросы подготовки высококвалифицированных специалистов,использующих в про-*

¹Quronov M. Bizni birlashtirgan g‘oya. T., G‘afur G‘ulom nomidagi nashryot-matbaa ijodiy uyi, 2016, 198-bet.

цессе своей профессиональной деятельности в различных сферах экономики и народного хозяйства новейшие достижения в области науки и техники для преодоления теоретических и практических проблем, организации воспитательной работы в системе высшего образования как педагогическая проблема, поднятая выдающимися писателями.

Annotation. In this article the issue of youth education has been raised to the level of state policy. The issue of training highly qualified specialists to overcome theoretical and practical problems, the organization of educational work in the higher education system as a pedagogical problem by great writers and the features of the educational process in the higher education system.

Kalit soʻzlar: oliy taʼlim tizimi, taʼlim, tarbiya, pedagogik muammo, pedagogik qarashlar, majmuaviy yondashuv, sogʻlom turmush tarzi, axloqiy tarbiya, tarbiya jarayoni xususiyatlari, ustuvor yoʻnalishlar, guruh murabbiyi, adolat, ijtimoiy hodisa.

Ключевые слова: система высшего образования, образование, воспитание, педагогическая проблема, педагогические взгляды, комплексный подход, здоровый образ жизни, нравственное воспитание, особенности образовательного процесса, приоритеты, групповой тренер, справедливость, социальное событие.

Key words: higher education system, education, upbringing, pedagogical problem, pedagogical views, integrated approach, healthy lifestyle, moral education, features of educational process, priorities, group coach, justice, social event.

Tarbiya – har bir insonning hayotida, yashashi mobaynida orttirgan saboqlari va intellektual salohiyatlarining ijobiy koʻnikmasini oʻzgalarga berish jarayoni.

Tarbiya jarayonini toʻgʻri tashkillashtirish barcha davrlarda muhim ijtimoiy talablardan biri boʻlib kelgan, ammo bugungi sifat oʻzgarishlar roʻy berayotgan bir davrda, bu masalaning dolzarbligi yanada kuchayib, talab ortib bormoqda. Oliy taʼlimda faoliyat olib borayotgan har bir murabbiy tarbiya jarayoni shaxsni maqsadga muvofiq takomillashtirish uchun uyushtirilishini va tarbiyalanuvchining shaxsiga muntazam va tizimli taʼsir etish imkoniyatlarini yaratishini ongli ravishda anglashi lozim.

Oliy taʼlimda tarbiyaviy ishlarni tashkil etish har bir pedagogdan zamon talablariga mos bilim koʻnikma va malakalarni talab etadi. Chunki bugungi “Oliy taʼlim” atamasi zaminida iqtisod, fan, texnika va madaniyat sohasida faoliyat olib boruvchi, ish mobaynida ilm-fan, madaniyat, texnika yangiliklarini qoʻllagan va oʻz ustida ishlagan holda, nazariy va amaliy muammolarni bartaraf etuvchi yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash tushuniladi.

Oliy taʼlimning asosiy maqsadi zamon talablariga javob bera oladigan malakali, raqobatbardosh, yuksak bilimli, oliy taʼlim mutaxassisi talablariga oʻzi tanlagan yoʻnalishi yuzasidan talabga javob bera oladigan respublikaning ilm-fan, madaniyat, iqtisod, ijtimoiy sohalarini rivojlantirishda oʻz hissasini qoʻshadigan, mustaqil fikrlaydigan, yuksak maʼnaviyatga ega boʻlgan yuqori salohiyatli mutaxassislarni tayyorlashdir.

Ayni damda, oliy taʼlimda faoliyat olib borayotgan har bir murabbiy taʼlim-tarbiya ishlarini tashkil qilishga majmuaviy yondashuvi shart. Buning uchun, dastlab, buyuk adiblarning taʼlim-tarbiyaga doir qarashlarini oʻrganib tahlil qilish va yurtimizda qabul qilinayotgan qonun va farmonlarni bajarish maqsadida tarbiyaviy jarayonga texnologik yondashuvni hamda kelajak avlodda sogʻlom turmush tarzini shakllantirish usul va vositalaridan unumli foydalanishni bilishlari lozim.

Maʼnaviyat tarbiyadan boshlanadi. Taʼlim tarbiyasiz maʼnaviyatning boʻlmasligi barchaga ayon haqiqatdir.

Milliy pedagogika asoschilaridan biri Abdulla Avloniyning “Tarbiya biz uchun yo hayot, yo mamot, yo najot – yo halokat, yo sadoqat, yo falokat masalasidir!” degan soʻzlari fikrimizga dalil boʻladi.

Qadimgi faylasuflaru donishmandlar axloq-odobga juda katta baho berib, uni jamiyatning poydevori deganlar. Asrlar davomida axloq-odob mavzuida qanchadan qancha kitoblar, hikmatnomalar, odobnomalar, pandnomalar va nasihatnomalar, ibratli hikmat-u rivoyatlar yaratilgan. Xalq ogʻzaki ijodi xazinalarida axloq-odobga doir bebaho fikr javohirlari borki, ularning hammasini hisoblab hisobiga, taʼriflab taʼrifiga yetib boʻlmaydi.

Axloqiy tarbiya vazifalaridan biri – ongli intizom boʻlishi. Ongli intizom kishining kundalik faoliyatida, xulq-atvorida, kishilar bilan aloqasida, umumiy dunyoqarashida namoyon boʻladi. Ongli, intizomli kishining madaniyati, muomalasi kundalik masalalarni hal qilish bilan hayotining mazmuni, yaxshilik va yomonlik, maʼnaviy boylik haqidagi tasavvurlari bilan u yoki bu tarzda bogʻlangandir. Ongli intizom ega-

si bo'lgan kishi o'z axloqiy burchini to'g'ri anglaydi, o'z xatti-harakatlariga baho beradi, noto'g'ri xatti-harakatni qoralaydi.

Intizomli kishi o'z xulq-atvoriga to'g'ri baho berish bilan birga, biror xatti-harakat uchun shaxsiy mas'uliyatni his etadi. Demak, oliy ta'limda ta'lim olayotgan talabalarda ongli intizomni shakllantirishimiz lozim. Bu borada yoshlarimizda axloqiy sifatlarni shakllantirish, ularni qo'llab-quvvatlash, ijtimoiy himoyalash hozirgi kunda dolzarb muammolardan biri ekanligini davlatimiz rahbari tomonidan qabul qilinayotgan qaror va farmonlar mazmunidan ham bilishimiz mumkin.


Yoshlarni qo'llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish, ularning bandligiga ko'maklashish, tadbirkorlik g'oya va tashabbuslarini rag'batlantirish, ular munosib daromad olishi uchun qo'shimcha sharoitlar yaratish, bu borada olib borilayotgan ishlarni yangi bosqichga olib chiqish, shuningdek, 2017 – 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturi ijrosini ta'minlash maqsadida:

1. Yoshlarni tadbirkorlikka jalb qilish, ularni doimiy ish bilan band qilish, qo'shimcha daromad olishi uchun qulay shart-sharoitlar yaratish bo'yicha quyidagi tartib joriy qilinsin, unga muvofiq:

♦professional ta'lim tashkilotlarida tahsil olayotgan "Yoshlar daftari"ga kiritilgan yoshlarga ular ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish korxonalarida amaliyot o'tagan vaqtida, biroq olti oydan ko'p bo'lmagan muddatda professional ta'lim tashkilotlari tomonidan davlat budjeti mablag'lari hisobidan bazaviy hisoblash miqdorining ikki baravari miqdorida har oylik subsidiya ajratiladi.¹

Tarbiya jarayoni o'zaro bog'liq ikki faoliyatni – o'qituvchi va talaba faoliyatini o'z ichiga oladi. Tarbiya jarayonida shaxsning ongi shakllana boradi, his-tuyg'ulari va turli qobiliyatlari rivojlanadi, g'oyaviy, axloqiy, irodaviy, estetik xislatlari shakllanadi, tabiatga, jamiyatga ilmiy qarashlar tizimi tarkib topadi, jismoniy kuch-quvvatlari mustahkamlanadi. Tarbiya jarayonida shaxsda jamiyatning shaxsqa qo'yadigan axloqiy talablariga muvofiq keladigan xulqiy malaka va odatlar hosil qilinadi. Bunga erishish uchun talabaning ongiga (ta'lim jarayonida), hissiyotiga (darsda va turli sinfdan tashqari ishlarda), irodasiga (faoliyatni uyushtirish, xulqni idora qilish jarayonida) tizimli va muntazam ta'sir etib boriladi. Tarbiyalash jarayonida bulardan birortasi (ongi, hissiyoti, irodasi) e'tibordan chetta qolsa, maqsadga erishish qiyinlashadi.

Oliy ta'lim tizimidagi tarbiya jarayonining xususiyatlari



Tarbiyaning birinchi xususiyati uning ko'p qirrali jarayon ekanligi bo'lib, unda maktab, oila, bolalar va o'smirlar tashkilotlari, mahalla, keng jamoatchilik, kinoteatr, televideniya, adabiyot va san'at ishtirok etadi.

Tarbiyaning yana bir xususiyati, uning uzoq muddat davom etishidir. Ta'limdan farqli ravishda, u bola tug'ilganidan boshlanadi, maktab yillarida, OTMda, undan keyin va butun umr bo'yi davom etadi.

Tarbiyaning ta'limdan farqlantiruvchi yana bir xususiyati shundaki, u yaxlit holda va konsentrik asosda amalga oshiriladi. Tarbiyaning turli tomonlari bir-biri bilan uzviy bog'langan. Uzluksiz ta'lim tizimining har bir bosqichida, ayni bir narsa, masalan, do'stlik, ahillik, vatanparvarlik va boshqalarni tarbiyalash ko'zda tutiladi.

Tarbiyaning yana bir xususiyati shundaki, bu jarayon ikki tomonlama xususiyatga ega bo'lib, unda talabaning o'zi ham faol ishtirok etadi.

¹O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 20-apreldagi PF-6208-sonli farmoni. <https://lex.uz/ru/docs/-5382151#undefined>. 2-bet.

Tarbiyada qarama-qarshiliklarning ko'pligi yana bir xususiyatdir. Bu qarama-qarshiliklar talabalarda o'z tushunchalariga muvofiq dastlabki paydo bo'lgan sifatlar bilan tarbiyachi tomonidan tarkib toptirilayotgan sifatlar o'rtasida talabalarga qo'yilgan talablar bilan uni bajarish imkoniyatlari o'rtasidagi kurashlarda namoyon bo'ladi.

Biror-bir maqsadga qaratilgan tarbiya jarayonining mohiyati va vazifalari tarbiyachi tomonidan rejalashtiriladi va tartibga solinadi.

a) talabaning qaysi xislatini shakllantirish yoki yo'qotish maqsadida rejalashtiriladi;

b) shu xislatlarni tarbiyalash yoki yo'qotish uchun xizmat qiluvchi manbalar izlab topiladi;

d) belgilangan maqsad uchun xizmat qiladigan nazariy va amaliy manbalarni qaysisini va qayerda ishlatish rejalashtiriladi.

Bunday rejaga solinib olib borilgan tarbiya mohiyatini ta'lim-tarbiya tizimi jamiyat va insonlarning intellektual va jismoniy faoliyati tashkil qiladi. Tarbiyalanganlik – jamiyatda qabul qilingan axloqiy normalarga bo'ysunish va o'zgalarning nafratini qo'zg'atadigan xatti-harakatlardan o'zini tiya bilish.

Beruniy insonning kamolotga yetishishida ilm-u ma'rifat, san'at va amaliyot asosiy rol o'ynasada, nasl-nasab, ijtimoiy muhit va turmush qonuniyatlari ham katta ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlaydi. Uning fikricha, inson kamolga yetishuvining eng muhim omillari ilm-ma'rifatli bo'lish va yuksak axloqlilikdir. Axloqlilikning belgilari yaxshilik, to'g'rilik, adolat, kamtarlik, saxovat, oliyanoblik, do'stlik va hamkorlik, mehnat, poklik, go'zallikka intilish kabilardir.

Adolat – hayotiy masalalarni axloqiy va huquqiy normalarni rioya etgan holda hal etish. Shu nuqtayi nazardan, yoshlarda ijtimoiy adolat haqidagi tushunchalarni shakllantirish ijtimoiy adolat mavzui doirasida muhim ahamiyat kasb etadi.

Har qanday jamiyat ijtimoiy adolat normalariga rioya qilishi bilan yuksalish darajasi belgilanadi.

Yuqoridagi fikr va mulohazalardan kelib chiqqan holda, quyidagi xulosalarga kelish mumkin:

• oliy ta'lim tizimidagi tarbiya jarayonining jamiyat taraqqiyotidagi roli nihoyatda beqiyosdir. Muftakir olim Abu Nosir Forobiy ta'lim-tarbiyaning asosiy vazifasi jamiyat talablariga javob bera oladigan va shu jamiyat uchun xizmat qiladigan yetuk insonni tarbiyalashdan iborat deb biladi.

• demak, oliy ta'limda ta'lim olayotgan talabalarda ongli intizomni, axloqlilik belgilarini va adolatlik tushunchalarini shakllantirishimiz lozim.

Jamiyat taraqqiyotida muhim o'rin egallagan insonni tarbiyalash, uni bilim olishga, mehnat qilishga undash va bu xatti-harakatini sekin-asta ko'nikmaga aylantirib borish lozim. Insonning mushohada qilishi qobiliyatni tarbiyalaydi va aqlni peshlaydi. Aql ongni saqlaydi. Ong esa moddiy va ma'naviy manbaga aylanadi. Shu tarzda inson asta-sekin takomillashib, komillikka erishib boradi, ammo buning uchun tarbiyachi va tarbiyalanuvchilardan uzoq davom etadigan mas'uliyat, sharaflilik mehnat va qunt, irodani talab etadi. Bunda tarbiyachi talabalarning yosh xususiyatini, qiziqish va ehtiyojlarini e'tiborga olishi zarur.

Xulosalardan kelib chiqqan holda, quyidagi tavsiyalarni ishlab chiqdik:

1) har bir murabbiy oliy ta'lim tizimidagi talabani tarbiyalash jarayonida buyuk adiblarning pedagogik-psixologik qarashlarini o'rganishi va jarayonda ularning sitatalaridan unumli foydalana olishlari lozim;

2) oliy ta'lim tizimi murabbiylari o'rtasida "Yoshlar tarbiyasida eng samarali usullar" mavzusida ko'rik-tanlovlar tashkil etish;

3) "Tarbiya jarayonida majmuaviy yondashuv" mavzusida seminar-treninglar tashkillashtirish.

Ражапова Кумуш Машариповна (Қорақалпоқ Давлат университети)
ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА НУТҚИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА
ТИЗИМЛИ ЁНДАШИШНИНГ ЗАРУРАТЛАРИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада она тили таълимида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашишнинг заруратлари ва нутқий кўникмаларни ривожлантириш орқали ўқувчиларда адабий талаффузни шакллантириш, имловий саводхонликни, сўз бойлигини ошириб бориш, мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга оид мулоҳазалар умумлаштирилган.*

***Аннотация.** В данной статье обобщена необходимость системного подхода к развитию речевых навыков при обучении родному языку и рассматриваются формирование литературного произношения, орфографической грамотности, словарного запаса, навыков независимого мышления у учащихся через развитие речевых навыков.*

Annotation. This article summarizes the need for a systematic approach to the development of speech skills in mother tongue education and the development of students' literary pronunciation, spelling, vocabulary, and independent thinking skills through the development of speaking skills.

Калим сўзлар: тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш, гапириш, грамматика, фонетика, орфография, орфоэфия, ибора, мақол, матал, ҳикматли сўз, тасвирий ифода.

Ключевые слова: аудирование, чтение, письмо, устная речь, грамматика, фонетика, орфография, орфоэпия, фразеология, пословица, пословица, мудрое высказывание, образное выражение.

Key words: listening comprehension, reading, writing, speaking, grammar, phonetics, spelling, orthography, phrase, proverb, wise saying, figurative expression.

Ҳар бир давр таълим олдига ўз вазифасини кўяди. Юз йил олдинги таълим мазмуни билан бугунгисининг ўртасида анча фарқ бор, хусусан, она тили ўқитиш масаласида ҳам. Аслида, тил ўқитиш муайян ўзгармас талабларга эга бўлади, бироқ замоннинг эҳтиёжига кўра, мазкур мезонлар босқичма-босқич такомиллаштирилади. Бугунги она тили таълими грамматизмдан воз кечиб, нутқий кўникмаларни ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Тўғри, грамматик маълумотларсиз она тили таълимини тасаввур этиб бўлмайди, бироқ тилнинг ташувчиларига курук грамматик қоидалар орқали ҳам тилни ўргатиб бўлмайди. Замонавий она тили таълимининг асосий муаммоси нутқий кўникмаларни қандай қилиб самарали ривожлантиришга эришишдир. Бу борада шунини таъкидлаш керакки, ҳар бир ҳодиса муайян тизимга эга экан, нутқий кўникмалар ҳам шу тизимга мос ривожлантирилиши зарур.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши она тилига бўлган мунособатни тубдан ўзгартирди. Она тили таълими мазмунининг янгиланиши мазкур соҳада қилиниши керак бўлган ишлар кўламини белгилаб берди.

Илмий, илмий-методик манбаларда таълим мазмуни тушунчаси турлича талқин қилинади. Жумладан, рус педагог-олимлари И.Я.Лернер¹ ва М.Н.Скаткинлар таълим мазмунига ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мўлжалланган, методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми сифатида қарайдилар.

Адабиётларда «таълим мазмуни» тушунчаси билан бирга, «ўқув материали» атамаси ҳам қўлланилади. Дидактикада ўқув материали тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода у «таълим мазмуни» тушунчасига тенг бўлса, тор маънода маълум даражада ўрганилиши керак бўлган, ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мослаштирилган билим, кўникма ва малакалар тизими тушунилади.

Таълим мазмуни деганда: 1) ўқув режалари; 2) ўқув дастурлари; 3) дарсликлар; 4) ўқув-методик қўлланмалар назарда тутилади. Она тилидан дастур ҳамда дарсликлар ўқувчиларнинг ўрганишлари учун танланган ва уларнинг ўзлаштиришларига мувофиқлаштирилган тил материалларини ўз ичига олади.²

Педагогика фанлари доктори Қ.Хусанбоевнинг таълим мазмунига ўқитувчини ҳам киритиши³ ниҳоятда тўғри ёндашув. Чунки тил сатҳларидан айнан фонетика ва орфоэпияни ўқитишда ўқитувчининг роли жуда муҳим бўлиб, ўқувчилар адабий талаффузни бевосита ўқитувчидан ўрганадилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, таълим мазмунининг ёйилмаси ўқитишнинг дидактик воситалари, жумладан, мактаб дарсликлари ҳисобланади.

Она тили ҳар бир киши ҳаётида муҳим ўрин тутди. Инсон ўз она тилида фикрлайди, таълим олади, борликни ўзлаштиради. Меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Ҳар бир мутахассиснинг ўз соҳасида муайян натижаларга эга бўлишида она тилининг таъсири катта. Лекин ўқув дастурларида грамматик маълумотларга кўп ўрин ажратилган, зеро, ўзбек ўқувчиси грамматика асосида гапирмайди. Қолаверса, дунёда грамматика дейилганда фонетика, лексика, морфология ва синтаксис бўлиmlаридан иборат система тушунилади. Бизда грамматика морфология ва синтаксисдан иборат. Аслида, грамматика сўзи лотинчадан «ўқиш ва ёзишни ўрганмоқ» деган маънони беради. Ўзбек

¹ Лернер Я. Дидактические основы методов обучения. Текст. М., «Педагогика», 1981, 186 с.

² Фуломов А., Неъматов Х. Она тили таълими мазмуни. Она тили ўқитувчилари учун қўлланма, «Ўқитувчи», Т., 1995, 128-бет.

³ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. док-ри дисс. автореф., Т., ТДПУ, 2006, 262 бет.

тилининг асосини ташкил этган грамматика, маълумки, ўқиш ва ёзишни, адабий тилда гапиришни қониқарли ўргатмаяпти.

Грамматика ўзбек ўқувчисига хорижий тилларни ўрганиш учун керак бўлади. Она тили ўқиш методикасида асосий эътиборни нутқий компетенцияни ривожлантиришга қаратиш, лингвистик компетенцияни ҳам шунга йўналтириш мазкур соҳада қутилган натижани таъминлайди.

Она тили ўқиш методикасига инновацион ёндашувларни жорий этиш, PISA, PIRLS халқаро баҳолаш талаблари асосида жаҳоннинг илғор ўқиш методикаларида мавжуд баҳолашга қулай бўлган малака талаблари ишлаб чиқилиши керак. Албатта, мазкур талаблар она тили фанининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилади.

Дунё тажрибасида эътироф этилаётган тил ўрганишга доир тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш кўникмалари ўқувчининг нутқий компетенциясини ривожлантириш ва баҳолаш имконини бераётгани кўпчилик давлатларда тан олинган. Жумладан, мамлакатимизда ҳам чет тили ўқишда ўз самарасини бермоқда. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ўқишда бу хорижий тажрибадан тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилини билиш даражаси тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапиришга қўйилган минимал талабларга (масалан, инглиз тилидаги каби) жавоб берса, ўзбек тили фани ўз олдига қўйган ижтимоий буюртмани бажарган бўлади.

Ўзбек тилини она тили сифатида ўқиш методикаси эса бироз мураккаброқ, чет тили ўқишга қўйилган тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш каби талабларни айнан қўллаб бўлмайди. Халқаро тажрибадан ижодий фойдаланган ҳолда, мазкур тўрт кўникмани она тили ўқишга мослаштириш лозим бўлади, чунки она тилида шунчаки ўқий олишнинг, қўлидан келганча ёза олишнинг ёки гапира олишнинг ўзи етарли эмас. Инглиз тили ўрганишга қўйилган минимал талабларни она тили таълимига қуйидагича татбиқ этиш мумкин:

1. Тинглаб тушуниш (мантиқан).
2. Ўқиш (ифодали).
3. Ёзиш (саводли ёзиш).
4. Гапириш (адабий тилда).

Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида (АҚШ, Буюк Британия, Германия) она тили таълимида тинглаб тушуниш бўйича нутқий кўникмаси текширилмайди, унинг ўрнига (аналитик *writing* (тахрир) кўникмаларининг шаклланганлиги баҳоланади. Ўзбек тилини она тили сифатида ўқиш методикасини такомиллаштиришда она тили таълими мазмунини ортиқча грамматизмдан халос қилиш, нутқий кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган назарий маълумотларнигина танлаб олиш, фонетика, орфография, орфоэпия, лексика ва пунктуация мавзуларини спиралсимон 1–11-синфгача ўқиш ҳамда грамматик минимун ишлаб чиқилиши керак.

Она тили ўқишда машқ ва топшириқлар фарқланиши лозим, нутқий кўникмалар машқ орқали шаклланади. Янги ўқиш методикасида такрорга асосланган машқлардан фойдаланиш, замонавий ўқув топшириқлар ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаш механизми, фойдаланиш методикаси яратилиши керак.

Шу ўринда, “машқ” ва “топшириқ” атамаларини моҳиятан фарқлаш, уларнинг лингводидактикадаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида тўхталаш жоиздир. Методист М.Саидов ўқув материаллари сирасида ўқув топшириқларини уч турга бўлиб, уларни ўзаро фарқлайди, кўпинча, ўқитувчилар ўз иш фаолиятлари давомида “машқ”, “топшириқ” ва “масала” тушунчаларини қориштириб юборишларини таъкидлайди. Олим педагогика фанлари доктори А.Ғуломовнинг “Машқ ҳам ўқув топшириқининг бир шакли, ҳам ўқишнинг муайян бир усули”, деган фикрига қўшилади ва топшириқ машқнинг бир бўлаги, у, асосан, машқнинг шартида ўз ифодасини топишини, топшириқ машққа қараганда торроқ тушунчани ифодалашини эътироф этади.¹

Бизнингча, топшириқ машқни ўз ичига олади, топшириқлар ўқувчини йўналтиради, фикрлашга ундайди; такрорга асосланган машқлар кўникма ва малака ҳосил қилиш учун хизмат қиладди.

Тилшуносликнинг “Фонетика” бўлими “Орфография” ва “Орфоэпия” “Лексика”, “Морфология” билан бевосита алоқадор бўлганлиги боис уларни ўқиш воситалари ҳам бир-бирига чам-

¹ Саидов М. Ўзбек мактабларининг 5-синфларида она тили таълими жараёнида тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари ва улардан фойдаланиш методикаси. Пед. фан. ном-ди дисс. автореф., ТДПУ, Тошкент, 2000., 25 бет.

барчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мазкур ишда ўқув топшириқларига ўзгача ёндашилди. Дарслик ва қўлланмаларда кўп учрайдиган ўқув топшириқлар орасида синонимик муносабат йўқ. Бироқ кузатишларимиз асосида айта оламизки, узоқ йиллардан бери амалда бўлган қатор дарслик ва қўлланмаларда мазкур икки тушунчанинг берилишида чалкашлик, бирининг ўрнида бошқасининг қўлланилиши каби ҳолатларни кўриш мумкин.

Аждодлардан, умуман, инсоният даҳоларидан бугунги кунгача етиб келган бой мерос маҳсули бўлган иборалар, мақол, матал, ҳикматли сўзлар, тасвирий ифодалар она тили таълимининг мазмунини ташкил этиши керак, улардан онда-сонда эмас, балки ҳар дарсда, ҳар ўқув топшириқ таркибида унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўз ўрнида ва ўз вақтида ўқувчилар тафаккурига сингдирилган бу каби халқона, миллий дурдоналар уларнинг фикрларини теранлаштиришга, дунёқарашларини кенгайтиришга ва ўзларида ҳосил бўлган ижодий тафаккур маҳсулини равон, аниқ ҳамда тушунарли тарзда баён эта олишларига замин яратади.

Амалдаги дастур ва дарсликлар ўқувчини она тили таълими мақсадига мувофиқ мустақил изланишга ундаши лозим. Бундай шароитда дарсликнинг энг муҳим қисмини назарий маълумотлар базаси эмас, балки ўқувчига она тилимизнинг сон-саноксиз имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланишни ўргатадиган ўқув топшириқлари ташкил этмоғи лозим. Чунки мактабда она тили таълими тилшунос тайёрлаш мақсадини эмас, тил имкониятларидан кенг фойдалана оладиган ижодий тафаккур соҳибини жамиятга етказиб беришни тақозо этади. Демак, ўқув топшириқлари ўқувчини изланишга ундай олсагина, уларни талаб даражасида деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Дарсликда ҳар бир мавзуга тааллуқли луғатлар, жумладан, орфография учун имло луғати, орфоэпия учун талаффуз машқлари тўплами, лексика учун изоҳли луғат, морфология учун морфем луғат ва бошқалардан самарали фойдаланилса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Ахборот технологиялари асрида маълумотлар базаси муаммо эмас. Шунинг учун дарсликларнинг топшириқлар қисми мукамал, тизимли, пухта ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кун она тили таълими мактабда ўргатилиши белгиланган тил сатҳларидан қатъий назар, хатто фонетика ўқитишда ҳам ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, шу орқали ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мустақил, равон, лўнда ва жозибали ифодалай олишига эришишни талаб этади. Ушбу мақсадни амалга ошириш, албатта, ўзбек тилининг тенгсиз хазинаси ҳисобланган махсус лексик бойликларсиз самарали бўлиши қийин.

Тилнинг барча сатҳларини ўқитишда матал, топишмоқ, тез айтиш, латифа, лоф, терма ва дoston намуналаридан таҳлил материали сифатида фойдаланиш она тили таълимида самарадорликка эришишда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қила олади.

“Она тили” дарсликларида орфоэпия, имло меъёрларини кўникма сифатида шакллантириш борасида кўплаб ўқув топшириқлари, турли тушунтиришлар берилади. Аммо нуткий фаолият давомида айрим бирликларнинг орфоэпияси ва имлосини ўқувчига ўргатиш, нуткий кўникмаларни ривожлантириш қатор қийинчиликларни келтириб чиқараверади.

Орфоэпия, грамматика ва унинг меъёрлари масаласи дунёнинг ривожланган мамлакатлари тилларида атрофлича ўрганилганлигини кузатамиз. Бу борада жаҳон тажрибасида, жумладан, инглиз тилида ўқув топшириқларидан унумли фойдаланилади. Шунинг учун ҳам амалдаги асосий дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳар бир маълумотнинг амалиётга айланиш жараёни ҳақида батафсил маълумот берилади.

Маълумки, психологик нуқтаи назардан инсон хотираси, жумладан, ўқувчи хотираси ҳам муайян турларга бўлинади. Маълумотларни бир марта ўқиш оддий хотирада вақтинча сақланади ва қисқа муддатда унутилади. Агар узлуксиз такрорланса, у доимий хотирага ўтади. Э.Ғозиев таъкидлаган ўқувчи эслаб қолиши мумкин бўлган маълумотлар таркиби, миқдори ва сифати ҳақида олган хулосаларини шу ўринда келтириш ўринли. У ҳеч қандай маъно англамайдиган 38 та бўғинни ўқувчи 55 марта такрорлаганда эслаб қолганини, 38 – 40 та сўздан иборат материални эслаб қолиш учун эса 6 – 7 марта такрорлаш кифоя қилганини аниқлаган.¹

Ўқувчининг ижтимоий ҳаётда алоқа-аралашувни тўғри амалга оширишида хизмат қила оладиган зарурий маълумотларни унинг узоқ муддатли хотирасига ўтказиш учун ўша маълумотларни кўп марта такрорлатиш ва хотирасида қайта тиклаб туриш лозим. Шу ўринда айтиш мумкинки, фонетика сатҳини ўқитишда машқ ва топшириқларнинг ўқув материални ташкил этувчи сермазмун, пурҳикмат матнлардан ўринли фойдаланилса, ўқувчи уларни бир-икки такрорлаш билан узоқ

¹ Ғозиев Э. Умумий педагогика. Т., 2010, 221–222-бетлар.

муддатли хотирасига “ёзиб қўяди”. Бирор жисмоний ҳаракат автоматлашиш даражасига етиши учун қанча узлуксиз машқ зарур бўлса, муайян нутқий малаканинг шаклланишига ҳам шунча машқ, ҳаракат керак бўлади.

Орфоэпия таълимини такомиллаштиришда илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Маълумки, мактабда бугунги “Она тили” ўқув предмети таълимида омилкор ўқитувчилар томонидан кўплаб инновацион технологиялар замон талабларига мос ҳолда қўлланилмоқда. Табиийки, бу “Орфоэпия” сатҳи таълимида, жумладан, ўқувчига нутқ товушларининг тўғри талаффузини ўргатиш жараёнида жуда қўл келади. Мазкур масаланинг яна бир жиҳати борки, ҳар қандай шароитда ҳам она тили ўқитувчилари мазкур бўлимни ўз имконият ва салоҳиятларидан келиб чиқиб тушунтирадilar. Одатда, ўқувчи учун ўз она тилининг ҳамма товушлари ҳам талаффуз ва имлода қийинчилик туғдиравермайди. Маҳаллий тил ҳисобланган шева таъсирида айрим унли ва ундош товушларнинг айтилиши ҳамда ёзилишида чалкашликлар, хато-лар бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда амалда қўлланилаётган топшириқ характеридаги машқлар билан қанча кўп ишланса ҳам, қутилган натижага эришиш қийин кечмоқда.

Ўқувчининг оғзаки нутқи туғилиб ўсган ери, оиласи, яқинлари таъсирида шаклланган ҳолда мактабга келади. Баъзан уларни ўзлари ўрганиб қолган ҳолатдан адабий талаффуз меъёрлари доирасига ўтказиш анча қийинчилик туғдиради. Бундай шароитда ўқитувчи, албатта, фонетика ўқитиш жараёнидаги дастлабки фаолиятни ҳудудий муаммолардан келиб чиққан ҳолда талаффузи қийин нутқ товушлари устида ишлашга қаратишдан бошлаши зарур. Акс ҳолда, айрим ўқувчилар ба-лоғатга етганда ҳам баъзи нутқ товушлари талаффузини эплай олмайдиган бўлиб қолишади. Бу ка-би “нутқий кемтиклик” маданий давраларда ўқувчига бир умр халақит бериши мумкин. Ўқитувчи ўз вақтида оғзаки нутқида муаммолари бор ўқувчиларга алоҳида эътибор бериб, махсус талаффуз машқлари устида мунтазам ишласа, муаммога ўрин қолмаслиги аниқ. Фикримизча, нутқий кўник-маларни ривожлантирувчи махсус ўқув материалларини шакллантириш тарихий ва замонавий тажрибалардан келиб чиқади. Бу борадаги жаҳон ва маҳаллий тажрибаларидан унумли фойдала-ниб, муаммоларни атрофлича ўрганиш уларнинг ечимини топиш имконини беради.

Ишмуродова Гулбахор Измуродовна (Qarshi davlat universiteti dotsenti; ishmuradova67@mail.ru)
TEKNOLOGIYA O'QITUVCHISI DIDAKTIK KOMPETENSIYALARINI
TAKOMILLASHTIRISH

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada o'qituvchining “pedagogik” va “didaktik” kompetentlik tushunchalarining nazariy tahlili, didaktik kompetensiyasining asosiy darajalari ko'rsatib o'tilgan didaktik kompetensiya kasbiy kompetensiyaning tarkibiy qismlardan biri hisoblanadi. Shuningdek, didaktik kompetensiyaning bir qismi bo'lgan malakalarning mazmuni, darajasi va sohalari ham bayon qilingan.*

***Аннотация.** В данной статье проведен теоретический анализ понятий “педагогическая” и “дидактическая” компетентность учителя, указаны основные уровни дидактической компетентности. Также, излагается содержание, уровни и сферы компетенции, входящие в состав дидактической компетенции.*

***Annotation.** In this article, the theoretical analysis of the concepts of “pedagogical” and “didactic” competence of the teacher is carried out, the main levels of didactic competence are indicated. Also, the content, levels and areas of competence that are part of the didactic competence are described.*

***Kalit so'zlar:** kompetentlik, kreativlik, reproduktiv, didaktik kompetensiya, evristik, texnologik ta'lim, didaktik kompetensiya.*

***Ключевые слова:** компетентность, креативность, репродуктивный, дидактическая компетентность, эвристика, технологическое образование, дидактическая компетентность.*

***Key words:** competence, creativity, reproduction, didactic competence, heuristics, technical education, didactic competence.*

Ayni paytda, umumiy o'rta ta'lim maktablari yangi ta'lim standartlariga o'tish bilan bog'liq holda, o'quv rejadagi fanlarning nomi va mazmuniga qator o'zgartirishlar qilindi. Uzluksiz ta'lim tizimida o'quvchilarni kasb-hunarni to'g'ri tanlashga yo'naltirish maqsadida “Mehnat ta'limi” fani “Texnologiya ta'limi” deb o'zgartirildi va bugungi kun talabidan kelib chiqib, ko'p tarmoqli yo'nalishlarga asoslangan holda qayta ishlandi, “Odobnoma”, “Vatan tuyg'usi”, “Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari” hamda “Dunyo dinlari tarixi” fanlari “Tarbiya” fanida integrallashtirildi. Bunda fan materiallari bir-birini

takrorlamay, balki bir-birini to'ldirishi, xorij tajribalariga, asosan, jahon miqyosidagi ahamiyatiga urg'u berilishi, fanlardan uning ayrim jihatlarini to'laqonli yoritilishi hisobga olinishi kerak.

Zamonaviy maktabda Texnologiya fani o'qituvchining shaxsi uchun bir qator talablar qo'yiladi, bu kelajakda o'qituvchining kasbiy kompetensiyasi va ixtisoslikka oid bilimlari mazmuniga ko'proq bog'liq bo'ladi.

Texnologik ta'limda o'quv jarayonining muhim jihatlaridan biri o'qituvchining ta'lim jarayonini samarali tashkil etishga tayyorligi (didaktik jarayon) masalasidir. Shu sababli ushbu ilmiy tadqiqotning maqsadi o'qituvchining kasbiy pedagogik kompetensiyasi tarkibida didaktik kompetensiyaning o'rnini aniqlash, didaktik kompetentligi tushunchasini belgilash va hozirgi kunda ushbu masalani o'rganishning nazariy tahlilini amalga oshirishdir.

“Kompetentlik (ing. competence – qobiliyat) – faoliyatda nazariy bilimlardan samarali foydalanish, yuqori darajadagi kasbiy malaka, mahorat va iqtidorni namoyon eta olish ta'kidlangan.¹

Shuni ta'kidlash kerakki, uzluksiz ta'lim tizimida mutaxassisning kasbiy kompetensiyasini shakllantirish masalasi ko'plab o'qituvchilar va psixologlar tomonidan o'tkazilgan ko'plab tadqiqotlarda faoliyatli yondashuv – shaxsning birligi, ong va faoliyatning birligi, faoliyat va aloqa jarayonlarining o'zaro bog'liqligi nuqtai nazaridan o'rganiladi.

Kasbiy va pedagogik kompetensiyani o'rganish bir qator olimlar (N.V.Kuzmina, I.A.Zimnya, N.A. Muslimov, O.A.Qoysinov, M.H.Usmonboyeva) faoliyatining dolzarb yo'nalishi hisoblanadi.

N.A.Muslimov o'z tadqiqotlarida “kompetentlik” tushunchasini ta'lim sohasiga psixologik ilmiy izlanishlar natijasida kirib kelganligini, psixologik nuqtayi nazardan kompetentlik “noan'anaviy vaziyatlar, kutilmagan hollarda, mutaxassisning o'zini qanday tutishi, muloqotga kirishishi, raqiblar bilan o'zaro munosabatlarda yangi yo'l tutishi, noaniq vazifalarni bajarishda, ziddiyatlarga to'la ma'lumotlardan foydalanishda, izchil rivojlanib boruvchi va murakkab jarayonlarda harakatlanish rejasiga egalik”ni anglatishida, deb tushuntiradi.

Kuzmina N.V. kasbiy va pedagogik kompetensiya beshta element yoki kompetensiya turini o'z ichiga olishini ko'rsatib o'tadi: maxsus-pedagogik, uslubiy, ijtimoiy-psixologik, differensial-psixologik, autopsixologik. Uslubiy kompetensiyalar o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini shakllantirish usullari doirasini qamrab oladi.²

K. Angelovski o'z ilmiy tadqiqotlarida o'qituvchining pedagogik kompetensiyasining tarkibiy tuzilishini pedagogik ko'nikmalar bilan bog'lab tushuntiradi. Bu pedagogik ko'nikmalar to'rt guruhga birlashtirilishi mumkin.³

- ta'lim jarayonining mazmunini belgilashda aniq pedagogik vazifalarga bo'lish qobiliyati: shaxsiyat va jamoani o'rganish, shu asosda yangi bilim va dizaynlarni faol o'zlashtirish uchun ularning tayyorligini aniqlash, jamoa a'zolari va alohida o'quvchilarni individual rivojlantirish; ta'lim, tarbiya va rivojlantiruvchi vazifalarini belgilash, ularni aniqlashtirish va ustuvor vazifani belgilashdir;

- texnologik ta'limda mantiqiy tugallangan pedagogik tizimni tashkil etish va o'tkazish qobiliyati: ta'lim va tarbiya vazifalarini kompleks rejalashtirish, uni tashkil etishning shakllari, usullari va vositalarini oqilona tanlash;

- ◆ ta'limni tarkibiy qismlari va omillari o'rtasidagi munosabatlarni aniqlash va o'zaro aloqadorlikda tashkil etish: zarur shart-sharoitlarni yaratish (moddiy, ma'naviy-ruhiy, tashkiliy va boshqalar), o'quvchining shaxsini faollashtirish, uning faoliyatini rivojlantirish va hokazo;

- pedagogik faoliyat natijalarini hisobga olish va baholash qobiliyati: o'qituvchining ta'lim jarayoni natijalarini aniq belgilab olishi, o'z-o'zini nazorat qilishi va tahlil qilishi; dominant va bo'ysunuvchi vazifalarning yangi kompleksini aniqlash ishlari kiradi.

Ilmiy adabiyotlarni tahlil qilib, o'qituvchining kompetensiyasi muammosini o'rganayotgan ko'plab olimlar o'zlarining tadqiqotlarida “kasbiy kompetensiya” atamasidan foydalanadilar, “pedagogik kompetensiya” atamasi, keyin ikkala atama va ba'zan bu atamalarni birlashtiradi.¹

¹ Муслимов М., Усмонбоева Н.А., Сайфулов М.Х., Тўраев Д.М. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Тошкент, 2015, 4-бет.

² Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя. М., АПН, 1990, 149 с.

³ Ангеловски К. Учителя и инновации. Книга для учителя, М., “Просвещение”, 1991, 63 с.

¹ Сериков В.В. Обучение как вид педагогической деятельности. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений, под ред. В.А.Сластёнина, И.А.Колесниковой, М., «Академия», 2008, 10 с.

Hozirgi vaqtda ilm-fanda ushbu ilmiy tushunchani aniqlash uchun yagona yondashuv yo'q. Jumladan, V.A.Slastenina, I.F.Isayeva, A.I.Mishchenko va E.N.Shiyanova o'qituvchining kasbiy kompetensiyasi pedagogik faoliyatni amalga oshirishga tayyorligini bildiradi, o'qituvchining kompetensiyasi tuzilmasi ushbu tayyorgarlikni tavsiflovchi ko'plab pedagogik mahoratga ega, deb ko'rsatishadi.¹

Biz pedagogik kompetensiyaning keyingi ta'rifiga e'tibor qaratdik. Shunday qilib, pedagogik kompetensiya tizimli hodisa bo'lib, pedagogik bilim, tajriba, pedagogning o'ziga xos xususiyatlari va fazilatlarini o'zida mujassamlashtiradi, pedagogik faoliyatning samarali bo'lishiga, pedagogik muloqat jarayonining maqsadli o'tkazilishini ta'minlaydi, shuningdek, o'qituvchi shaxsining rivojlanishi va takomillashuvi hisoblanadi.²

Bizning ilmiy qiziqishimiz o'qituvchining kasbiy kompetensiyasining ajralmas qismi bo'lgan didaktik kompetensiyaga qaratilgan. Kelajakdagi texnologiya o'qituvchining "kasbiy kompetensiya" konsepsiyasini mazmunli to'ldirishning asosiy tarkibiy qismlari didaktik kompetensiyadir.

Texnologik ta'lim o'qituvchisining didaktik kompetensiyasining mohiyati zamonaviy ta'lim nazariyalarini bilishi, texnologik ta'limning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olib, ta'lim texnologiyalarini qo'llay olishi, rivojlangan innovatsion didaktik fikrlashdir. Didaktik kompetensiyaning mohiyati didaktik qarorlar qabul qilish, didaktik muammolarni hal qilishning eng qisqa yo'lini topish, muayyan shartlar uchun yetarli usullarni, texnikani va o'qitish vositalarini tanlash uchun tezkor, oqilona, muvozanatli va aniq qabul qilish imkonini beradi.

Pedagogik xodimlarning turli toifalari: umumiy o'rta ta'lim maktablarining barcha fan o'qituvchilari, kasb-hunar maktablari, kasb-hunar kolleji o'qituvchilari, professional yoki oliy ta'lim muassasalari o'qituvchilari hamda ta'lim muassasalari rahbarlari u yoki bu darajadagi ma'lum didaktik malakaga ega deyishimiz mumkin.

Texnologik ta'limda umumdidaktik kompetensiyalar turli tasniflarda qayd etilishi mumkin, masalan, buyum ishlab chiqarishda ular bilim olish qobiliyatining bir qismidir (maqsadlarni belgilash, rejalashtirish, tahlil qilish, refleksiya, ta'lim jarayonida o'z-o'zini baholash). Zimnyaya I.A. kompetensiyalarini uchga bo'ladi: faoliyat kompetensiyasidek: o'yin, ta'lim, mehnat; faoliyat vositalari va usullari: rejalashtirish, loyihalashtirish, modellashtirish, prognozlash, tadqiqot faoliyati, faoliyatning turli ko'rinishlarida yo'naltirish.

Bizning fikrimizcha, didaktik kompetensiyaga ega bo'lgan bunday kompetensiyalar bilimlarni shakllantirish usullari, o'qituvchilarning qobiliyatlari sohasidagi uslubiy kompetensiyaga asoslanadi, bu esa o'z vaqtida N.V.Kuzminaning kasbiy va pedagogik kompetensiyasining elementi hisoblanadi.

Amaliyotchi o'qituvchining didaktik kompetensiyalarini shakllantirish masalasiga bag'ishlangan ilmiy ishlarni tahlilidan shu narsa ko'rinadiki, ushbu muammo hali yetarlicha o'rganilmaganligini bilib oldik. Ushbu muammo S.N.Gorycheva, M.P.Endzin, Y.V.Maxovoy, V.V.Serikovlarning ilmiy tadqiqotlarida universitet o'qituvchisining didaktik kompetensiyalari ishlab chiqilgan.

O'qituvchining didaktik kompetensiyalarini o'rganishning dolzarbligi, aniqlangan ilmiy manbalar soni ushbu muammoning pedagogikada yetarli darajada rivojlanmaganli o'qituvchining didaktik kompetensiyasi kasbiy va pedagogik malakaning ajralmas qismi, kasbiy mahorat darajasining umumlashtirilgan kompleks xususiyati bo'lib, u o'zini didaktik jarayonni tashkil etishda o'qituvchining subyektivligi xarakterida namoyon qiladi.³

Shunday qilib, Y.V.Maxova uzluksiz ta'lim tizimida o'qituvchining didaktik kompetensiyasi kasbiy kompetensiyasining ajralmas qismi bo'lib, o'zini didaktik jarayonni tashkil etishda o'zini namoyon qiladigan kasbiylik darajasining umumlashtirilgan kompleks xususiyatlari sifatida ta'kidlaydi. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, didaktik kompetensiyasi o'qituvchining mavjud bilim, ko'nikma, tajribaga muvofiq o'quv jarayonini tashkil etishda yuzaga keladigan murakkab kasbiy muammolarni hal qilish qobiliyati sifatida tavsiflanishi mumkin.

M.N.Pevzner, O.M.Zaychenko, S.N.Gorycheva "Maktab xodimlarini ilmiy-uslubiy qo'llab-quvvatlash: pedagogik maslahat va nazorat" (2002) monografiyasida didaktik kompetensiyaning uch darajasini ajratib ko'rsatadi: reproduktiv, evristik, kreativ.

¹Горычева С.Н., Эндзинь М.П. Развитие дидактической компетентности учителя. Пособие, Великий Новгород, МОУ ПКС Институт образовательного маркетинга и кадровых ресурсов, 2006, 9 с.

² Shu manba. 10-bet.

³ Певзнер М.Н., Зайченко О.М., Горычева С.Н. Педагогическое консультирование. Учеб. пособие, М., "Академия", 2006, с. 268.

Uzluksiz ta'lim tizimi o'qituvchisining didaktik kompetensiyasining reproduktiv darajasi bu o'quv jarayonini tashkil etishning o'ziga xos xususiyatlari bilan belgilanadi, masalan, faoliyatning stereotipi (namunalarga aniq rioya qilish, cheklangan usullar va shakllar), tayyor ta'lim texnologiyalaridan foydalanish, o'qitadigan mavzu doirasidagina cheklash, past motivatsiya. Bu yerda me'yoriy-adaptiv, invariant, aniq tuzilgan shaxsiy tashqi komponent namoyon bo'ladi. Ushbu holat texnologiya o'qituvchisi faoliyatida buyum ishlab chiqarish jarayonida texnologik xaritada ko'rsatilgan ishlar ketma-ketligini bajarish, an'anaviy darslarni tashkil qilishda o'z aksini topadi.

Didaktik kompetensiyaning evristik darajasida qo'llaniladigan texnologiyalar, o'qitish metodlari va texnikasi o'zgaruvchanligi va samaradorligi, faoliyatdagi stereotiplardan voz kechish, uni takomillashtirish, ijodiy fikrlash usullaridan foydalanish bo'yicha o'z tajribasini tanqidiy qayta ko'rib chiqishi bilan tavsiflanadi. Ushbu holat texnologiya o'qituvchisi faoliyatida buyum ishlab chiqarish jarayonida texnologik xaritada ko'rsatilgan ishlar ketma-ketligini bajarishda va buyum dizaynida yangilik va o'zgartirishlar qilish, zamonaviy darslarni tashkil qilishda pedagogik texnologiyalardan foydalanishda namoyon bo'ladi.

O'qituvchining didaktik kompetensiyasining kreativ darajasi o'qituvchining didaktik jarayonni tashkil etish bo'yicha mavzularida namoyon bo'ladi. O'qituvchi faoliyatning individual uslubidan foydalanadi, pedagogik muammolarni zamonaviy samarali nazariyalar va o'quv jarayonini loyihalash va modellashirish texnologiyalari (tizimli modellashirish) darajasida hal qiladi, o'z texnologiyalarini ishlab chiqadi va yaxshilaydi, innovatsion faoliyatga faol qo'shiladi, o'zgarishlarga moslashuvchan tarzda yondashadi.

Ushbu holat zamonaviy texnologiya o'qituvchisi faoliyatida buyum ishlab chiqarish jarayonida innovatsiyalardan foydalanish, o'quvchilarga topshiriq berilganda erkinlik darajasini kengroq qo'yish, innovatsion metodlardan foydalanish (STEAM, STEM, STREM metodi va h.k.)da namoyon bo'ladi.

STEM atamasi ilk bor AQSHda maktab dasturiga kiritilgan bo'lib, o'quvchilarning ilmiy-texnika yo'nalishlarida kompetensiyalarini rivojlantirishga qaratilgan. Keyinchalik, bu yo'nalish kengaytirilib, atamaga qo'shimcha harflar kiritildi. Jumladan, "R" –robotic-robototexnikani qo'shib, STREM deb yoki "A" – art – sa'natni qo'shib, STEAM deb atala boshlandi.

STEAM (S – fan, T – texnologiya, E – muhandislik, A – san'at, M – matematika) – ilm-fan, texnologiya, muhandislik, san'at va matematikani birlashtiruvchi zamonaviy yondashuv. Ushbu metodlar texnologiya o'qituvchisidan integrativ bilimlarni talab qiladi va buyum ishlab chiqarishda muhandislik, texnologik, dizayn bilimlarini talab etadi.

Bugungi davr talabi dunyo ta'limi oldiga katta vazifalarni qo'yimoqda, ya'ni bolani kelajakda jamiyatda yashashga tayyorlashi kerak. Bunda, birinchi navbatda, tez o'zgarayotgan, yangilanib borayotgan axborotlar bilan uyg'un holda faol ishlaydigan kasb egalari timsolini bugungi o'quvchi yoshlarda shakllantirish lozim. Axborotni olish, qayta ishlash va amaliyotda foydalanish STEAM ta'limi dasturining asosini tashkil etadi.

Taqdim etilgan integrativ mazmuni tahlil qilish asosida texnologik ta'lim o'qituvchisining didaktik kompetensiyasi, birinchi navbatda, didaktik jarayon (o'quv jarayoni)ni samarali tashkil etishga tayyor bo'lgan o'qituvchining kompetensiya doirasini tavsiflovchi kasbiy pedagogik salohiyatning ajralmas qismi ekanligini ta'kidlashimiz mumkin.

Bizning fikrimizcha, didaktik kompetensiyaga kiritilgan kompetensiyalarga maxsus bilim (mavzu), mavzu-didaktik, psixologik-pedagogik, tashkiliy, maslahat sohalari kiradi. Ushbu kompetensiya doirasi kompetensiyalarning alohida sohalariga ajratilishi mumkin:

- ◆predmetni chuqur tushunishdagi ixtisoslikka oid bilimlari;
- ◆o'quvchilarning predmetga oid tasavvurlari, topshiriqlarni bilishi, ularni qanday tushuntirish kerakligi haqidagi predmetga oid didaktik bilimlari;
- ◆texnologiya o'qituvchisining psixologik-pedagogik bilimlari, o'quv jarayonini bilishi;
- ◆sinfni qanday boshqarishni, tashkil qilishni bilish.

Texnologiya o'qituvchisining didaktik kompetensiyasini rivojlantirishning yetakchi vositasi – zamonaviy, interfaol shaxsga va malakaga yo'naltirilgan pedagogik texnologiyalar, ta'limni tashkil qilishning zamonaviy shakl, metod va vositalari, pedagogik amaliyot va o'quv ustasi sifatidagi salohiyatining amalga oshirilishidir. O'qituvchining didaktik kompetensiyasini rivojlantirish vositasi didaktik maslahatdir. O'qituvchining didaktik malakasi kelajakdagi o'qituvchining kasbiy faoliyatga didaktik tayyorgarligini individuallashtirish natijasida ham erishiladi. Kerakli natijaga kontekstli yondashuvni amalga oshirish, talabaning didaktik faoliyatga shaxsiy kiritilishi va o'qituvchi bilan samarali didaktik ta'sir o'tkazish sharoitida erishiladi. Uning shakllanishida kelajakdagi o'qituvchi reproduktiv, sezgir va ijodiy didaktik

malakaga ega. O'qituvchilarning didaktik malakasini baholash mezonlari ta'lim muassasalarining o'z-o'zini sinab ko'rish maqsadlariga xizmat qilishi mumkin.

Shunday qilib, uzluksiz ta'lim tizimida texnologiya o'qituvchisining didaktik kompetensiyasi haqida kengroq doirada ilmiy tadqiqotlar olib borish maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz. Ushbu maqolada biz o'qituvchining didaktik kompetensiyasiga oid savolning faqat bir qismini ko'rib chiqdik. Kelajakdagi oliy ta'lim muassasalarida texnologiya o'qituvchilarni tayyorlash tizimida didaktik kompetensiyani shakllantirish, maktabda amaliy faoliyat jarayonida va malaka oshirish tizimida doimiy ravishda takomillashtirib borish lozim. Shu bilan birga, hozirgi vaqtda didaktik kompetensiyalar nafaqat pedagogik salohiyatning ajralmas qismi, balki zamonaviy maktabda ishlash uchun yuqori malakali o'qituvchilarni tayyorlashning asosiy tomonlaridan biri hisoblanadi.

**Мирзаева Гулмера Махманазар кизи (Қарши Давлат университети
Меҳнат таълими кафедраси мустақил тадқиқотчиси; Mirzayeva2094@mail.ru)
“МИЛЛИЙ КАШТАДЎЗЛИК МАҲСУЛОТЛАРИДАН НАМУНА ТИКИШ” МАВЗУСИНИ
ЎҚИТИШНИ “MOURSUND” МЕТОДИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада узлуksиз таълим тизимида ўзбек халқ хунармандчилиги ва уни ривожлантириш, ёшларни хунармандчиликка оид касб-хунарга ўргатиш ҳақида тўхталиб ўтилган. Бунинг учун бугунги кунда халқ хунармандчилигини ривожлантиришнинг ижтимоий ҳимоя сифатидаги аҳамияти, унинг асосий йўналишлари, давлатимиз томонидан хунармандларга берилган имтиёзлар ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, oliy таълим муассасаларида технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда “Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фанидан “Миллий каштадўзлик маҳсулотларидан намуна тикиш” мавзусини ўқитишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган. Танланган мавзунини ўқитишда “Moursund” методидан фойдаланишнинг афзалликлари кўрсатиб ўтилган.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются узбекские народные ремесла и их развитие в системе непрерывного образования, обучения молодежи ремеслам. С этой целью дается информация о важности развития народных промыслов как социальной защиты, его основных направлениях, льготах, предоставляемых государством ремесленникам. Также были даны рекомендации по совершенствованию по теме: “Образец вышивки из национальных вышивальных изделий” в высших учебных заведениях. Показаны преимущества использования метода “Moursund” в преподавании выбранной темы.*

***Annotation.** The article examines Uzbek folk crafts and their development in the system of continuous education, teaching crafts to young people. For this purpose, information is provided on the importance of the development of folk crafts as social protection, its main directions, the benefits provided by the state to artisans. Also, recommendations were given for improvement on the topic of “National embroidery” in higher educational institutions. The advantages of using the Murund method when teaching the selected topic are shown.*

***Калим сўзлар:** каштачилик, хунармандчилик, хунармандчилик фаолияти, лойиҳалаш, “Moursund” методи.*

***Ключевые слова:** вышивка, рукоделие, ремесленничество, конструирование, метод “Moursund”.*

***Key words:** embroidery, needlework, handicraft activity, construction, the “Moursund” method.*

Қириш. Ўзбекистон Республикасида халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, миллий маданияти ва кадриятларини юксалтириш, таълим тизими сифат ва самарадорлигини ошириш, узлуksиз таълим тизимида ёшларни миллий хунармандчиликка оид касб-хунарларга ўргатиш, аҳолининг бандлик даражасини таъминлаш ҳамда жаҳон халқлари ичида ўзлгимизни намойиш этиш орқали иқтисодийтимизни юксалтириш, ишлаб чиқариш маҳсулот турларини кўпайтириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонимиз жамият ва иқтисодийтни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълим соҳасида жаҳонда муносиб ўринни эгаллашга қаратилган янги узлуksиз таълим тизимини яратиш ва ривожлантиришда миллий халқ хунармандчилигини юксалтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу жараёнда мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, профессионал таълим, техникум ва oliy таълим тизимида фанлар тузилмаси ва мазмунидан эскирган маълумотлар ўрнига янги за-

монавий билимлар билан тўлдириш, яратилган замонавий техник имкониятлар ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш, шунингдек, педагог-кадрлар меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолда ўқув-тарбиянинг назарий ва амалий жараёнида сезиларли ютуқларга эришилаётганлиги кузатилмоқда. Амалга оширилаётган мазкур ислохотлар, аввало, фан ва техниканинг илдам тараққиёти, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг замонавийлашу-ви, асосий буюртмачи сифатида давлат ва жамиятнинг узлуксиз таълим тизимига қўяётган янги-дан-янги талабларига мос равишда таълим-тарбиянинг сифат-самарадорлигини узлуксиз такомиллаштириб боришга қаратилган.

Ёшларимизни касб-хунарга тайёрлашда кейинги йилларда ўзбек халқ хунармандчилигини ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбарияти томонидан қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилганлиги ва шу меъёрлар асосида хунармандчилик фаолияти тартибга солиниши ва ўзбек халқ хунармандчилигининг асосий йўналишларини тушунтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сонли қарорида халқ хунармандчилигини ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:¹

1. Туризмни ривожлантиришда миллий хунармандчиликнинг ролини ошириш.
2. Хунармандларга давлат томонидан имтиёзлар бериш ва қулайликлар яратиш орқали қўллаб-қувватлаш.
3. «Уста – шогирд» анъаналари асосида хунар ўргатиш тизимини такомиллаштириш.
4. Маҳсулот сотиш ва янги бозорларни ўзлаштиришда хунармандларга қулайликлар яратиш.
5. Миллий хунармандчиликни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун хунармандлар маҳсулотларини чет элда намойиш этиш ва сотишда ҳам ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш, чет элларнинг йирик шаҳарларида ўзбек хунармандларининг ўз маҳсулотларини намойиш этиш ва сотиш учун миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, янги бозорларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи «савдо уйлари» ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари дўконларини ташкил этиш, «Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги»ни жорий этиш лозим бўлади. Шунингдек, 2023 йил 1 январга қадар миллий каталог ва реестрга киритилган хунармандлар учун календарь йили давомида хунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми 100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдори учун яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ягона солиқ тўлов ставкаси 2 фоиз миқдорида тўланиши, хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича янгидан давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган давлат божи яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун амалда белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида ўрнатиш белгилаб берилди. ПҚ-4498-сонли қарорга мувофиқ,² 2020 йил давомида хунармандчиликни ривожлантириш дастури учун 589,3 млрд сўм миқдорида (шундан, 470 млрд сўм (50 млн АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан) кредитлар ажратилиши, АТ Халқ банки, «Микрокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ ушбу манбалар ҳисобидан «Хунарманд» уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, «уста – шогирд» мактабларини ташкил этиш, уй-музейи ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш, айланма маблағларини тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган ҳолда, 18 ой муддатга, базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваридан ошмаган миқдорда кредитлар ажратиш бўйича кўрсатмалар берилган. Хунармандларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё (шу жумладан, мис, қора металл, ипак ва ёғоч) билан таъминлашнинг қулай тизимини жорий этиш ҳамда қайта тикланадиган хомашё (тутзорлар, қаттиқ турдаги дарахт-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4539-сонли қарори. - <https://lex.uz/docs/4622088>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24.10.2019 ПҚ-4498-сонли қарори.

лар) базасини яратиш, йирик савдо мажмуалари ва деҳқон бозорлари ҳудудларида алоҳида «хунармандлар расталари»ни ташкил этиш вазифалари белгилаб қўйилди.

Ёшларимизни бирор касб-хунарга йўналтириш ишлари, асосан, узлуксиз таълим тизими ша-роитида амалга оширилади. Хунармандчилик фаолиятига оид ҳуқуқий-меъёрий асосларни билиш уларнинг ҳуқуқий билимларини бойитишга хизмат қилади. Келгусида хунармандчиликка оид касб-хунарларни эгалламоқчи бўлган ёшлар хунармандчиликни яна-да ривожлантиришнинг асо-сий йўналишларини билишлари мақсадга мувофиқ:¹

◆хунармандчилик соҳасида янги лойиҳаларни амалга ошириш, йўқолиб бораётган хунар-мандчилик турларини тиклаш ва ривожлантириш;

◆хунармандчилик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яна-да такомиллаштириш;

◆хунармандларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни зарурий инфратузилма яратиш, шунингдек асбоб-ускуна, хомашё ва материалларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

◆хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда со-тишда қўмаклашиш, шу жумладан, республика ва халқаро микёсидаги тадбирларни ташкил этиш, маҳаллий ҳамда хорижий фестиваль ва кўргазмаларда хунармандлар иштирокини таъминлаш;

◆хунармандчилик йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қўмак-лашиш ва кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш.

Уқоридаги қарор ва вазифалардан кўриниб турибдики, келгусида узлуксиз таълим тизимида халқ хунармандчилигини ривожлантириш ва шу орқали аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш лозимлигини ҳисобга олиб, ўқитиш сифатини яхшилаш лозим бўлади.

Асосий қисм. Маълумки, халқ хунармандчилиги асосларига оид дастлабки билимлар умумий ўрта таълим мактабларининг технология таълими дарсларида ўтилади. Олий таълим муасса-саларида технология ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида “Халқ хунармандчилиги ва бадиий ло-йиҳалаш” фанини ўқитиш жараёнида ушбу билимлар такомиллаштирилади. Талабалар халқ ху-нармандчилигининг асосий йўналишлари ва турлари ҳақида маълум бир билим, кўникма ва мала-кага эга бўладилар. Халқ хунармандчилигининг асосий турларидан бири ўзбек миллий каштачили-гидир. Каштачилик қадимий соҳа бўлиб, ҳозирга қадар ўзбек хонадонларини безашда, келинлар либосларида, салфеткалар, фартук, ёстик жилдларида, сумка ва турли совғабоп буюмларда ўз ак-сини топмоқда. Ўзбек каштачилигига оид дастлабки билимлар ўзбек оилаларида, қолаверса, тех-нология дарсларида берилади ва маълум кўникмалар шакллантирилади. Қуйида “Халқ хунарманд-чилиги ва бадиий лойиҳалаш” дарсларида “Миллий каштадўзлик маҳсулотларидан намуна тикиш” мавзуси бўйича “Moursund” методи асосида ўтказилган дарс ишланмасини келтириб ўтамыз.

“Moursund” методи 1999 йилда биринчи марта “Project-Based Learning Using Information Tex-nsnlogiya” (Проектное обучение с использованием информационных технологий) номли китобда берилган.² Ушбу китобда Девид Моорсунд ўқитувчиларга лойиҳа таълим технологиясини ўқитиш имкониятларини илҳомлантирувчи тасаввурларни таклиф қилади ва кейин уларни ўз синфида қан-дай амалга оширишни кўрсатади. Моорсунд лойиҳани ўрганиш бўйича принциплар ва қўллаб-қув-ватловчи тадқиқотларни моҳирлик билан сарҳисоб қилади, шунингдек, ўқитувчиларни янги тех-нологиялардан фойдаланган ҳолда, ўз ўқувчиларига мўлжалланган лойиҳани яратиш жараёни ор-қали амалга оширади. Мазкур лойиҳа технологияси биринчи марта 12 март 2000 йилда Америка Қўшма Штатларида жорий этилган. Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш дарсларида “Moursund” методининг тартиби 4 боскичдан иборат бўлади.

1. Бошланиши:

●Дарс мавзуси: “Миллий каштадўзлик маҳсулотларидан намуна тикиш”.

●Бир жуфтлик (80 минут), машғулот 4 боскичда олиб борилади ва баҳолашда жамоалар ўз-ўзини баҳолайди ва ўзгаларнинг баҳоси ҳисобга олинади.

●Керакли асбоб ва мосламалар: сидирға газламалар, турли хилдаги рангли иплар тўплами, игна, қайчи, ангишвона, сантиметр лента, қоғоз, рангли қаламлар ва ҳ.к.

●Талабалар 5 та гуруҳга жамоа бўлиб шакллантирилади. Бунинг учун 5 хил рангдаги қоғоз-лардан талабалар сонига қараб олинади. Бизнинг мисолимизда 25 дона рангли қоғозни талабалар-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлан-тириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5242-сонли фармони. - <https://lex.uz/docs/3416134>

² David Moursund Project-Based Learning Using Information Texsnlogiya. 1999.

га ихтиёрий танлаш топширилади. Сўнгра бир хил рангли қоғозни олган талабалар бир жамоа бўлиб бирлашадилар (5 минут).

2. Лойиҳани режалаштириш (жамоа фаолияти):

- жамоа аъзоларига каштачилик, каштачилик буюмлари, каштачиликда ишлатиладиган нақшлар ва гуллар, рамзий маънога эга бўлган кашталар, рангларнинг мутаносиб танланиши, ўзбек каштачилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билимларни тўплаш топширилади (5 минут);

- ўқитувчи ҳар бир жамоа аъзоларига олдиндан тайёрлаб қўйган бир хил мазмундаги саволлар бўлган карточка топшириқларни тарқатади. Ўзбек миллий каштачилиги ҳақида нималарни биласиз? Каштачилик безак санъати сифатида ишлатилади дейиш тўғрими? Каштачиликда ишлатиладиган чок номларини биласизми? Каштачилик буюмларига мисоллар келтиринг. Замонавий каштачилик қўлланилган қандай буюмларни тикишни хоҳлайсиз (10 минут);

- жамоаларга чойнакпўш, қийиқча, фартук, сочиқ, дастурхон четларига тикиладиган кашта намуналарини тикишни режалаштириш топширилади. Бунинг учун ўқувчилар, дастлаб, оқ расм қоғозига ўзлари тикмоқчи бўлган нақш, белги ёки гулни чизишлари ва шундан сўнг матога чизиб тикишлари топширилади (бу тадқиқот дизайнига олиб келиши керак (10 минут);

- жамоа аъзолари ўз режаларини ўқитувчи билан ўртоқлашадилар;

- ўқитувчининг кўрсатма ва маслаҳати билан лойиҳанинг режаси қайта кўриб чиқилади ва пухталанади ва амалий ишга ўтилади (30 минут).

3. Лойиҳани амалга ошириш:

- жамоа аъзолари ўртасида ишлар тақсимланади. Ҳар бир жамоа аъзоси, бир вақтнинг ўзида, битта вазифани бажаришлари керак. Нақш ёки гулларни танлаш, чок турларини танлаш, эскиз тайёрлаш (расм чизиш), рангларни танлаш, каштанинг қайси буюм учун мўлжалланганлиги ҳисобга олиш. Лойиҳа таърифини аниқлаш ишлари жамоа аъзолари ўртасида баҳам кўрилади (ҳамкорликка ишонч ҳосил қилиш, қарор қабул қилиш (5 минут);

- юқоридаги ҳолатлар жамоа аъзолари ўртасида муҳокама қилинади ва ягона тўхтамга келинади (ўзаро глобал алоқалар).

4. Яқуний босқич:

- жамоа аъзолари яқуний маҳсулотни тайёрлайдилар ва сайқаллашади ва тегишли тақдимотларни тайёрлайдилар, ўз тақдимотларини доска олдига чиқиб ҳимоя қиладилар (10 минут);

- баҳолашда натижалар тақдимотида бутун гуруҳ талабалари иштирок этиши керак. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўз ишини ва бошқа жамоа ишларини баҳолашлари таклиф этилади (5 минут).

Тадқиқот натижалари. Шундай қилиб, умумий ўрта таълим мактабларида “Технология таълими” машғулотларида ва олий таълим муассасаларида “Халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” дарсларида ўзбек халқ ҳунармандчилигига оид кенгроқ билимларни тўплашга туртки бериш лойиҳалаш кўникмаларини шакллантиради, янги дизайнни яратишга имкон беради ҳамда қатор муаммоларни ҳал қилишга ёрдам этади:

- биринчидан, ёшларимиз ҳунармандчиликка оид ҳуқуқий-меъёрий асослар билан танишадилар, давлатимиз томонидан ҳунармандларга бериладиган имтиёзлар, ажратилаётган кредитлар ҳақида маълумотга эга бўладилар;

- иккинчидан, ўзбек каштачилигининг кўп йиллик тарихий ўтмиши билан танишадилар, замонавий каштачилик ва унинг ўзига хос томонларини фарқлашни ўрганадилар;

- учинчидан, турли хилдаги материаллар асбоб-ускуналар, энг оддий механизациялашмаган жиҳозлар билан ишлаш бўйича билим ва кўникмага эга бўладилар;

- ◆ тўртинчидан, ўз қўллари билан жамоада янги лойиҳа яратадилар, уни ҳимоя қилишга ўрганадилар.

Хулосалар:

- халқ ҳунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш дарсларида “Миллий каштадўзлик маҳсулотларидан намуна тикиш” мавзусини ўқитишда, таълим сифатини яхшилаш учун янги методлардан фойдаланиш машғулотнинг самарадорлигининг ошишига олиб келади;

- узлуксиз таълимида Moursund методини қўллаш ёшларда лойиҳалаш, ўз лойиҳаларини тақдимотини ўтказиш ва ҳимоя қилиш, жамоада ишлашга ўргатади, назариядан олинган билимлар амалиётда қўлланилади;

- ёшларнинг ақлий ривожланиши, буюм яшаш жараёнида вақтни ҳисобга олиш, материал ресурсларни тежаб ишлатишга ўргатади, таълимга рақамли иқтисодиёт, моделлаштириш, эвристик ёндашувлардан фойдаланишга имкон беради;

- талабалар муҳандис-технолог доирасидаги вазифаларни бажариш учун дастлабки билимларни оладилар: лойиҳалаш, конструкциялаш, янги дизайн яратиш бўйича таклифлар киритадилар;
- амалий топшириқларни бажариш вақтида индивидуал, кичик гуруҳли ва фронтал топшириқларни бажарадилар, ҳамкорликда ишлаш компетенциялари шаклланади.

Таклифлар:

1. Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш дарсларида миллий каштадўзлик маҳсулотларидан намуна тикиш мавзусини ўқитишда талабаларни замонавий ижтимоий-маданий вазиятнинг ўзига хос талабларига мослаштириш, кутилаётган мутахассисликларни эгаллашларида кўмаклашиш, билим олиш жараёнида илгари сурилган ёки ўқитувчининг эвристик кўрсатмалар ва дастурлари асосида мустақил равишда шакллантирилган когнитив муаммоларнинг турли ечимлардан тўғри қарор қабул қилишга ўргатиб бориш.

2. Халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш дарсларида “Миллий каштадўзлик маҳсулотларидан намуна тикиш” мавзусини ўқитишнинг умумдавлат аҳамиятига эга эканлигини ҳисобга олиш ва ишлаб чиқилган илмий тадқиқот натижаларидан таълим жараёнида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.

3. Технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ва малакасини ошириш институтларида нафақат методик-технологик тайёргарлик даражаларини, балки мутахассисликка оид касбий компетенцияларини доимо ошириб бориш.

Аъзамхонов Олтинхон Ашрафхон ўғли (ЎзДЖТСУ тадқиқотчиси) МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА КУРАШ БЎЙИЧА МУРАББИЙЛАР КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада кураш спорт турининг ижтимоий аҳамияти ва малака ошириш жараёнида кураш бўйича мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш йўналишлари ёритилган.*

***Аннотация.** В статье рассматривается социальная значимость борьбы и пути повышения профессионального мастерства тренеров по борьбе в процессе профессионального развития.*

***Annotation.** This article discusses the social significance of the sport of wrestling and ways to improve the professional skills of wrestling coaches in the process of professional development.*

***Калим сўзлар:** кураш, соғлом турмуш тарзи, мураббий, касбий маҳорат, миллий қадрият, мураббий, малака ошириш.*

***Ключевые слова:** борьба, здоровый образ жизни, коучинг, профессионализм, национальные ценности, профессиональное развитие.*

***Key words:** wrestling, healthy lifestyle, coaching, professionalism, national values, coaching, professional development.*

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имконияти чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитларни яратиш, спортчиларни халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада кураш спорт тури алоҳида аҳамиятга эга. Қадимий қадриятларимиз, хусусан, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган миллий спортимиз бўлган курашни оммалаштириш, ривожлантириш ва дунёга танитиш ҳамда ушбу қадриятимизни умумжаҳон дурдонасига айлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.¹

Кураш, бир сўз билан айтганда, баҳслашиш, беллашиш маъноларини англатади.¹ Махсус жисмоний машқлардан ташкил топган ҳаракатлар мажмуи курашнинг асосини ташкил қилади. Шу билан бирга, курашнинг ижтимоий характери, инсонни шахс сифатида тарбиялашдаги ўрни бекиёсдир.

Жамият ривожланиши бевосита жисмоний маданият тушунчасининг ҳам ривожланишига олиб келди. Кураш бугунги кунга келиб, ўзининг юксак ижтимоий аҳамиятини намоён қилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли қарори.

¹ Турсинов С. Ўзбек миллий кураши: тарихи ва аънавалари. Т., 2015, 15-бет.

Сўнги йилларда дунё микёсида спортнинг аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, унинг инсонлар турмуш-тарзидаги роли юксак даражада эканлигини исботлади. Мазкур масала юзасидан жисмоний маданият ва спорт мутахассислари, психологлар, социологлар тадқиқот ишларини амалга оширдилар ва турли даражадаги илмий-услубий манбаалар яратилди (В.Д.Паначаев, Н.И.Пономарёв, Л.П.Матвеев, Л.И.Лубышева Й.М.Машарипов, Ф.А.Керимов, Р.С.Саламов).¹

Миллий қадриятимиз бўлган кураш муаллифлар томонидан қўйидагича таснифланган:

- кураш – ўзбек спорти;
- кураш – замонавий жаҳон спорти;
- кураш – энг самарали ва намунали тарбия воситаси;
- кураш қоидалари, фалсафаси, инсонпарварлик ғояларига асосланган;
- кураш дунё халқларини бир-бирига яна-да яқинлаштиради;
- кураш – мардлик, жасурлик, ҳалоллик каби хислатларни талаб этадиган спорт тури;
- кураш – мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантиради, билими ва кучига ишониб яшашни тарбиялайди;
- кураш спортчидан жисмоний жиҳатдан ўта даражада етукликни талаб этади;
- кураш – буюк шахслар ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни;
- курашнинг халқ оғзаки ижоди ва мутафаккирлар қарашларидаги талқини ўзига хосдир;
- кураш байрамлар ва халқ томошалари тадбирларининг ажралмас таркибий қисмидир;
- кураш юксак ахлоқий сифатларни талаб этади ва тарбиялайди;
- кураш – ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш воситаси;
- кураш – миллат ғурури;
- кураш – ўзбек миллатининг узоқ ўтмишидан бугунигача етиб келган умри боқий миллий спорт тури.

Курашнинг умуминсоний қадрият эканлиги унинг инсонпарвар характерда эканлигида ҳам ўз аксини топади. Бир қарашда, кураш мазмунини маълум даражадаги тайёргарликдан ўтган спортчилар беллашуви, уларнинг бир-бирини жисмонан, куч ишлатиб мағлуб бўлишга мажбур этишида қўриш мумкин. Аммо, кураш бўйича мусобақа қоидалари ва умумэтироф этган нормалари спортчиларга, мураббийларга ва ҳакамларга шундай талаблар қўйганки, натижада мусобақа фаолияти иштирокчилари машғулотлар, мусобақалар ва спорт тадбирлари жараёнида умуминсоний қадриятлар мезони доирасида тарбияланиб, шаклланиб борадилар. Зеро, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ҳамда спорт мусобақалари, улар иштирокчиларининг ва томошабинларнинг соғлиғига, шаъни ва қадр-қимматига зиён етказилмайдиган тарзда ўтказилиши керак. Спортчиларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига олиб келадиган, шунингдек уларнинг спорт жароҳатлари олишига сабаб бўладиган тайёргарлик услубларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Кураш мусобақалари қоидалари маълум талаблар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, иштирокчилардан уларга қатъий амал қилишни талаб этади. Айни шу ҳолатда кураш ўзининг юқори даражадаги инсонпарварлик хусусиятини намойиш қилади.

Замонавий Олимпия ўйинлари тарғиботчиси, француз давлат арбоби Пьер де Кубертен инсоният учун катта аҳамиятга эга бўлган, ҳар томонлама тарбия воситаси саналган Олимпия ўйинларини ташкиллаштиргани бежиз эмас. Кейинчалик, Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Ҳиндистон мамлакатининг ташаббуси билан Осие ўйинлари ташкил қилиниши ҳам айнан шу мақсадга – дунёда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга, халқлар ўртасидаги бирдамликни сақлашга қаратилган эди. Шу сабабдан ҳам кураш спортини умуминсоний қадрият сифатида эътироф этиш ва уни яна-да ривожлантириш лозим.

Бунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларини яна-да кучайтириш, курашнинг оммавийлигини ошириш лозим. Айниқса, курашнинг илмий-услубий асосларини ёритиш, кураш назарияси ва методикаси масаласи бўйича кенг қўламли тадқиқот ишларини ташкил этиш лозим. Қисқа қилиб айтганда, кураш илмини ривожлантириш замон талабидир.

Курашга доир бугунгача яратилган адабиётлар уни ривожлантириш мақсадига маълум даражада ҳисса қўшди. Аммо, спорт соҳасида ривожланишнинг шиддат билан бориши ва курашни Олимпия ўйинларига киритиш зарурати кураш бўйича янги ва самарали изланишлар олиб бориш, илмий адабиётлар ва мақолалар нашр этишни кун тартибига қўймоқда.

¹ Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. ЎзДЖТСУ, 2005, 124-бет.

Бугунги кунда кураш бўйича мураббийларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштириш ижтимоий заруриятга айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида тўғрисида”ги қарори асосида кураш бўйича мураббийларнинг педагогик маҳорати тизимли равишда олиб борилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ташкил қилинди. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни эгаллаб турган лавозимлари, мутахассислиги ёки дарс берадиган модул (фан)лари бўйича касбий ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориш, уларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни материаллар ва илмий-ўқув адабиётлар билан таъминлаш, ўқитишнинг инновацион усуллари бўйича касбий билимлари, малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг мақсади ҳисобланади.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг вазифалари эса куйидагилар ҳисобланади:

– жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг касбий билими, кўникмаси ва маҳоратини ошириш, замон талабларига мувофиқ таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарлигини ривожлантириш;

– илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш;

– мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик янгиликка интилишни ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

– жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларнинг ўқув машғулотлари, ўқув-тарбиявий ишларни амалга оширишда илғор таълим технологиялари ва халқаро тажрибадан фойдаланиш, илмий ва ўқув-методик тадқиқотлар олиб бориш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш йўналишида малака ошириш жараёнида кураш бўйича мураббийлар касбий маҳоратини такомиллаштириб бориш муҳим амалий ишлардан ҳисобланади. Бунга амалга ошириш учун қуйидаги жиҳатларига эътиборни қаратиш керак:

1. Малака ошириш жараёнида кураш бўйича мураббийларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши зарур.

2. Малака ошириш курсларининг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш керак.

3. Малака ошириш курсларида дарс машғулотларини олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

4. Кураш спорт тури мураббийлари учун уларни касбий маҳоратини такомиллаштиришга оид ўқув, услубий қўлланмалар, услубий тавсия ва дарс машғулотларининг ишланмаларига бўлган эҳтиёж таъминланиши керак.

5. Касбий маҳоратни такомиллаштиришга оид семинар-тренинглари юқори савияда ташкил этилиши ва тизимли равишда ўтказилиши лозим.

6. Кураш спорти бўйича касбий маҳорати юқори бўлган мураббийларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан етарлича фойдаланиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, кураш бўйича етарли тажрибага эга, фидойи, ўз соҳасининг жонкуяри бўлган ватанпарвар мураббийлар мунтазам равишда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилса, баркамол авлодни тарбиялашдек давлат буюртмаси бажарилган бўлади.

**Atamuratov Rasuljon Kadirjonovich (Toshkent davlat O'zbek tili va adabiyoti universiteti)
MUZEY PEDAGOGIKASINING TARAQQIYOT TARIXI**

Annotatsiya. Maqolada muzey pedagogikasining konseptual asoslari va tarixiy rivojlanish tavsifi bayon etilgan. Muzeyda ta'lim jarayonini tashkil etish bo'yicha nazariy ma'lumotlar berilgan.

Аннотация. В статье описаны концептуальные основы музейной педагогики и дана характеристика исторического развития. Представлены теоретические сведения об организации учебного процесса в музее.

Annotation. The article describes the conceptual foundations of museum pedagogy and the description of historical development. Theoretical information on the organization of the educational process in the museum is presented.

Kalit so'zlar: muzey, muzey pedagogi, muzey pedagogikasi, ta'lim, ekskursiya.

Ключевые слова: музей, музейный педагог, музейная педагогика, образование, экскурсия.

Key words: museum, museum pedagogy, museum pedagogy, education, excursion.

Mustaqilligimizning dastlabki kunlaridan boshlab, yurtimizda innovatsion va kreativ fikrlaydigan, zamonaviy kadrlar tayyorlash, yoshlarni vatanparvarlik ruhida, yuksak ma'naviyat egalari etib tarbiyalash, shu maqsadda ta'lim tizimini takomillashtirish masalalariga alohida e'tibor qaratilib kelmoqda.

Jahondagi rivojlangan davlatlar tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, ularda jamiyat hayotini o'zgartirishga qaratilgan islohotlar avvalo, ta'lim tizimidan, bog'cha, maktab, tarbiya masalasidan boshlanganini ko'ramiz.

Muzeylar o'sib kelayotgan yosh avlodni moddiy-ma'naviy merosga hurmat ruhida tarbiyalashda madaniy-tarixiy, tabiiy-ilmiy qadriyatlarini o'zida jamlaydigan ijtimoiy institut hisoblanadi. Shuning uchun ham muzeylarning ta'lim sohasidagi faoliyatiga tizimli va dasturlashtirilgan holda yondashish talab etiladi.¹

O'zbekistonning mustaqillikka erishishi iqtisodiy va siyosiy hayotning barcha jabhalarida bo'lganidek, madaniy sohada, shu qatorida, boy o'tmish merosimizni o'rganish, saqlash va uni keng xalq ommasiga targ'ib etish borasida ham tub burilish yasadi. Vatanimiz ijtimoiy hayotidagi o'zgarishlar, yangilanishlar qatorida, muzeylar faoliyatida ham yangi davr boshlandi. O'zbekistonda muzeylar tizimini yanada takomillashtirish xalqning ma'naviy-axloqiy kamolotida tutgan o'rnini oshirish maqsadida 1998-yil 12-yanvarda qabul qilingan "Muzeylar faoliyatini tubdan yaxshilash va takomillashtirish to'g'risidagi qonun asosida "O'zbekmuzey" jamg'armasi tuzildi. Uning asosiy vazifalaridan biri muzeyshunoslik sohasida xalqaro aloqalarni, O'zbekiston va xorijda keng ko'rgazma faoliyati orqali mamlakatning boy tarixi, muzeylarda saqlanayotgan noyob eksponatlarni jahon miqyosida targ'ib etish, zamonaviy texnika vositalarini tatbiq etish, ulardan samarali foydalanishga oid dasturlar ishlab chiqish va virtual muzeylarni yaratishga ko'maklashish belgilandi.²

Muzey – bu uzoq va yaqin o'tmishdan darak beruvchi maskan, ayni paytda, katta jonli, tabiiy, ko'rgazmali ashyolar bilan tarbiyaviy quvvatga ega bo'lgan darsxona – ta'lim-tarbiya o'chog'i.

Muzey so'zi yunoncha so'zdan olingan bo'lib, musion–muzalarga bag'ishlangan joy degan ma'noni anglatadi.³

Muzeylardagi obyektlarning xususiyatlari va funksiyalariga qarab, quyidagi turlarga bo'lish mumkin:

1. Moddiy obyektlar ombori, davrlar va madaniyatlar guvohlari sifatida.
2. Madaniyat rivojining asosiy guvohligini saqlaydigan maskan, ya'ni g'oyalar, his-tuyg'ular, davr munosabatlari hamda ijtimoiy-madaniy muhit joyi sifatida.
3. Ijtimoiy institut, ijtimoiy ish shakli va joyi, ijtimoiy hissiyot hamda xulq-atvorning shakllanish joyi sifatida.
4. Pedagogik tizim, shaxsni rivojlantirish va o'z-o'zini anglashning umumiy maqsadiga, dunyo madaniyati oqimiga qo'shilishiga bo'ysunadigan barcha tarkibiy va funksional qismlarning mavjudligi hamda o'zaro ta'siri sifatida.

Muzeylar faoliyatini ta'lim-tarbiyaga yo'naltirish XX asr boshlarida Germaniyada boshlangan. Ta'lim jarayonida muzeylar faoliyatining yangi yo'nalishini pedagogika, muzeyshunoslik va psixologiyaning o'zaro uyg'unligi natijasida muzey pedagogikasi tushunchasi kirib kelgan.

Y.K.Frizenning fikriga ko'ra, muzey pedagogikasi bu ma'rifiy ishlar va muzey didaktikasiga tayannadigan, muzey vositalari bilan badiiy tarbiyaning an'anasi hisoblanadi.

¹ Исмаилова Ж., Нишанова К., Мухамедова М. Музей ва жамият. Т., "Чинор ЭНК", 2015, 92-бет.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2003, 6-т, 115-бет.

³ Шу манба. 791-бет.

Germaniyada muzeylarda ta'lim berish jarayoni A.Lixtvarkning Berlin dekorativ san'at muzeyida hunarmandlarga dars berishdan boshlangan. Ammo u bolalar bilan ishlash o'zining asosiy ishi deb biladi. Bolaning hayotiy tajribasiga tayanib, hissiy tamoyilni birlamchi rivojlantirish zarurligini ta'kidlab, tasviriy san'atni idrok etishga e'tibor qaratgan. Muzeydagi ta'limning asosiy shakli sifatida ekskursiya usulini tanlab, muloqot tamoyili orqali pedagog "tasvirni muhokama qilish ozgina drama bo'lishi va barcha kuchlar bemalol oshkor bo'ladigan improvizatsiya jozibasiga ega bo'lishi kerak", deb ta'kidlagan.¹

Muzeylardagi ta'lim faoliyati tajribasi Myunxendagi Nemis tabiiy fanlar va texnologiyalar muze- yining asoschilaridan biri bo'lgan G.Kershenshtaynerga "Ta'lim nazariyasi" kitobini yozishga imkon ber- di.

G.Kershenshtaynerning fikricha, o'quvchilarning bilish orqali o'qitish va tarbiyalashni istagan mu- zeyni tashkil etish o'quv dasturidan boshqa narsa emas. Faqat bu yerda tizim maktablardagi predmet so- yalarida emas, balki aynan predmet bilan ishlaydi.²

G.Kershenshtayner muzey o'quv faoliyatining asosiy tamoyillari quyidagicha shakllantirgan:

– muzey – pedagogik jarayonning metodologiyasi ta'lim mazmuniga, ta'lim obyektining psixolo- gik holatiga va o'quv jarayonining maqsadiga qarab belgilanishi;

– muzey tomoshabinlarga barcha mavjud pedagogik va yordamchi vositalardan foydalangan hol- da texnologik yoki ijodiy jarayonlarni o'z ko'zlari bilan ko'rish imkoniyatni yaratish kerak.

G.Froydental muzeydagi izlanishlar muvaffaqiyatini quyidagi shartlar bilan bog'laydi:

– muzeyga har bir tashrifning o'ziga xos o'quv maqsadi bo'lishi;

– o'qituvchi va o'quvchilar muzeylarga tashrif buyurish o'yin-kulgi emasligini, ta'lim jarayoni ekanligini va unga tayyorgarlik ko'rish kerakligini tushunishi;

– muzeylarga tashrif buyurishga tayyorgarlik ko'rgandan so'ng o'quvchilar toliqmagan va yangi bilimlarni idrok qilishga tayyor bo'lishi;

– muzeylarni tanlashda o'quvchilarning, nafaqat kattalarning ham ongi uchun qiyin bo'lgan joylar- dan voz kechishi;

– ekskursiya namoyishi uchun eksponatlarni o'quvchining yosh qiziqishlaridan kelib chiqqan holda tanlashi;

– muzeyga tashrif buyurishning natijasi o'quvchilarning mustaqil ijodi bo'lishi kerak.

G.Froydental bu tadqiqotlari natijasida muzeylarda maktab faoliyatini tashkil etishning pedagogik usulini shakllantirdi va darslarga tayyorlash, o'tkazish va birlashtirish bosqichlarini ishlab chiqadi.

Muzey o'qituvchisi muzeyda maktab o'quvchilariga dars berish jarayonini tashkil qila oladigan mutaxassis bo'lishini hisobga olib, G.Frondeyental yosh bolalarni tarixiy, tabiatshunoslik va san'at muzey- lari bilan tanishtirishni boshlaydi, kattalar uchun esa texnik va maxsus muzeylarni qoldiradi.

Bundan tashqari muzey muhitida o'quv jarayonini tashkil etadigan, pedagogik ma'lumotga ega bo'lgan mutaxassisni "Muzey pedagogi" atamasini kiritgan.

Muzey pedagogi – pedagogik mahoratga ega bo'lgan va badiiy ijod psixologiyasida chuqur bilimga ega bo'lgan, ko'plab faktlarni biladigan, sinfda va muzey muhitida qanday ishlash kerakligini biladigan mutaxassis.³

1939–1944-yillarda Berlindagi Etnografik muzeyi maktab va muzey bo'limi boshlig'i A.Reyxven ham "Muzey pedagogi" atamasini birinchilardan bo'lib qo'llagan.

A.Reyxvan muzeydagi pedagogik faoliyatining muvaffaqiyatini quyidagi shartlar bilan bog'lagan:

– muzey ekspozitsiyasi maktabning o'quv maqsadlarini hisobga olgan holda qurilishi;

– muzey pedagogi bilan dars tashrifi muzey bilan kelishilgan bo'lishi;

– muzey xududida o'qituvchi sinf bilan yaxshi ijodiy aloqada bo'lishi;

– muzey pedagogi muzeydagi ijodiy ishlarni ko'zdan kechirishi;

– muzeydagi tadqiqotchilar pedagoglarni muzeydan foydalanishga tayyorlashi;

– muzeylar ta'lim maskani sifatida bacha pedagoglar uchun ochiq bo'lishi zarur.

Shu bilan birga, A.Reyxvan muzeylarni o'quv darsliklariga aylanishiga qarshi bo'lib, maktab to- monidan ko'rsatilgan mavzularga muvofiq, umumiy muzey eksponatlari asosida didaktik ta'minotlar ya- ratish zarurligi haqida gapirgan.

¹ Lichtwark A. Obungen in der Betrachtung von Kunstwerken. Berlin: Verlag von Bruno Cassire, 1909, p. 130.

² Museums pedagogic. Frankfurt-am-Main, 1975, p. 32.

³ Столяров Б.А. Педагогика художественного музея: от истоков до современности. Учебное пособие для вузов, СПб., издательство "Специальная литература", 1999, с. 5

Bu izlanishlar rus olimlari N.Romanov, N.Fedorov, A.Boyko, B.Stolyarov, M.Yuxnevich va A.Bakushinskiy Rossiyada muzey pedagogikasini rivojlanishi uchun turtki bo'ldi.

1916-yilda rus muzeylarda pedagogik ish tajribasini nazariy jihatdan anglashning boshlanishi "Ekskursiya byulleteni" nashr etilishi bilan boshlangan bo'lib, jurnaldagi maqolalar muzeylarning maktab o'quvchilari bilan ishlashga bag'ishlangan edi.

Jurnaldagi N.Romanovning "San'atdagi ekskursiyalarining vazifalari va usullari to'g'risida" maqolasida san'atni o'qitish jarayonidan oldin uning inson qalbiga ta'sirini chuqur anglash kerakligi alohida ta'kidlab o'tiladi.¹

1923-yilda F.Shmitning "San'at o'quv predmeti sifatida" asari nashr etiladi va bu asarda bolalarga estetik tarbiya maqsadlari va vazifalariga doir tadqiqotlar olib borilgan.²

N.Fedorov o'zining "Muzei – ma'nosi va maqsadi" asarida muzeylarni "eng buyuk birdamlik instituti" hamda inson faoliyati maqsadlari va mazmuniga ta'sir etuvchi axloqiy va ma'rifiy muassasa deb hisoblagan.

A.Bakushinskiy Rossiyada birinchi bo'lib muzey va maktab muhitidan foydalanib, bolaning badiiy rivojlanishiga konseptual yondashuvini, professional san'at va o'qituvchilik amaliyotini uyg'unlashtirishga harakat qilgan.³

Muzeylarning tarbiyaviy ahamiyati Y.Medinskiy va V.Novorusskiy tomonidan nazariy jihatdan asoslangan. V.Novorusskiy muzeylarni "Kuchli ta'lim vositasi" deb atagan.⁴

Muzeylarda ta'lim berish shaxsning qadriyatiga madaniy yodgorliklar bilan aloqa jarayonida hissiy tajribani kengaytirish orqali amalga oshiriladi.

Ijtimoiy muhit madaniyatidagi mavjud o'zgarishlarni o'quv faoliyatiga tatbiq etish jarayoni va natijasi ta'limning innovatsion turi uchun tegishlidir.⁵

1990-yilda Rossiya muzey pedagogikasi markazi tomonidan muzey–bog'cha–maktab–universitet o'rtasida ilmiy asoslangan hamkorlik tizimini yaratish doirasida "Salom, muzey!" ko'p bosqichli muzey-pedagogik dasturi ishlab chiqildi.

Dasturning maqsadi – muzey pedagogining, badiiy, tajriba va bilimlar bilan boyitilgan, estetik jihatdan, barkamol insonni tarbiyalashda bog'cha tarbiyachisi, maktab va universitet o'qituvchisining funksiyalari hamda sa'y-harakatlarni birlashtirishdan iborat.

B.Stolyarov fikriga ko'ra, ushbu dastur muzeylarni umumiy o'quv jarayoni davrida madaniyatni axborotlashtirish va global vizualizatsiya qilish imkoni beradi.⁶

Zamonaviy hayotda muzeylar an'anaviy vazifalar va funksiyalardan biroz chetga chiqib, jamiyat hayotida faol ishtirok etishiga ko'mak beruvchi yanada keng dasturlarni amalga oshirish kerak.⁷

Xulosa qilib aytganda, muzey pedagogikasi oldida turgan vazifalar ko'p qirrali bo'lib, tashrifchilarni muzeyda namoyish qilina yotgan voqea-hodisalarni his etish, eshitish, mulohaza yuritish va saboq berishdan iboratdir.

Машарипов Фарход Турахонович (доцент УрГУ)

ПРОБЛЕМЫ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В ВУЗАХ И ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЕГО ЭФФЕКТИВНОСТИ

***Аннотация.** Мақолада олий ўқув юртларида жисмоний тарбия машгулотларини ташкил қилиш ва ўтказишдаги муаммолар ва унинг ечимларига доир замонавий ёндашувлар ёритиб берилган.*

***Аннотация.** В статье освещены проблемы организации и проведения физического воспитания в высшей школе и современные подходы к их решению.*

¹ Романов Н.И. О задачах и методах экскурсий по искусству. "Экскурсионный вестник", М., 1916, № 1, с. 8.

² Шмит Ф.И. Искусство как предмет обучения. Харьков, 1923, с. 18.

³ Бакушинский А.В. Исследования и статьи. М., 1981, с. 11.

⁴ Новорусский М.В. Музеи и их образовательное значение. В помощь семье и школе. Сост. Н.Н.Бахтин и др. М., 1911, 38 с.

⁵ Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике. Обучение на основе исследования игры и дискуссии. Анализ зарубежного опыта. Рига, «Эксперимент», 1995, с. 3 – 4.

⁶ Столяров Б.А. Музейная педагогика – история и современность. «Народное образование», №5, 2001, с. 177–182.

⁷ Квебекская декларация. Основные принципы новой музеологии. "Museum", 1985, № 1, с. 21.

Annotation. This article highlights the problems of organizing and conducting physical education in higher education and modern approaches to their solution.

Калим сўзлар: олий ўқув юртлари жисмоний тарбия машгулотлари, таълим жараёни, жисмоний машқ, жисмоний тайёргарлик, талабаларнинг қизиқиши, жисмоний ҳолати, услуб, ёндашув, табақалаштириши, педагогик технология.

Ключевые слова: высшие учебные заведения, занятия физического воспитания, учебный процесс, физические упражнения, физическая подготовка, мотивация студентов, физические кондиции, метод, подход, дифференцирование, педагогическая технология.

Key words: higher educational institutions, physical education classes, educational process, physical exercise, physical training, student motivation, physical condition, method, approach, differentiation, pedagogical technology.

В нашем обществе осуществляется широкомасштабная работа, направленная на формирование здорового образа жизни, создание для населения, особенно молодого поколения, соответствующих современным требованиям условий для регулярных занятий физической культурой и массовым спортом, укрепление у молодежи посредством спортивных соревнований воли, веры в собственные силы и возможности, развитие мужества, чувства патриотизма и преданности Родине, системную организацию работ по отбору талантливых спортсменов из числа молодежи, а также дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта. Вместе с тем, широкая пропаганда и разъяснение во всех регионах нашей страны значимости массового спорта в жизни человека и семьи, как основы физического и духовного здоровья, защита от вредных привычек молодежи, с большими надеждами вступающей в жизненный путь, создание для молодых людей необходимых условий для реализации своих способностей и талантов, совершенствование системы отбора и целевой подготовки одаренных спортсменов из их числа остаются важными и актуальными задачами.¹

В настоящее время, когда в нашей стране происходят масштабные и кардинальные преобразования всей системы высшего образования, физическое воспитание выступает в качестве одного из важнейших аспектов деятельности всех высших учебных заведений. Поступательное развитие общества обуславливает активное и созидательное участие молодежи, в том числе студенческой, во всех сферах социально-общественной жизни. При этом важнейшим условием и критерием прогресса общественной формации становится значимость таких ценностей, как здоровье, активное долголетие и возможность самореализации человека, что, в свою очередь, является свидетельством особого места которое занимает физическая культура, в становлении и развитии каждой личности в процессе обучения в высшем учебном заведении.²

Велика роль физического воспитания вузовской молодежи в условиях непрерывного возрастания информационных потоков, мультиплицированности получаемых знаний, что является причиной значительных умственных и нервных нагрузок на организм обучающихся. На этом фоне систематическим занятиям физическими упражнениями отводится роль эффективного средства, способствующего нивелированию негативных последствий нервного перенапряжения, которое обеспечивает постепенное переключение с одного вида деятельности на другой, создает условия для сохранения и активизации умственной и физической работоспособности, сохранения здоровья студентов.³

Оптимизация процесса физического воспитания студентов высших учебных занятий, обеспечение высокого уровня их здоровья по-прежнему остаются крайне актуальной проблемой как для теории, так и для практики физического воспитания учащейся молодежи. Сохранение здоровья и повышение уровня функциональных и физических кондиций – важное условие всестороннего, гармоничного физического развития обучающихся, в том числе в высших учебных заведениях.¹

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3031 от 3 июня 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта» <http://lex.uz>.

² Кошбахтиев И.А. Средства информатизации образовательного и учебно-тренировочного процессов по физическому воспитанию студентов, спортсменов. «Фан – спортга», Ташкент, 2005, №1, с. 13 – 16.

Ханкелдиев Ш. Физическая подготовленность учащейся молодежи. Т., «Медицина», 1996, 205 с.

³ Садовников Е.С. Развитие у молодежи мотивации к физкультурно-оздоровительной деятельности. «Теория и практика физической культуры», 2017, № 4, с. 50 – 51.

¹ Якимович В.С. Новый вектор физического воспитания в высших учебных заведениях России. «Физическая

Организация физического воспитания, формирование физической культуры и спортивно-массовой работы являются важнейшей задачей деятельности высших учебных заведений в современных условиях. К наиболее актуальным задачам, решаемым в процессе физического воспитания студентов, относится гармоничное физическое развитие и повышение физической подготовленности студентов.¹

В настоящее время задачи вузовского физического воспитания заключаются в формировании и закреплении мотивации обучающихся к регулярному повышению уровня собственных физических кондиций, в обучении правилам направленным на сохранение своего здоровья, в приобретении навыков овладения здорового образа жизни, а также в обеспечении обширных знаний в области физической культуры в целом.

Это тем более актуализируется ввиду того, что в последнее время мотивация к систематическим занятиям физической культурой существенно снижается и, как следствие, наблюдаются падение уровня физической и функциональной подготовленности, ухудшение здоровья обучающихся в высших учебных заведениях. Вместе с тем непрерывное развитие науки и техники, увеличение объема информации, тенденция к росту сложности осваиваемых знаний, значительное повышение требований к качеству подготовленности будущих специалистов должно обеспечиваться за счет продуманного содержания образовательных программ физического воспитания, высокого уровня диагностики и оценки состояния физического и психофизического здоровья, с использованием методического и информационного материала должного уровня, соответствующего современным условиям материально-технического обеспечения.²

Результаты исследований многих авторов свидетельствуют, что одним из важнейших средств укрепления здоровья и повышения физической и умственной работоспособности, обучающихся являются средства физического воспитания и спорта. Отмечается острая необходимость стимулирования постоянного внимания студентов к важности своего физического совершенствования, рассматриваемого в качестве важнейшей задачи.

Задачи высшего образования в современных условиях обуславливают необходимость постоянной разработки инновационных технологий обучения, адекватных принципов планирования и реализации учебного процесса, новых форм и видов определения и оценки его эффективности, что в полной мере относится и к процессу физического воспитания в высшем учебном заведении. В настоящее время в литературе представлен весьма обширный объем теоретического и методического материала, который обосновывает самые разнообразные средства, методы и методические подходы физического воспитания обучающихся в вузах.³

Освоение любого двигательного действия связано не только с формированием навыка, но и с развитием определенных качеств и свойств, которые обуславливают выполнение физических упражнений с требуемой силой, быстротой, выносливостью, ловкостью и подвижностью в суставах. Именно эти морфофункциональные качества предопределяют возможность физической активности и целесообразной двигательной деятельности человека.

Так, в работах ряда авторов доказывается целесообразность повышения физической активности обучающихся в течении обучения в вузе с преимущественным вниманием к развитию таких двигательных качеств, как выносливость и сила.

В исследованиях ученых установлено, что использование занятий с более высокой моторной плотностью и интенсивностью выполнения двигательных заданий на фоне уменьшения времени их проведения с одновременным увеличением их количества, внедрения большего объема самостоя-

культура: воспитание, образование, тренировка», 2017, № 2, с. 28 – 29.

¹ Скобликова Т.В. Физическое воспитание как компонент целостной системы воспитания в вузе. Состояние, проблемы, перспективы развития. «Педагогическое образование и наука», 2013, № 4, с. 18–25; Стрельников Р.В. Состояние и пути развития системы физического воспитания в высшей школе. Актуальные проблемы современной науки. материалы международной научно-практической конференции, 2013, с. 67 – 69.

² Новикова Е.Ю. Ценности физической культуры в системе профессионального развития студентов-экономистов. «Теория и практика физической культуры», 2017, № 5, с. 29 – 30.

Панова Е.О. Содержание и организация физического воспитания студентов на основе приобщения к ценностному потенциалу физической культуры и спорта. Дис. ...канд. пед. наук, 13.00.04. Москва, 2012, 185 с.

³ Панкратович Т.М. Педагогическая концепция социального развития личности студентов с ограниченными возможностями здоровья на основе индивидуальных образовательных траекторий. «Теория и практика физической культуры», 2017, № 4, с. 44 – 45.

тельных занятий обеспечивает больший эффект оздоровления обучающихся. Экспериментально доказано, что использование в процессе физического воспитания описанного выше методического подхода по завершении учебного года демонстрирует наилучший прирост функциональных и физических кондиций, выраженное увеличение физической работоспособности, аэробных возможностей, повышение показателей экономичности функционирования кардиореспираторной системы, положительную динамику психофизиологических характеристик.¹

За счет комплексного подхода к индивидуализации двигательных заданий, который предусматривает использование средств, направленных на повышение общей физической подготовленности занимающихся с параллельным применением упражнений, развивающих двигательные качества, а также индивидуального подбора величины тренировочной нагрузки, предлагается достигать более высокой эффективности самостоятельных занятий студентов, в высших учебных заведениях.

В процессе учебных занятий применяются специальные физические упражнения, а также комплексы упражнений из разных видов спорта, системы физических упражнений профессионально-прикладной направленности, оздоровительные упражнения, различные двигательные задания, выполняемые с использованием разнообразных тренажеров. Все они призваны обеспечить необходимый уровень моторной активности; достижение и сохранение совершенной степени физической и функциональной подготовленности при обучении студентов в вузе, на поступательное усовершенствование и коррекцию индивидуального физического развития, повышение уровня функционального и двигательного потенциала; освоение жизненно необходимых и востребованных навыков; формирование устойчивой мотивации к занятиям физической культурой и спортом.

При этом следует особо отметить необходимость формирования у студентов именно мотивации и устойчивого интереса к долгосрочной физической активности. Обучающиеся должны иметь возможность получать обширные знания в области основ теории и методики оздоровительной и развивающей физической тренировки, иметь четкие представления о механизмах и эффектах тренировки, о закономерностях формирования рациональных, результативных, эффективных и экономичных двигательных актов. Немаловажное значение имеет умение овладения навыками и приемами техники выполнения физических упражнений. Весь этот объем знаний и навыков студенты должны получать в процессе теоретических и практических занятий, проводимых в рамках организации физического воспитания.

Оддий килиб тушунтирадиган бўлсак, биз талқин қилган манбалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, этнографик лексика қаторига моддий маданият лексикаси, иккинчидан, маънавий-маданий лексикасини келтиришимиз мумкин. Моддий маданият фақатгина ишлаб чиқариш ва фойдаланиш соҳасидаги моддий томондан объектлашган қарашларни қамраб қўймасдан, инсоннинг фаолияти билан боғлиқ шаклларни ҳам ўз ичига олади.

Поляк тилшуноси Е.Бертминскийнинг фикрича, «Этнолингвистиканинг мақсади маданиятнинг субъектли қурилиши ва шу тилда гаплашадиган (субъектлар) менталитетини ва тилга ўтган дунёнинг концептуаллашув усулини ўрганади. Этнолингвистика фақатгина диалектлар ва халқ хусусиятлари билан чекланиб қолмайди, у умумхалқ тилнинг барча турларини қамраб олади, шунингдек, диалект усти, адабий тилнинг тарихи ва замонавий бойлиги сифатида ўрганилади».⁴

Ноғай фольклоридаги этнографик лексикани тадқиқ қилган олим Р.А.Карасова «Этнографик лексика анча бой, халқнинг тарихи босиб ўтган даврини, унинг дунёқарашини, миллий ўзлигини, бадиий-эстетик қарашларини, моддий маданияти унсурларини тадқиқ қилишда тақдорланмас манба ҳисобланади», деб таъкидлайди.⁵

О.С.Ахманова ўзининг «Словарь лингвистических терминов» луғатида «Этнолингвистика тилнинг фаолияти билан ривожланишидаги тил ва халқнинг ўзаро алоқалари билан лингвистик, этник факторларнинг таъсири тадқиқ қиладиган макролингвистик соҳа», деган фикрни билдиради.⁶

О.С.Ахманова этнолингвистика атамасини ишлатган бўлса, аммо қатор олимлар этнографик лексика атамасини қўллашни маъқул топишган. А.В.Калинин этнографик лексикани диалектик лексиканинг ўзига хос гуруҳи, яъни этнографик диалектизмлар – бу маълум бир ҳудуддаги маҳаллий атамалар эканлигига эътибор қаратади.⁷ Тил илмининг машҳур тадқиқодчиларидан бири Н.М. Шанский эса этнографик лексика кундалиқ қўлланишга хосланиб қолган предмет ва нарсаларни англатадиган сўзлардан ташкил топади, шунинг учун улар (этнографизмлар) адабий тилда ўзининг эквивалентига эга эмас, деган қарашни билдиради.

Бундан ташқари, этнографик лексикага маданий бойликлар лексикаси, маънавий маданият лексикаси ҳам қиради. Маданий бойликлар фақатгина ишлаб чиқариш соҳасидаги маданий бойликларни қамраб олмасдан, инсоннинг фаолияти шакли билан боғлиқ ҳисобланали. Маълум бир халқнинг турмуш тарзини ташкиллаштириш усуллари фақатгина шу халққа хос бўлган турмуш тарзининг кўрсатиб беради, этнография мана шу ҳодисаларни тадқиқ қиладди. Лингвистик тадқиқ қилиш учун халқнинг турмуш тарзи билан боғлиқ сўзлар ва иборалар аҳамият касб этади.

¹ Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. М., 1965, с. 798.

² Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. Том 4, М., 1955, с. 555.

³ Ожегов С.И. Словарь русского языка. М., 1986, с. 791.

⁴ Bartminski, J. Aspects of Cognitive Ethnolinguistics. London, Equinox Publishing, 2009, 33 p.

⁵ Карасова Р.А. Ногайцы: XXI век. История. Язык. Культура. От истоков – к грядущему. Материалы Первой Международной научно-практической конференции, г. Черкесск, 14–16 мая 2014, с. 441.

⁶ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., «Наука», 1966, с. 529.

⁷ Калинин А.В. Лексика русского языка. М., МГУ, 1978, с. 127.

Хулоса. Биз ушбу мақолада илмий-амалий адабиётларни шархлашга ҳаракат қилдик ва айрим хулосаларга келдик ва натижада лексиканинг айрим масалаларга бўлган эътиборнинг кучайганлиги ва айрим турк тилларида фактик материаллар сонининг анча ошганлиги кўзга ташланади. Бундан ташқари, этнографик лексика, этнолингвистика ва этнографизмлар бир-бирига синоним атамалар эканлиги маълум бўлди, шунинг учун ҳам қорақалпоқ дostonлари тилини этнолингвистик жиҳатдан таҳлил қилиб, мавзунинг долзарб эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Шунинг билан бирга, этнографик лексикани тадқиқ қилишда қозок, ўзбек, қирғиз, чуваш, татар, башқирд ва бошқа турк тилларни тадқиқ қилиб келаётган олимлар томонидан қатор муваффақиятга эришганлиги аниқланди.

**Отақулов Нодиржон Бахромалиевич (ЎзМУ)
ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МИҚДОР ВА СИФАТ КАТЕГОРИЯЛАРИДА СОН
ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ**

Аннотация. Мақолада сон компоненти иштирок этган фразеологик бирликларнинг миқдор ва сифат категорияларида ифодаланиши ҳамда ўзбек ва француз тилларида сон ва миқдор категорияси орасидаги мантиқий ва лисоний муносабатлар ёритиб берилган. Шу билан бирга, миқдор предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланиши ҳамда сифат нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодаланиши ўрганилган. Бир-бирига ўхшамайдиган нарсалар ўртасидаги тафовутлар сифат характериға, бир-бириға ўхшаши нарсалар ўртасидаги тафовутлар эса миқдор характериға эга эканлиги аниқланган.

Аннотация. В статье освещено выражение фразеологических единиц с числовым компонентом в категориях количества и качества, логические и языковые отношения этих категорий в узбекском и французском языках. Также изучено определение количества объёмом, размером, весом, скоростью движения предмета, выражение качества внутренними и внешними определёнными свойствами предмета, рядом его свойств, признаков, особенностей. Определено, что различия между непохожими друг на друга вещами имеют качественный характер, а между похожими друг на друга вещами – количественный характер.

Annotation. The article highlights the expression of phraseological units with a numerical component in the categories of quantity and quality, logical and linguistic relations among these categories in the Uzbek and French languages. The definition of quantity by volume, size, weight, speed of movement of an object, the expression of quality by internal and external determinations of an object, a number of its properties, signs, and features are also studied. It is determined that the differences between things that are unlike each other have a qualitative character, and between things that are similar to each other have a quantitative character.

Калим сўзлар: сон, фразеологик бирлик, миқдор категорияси, сифат категорияси, ўлчов, мантиқий ва лисоний муносабат.

Ключевые слова: число, фразеологическая единица, категория количества, категория качества, мера, логические и языковые отношения.

Key words: number, phraseological unit, category of quantity, category of quality, measure, logical and linguistic relations.

Тил тафаккур ҳукмларининг моддийлашишидир, шу сабаб тилда борликни ўзида акс эттирган тафаккур жилоланади. Худди шундай, миқдор тушунчаси ҳам тафаккур маҳсулининг тилга кўчишидир. Шу ўринда, тилшуносларнинг миқдор категориясига берган баъзи таърифларни келтириб ўтадиган бўлсак, А.М.Прохоров таҳрири остидаги “Большой энциклопедический словарь” да шундай берилган: “Миқдор категорияси – бу предметлар ёки уларнинг қисмлари, шунингдек, хоссалари, улар орасидаги муносабатлар: катталиқ, сон, у ёки бу хоссанинг намоён бўлиш даражаси сингари ташқи, формал муносабатларни ифодаловчи категориядир”.¹ Шунингдек, С.А.Куниининг таҳрири остидаги “Большой толковый словарь русского языка” лўғатига эътибор қаратсак, “Ўлчов

¹ Большой энциклопедический словарь. Гл. ред. А.М.Прохоров. 2-т. М., СПб., Больш. Рос. энцикл., Норинт, 1997, 420 с.

ва ҳисобга тобе нарса ҳамда ҳодисалар предметни ўлчаш қобилияти жиҳатдан уларнинг белгиловчи томонини ифодаловчи асосий мантиқий категориялардан бири ҳисобланади”.¹

Инсон ўз тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган, ҳаракатнинг абадийлигини тан олмасдан тўғри тушунилиши мумкин бўлмаган объектив дунёда яшайди. Объектив дунёдаги ҳар қандай нарса миқдорий хусусиятларга эга: дарахт баланд ва паст, кўча кенг ва тор, уй катта ёки кичик бўлиши мумкин.² Ҳар қандай тилда миқдор категорияси бўлган сондан ташқари, сон туркумига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, аммо миқдорий маънони билдирувчи сўзлар мавжуд.

Миқдор категорияси ташқи дунёдаги предмет ва ҳодисаларни катталиқ, ҳажм ва миқдор жиҳатдан предметнинг кўплик, катталиқ, интенсивлик ва у ёки бу хусусиятнинг намоён бўлиш даражасини тавсифловчи аниқликни намоён этади. Миқдор категорияси билан боғлиқ жуда кўп масалалар, масалан, сифат, миқдор ва ўлчов сингари диалектик категориялар илмий адабиётларда кенг ёритилган ва бир қатор мунозараларга сабаб бўлган. Олимлар ўз тадқиқотларида “сифат” ва “миқдор” тушунчалари тараққиётини таҳлил қилганлар. В.В.Ильиннинг фикрига кўра, бу категорияларнинг методологик аҳамияти, шунингдек, уларнинг онтологик ва гносеологик³ вазифалари кўриб чиқилган ҳамда сифат ва миқдор категориялари орасидаги ўзаро боғлиқлиги кашф этилган.

Лингвистикада сифат ва миқдор категорияларига берилган бир қатор таърифлар орасида сифатни мантиқий категория сифатида таърифлаган тадқиқотчи Г.Г.Соколованинг нуқтаи назари диққатга сазовор: “Сифат – объектдаги барча ўлчовларнинг ички асосини ташкил этувчи аниқликдир. Сифат туфайли предмет муайян вақт кесимида ўзи билан айнан тенг бўлади ва у ёки бу даражада бошқа предметлардан фарқли бўлади, шунингдек, туб ўзгариш натижасида у ўз шаклини йўқотади – бошқа предметга айланади”.⁴ Бизни ўраб турган объектив воқеликдаги барча предметлар нафақат сифат, балки миқдорий аниқлик хусусиятига ҳам эгадир. А.А.Ивиннинг фикрига кўра: “Миқдорий аниқлик бирор нарсанинг борлиги сабабли, у қиёслаш натижасида (ҳисоб, ўлчов, санок ҳам бунга киради) белгили формулаларда ёки аниқ (миқдорий, тенглик асосида) тахминан ифодаланиши мумкин”.⁵

Инсонлар ўз нутқларида, дастлаб, “бир” ва “ўндан ортиқ” тушунчаларини қўллашган. Айнан илк ўнта сон қадимги дунё кишилари ҳаётида муҳим роль ўйнаган ва тангрилар ёки эҳтиром кўрсатилган фазовий жисмлар шарафига турлича номланган. Илк ўнта сон, сўнгра эса ундан кейинги сонларнинг пайдо бўлиш тарихи тадқиқотчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Масалан, турк тилидаги *elli* (эллик) сони таҳлилга тортиладиган бўлса, биринчи бўғинда В.А.Гордлевский *el* “қўл” сўзини кўради.⁶

В.А.Гордлевский ўнлик сонлар қандай ясалишини тушунтириб берган, унинг таъкидига кўра: “Туркий тилларда ўнлик сонлар учун бирликлар ва “ўн” сўзидан иборат мураккаб шакллар мавжуд”.⁷

Ўнликлар ва бирликларни ҳисоблашнинг тизими тез-тез такрорланиб, ўнлик тартибини ифодалаш учун хизмат қилувчи мустақил сонлардан ташкил топган, чунки бу сўзлар оралиқ сонларни яшаш учун зарур бўлган, ниҳоят, бу ҳисоблаш, яъни санок тизими “бутун ўнликлар”ни сиқиб чиқарган. В.А.Гордлевскийнинг ҳисоблашча, туркларда ҳисоб, даставвал, элликлик бўлган, 50 сони ҳисоб учун чегарани ташкил этган, “одатий ҳисоб доирасини бузувчи олий ўнликлар”га нисбатан халқлар ёқтирмаганлар – бунинг натижасида уни одатий истезмолга қабул қилмаганлар”.⁸

Сон сўз туркумига оид сўзларнинг табиати ҳақида тилшуносликда ҳам қатор таърифлар мавжуд. Миқдор ва сон ҳақида сўз юритилаётганда бу икки тушунчани бир-биридан ажратиш лозим. А.А.Реформатский ўзининг “Сон ва грамматика” номли китобида “сон тил грамматикасининг фак-

¹ Большой толковый словарь русского языка. Сост. и гл. ред. С.А.Кузнецов. 1-т. СПб., 2000, 1402 с.

² Швачко С.А. Языковые средства выражения количества в современном английском, русском и украинском языках. К., “Вища школа”, 1981, 6 с.

³ Ильин В.В. Онтологические и гносеологические функции категорий качества и количества. М., “Высшая школа”, 1972, 317 с.

⁴ Соколова Г.Г. Составляющие коннотативного значения фразеологических единиц. Лингвистические проблемы перевода. М., 1981, 340 с.

⁵ Ивин А.А. Основания логики оценок. М., “Высшая школа”, 1972, 81 с.

⁶ Гордлевский В.А. Числительное 50 в турецком языке. Избранные сочинения. Т. II, М., 1961, 123 с.

⁷ Ўша асар. 126 с.

⁸ Ўша асар.

ти бўлиб, унинг математика ёки фалсафадаги сон эмас”лигига алоҳида эътибор қаратган.¹ Сон туркумига кирувчи сўзлар реал нарсалар билан боғлиқ бўлмаган муҳим тушунчаларни ифодалайди. Миқдор – сон тоза ҳолда предметлилик хусусиятига эга эмас, у муносабатдир.

Сонлар муайян бирликлар сони миқдорий ёки кетма-кетлик тартибини кўрсатувчи ўзига хос сўзлар гуруҳини ташкил этади. Бу сон гуруҳини от, равиш ва сифатнинг лексик-грамматик синфларидан ажратиб туради.

Сонлар Л.Щерба, А.А.Потебня, Ф.Ф.Фортунатов, А.Е.Супрун, В.А.Гордлевский, В.Л.Архангельский, Н.М.Шанский сингари кўплаб тилшунослар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг ҳам предмети бўлган. Шу муносабат билан, айрим назарий масалалар мунозараларга сабаб бўлди: юзага келиш шарт-шароитлари, сонларнинг табиати ва воқеланиши. М.В.Ломоносов томонидан “Российская грамматика” асарида ёзилишича, тараққиёт жараёнида сон номлари род (жинс) ҳамда сон аломатларини йўқотади ва аста-секин бошқа отлардан ажратилиб, мустақил сўз туркуми – сонларни ташкил эта бошлайди.²

Норматив грамматикаларда сонлар анъанавий тарзда предметнинг, асосан, миқдори ёки сонини ифодаловчи сўзлар сифатида изоҳланади: “Сон – предметнинг, асосан, миқдори ёки сонини билдирувчи ва бу маънони морфологик категорияларда ифодаловчи сўзлардир”.³ А.Е.Супруннинг фикрича, “Миқдор маъносига эга бўлган лексемалар сон туркумига тегишлидир”.⁴ Владимир Гак ўзининг “Теоритическая грамматика французского языка” асарида шундай ёзади: Соннинг сўз туркуми сифатидаги маъноси – предметлар миқдори, сонини аниқ ифодалаш (билдириш) ҳисобланади.⁵ Бироқ, сон туркумининг ўрганилиши сўзларда соф миқдор (сон) аломатлари билан бирга, соф от ва соф сифатга хос белгиларнинг ҳам мужассам бўлиши каби омехталик ҳодисаларини аниқлашга ҳам кўмак берган. Сон миқдорни билдирувчи ҳамма сўзлар ҳам грамматик маънодаги сон туркумига тегишли бўлавермайди, шу боисдан рақамлар ва сонлар қатори маълум чегараларга қадаргина мос келиши мумкин.

Тил тизимида соннинг ўрни ҳақида бир неча нуқтаи назарни кўриб чиқамиз. Жумладан, В.Г. Гак сўз туркумлари тизимида сонлар мақомини белгилашнинг тўрт эҳтимолий ёндашувни келтиради:

1. “Барча сонлар бирга кўриб чиқилади ва сифат разрядига (туркум, даража), яъни олмош сифатлар билан бир қаторда, от детерминантлар гуруҳига киритилади”. Таъкидлаш керакки, сон сифат туркумига киритилиши мумкин эмас, чунки сон ўзида сифатга хос хусусиятларни эмас, миқдор маъносини мужассам этади.

2. “Сонлар миқдор ва тартибни ўз ичига олувчи алоҳида ўзига хос сўз туркуми сифатида ажратилади”. Таъкидлаш керакки, бунда улар грамматик белгиларига кўра бирлаштирилмайди ва фақат отлар ҳамда сонлар белгисига кўра ажратилади.

Санок сонлар махсус сўз туркумига, тартиб сонлари эса сифат туркумига киритилади. Сонлар ва улардан ясалган сўзлар фақат семантик гуруҳлар сифатида кўриб чиқарилади.⁶ В.Г.Гак семантик, морфологик ва синтактик белгилар асосида шундай хулосага келадикки, сонларнинг барчасини соннинг умумий маъноси асосида бирлаштириш мумкин; тартиб сонларни сифат туркумига оид сўзлар деб ҳисоблаш, санок сонларни эса алоҳида туркумга киритиш мумкин. Чунки тартиб сонлар маънодан ташқари сифатлардан ҳеч қандай фарқ қилмайди ва детерминативлар билан бирлаштирилади, санок сонлар ўзининг дистрибутив аломатларига кўра, на детерминатив, на сифатларга, на отларга ўхшайди. Ҳисоб отлари деб номланган сўзларни сон туркумига киритиш мумкин эмас, чунки улар миқдорий маънодан ташқари, бошқа семантика – предметлилик маъносига ҳам эга.⁷

¹ Прохоров А.М. Большой энциклопедический словарь. М., 1997, 335 с.

² Ломоносов М.В. Российская грамматика. СПб., изд-во АН, 1957, 210 с.

³ Русская грамматика. Под ред. Н.Ю.Шведовой. М., “Наука”, 1980, 573 с.

⁴ Супрун А.Е. Имя числительное и его изучение в школе. М., Учпедгиз, 1964, 147 с.

⁵ Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. М., “Добросвет”, 2004, 59 с.

⁶ Шу манба. 147 с.

⁷ Гак В.Г. Национально-языковая специфика меронимических фразеологизмов. Фразеология в контексте культуры. Языки русской культуры, М., 1999, 263 с.

Лекин сон яна морфологик ва синтактик хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларида ажралиб туради.¹

1. Сонларда махсус формал кўрсаткичга эга бўлган қуйидаги категориялар бор: ўзбек ва француз тилларида предметларнинг таркибига кўра, муносабатини кўрсатувчи категория. Бу категория санок сонларга (*u*)-*нчи*, *-ième* аффиксининг қўшилишидан ҳосил қилинади; ўзбек тилида предметларнинг гуруҳини, тўдасини кўрсатувчи категория. Бу категория санок сонларда *-ов*, *-овлон*, *-ала* аффиксларининг қўшилишидан ясалади. Ўзбек тилида предметларнинг тахминий ҳисобини кўрсатувчи категория. Бу категория санок сонларга *-та*, *-ча*, *-лаб* каби аффиксларининг қўшилишидан ясалади. Ўзбек тилида предметларнинг тақсимини кўрсатувчи категория. Бундай сонлар санок сонга *-та*, *-дан* аффиксининг қўшилишидан ясалади.

2. Сонларнинг баъзан жуфт, метр, дона каби ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга қўлланиши уларнинг бошқа сўз туркумларидан ажралиб турувчи ўзига хос белгиларидан биридир.

3. Алоқа-муносабат қўшимчалари соннинг ҳамма турларига ҳам қўшилавермайди, бироқ сонларнинг ўзига хос луғавий шакл қўшимчалари мавжуд. Ўзбек тилида сонга бевосита тегишли 3 та грамматик категория бор: доналик категория (бир-битта, икки-иккита), тартиб категория (бир-биринчи, ўн-ўнинчи) ва тахмин категория (ўн-ўнтача, эллик-элликтача); француз тилида эса фақат тартиб категорияси бор (*dix – ième, premier, second, quatre-quatrième*).

4. Бошқа сўз туркумларидан сон ясалмаса-да, сон бошқа сўз туркумларининг ясалиши учун асос вазифасини бажаради. Масалан, уч-лик; бир-лаш(моқ), икки-лан(моқ) каби. Ҳеч қандай аффиксларсиз ҳам баъзи сонлар от сифатида ишлатилиши, яъни маъноси торайиши мумкин (Сарибойнинг қирқини ўтказишди). Сонлар таркибида келадиган *-та*, *-тача*, *-нчи* каби аффикслар соннинг сўз ясовчи эмас, форма ясовчи аффиксларидир.

Грамматик категория жиҳатидан сонлар тартиб, санок ва жамловчи сонлар гуруҳларига бўлинади. Санок сонлар синфларнинг умумий хоссалари сифатида миқдорни кўрсатади, уларнинг аъзолари орасида бир маъноли мувофиқлик мавжуд, шунингдек, улар отлар билан бирикиб, предметларнинг аниқ сонини ифодалайди.

Ўзб: *етти ёшдан етмиши ёшгача; бир ачом; бир нафас; бир талай; бир қадар; бир қатор (қанча); беш қўлдек билмоқ* каби.

Фр: *faire d'une mouche un éléphant* – сўзма-сўз: (бир) пашшадан (бир) фил ясамоқ; *de deux sou* – икки тийин, арзон; *en cinq sec, mettre en cinq secs* – катта миқдорда; *une goutte d'eau dans la mer* – денгиздан бир томчи.

Тартиб сонлар сон тизимида муайян ўринни эгаллаб туради. Санок сонлар тенг қийматли хоссани акс эттирса, тартиб сонлар тенг қийматли бўлмаган кўпликни акс эттиради. Тартиб сонлар семантикаси саналадиган предметлар тартиби ифодаси сифатида белгиланади. Миқдорий сон аниқлиги санок сонлардан фарқли ўлароқ, предметлар сони билан боғлиқ бўлмайди. Тартиб сонлар ҳисобнинг “ягоналиги”, “тартиби” семаларини ўзида мужассам этади. Бу семалардан ташқари, улар партитивликнинг имплицит семаларига ҳам эга, кўплик ичидан бирликдаги предметни ажратишга эга.² Прагматик даражада сонларнинг иккала тури ҳам семантик жиҳатдан айна бир хил: санок сонлар суммар миқдорни, тартиб сонлар эса сон қаторидаги ўрнини кўрсатади. Контекстда сонлар орасидаги фарқлилик ўсиб боради: тартиб сонлар у белгилайдиган отнинг морфологик шаклига таъсир қилмайди. Айна пайтда, санок сонлар от парадигмаси ифодалаётган кўпликни аниқлаштиради. Тартиб сонлар сифат аломатларига эга бўла бошлайди, санок сонлар эса ҳам аниқ, ҳам ноаниқ сонни ифодалайди.³ Тартиб сонлар предметнинг ягоналигини билдирувчи тартиб сонларни ўз ичига олган фразеологизмлар бундан мустасно, масалан, ўзб: *биринчи қалдирғоч; биринчи қадам* (илк қадамларда); фр: *premier pas* – биринчи қадам; *première main* – биринчи қўл (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотиладиган (тарқатиладиган) жойи); *premier coup* – биринчи қараш (назар); *la première saison de la vie* – ҳаётнинг илк фасли.

¹ Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм, Т., “Фан”, 1980, 218, 285-бетлар.

² Игнатъева Э.В. Средства выражения количественных отношений в системе имени в современном английском языке. Дис. ...к. филолог. н., 10.02.20. М., 1981, 74 с.

³ Швачко С.А. Языковые средства выражения количества в современном английском, русском и украинском языках. К., “Вища школа”, 1981, 27 с.

Фразеологизмлар орасида жамловчи сонлар иштирок этганлар кичик гуруҳни ташкил этади: ўзб: *икковининг бошини қовуштирмоқ*– тўй қилмоқ, уйлантирмоқ; *иккаласи бир гўр* – *иккаласи бир хил*; *иккаласининг ўртасидаги парда (бутунлай) йиртилган*; фр: *avoir deux cordes à son arc* – ўз мақсадларида айёрликлар қилмоқ; *avoir un pied dans deux chaussures* – қайси бирини танлашни билмаслик, танлолмайд қийналмоқ.

Жамловчи сонларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг бирлик грамматик шаклида кўплик маъноси ифодаланган.¹ Н.Я.Марр сон ҳақида шундай ёзади: “Сонларда кўчма маънолилик йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас... бу сонлар фразеологик бирликнинг компонентига айланиб, мавҳумлашиб, ўзининг асосий вазифаси йўқолади, ё ўта кам, ё ўта йирик нарсани билдира бошлайди, ёхуд ҳеч қандай сон маъносига эга бўлмайди, ёки бўлмаса, турли сонлар бир-бирига синонимик муносабатларга киришади ва ҳоказо”.² Бошқа сўз туркумларига қиёсан олинса, мустақил қўлланилганда ҳам, фразеологик бирлик таркибида қўлланилганда ҳам, кўп маънолилик сонларга бевосита хос хусусият эмас. Бироқ фразеологик бирликда, сон кўчма маънода қўлланилар экан, ўзининг миқдорий маъносини йўқотади.

Сон тушунчаси, дастлаб, кишиларнинг амалий фаолиятларида айрим предметлар ҳисобидан юзага келган. Билишнинг ҳар қандай предмети миқдорий ўзгаришга учрайди ва миқдорий аниқликка эга бўлади. Сон категорияси шаклланишининг барча босқичларини кузатиш вазифаси сонлар ўзининг предмет маъносини тўла йўқотиб, олий даражадаги мавҳумликка эришгунга қадар қўйилган.

Ўзбек тилидаги миқдор категорияси Г.Исақованинг³ номзодлик ишида атрофлича таҳлил қилинган. Олима “қилмоқ” феъли иштирокида ҳосил бўлган фразеологик бирикмаларни тадқиқ этар экан, фразеологик бирикмалар таркибидаги мазкур феъл билан боғлиқ сонларнинг миқдор англатувчи сема сифатидаги хусусиятларига эътибор қаратади. Масалан, *бирини икки қилмоқ*, *нонини бутун қилмоқ*, *нонини яримта қилмоқ* каби фразеологизмларда “миқдор” семаси коннотатив маънога эга. Баъзан бу каби фразеологик бирикмалар таркибида миқдор сонлар ўрнини отлар эгаллаган ҳолатлар ҳам учрайди: *нонини туя қилмоқ*. Шундай ҳолатлар ҳам борки, фразеологизмлар таркибида сон компонент иштирок этган бўлса-да, “миқдор” категорияси мавжуд эмас, масалан, *гапни бир қилмоқ*, *бир сўзни икки қилмоқ*, *бошини икки қилмоқ*, *обрўсини бир пул қилмоқ*, *етти букилиб таъзим қилмоқ*, *бир ёқли қилмоқ* каби иборалар семантикасида “миқдор” категорияси яққол кўзга ташланмайди. Юқорида айтилганидек, юзага келган грамматик сон категорияси ягоналик ва кўплик маъносидаги шакл оппозициясига асосланади.⁴

Дунёнинг барча тилларида миқдорий белгилар мавжуд. Бу белгилар тилшуносликда фалсафа ёки математикадан кўра анча фарқли хусусиятларга эга. Тилшунос “математик ёки файласуф учун қадрли бўлган нарсага алданмаслиги, сонни тил онтологияси факти, тил структураси ва тизими парчаси сифатида тушуниши керак... Тил тафаккурни акс эттирган ҳолда, инсон заковатининг ушбу ютуғини ўз ичига олади: сон, грамматик сон категорияси турли тилларнинг грамматик тизимида ўзгача маъно касб этади. Шунга ўхшаш род категорияси ҳам, грамматик сон категорияси ҳам математикадаги соннинг кўчирмаси эмас”.⁵

Миқдор ва сифатнинг фарқи ҳақида қуйидагича фикр юритиш мумкин.

Фалсафий категориялар ҳамиша моддий оламнинг муҳим томонларини акс эттирувчидир. Оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгариб, ривожланиб боради, бу жараёнда нарсалар доимо пайдо бўлади, бир турдан иккинчи турга ўтиб туради. Лекин бундан улар муайян мавжудлик шаклига эга эмас, мутлак бекарор ва уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди, деган хулоса чиқмайди.

Сифат нарса ва ҳодисаларнинг муайянлигини таъминлайдиган, уларга барқарорлик бағишлайдиган хосса, хусусият ва белгилар йиғиндисидир. Сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди.

¹ Реформатский А.А. Число и грамматика. Вопросы грамматики. М.–Л., 1960, 393 с.

² Марр Н.Я. О числительных. Языковедные проблемы по числительным. Л., ЛГУ, 1927, 5 с.

³ Исақова Г.Н. Ўзбек тилида қилмоқ феълининг лексик-семантик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф., Тошкент, 2008, 13 – 16-бетлар.

⁴ Панфилов В.З. Философские проблемы языкознания. Гносеологические аспекты. М., “Высшая школа”, 1977, 3 с.

⁵ Реформатский А.А. Число и грамматика. Вопросы, грамматики. М.–Л., изд-во АН СССР, 1960, 384–385 с.

Миқдор нарсанинг шундай муайянлигидирки, шу тўфайли уни реал равишда ёки фикран бир жинсли қисмларга бўлиш ва бу қисмларни бир бутун қилиб тўплаш мумкин. Қисмлар ёки нарсаларнинг бир жинслиги (ўхшашлиги, монандлиги) миқдорнинг фарқ белгисидир.

Фразеологизмларнинг структурал-семантик тузилишида сон иштирок этган бўлишига қарамай, ҳар доим ҳам миқдор категориясини ифодаламайди. Сон предметларда эмас, балки муносабатларда ифодаланади. Сон–миқдорнинг фикрий категорияси, борлиқнинг миқдорий аниқлиги акс этиши натижаси бўлиб, у, бир томондан, дискрет, узук миқдор, иккинчи томондан, дискрет бўлмаган, узлуксиз миқдор ҳисобланади. Булардан биринчиси ҳисоблаш йўли билан белгиланса, иккинчиси ўлчаш воситасида аниқланади, натижада миқдорнинг фикрий категориясида иккита асосий нарса – сон ва миқдорга ажратилади. Сон категориясининг қандайдир мавҳум, умумлашган тафаккур сифатида шаклланиши лексик ва грамматик сон категориясининг маъносида акс этган.

**Салимбеков Нодирбек Улуғбекович (Тошкент Давлат
Шарқшунослик университети тадқиқотчиси; @Nodirbek_Salimbekov)
АБУЛФАЗЛ АЛЛОМИЙНИНГ “ОЙИНИЙ АКБАРИЙ” АСАРИДА ТУРКИЙ
СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Аннотация. Мақолада бобурийлар сулоласидан бўлган Акбаршоҳнинг вазири, дўсти, адиб ва олим Абулфазл Алломийнинг “Ойиний Акбарий” асаридаги туркий сўзлар ҳақида сўз боради. “Ойиний Акбарий” мустақил шоҳ асар бўлиб, у Акбаршоҳ буйруғига кўра ёзилган. Асар Ҳиндистон тарихини, хусусан, XVI аср охири – XVII аср бошларидаги даврни ўрганишида муҳим ўрин тутди. Асарда жами 22 та туркий сўз аниқланган бўлиб, улар мавзуларга ажратилган ҳолда, -чи суффикс билан учрайдиган сўзларга алоҳида эътибор берилди.

Аннотация. В статье рассматриваются тюркские слова, встречающиеся в произведении “Айини Акбари” Абулфазла Аллами, писателя и ученого, друга министра Акбаршаха, потомка династии Бабуридов. “Айини Акбари” – это независимое произведение, написанное по приказу Акбаршаха. Работа играет важную роль в изучении истории Индии конца XVI и начала XVII веков. Всего в работе было выявлено 22 тюркских слова, которые были тематически классифицированы. Особое внимание было уделено словом с суффиксом -чи.

Annotation. The present article considers the Turkic words in the work “Aini Akbari” by Abul-fazl Allami, a scholar, a writer, a minister and a friend of Akbarshakh, a descendant of the Baburid dynasty. “Aini Akbari” is an independent work written by the order of Akbarshakh. The work plays an important role in the study of Indian history, especially in the late 16th and early 17th centuries. In total, 22 Turkic words were identified in the work, which were analyzed on the basis of semantic and Turkic words with the suffix “-chi”.

Калим сўзлар: семантика, мавзу гуруҳи, -чи суффиксли сўзлар, ҳиндий тили, туркий тил.

Ключевые слова: семантика, тематическая группа, слова с суффиксом -чи, хинди, тюркский язык.

Key words: semantics, thematic group, words with suffix “-chi”, Indian language, Turkic language.

Бобурийлар сулоласининг таниқли вакили бўлган Акбаршоҳнинг вазири, дўсти, адиб ва олим Абулфазл Алломий “Акбарнома” ва “Ойиний Акбарий” асарларининг муаллифидир. “Акбарнома” тарихий асар бўлиб, у Акбаршоҳнинг топшириғига кўра, 1589–1601 йилларда ёзилган. Китоб уч жилддан иборат бўлиб, унда Акбаршоҳнинг туғилиши, шажараси, Бобур шахсияти, Хуронсон даврида шимолий Ҳиндистон ва Афғонистонда юз берган ижтимоий-сиёсий, маданий воқеалар, Акбарнинг шахси, унинг саройи, бобурийлар салтанатининг тузилиши, мамлакатнинг маъмурий бўлиниши, солиқ ва бошқалардан тушадиган тушумлар, динлар, ҳиндларнинг дунёқараши ва шу каби маълумотларни ўз ичига олади. Мазкур асар уч жилддан иборат. Биринчи жилдда Акбаршоҳнинг туғилиши, унинг шажараси ҳикоя қилинади. Иккинчи жилдда Бобур ва Ҳумоюн даврида Афғонистон ва шимолий Ҳиндистонда юз берган сиёсий вазият тасвирланган. Учинчи жилд «Ойиний Акбарий» номи билан мустақил асар сифатида машҳур. Муаллиф вафотидан сўнг Акбар ҳукмронлигининг сўнгги даврлари ёзилмай қолган.¹

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-том, Тошкент, 2002.

Акбаршоҳнинг топшириғи билан ёзилган мазкур йирик асар Ҳиндистон тарихини, хусусан, XVI аср охири – XVII аср бошларидаги даврни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Мазкур асарда Акбаршоҳ замонидаги турли соҳага оид мавзулар батафсил ва кенг ёритилган, шу сабабли «Ойиний Акбарий» асари бобурийлар салтанатига оид муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Мазкур асарни инглиз тилига машхур инглиз шарқшуноси Х.Блочман таржима қилган.¹

Манбаларга кўра, Ҳиндистонда туркий халқлар истилосидан кейин форс тилида битилган асарларда, албатта, ҳиндча сўзлар ҳам қўлланилган. Бу ҳукмрон доира вакиллари ҳиндий (ёки панжобий) тилининг бирор-бир шаклидан фойдалана бошлаганликларидан далолат беради.² С.К.Чаттержийнинг фикрича, форсча сўзлар Ҳинд минтақасида қўлланилганда, ўз маъносини ўзгартирган. Муҳаммад Абдул Фани “Мўғуллар саройида форс тили ва адабиёти тарихи” номли асарида форс тилига кирган ҳиндча сўзлар ва ўз маъносини ўзгартирган форсча сўзлар рўйхатини келтиради.³

«Ойиний Акбарий» асари форс тилида ёзилган бўлса ҳам, асарда бир қанча туркий сўзлар қўлланилган. Асарда жами 22 та туркий сўз аниқланди.

Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, ўрта асрлар бошида ҳинд тиллари учун араб, форс, турк тиллари эмас, балки Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар томонидан ишлатилган шарқий Эроннинг янги форс тили манба тил бўлган, деган концепция муҳим аҳамиятга эга.⁴ Ҳукмдорларнинг она тили туркий бўлган бўлса ҳам, амалда форс тили сарой тили ва асосий сўзлашув тили вазифасини ўтаган.

Мазкур асардан аниқланган туркий сўзлар сони йигирма иккитани ташкил қилади. Аниқланган туркийча сўзлар икки хил усулда таҳлил қилинди: семантик ҳамда туркийча -ёи суффиксли сўзлар таҳлили.

Ҳиндистонда қадимги даврдан бошлаб, бобурийлар сулоласининг охири, яъни XIX аср ўрталаригача туркий халқлар билан ҳинд халқи ўртасида турли соҳаларда ўзаро муносабатлар давом этган ва бунинг натижасида туркий тил ҳинд тилларига таъсир қилган. Асарда ишлатилган туркий сўзлар, ҳатто ўша даврдаги луғатларга ҳам киритилган. Платснинг луғатида турли соҳага оид 80 га яқин туркий сўз қайд этилган. Масалан, *қўшин*, *яроқ*, *соқчи*, *қайчи*, *қўрчи*, *ота*, *она* ва бошқалар.⁵

«Ойиний Акбарий» асарида аниқланган туркийча сўзларни семантик жиҳатдан таҳлил қилганда, қуйидагилар аниқланди:

Касбга оид: *qushbegi* “подшоҳ ов ҳайвонларининг мутасаддиси”, *barbegi* “эшик оға”, *qurbe-gi* “ҳарбий тизимга масъул шахс”, *akhtabegi* “подшоҳ отларининг мутахассиси”, *yuzbashi* “юзбоши”, *qarawal* “қоравул”, *bitakchi* “сарой ёзувчиси”, *parwanchi* “парвоначи”, *banduqchi* “қуролчи, қуролларга қаровчи шахс”, *akhtachi* “отбоқар”.

Белгига оид: *tamgha* “белги”, *mankli* “холдор”, *kushka* “қашқа”.

Қариндош-уруғга оид: *уумақ* “уруғ-аймоқ”, *budagh* “шажара дарахтининг кичик бир бўлаги”.

Давлат ишларига оид: *sayurghal* “суюрғол”, *Tuzuk* “Тузук”.

Исм, атама: *ataliq* “оталик”, *beg* “бек”.

Жой номи: *Turan* “Турон”.

Таом номи: *улма* “юлма”.

Байрам номи: *Nawruz* “Наврўз”.

Асарда энг кўп учраган туркийча сўз касбга оид атамалар бўлиб, улар умумий сўзлар сонининг 45.5%ни ташкил қилади. Белгини билдирувчи сўзлар эса 13.6%ни, қариндош-уруғчиликка, давлат ишларига оид сўзлар 9%ни ташкил этди. Таом, байрамни билдирувчи сўзлар 4.5%га тўғри келади.

Тилшунос олима З.Холмонова «Бобурнома»даги туркий сўзларни семантик жиҳатдан таҳлил қилганда *бек* сўзи қадимги туркий тилда фаол қўлланган ва у ҳукмдор, дохий маъноларини беради, деб айтади ҳамда «шахсга ижтимоий яқинлик» тушунчасини ифодаловчи лексемаларга ки-

¹ Abul-FazlAllami. Ain-i Akbari. English translation by H.Blochmann. New Delhi, 1965.

² Чаттерджи С.К. Введение в индо-арийское языкознание. Москва, 1977, с. 193.

³ Там же.

⁴ Шаматов А.Н. Очерки исторической лексикологии хинди и урду XV – начала XVII вв. «Мусульманская» лексика в Южном Хиндустани. Ташкент, 1990, с. 67.

⁵ John T. Platts. A dictionary of Urdu, classical Hindi, and English. Hertford, 1911.

ритади.¹ Бошқа бир турколог олим Э.Севротян аймоқ сўзини қариндош-уруғчиликка оид сўзлар гуруҳига киритади ва қуйидаги маъноларда ҳам келтиради: 1) народ; 2) страна; 3) биол. отряд, класс. род племя.²

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «Ойиний Акбарий» асарида келтирилган туркий сўзлар ўз имлосини ўзгартирган, деб ҳисобланди. Масалан: *qarawal*, *bitakchi*, *parwanchi*, *sayurghal* сўзларининг имлоси, мос равишда, *qaravul* ва *bitikchi* бўлиши мумкин. Ушбу имлони луғатлар тасдиқлайди. Мазкур сўзларининг имлосидаги хатонинг сабаби араб имлосида ёзилган туркийча сўзларнинг нотўғри ўқилишидир.

Parwanchi ва *sayurghal* сўзларининг ҳозирги *parvanachi* ва *suyurg'al* шаклда ишлатилишида тарихий мослашувчанлик ва араб ёзувидан ташқари, мазкур сўзлар ҳиндчалашган, ҳиндларнинг талаффузига мослашган бўлиши мумкин.

Ҳиндий тилида туркий сўзларни ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан эътиборга моликдир. Ҳиндий тили ҳинд-европа тиллар оиласига, ўзбек тили эса туркий тиллар оиласига киради. Амалий жиҳатдан ҳиндий тилини ўрганиш ва ўргатишда туркий сўзларнинг аҳамияти каттадир. Жумладан, танланган тилнинг тарихий лексикологиясини тадқиқ этишда ҳамда ўзбек, умуман, туркий тиллар тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутлади.

Туркий халқлар истилосидан кейин Ҳиндистонда форс тилида битилган асарларда, албатта, ҳиндча сўзлар қўлланган. Бу шундан дарак берадики, ҳукмрон доира вакиллари ҳиндий тилларининг бирон-бир шаклидан фойдалана бошлаган.

Сўз ёки аффиксларнинг бошқа тилга ўтиб ўзлашганлигининг асосий белгиларидан бири товуш жиҳатдан янги тилга мослашганлигидир. Туркийча “-чи” талаффузидаги суффиксларнинг ҳиндчалашган ва туркий тилдаги қисқа «i» чўзиқ «-ī»га айланган.

Тил алоқалари ва ўзлашма сўзлар назариясида “адаптация” ва “ассимиляция” тушунчаси муҳим ўрин тутлади. “Адаптация” деганда ўзлашган сўзнинг янги тил фонетикаси ва грамматик тузилишига мослашиши кўзда тутилади.³

Сўз юритилаётган асардан тўпланган 22 та туркийча сўзнинг 12 таси айнан -чи суффикси орқали ясалган сўзлардир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур суффикс, асосан, араб тилидан ўзлашган сўзларга, кейинги ўринларда эса форс, туркий тилдаги сўзларга қўшилган бўлиб, ҳатто ҳиндий тилидаги сўзларда ҳам мазкур суффикс билан сўз ясаш ҳолатлари кузатилди.

Bitak+chi “сарой ёзувчиси”, *parwan+chi* “парвоначи”, *banduq+chi* “қуролчи, қуролларга қаровчи шахс”, *akhta+chi* “отбоқар”.

Бу шундан дарак берадики, -чи суффикси ҳиндий тилига бутунлай ўзлашиб кетган. Ушбу суффикс замонавий ҳиндий тилида ҳам сўз ясовчи суффикс тарзида қўлланилади.

Асардан топилган туркийча сўзлар таҳлил этилганда, маълум бўлдики, «Ойиний Акбарий» асарида туркий сўзлар кам қўлланилган булса ҳам, саройдаги муҳим ва фаол соҳаларда ўз ўрнига эгадир.

Умуман олганда, «Ойиний Акбарий» асари орқали нафақат Ҳиндистон билан боғлиқ маълумотларни, балки миллий қадрият, маънавий онгни ўстирувчи жиҳатларни ҳам кузатиш мумкин. Қолаверса, Ҳиндистоннинг ўша даврлаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлиги йўлида бобурийлар сулоласининг ўрнини кўриш мумкин. Шу билан бирга, «Ойиний Акбарий» асарида учраган туркий сўзларнинг ҳозирги замонавий ҳиндий тилида ҳам кенг истеъмол қилиниши мамлакатлараро ижтимоий муносабатнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирги кунда ўзбек тилининг мавқеи нафақат қўшни мамлакатлар микёсида, балки дунё доирасида ҳам ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Мазкур тадқиқот орқали Жанубий Осиё минтақасидаги генетик ва типологик жиҳатдан мутлақо бошқа тил оиласига мансуб ҳиндий тилига туркий тилларнинг, яъни ўзбек тилининг таъсирини яққол кўриш мумкин. Тадқиқот натижасида аниқланган барча туркий сўзлар ҳинд-орий тилларига фонетик, грамматик ва шакл жиҳатидан мослашган. Ҳатто, туркий тилларда жинс категорияси йўқ бўлса-да, ҳиндийча вариантда қўлланилганда ҳинд-орий тилларига хос равишда жинс категориясига эга бўлганлиги икки тилнинг ўзаро мослашувчан эканлигидан далолат беради.

¹Холмонова З. Бобурнома лексикаси. Тошкент, 2007, 78-бет.

²Севротян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Москва, 1974, с. 110.

³Шоматов А.Н. Историческая лексикология хинди и урду XV – начала XVII вв. «Мусульманская лексика в Южном Хиндустани». Ташкент, 1990, с. 8.

Мўминова Мухтасар Одилжановна
(Наманган Мухандислик-технология институти мустақил тадқиқотчиси)
«БОБУРНОМА» МАТНИДАГИ ТОПОНИМЛАР ТАРЖИМАЛАРИНИНГ
ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ

***Аннотация.** Ушбу мақола “Бобурнома” матнидаги топонимлар таржималарининг лингвопрагматик хусусиятларини очиб беришга бағишланади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур жой, рельеф, шаҳар ва бошқа манзилларни аниқ ва лўндалик билан тасвирлаб берар экан, буларни тасвирири географ, этнограф, фольклоршунос, тилшунос сифатида таснифлаб бериши лингвопрагматик жиҳатидан алоҳида катта аҳамиятга эга эканлиги очиб берилади.*

***Аннотация.** Данная статья посвящена раскрытию лингвопрагматических особенностей переводов топонимов в тексте “Бабурнаме”. Захириддин Мухаммад Бабур, описывая местность, рельеф, город и другие места, четко и точно описывает их как географ, этнограф, фольклорист, лингвист, что имеет особое лингвопрагматическое значение.*

***Annotation.** This article is dedicated to revealing the linguistic features of toponyms’ translations in the text “Baburname”. Zahiriddin Muhammad Babur describes the place, relief, city and other locations clearly and concisely, it is revealed that description classifying as geographers, ethnographers, folklorists, linguists which is particular great importance in terms of linguistics.*

***Калим сўзлар:** географик ҳудудлар, географик координаталари, реалистик тасвир усули, бадиий-тарихий асар, транслитерация усули.*

***Ключевые слова:** географические регионы, географические координаты, метод реалистического изображения, художественно-историческое произведение, метод транслитерации.*

***Key words:** geographic regions, geographic coordinates, realistic image method, art-historical work, transliteration method.*

«Бобурнома» матнидаги ўзига хос хусусиятлардан яна бир жиҳати, географик жой, атама, номлар ва киши исмларни поэтик оригиналликка хос тасвирлар орқали, айни пайтда, содда ва аниқликда ифодаланганида намоён бўлади. Бобурнинг реалистик тасвир усули, унинг маҳорати юксак ва креативлик билан ҳар бир воқеага ёндашувида кўринади. «Бобурнома» матнида жой номлари шунчаки айтиб ўтилмайди, балки улар билан боғлиқ тасвирлар тасвирий ифода усулда таснифланади. Турли ҳудудлар, географик кенгликлар, шаҳарларнинг географик координаталари аниқ кўрсатилгани эса «Бобурнома» матнининг илмий қимматини яна-да оширган.

“Бобурнома” матнини мутолаа қилаётган ўқувчи турли мамлакат, шаҳар, қишлоқ, қалъа, дашт, тоғ, доvon, дарё, кўприк, кечик, кўл, чашма, боғ, яйлов, ўтлоқ ва бошқа жойларнинг номлари тилга олинганлигига гувоҳ бўлади. Юзлаб географик номлар тарихий ва луғавий жиҳатдан изоҳланганини кўришимиз мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур жой, рельеф, шаҳар ва бошқа манзилларни ўқувчи тушунишига қулай бўлган тасвирлар орқали берар экан, географ, этнограф, фольклоршунос, тилшунос сифатида кўзга ташланади. Айнан жой номларининг тасвири асарнинг жаҳоний қимматини оширишда салмоқли улуш бўлган, десак, янглишмаймиз. Чунки шох Бобур қаерда бўлмасин, қайси минтақага қадами етмасин, бу жойга харбий-стратегик мақсадда қарши билан бир қаторда, уларнинг маданий-илмий объект эканлигини ҳам назаридан четда қолдирмаган.

«Бобурнома»даги жой ва киши исмлари тасвир асарнинг илк саҳифаларидаёқ кўз ўнгимизда гавдаланади. Агар жой номлари Бобур босиб ўтган, ўрганган, фатҳ этган географик ҳудудлар жойлашувига кўра тизимланган бўлса, киши исмлари тизими бир қадар серқатлам ва мураккаброк. Тарихий шахслар исмларининг ўзи туғишганлар, қариндош-уруғлар, мансабдорлар, дўст, рақиблар сингари табақа ва тоифаларга кўра тизимланади. Бу тизимнинг ўзи ҳам миллат, жинс, ҳудуд, сиёсий ва маиший муносабатларга кўра ички бўлинишларга эга. Бобур киши номларини фақат санаб ўтган эмас, балки уларнинг номлари билан ёнма-ён келадиган лақаб ва тахаллусларни ҳам эътибордан қочирмаган. Жой тасвирларига оид яна бир хусусият шундаки, адиб тасвирлаётган ҳудудни шунчаки географик, геологик ва табиий афзаллиги, аҳамиятини таъкидлаб қолмайди, балки шу жой тарихи, ўлка, тоғ, яйлов, кўрғон ва бошқаларнинг ўрни, машҳур шахслар тақдири билан боғлиқ томонларини қайд этади. Бундай мукамал тасвир «Бобурнома» ўқувчисига кенг маълумот беришдан ташқари, асарнинг кизиқарли, ўқимишли қилган омиллардан ҳисобланади.

Бобур ўз асарида Кеш вилояти тавсифига кенг тўхталади. Кешнинг Шахрисабз (яшил шаҳар) эканини махсус қайд этади: «Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубидадур, тўққуз йиғоч йўлдур. Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар, сангтарошлик қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар. Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шахрисабз ҳам дерлар» (Бобурнома. 2002, 61). Тасвирда Кеш ва Самарқанд вилоятининг географик жойлашувидан ташқари, унинг табиати, мафтункор адирлари ва боғлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилинади. Бу жойлар Амир Темур таваллуд топган маскан бўлгани боис, ҳар икки шаҳар – Самарқанд ва Кеш ҳамда бу вилоятларнинг географик жойлашуви, иқтисодий аҳволи, рельефи ва табиат манзараларини астойдил тасвирлайди. Китобхон Кеш таърифи замиридан Ўрта Осиё тарихи учун жуда муҳим масала – Амир Темур туғилган маскани Шахрисабзни қолдириб, нега Самарқандни пойтахт этиб танлаганининг боисини ҳам «Бобурнома» муаллифининг бу шаҳарлар қиёсий таҳлилидан билиб олади. Шаҳар номининг қўйилиш тарихига ҳам тўхталиб ўтади. Л.Каримова жой номлари ва киши исмларининг бадиий-тарихий асар, хусусан, тилшуносликдаги аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Жой номларини ифодаловчи сўз ва бирикмалар ўзбек тили лексикасидаги бошқа сўз ва бирикмалардан фарқ қилади. Бу эса топонимларнинг вужудга келишидаги маълум тарихий воқеалар билан, айрим тарихий шахслар фаолияти, табиат қонуниятларининг таъсири, баъзан инсон фаолиятининг тасодифий ҳолатлари билан боғлиқликда кўринади».¹

Кеш вилояти билан боғлиқ тасвирий воситалар таржима матнларида қуйидагича акс этган.

Лейден-Эрскин таржимасида: «Another province is Kesh, to the south of Samarkand, at the distance of nine farsangs. Between the cities of Kesh and Samarkand lies a hill, called Amak Daban, from which all the stones brought to the city are quarried. In the spring, the plains, the town of Kesh, the walls and terraces of the houses, are all green and cheerful, whence it is named Shahr-i-sabz (the Green City)» (Leyden-Erskine. Vol. I. 85). Яна бир вилоят Кешдир, Самарқанднинг жанубида, тўққиз йиғоч йўлдир. Самарқанд ва Кеш орасида бир баландлик бордир, Амак Дабан дейилур, ҳамма тошлар шаҳарга ...Баҳорда текисликлар Кеш шаҳри уйларнинг пешайвони ва деворлари ҳаммаёқ яшил ва хушманзара бўлади, шунинг учун ҳам Шахрисабз (яшил шаҳар)дир (МТ) тарзида келади. Таржимон жой номларини аташда баъзан шу жойнинг табиатига, келиб чиқиши ва баъзи бир тарихий воқеаларга асосланганини кўрамыз, таржимон географик жой номлари тасвирий воситаларини бирма-бир аслиятга адекват тарзда қайта тиклайди. Баъзан изоҳлар билан берса, баъзида транслитерацияда акс эттиради. Масалан, «Итмак довони» эса «Amak Daban» (Амак Дабан) шаклида транслитерация қилинади. Аслият матнида: «саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи» жумласи «the plains, the town of Kesh, the walls and terraces of the houses» (текисликлар, Кеш шаҳри, уйларнинг пешайвони ва деворлари) деб ўгирилади. «Саҳроси» сўзи «plains» (текисликлар), «тоғ» сўзининг ўрнида эса «hill» (баландлик) сўзи ишлатилади. Ҳолбуки, тоғ ва баландлик сўзлари маъно жиҳатидан кескин фарқланиб туради. Географик жой номларини таржимасида, шу халққа хос географик тушунчалар, топонимик атамалар, умуман, ушбу халқнинг маданияти ва тарихидан келиб чиқиш таржимон этикасининг муҳим талаби ҳисобланади. Айни пайтда, таржимон Шахрисабз, шаҳар ва довоннинг номларини қайта тиклашда транслитерация усулидан фойдаланади. «Кеш» шаҳрини «Kesh», «Самарқанд»ни «Samarkand», «Шахрисабз» номини «Shahr-i-sabz» шаклида транслитерация орқали беради ва қавс ичида (the Green City) «яшил шаҳар» тарзида изоҳ беради. Бу ўринда таржимон миллий хусусият, лингвокультурологик жиҳатларни эътиборга олади. Натижада аниқлик ва муқобил таржима вариантини тақдим этади.

А.Бевериж таржимасида: «Kesh is another district of Samarkand, 9 yighach by road to the south of the town. A range called the Aitmak Pass (Daban izoh) lies between Samarkand and Kesh; from this are taken all the stones for building. Kesh is called also Shahr-i-sabz (Green-town) because its barren waste (sahr) and roofs and walls become beautifully green in spring» (A.Beveridge. 83) (Кеш Самарқанднинг яна бир шаҳридир жанубидан тўққиз йиғоч йўлдир. Самарқанд ва Кеш ўртасида бир тизма «Аитмак довон» (Дабан) бордир, бино қуриш учун ҳамма тошлар бундан келтирилади. Кеш Шахрисабз (яшил шаҳар) деб ҳам айтилади чунки баҳорда унинг ҳосилсиз ерлари (саҳр) ва томлари ва деворлари чиройли яшил бўлади (МТ) шаклида келади. Таржимон географик жой номларини таржима қилишда лингвокультурологик хусусиятларига эътибор беради. Чунки айни географик жой номларининг инглиз тилида эквивалентлари йўқ. Шу сабабдан таржимон транслитерация усулини қўллаш йўлидан борган ва тўғри қилган. Хусусан, «Кеш» сўзи «Kesh», «Самарқанд» эса «Samar-

¹ Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. Тошкент, «Фан», 1982, 27-бет.

kand», «Шаҳрисабз» номи «Shahr-i-sabz» (Green-town) шаклида берилган. «Шаҳрисабз» номини беришда А.Бевеиж ҳам Лейден-Эрскин йўлидан боради. «Shahr-i-sabz» (Green-town) шаклида транслитерация қилинади. Қавс ичида эса (Green-town) «яшил шаҳар» тарзида аниқлаштирувчи изоҳ бериб кетади. «Итмак довони» эса «Aitmak Pass», яъни транслитерация усули билан «Аитмак» шаклида, «довон» сўзи эса «Pass» (довон) деб таржима қилинади. «Довон» сўзининг матн пастида изоҳи ҳам келтирилади. Аслиятдаги «сахроси ва шаҳри ва боми ва томи» жумласи «barren waste (sahr) and roofs and walls» (ҳосилсиз ерлари (сахр) ва томлари ва девори) деб ўгирилади. Таржима матнида «шаҳри» сўзи тушириб қолдирилган. Шаҳрисабз номининг пайдо бўлиши билан боғлиқ тасвирий воситалар ҳам таржима матнида кенг изоҳланади. Натижада таржимон матннинг ўқувчига тушунарли бўлиши ва аслиятнинг прагматик хусусиятларини қайта тиклашга эришади.

В.Текстон таржимасида: «Another is the district of Kish, which is nine leagues to the south of Samarkand. Between Samarkand and Kish is Itmak Dabani, a mountain that is the source of all the stone used by the stone carvers in the area. Since the countryside, city, roofs, and walls all turn beautifully green in the spring, the town is also called Shahr-sabz (Green city)» (W.Thackston. 87) (Кеш яна бир вилоятдир, Самарқанднинг жанубидан тўққиз йўғоч йўлдир. Самарқанд ва Киш орасида Итмак Дабани бордир, тоғдан сангтарошлар фойдаланадиган барча тошларни манбаси шу майдондадир. Баҳорда шаҳар ташқарисидан буён, шаҳар, томлар ва деворлар ҳамма ёғи чиройли яшил рангда бўлур, шаҳар Шаҳрисабз (яшил шаҳар) деб ҳам аталади (MT) деб ўгирилади. Таржимон географик жой номларини транслитерация усули орқали таржимада қайта тиклайди. Жумладан, «Итмак довони» «Itmak Dabani» шаклида транслитерация усулида қайта тикланади. «Кеш» шаҳри «Kish», «Самарқанд» эса «Samarkand», «Шаҳрисабз» номи «Shahr-sabz (Green city)» деб транслитерация қилинади ва қавс ичида (Green city) (яшил шаҳар) деб келтирилади. Кўриниб турганидек, таржимада аслиятнинг лингвокультурологик жиҳатлари қайта тикланган. «Саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи» жумласи эса таржимада «the countryside, city, roofs, and walls» (шаҳар ташқариси, шаҳари, томлар ва деворлар) деб берилган. В.Текстон географик жой номлари таржимасида юқоридаги икки таржимага нисбатан адекватроқ қайта тикланган, десак янглишмаймиз.

Таржима матнларини чоғиштириш жараёнида ҳар уч таржимон ишида ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар борлиги маълум бўлди. Дейлик, Кеш таърифининг тасвирий воситалар билан акс этиши таржима вариантларида турлича амалга оширилган. Дарҳақиқат, аслиятда тасвирланаётган воқеалар тафсилоти, географик жой номлари ва киши исмлари тасвирий воситаларни таржима матнида қайта тиклаш таржимондан бадиий маҳорат талаб этади. Таржималарнинг лингвопрагматик таҳлили ўз ифодасини яққол топганига ҳам гувоҳ бўламиз. Таржимашунос К.Жўраевнинг ёзишича, «Таржимада транслитерация методи кўпроқ география ва этнографияга хос сўзларни ўтказишда қўлланади. Бу ерда сўзнинг қанчалик оммавийлиги, бошқа тилда ўқувчи китобхон учун синашталигини ҳам эътиборга олиш керак. Ваҳоланки, шу пайтда улар хос сўз доирасидан чиқиб, интернационал сўзга айланиб кетиши мумкин».¹ Дарҳақиқат, транслитерация усули орқали амалга оширилаётган таржималарни ҳам ҳар жиҳатдан эътибор билан амалга ошириш таржимонга юксак маҳорат ва катта масъулият юклайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Бобурнома” матнида таснифланган ҳар бир топонимлар ўзига хос тарзда таржималарда қайта тикланганига гувоҳ бўлдик. Уларни лингвопрагматик жиҳатдан ўз ўрнини топганлиги ҳам таржима таҳлилларида ўз ўрнига эга эканлиги намоён бўлди.

**Абишов Генжебай Матжанович (Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети
Қорақалпоқ тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD); email: genjebaya@mail.ru)**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОРОНИМЛАРИ ТАДҚИҚИ

Аннотация. Мақолада тарихчилар, географлар, тилшунослар ишларида, шунингдек, қорақалпоқ ономастикаси бўйича манбаларда, топонимик тадқиқотларда қорақалпоқ оронимларининг ўрганганлик даражаси тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди. Минтақа мисолида Қорақалпоғистон топонимиясида оронимларнинг ўрни, алоҳида аҳамияти асосланди, уларнинг этимологияси, семантик хусусиятлари, грамматик таркибини аниқлаш аспекллари очиқ берилди.

¹ Жўраев К. Таржима санъати. Тошкент, “Фан”, 1982, 51-бет.

Аннотация. В статье предпринята попытка исследования степени изученности каракалпакских оронимов в работах историков, географов, лингвистов, в том числе в научных источниках по каракалпакской ономастике, топонимических исследованиях. На примере региона обосновано особое значение, которое занимают оронимы в топонимии Каракалпакстана, выявлена их этимология, семантические особенности, аспекты определения грамматического строя.

Annotation. This article examines the level of research of oronyms of Karakalpakstan in the scientific research of historians, geographers, linguists, including scientific sources on Karakalpak onomastics and toponymic researches. The special importance of oronyms in the toponymy of Karakalpakstan, their etymology, semantic features and important aspects of determining the grammatical structure are based on the example of the region.

Калим сўзлар: топоним, ороним, тоғ, тепалик, баландлик, чуқурча, қум, тизма.

Ключевые слова: топоним, ороним, гора, холм, возвышенность, впадина, песок, хребет.

Key words: Toponym, oronym, mountain, apex, hill, depth, sand, edge.

Жой номлари географик объектларни бир-биридан ажратиб кўрсатади ва улар географик объектнинг қандайдир табиий хусусияти, кўзга ташланадиган белгисига асосан номланади. Шу боис жой номлари шаклланиши, маъноси, номланиш сабаблари билан кишиларни қизиқтириб келган ва улар топонимист олимлар томонидан ўрганилиб келмоқда.

Сўнгги вақтларда Қорақалпоғистон ҳудудидаги жой номларининг келиб чиқиши, номланиш сабабларини ўрганишга доир илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Чунки қайсидир жойга бежиз ном берилмайди. Улар ижтимоий эҳтиёж сабабли шаклланиб, сўнг жой номи вазифасини бажаради.

Топонимларнинг бошқа турларига нисбатан оронимлар қорақалпоқ ономастикасида кам тадқиқ этилган. Қорақалпоғистон ҳудудининг аксарият қисми текисликлардан иборат. Шу боис бу ерда оронимларнинг сон жиҳатдан кам учраши, табиий. Уларни алоҳида ўрганиш қорақалпоқ ономастикасини назарий жиҳатдан бойитишда амалий ёрдам беради.

Оронимлар тоғлар, қирлар, тепаликлар, жарликлар, чўққилар, тошлар, адир каби географик объектларни ифодаловчи атоқли отлардир. Улар Қорақалпоғистон топонимиясининг бир қисмини ташкил этади. Бу ердаги оронимлар этимологик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Шунингдек, семантик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади.

Республикамизнинг кўпчилик шаҳар ва туманларидаги жой номлари бўйича тарихий, географик, лингвистик аспектларда тадқиқот ишлари олиб борилиб, уларда топонимларнинг лексик-грамматик таснифлари келтирилади. Шу билан бирга, оронимларга доир илмий тадқиқот ишлари ҳам мавжуд. Аммо Қорақалпоғистон оронимлари, топонимикага доир мақола ва тадқиқот ишларида баъзи орообъектларга берилган изоҳларни эътиборга олмаганда, алоҳида тўпланмаган ва уларнинг этимологияси, семантик хусусиятлари, грамматик таркиби лингвистик нуқтаи назардан тўлиқ ўрганилмаган.

Қорақалпоғистон топонимлари бўйича илк марта махсус тадқиқот олиб борган Қ.Абдимуратов ҳисобланади. У 1966 йил Қорақалпоғистон топонимларининг структур-семантик тузилиши, тарихий-этимологик хусусиятларига доир номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.¹ Унда топонимист олим баъзи оронимларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилган. Масалан, *таў, қыр, төбе, жар* географик терминлари иштирокида ҳосил бўлган оронимларни семантик хусусиятига кўра гуруҳларга ажратган: 1) объектнинг тури, ранги билан боғлиқ оронимлар: *Қызылқум, Қарақум, Аққум, Қызылжар, Сарықум Геллеасқан*; 2) ҳажми, шаклини ифодаловчи оронимлар: *Белтаў, Төктаў*; 3) ернинг табиий хусусияти, фойдали кон бойликлари билан боғлиқ шаклланган оронимлар: *Порлытаў, Ҳэктаў, Шуқырсай* ва ҳ.к.

Т.Бегжанов «Қарақалпақ тили диалектологиясының мәселелеринен» номли китобида² халқ оғзаки тилидан йиғилган материаллар асосида Мўйноқ тумани ҳудудидаги топонимларни (шу жумладан, оронимларни ҳам) лексик-семантик жиҳатдан таснифлашда қуйидаги гуруҳларга ажратади: 1) киши номлари билан номланган *Ержанатаў*; 2) уруғ ва миллат номлари асосида шаклланган *Қарақалпақ атаў, Тэжик*; 3) ранг билан боғлиқ *Қызылжар*; 4) ҳайвон ва қуш номларидан ҳосил бўлган *Малөлген, Қарабуўра, Ататқан, Тайжеген, Майжон* (тепаликлар), *Жолбарыстөбе*,

¹ Абдимуратов Қ. Қарақалпақстан топонимикасы. Филол.илим. канд...дисс., Нөкис, 1966, 99 – 102-бетлер.

² Бегжанов Т. Қарақалпақ тили диалектологиясының мәселелеринен. Н., «Қарақалпақстан», 1971, 58–74-бетлар.

Қумайтөбе; 5) ўсимлик номлари билан боғлиқ *Кендирли* (орол), *Ақбаслыой*; 6) объектнинг микдори, сони асосида шаклланган *Жаңгызтөбе*, *Қостөбе*, *Қарабесқум* ва бошқа *Мергенатаў*, *Теристөбе*, *Узынқайыр* каби оронимларни келтириб ўтган. Улардан *Қарабесқум*, *Майжон* каби оронимлар ҳозирги кунда деярли ишлатилмайди.

Туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида топонимик луғатлар тузиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Бу луғатларда республикамиздаги жой номлари, номланиш сабаблари келтирилган. Масалан, З.Дўсимов ва Х.Эгамовлар томонидан тайёрланган топонимик изоҳли луғатда Қорақалпоғистондаги *Жумуртов* ороними ҳақида маълумот берилган.¹ Ушбу ороним туркий сўз бўлиб, этимологик жиҳатдан «думалоқ тоғ» маъносини билдириши ҳақиқатга яқин эканлиги айtilган.

И.Халмуратовнинг Амударё тумани оронимлари ҳақидаги мақоласида ушбу ҳудуддаги *Ақтаў*, *Қаратаў*, *Шылтық қорғаны*, *Бестөбе*, *Қаратөбе* каби жой номлари қайд этилган.² Унда оронимларнинг шаклланиши, номланиш сабаблари, уларнинг этимологияси ҳақида манбаларда келтирилган фикрлар таҳлил қилинган ва ўзининг илмий қарашлари келтириб ўтилган.

Сўнгги йилларда қорақалпоқ ономастикаси масалаларига доир бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Уларда оронимлар ҳақида баъзи маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, М.Қурбановнинг географик терминлар бўйича номзодлик диссертациясида қорақалпоқ тилидаги географик терминларнинг лексик-грамматик хусусиятлари ўрганилган.³ Унда оронимик терминларнинг турлари, этимологик таҳлил, маънолари кўрсатилган. Таркибида *қум*, *қыр*, *ой*, *таў*, *тас*, *төбе*, *төбешик* географик терминлари мавжуд. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидаги баъзи *Белтаў*, *Бекбайқум*, *Қарабаўыр қыры*, *Бегдуллаой*, *Бөршиштаў*, *Қараўылтөбе* каби оронимлар илмий таҳлил қилинган.

Д.Юлдашевнинг номзодлик диссертациясида Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларидаги топонимларнинг тарихий-этимологик хусусиятлари ўрганилган.⁴ Унда этноним, географик объектнинг ташқи кўриниши, ранги асосида шаклланган *Йўмуритов*, *Далатав*, *Аққум*, *Қаратов* оронимларининг этимологияси аниқланган.

Г.Абишовнинг Чимбой тумани топонимларига доир илмий тадқиқот ишларида жой номлари билан бирга, ушбу ҳудуддаги оронимларга ҳам тўхталинган.⁵ Унда Чимбой туманидаги антропо-нимлардан ҳосил бўлган *Халмураттөбе*, *Есбергенқум*, этнонимдан шаклланган *Қазақой*, географик объектнинг сони асосида пайдо бўлган *Егизқум*, объектни бирор нарсага қиёслаш асосида шаклланган *Ийтқыр*, *Жиллиқум*, *Пашенттаў* оронимларининг семантик хусусиятлари очиқ берилган.

Уқорида кўриб ўтганимиздек, қорақалпоқ тилшунослигидаги топонимик тадқиқотларда фақат баъзи оронимларгина мисоллар ёрдамида келтириб ўтилган. Улар тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганишни талаб қилади. Чунки Қорақалпоғистон ҳудудидан тўпланган оронимик материаллар бой топонимик маълумотларни беради. Биз мисолларни тўплаш мобайнида тоғ номлари, қумликлар, тепаликлар, текисликлар ва пасттекистик ерларни ифодалайдиган оронимларнинг юздан ортиқ турларини учратдик. Масалан: *Аманданың қуми*, *Арзымбетқум*, *Аймантақыр*, *Асаной*, *Бийсентөбе*, *Бақанишақлыой*, *Аттабартөбе*, *Төрттөбе*, *Белтаў*, *Бөршиштаў*, *Кенегестөбе*, *Бестөбе*, *Шойынтөбе*, *Фазой*, *Ийтқыр* ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, оронимлар Қорақалпоғистон топонимиясида муҳим аҳамиятга эга. Уларни тўплаб, этимологиясини ўрганиш, семантик хусусиятларини ёритиб бериш, грамматик таркибини аниқлаш қорақалпоқ ономастикасидаги баъзи масалаларнинг ечимини топишда, лексикология, диалектология, тарих ҳамда география каби фанларни ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам беради.

¹ Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1977, 64-бет.

² Халмуратов И. Эмиўдәрья районы оронимлери. «Эмиўдәрья» журналы. Нөкис, 2004, № 4, 37-бет.

³ Қурбанов М. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларнинг лексик-грамматик хусусиятлари. Филол. фан. ном...автореф., Нукус, 2011, 9-бет.

⁴ Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистон топонимларининг тарихий-этимологик тадқиқи. Филол. фан. ном...дисс., Нукус, 2012, 29 – 57-бетлар.

⁵ Абишов Г. Чимбой тумани топонимларининг тарихий-лингвистик таҳлили. Филол. фан. фалс. докт. (PhD)...автореф., Нукус, 2019, 16-бет.

**Мирзаева Вазираҳон Муроджон кизи (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари
университети Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси)
ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ЭПИТЕТНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация. Мазкур мақолада ҳозирги замон француз тилида эпитетнинг чет эл тилшунос олимларининг илмий назариялари асосида семантик ва стилистик хусусиятлари лингвистик жиҳатдан талқин қилинади.

Аннотация. В данной статье семантические и стилистические особенности эпитета во французском языке, основанные на научных теориях зарубежных лингвистов, интерпретируются с точки зрения лингвистического контекста.

Annotation. In this article, the semantic and stylistic features of the epithet in the French language, based on the scientific theories of foreign linguists, are interpreted from the point of view of the linguistic context.

Калим сўзлар: эпитет, стилистик воситалар, функционал стиллар, экспрессивлик, эмоционаллик, стилистик маъно, контекст.

Ключевые слова: эпитет, стилистические средства, функциональные стили, выразительность, эмоциональность, стилистическое значение, контекст.

Key words: epithet, stylistic means, functional styles, expressiveness, emotionality, stylistic meaning, context.

Маълумки, тилшуносликда тил бирликларининг мазмуни унинг матнда қўлланилиши билан боғлиқ. Стилистик категориялар мазмунни таъминлашда асосий аҳамият касб этади. Эпитет матнлардаги сўзларнинг бўёқдорлигида акс этади ва унга кенг мазмун берувчи тилшуносликнинг стилистика бўлимида баҳсли ўрганиб келинаётган ҳодисалардан саналади. Қадимги грек тилида эпитет адабиёт фанида пайдо бўлган, деган фикр мавжуд бўлиб, олимлар томонидан, дастлаб, тадқиқ этилган. Жумладан, Арасту ва Квинтилиан эпитетни маълум бир ўзига хос маънога эга бўлган сўз ва шеърятда – шеър санъати сифатида, насрда эса қўшимча ифода вазифасига эга бўлган сўз сифатида тилга олганлар. Шунингдек, Квинтилиан «эпитет» нутқни безовчи восита эканлигини таъкидлайди. Ундан шоирлар ижодида тез-тез ва ёрқин фойдаланишини айтиб ўтадилар. Нутқий актда эпитет маънога мослашмаса, у ортиқча саналади. Агар бу ҳолатда у нутққа киргизилса, у заиф саналади.

Арасту ва Квинтилиан нутқда эпитетни нотўғри қўллаш унинг мажозий маъносини ҳам ўзгартириб юборишини эътироф этадилар.

Бу Аристотель даврида ҳам эпитетни шеър ва насрга тегишли услубий восита сифатида қўлланилганлигидан дарак беради. Бунда эпитет стилистик мазмунга эга, дейиш мумкин. Стилистик мазмун тил бирликларининг бўёқдорлиги билан боғлиқдир. Бидамизки, стилистик бўёқдорликка эга бўлган воситаларнинг икки тури мавжуддир:

- а) функционал-стилистик;
- б) экспрессив-стилистик воситалар.

Функционал воситаларга адабий сўзлар, архаизмлар, оғзаки нутқда ишлатиладиган сўзлар киради. Бу сўзларнинг функционал-стилистик бўёқдорлиги улар маълум нутқ турларида ишлатилганда намоён бўлади. Маълум шароитларда уларнинг маълум стилистик сатҳга “рефлекс”ли боғлиқлиги кўринади. Айрим сўзлар бир функционал стилда ишлатилиши билан аҳамиятли саналади. Бунда сўз ушбу стилга тааллуқлиги белгиси билан фарқланади ва у ёки бу стилга боғланиб, сўз ўзига хос стилистик рангга эга бўлади.

Ш.Балли ўзининг “Traite de stylistique française” номли китобида сўзларнинг стилистик ранги мавжудлиги хусусида фикр юритади. Шунингдек, В.В.Виноградов “Вопроси языкознания” журналида бу ҳақда ёзади. Олим, айниқса, функционал стилистик белгининг ижтимоий моҳиятига алоҳида эътиборни қаратади. Сўзнинг маълум функционал стилга қарашлилиги унинг стилистик моҳияти билан белгилашини таъкидлайди. Бу ҳолда гапирувчиларнинг онгида сўз аниқ коннотацияга эга бўлади.

Бир стилистик мазмундаги сўзни бошқа функционал стилга ўтказиш стилистик эффектни ҳосил қилади, яъни, нутқда функционал-стилистик тил бирликлари ўзларида мавжуд бўлган потенциал имкониятлари туфайли маълум усул билан навбатдаги экспрессивликка эга бўлади.

Нутқда стилистик маъно тилдаги стилистик маъно билан тўла мос келиши ёки контекстда қўшимча мазмунга эга бўлиши мумкин. Сўзларнинг маълум функционал стилга боғлиқлигидан ташқари, экспрессивлик ва эмоционаллик категорияларига боғлиқ бўлган стилистик бўёғи ҳам мавжуд. Стилистик рангни аниқлаш учун доим ҳам микроконтекст етарли бўлавермайди. Бунда кенгроқ контекстга – тўла гапга ёки бўлакка мурожаат қилишга тўғри келади.

Масалан: *Il fait si chaud que Colette est obligee de respirer a petits sours doucement. Colette appelle cette chaleur, la chaleur blanche parce que tout prend un air irreal, sous ce soleil presque blanc, lui aussi.*

Бу мисолда “blanché” сўзи олдинги кенг контекст билан шарҳланиб, кейинги контекст билан аниқлаштирилади. “Blanche” сўзининг асл маъноси ноодатий ўринда “chaleur” сўз бирикмасида ишлатилиб, қўшимча таассурот ҳосил қилади.

Эпитет “chaleur” сўзида жойлашган белгини кучайтириш вазифасини бажариш учун хизмат қилади. Сўзнинг стилистик маъноларини намоён бўлишининг муҳим усулларида бири француз тилидаги сўз тартибидир.

Г.Федорук ўз мақоласида “экспрессивлик” ва “эмоционаллик” тушунчаларини ифодаланаётган фикрни кучайтириш сифатида изоҳлайди.

Ш.Балли экспрессивликни нутқда эмоционаллик ва субъективликнинг ифодаланиши сифатида қарайди. Шунингдек, тилшуносликда экспрессивлик куйидаги омиллар билан аниқланади:

1. Экспрессивликнинг эмоционал белгилари (Звигенцев).
2. “Экспрессив-стилистик бўёқ (Левин).
3. Белгиловчи элементлар (Потоцкая).

Экспрессив-эмоционал факторларнинг лексик тизимда мавжудлиги лингвистлар томонидан тўлиқ тан олинади. Шу билан биргаликда, экспрессия ва унинг эмоционаллик боғлиқлиги ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Айрим олимлар эмоционаллик ва экспрессивлик тушунчалари ўзаро фарқлайдилар. Экспрессивлик, кенг маънода, нутқ бирликларининг ифодалаш сифатида акс этиб, эмоционаллик ва ифодалилик эса нутқда, кўпинча, бир-бирини тўлдирувчи факторлар сифатида намоён бўлади.

Бу ҳақида Г.Федорук экспрессивлик категорияси эмоционаллик тушунчасидан кенгроқ эканлиги ва у эмоционалликнинг таркибий қисми эканлигини эътироф этади. Маълумки, тилнинг коммуникатив функцияси фақатгина фикрни ифодалашга хизмат қилиб қолмай, у ҳис-туйғули ифодалашга хизмат қилади.¹

Эмоционаллик сўзнинг мазмунига тааллуқлиги сўзнинг мазмунига кириш-кирмаслиги бугунги тилшуносликда баҳсли мунозаралар бўлиб келмоқда. У ҳақида тилда икки хил қараш мавжуд бўлиб, биринчи қарашда тилшунослар эмоционалликни сўз мазмунининг ажралмас қисми сифатида таърифлайдилар. Иккинчиси эмоционаллик сўз маъносини бўёқдорлик нуктаи назаридан ёритиб берувчи ҳодиса.

К.А.Левковская: “Луғат таркибида эмоциялар ўз семантикасида инсон ҳис-туйғуларини ифодаловчи сўзлар билангина ифодаланиб қолмасдан, инсоннинг эмоционал ҳис-туйғулари борлиқда ўзининг маълум эмоционал-экспрессив бўёғига мос ҳолда ўз ифодасини топишлигини айтади.²

Е.М.Галкина-Федорук ҳам ушбу фикрга монанд: “Интеллект эҳтирос ва хоҳишга билан боғлиқ, ҳар қандай эҳтирос ёки хоҳиш асослидир”, дея эътироф этади. Сўз инсоннинг ҳис-туйғуларини ифодалайди. Яъни, эмоционал бўлак тўғридан-тўғри сўзнинг маъносига киради. И.Гальперин ва Л.Резников ва бошқалар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайдилар.

“Вопросы языкознания” журнали саҳифаларида Травничек Е.М.Галкина-Федорукнинг бу қарашга эътироз билдириб, улар ҳис-туйғуни ўзлари билиш жараёни натижасида аниқланган ва ўрнатилган натижалар орқали ифодаланишини ёзади. Олимнинг фикрича, ҳис-туйғуларни ифодаловчи сўзлар, аслида, тушунчани ифодалайди; ҳис-туйғу деб аталувчи психик жараён борлиқ билан боғлиқ бўлган ҳолдаги идрок қилинувчи онг маҳсулидир. Г.В.Колшанский, К.А.Аллендорф, Разинкина Н.М., Ситникова З.И., В.А.Звигинцевлар эмоционалликни умумий лексик маъно таркибига киритишга қарши фикр билдирадилар. Жумладан, В.А.Звигинцев “экспрессив-эмоционал ҳолат-

¹ Е.М.Галкина-Федорук. Об экспрессивности и эмоциональности в языке. Сб. статей по языкознанию. Проф. МГУ акад. В.В. Виноградову, 1958, с. 125.

² Травничек Ф. Некоторые замечания о значении слова и понятий. “В.Я.”, 1956, № 1, с. 35.

лари сўзнинг маъно таркибига ташкилий қисм сифатида киритилиши мумкин эмас, чунки улар тил сатҳида объектив ҳодиса эмас”лигини таъкидлайди.¹

“Хурсандчилик”, “нафрат”, “ғазаб” ва шу каби сўзлар инсоннинг эмоционал туйғулари ид-рок қилиш натижасини ифодалаш билан боғлиқдир. Бунда сўзлар ҳис-туйғуни эмас, тушунчани ифодалайди. Лекин бундай ҳолларда мантикий ва ҳис-туйғу узвий боғланиши зарурлиги кузатилади.

Эмоционаллик ҳақида гапирилганда, икки ҳодисани чалкаштирмаслик керак: “эмоционаллик” ва “эмоционал бўёқдорлик”. Эмоционал бўёқ объектив мавжуддир, у сўзнинг нутқда актуаллашишидан холи саналади. Эмоционалликни тил тизими элементи сифатида қараш мумкин. Эмоционаллик элементлари сўзнинг семантик тузилиши тизимига кириши мумкин. Улар сўз ясовчи шакллар орқали ясалган эмоционал сўзлар билан ифодаланади. Мисол учун: *L'esprit chagrin attriste les objets les plus rians. C'est ainsi qu'il quitta renfermant la porte ce mysterieux endroit qu'il ne devait plus revoir (A.Fournier). Depeignees, les cheveux, filasse, la peau grise, les traits plombes, les malheureuses etaient horribles (A.Lanoux).*

Эмоционал бўёқли сўзларнинг вазифаси – борлиққа эмоционал муносабат билдиришидадир. Чунки эмоционаллик доим экспрессивликка эга.² Эмоционалликни алоҳида категорияга ажратмай, тилнинг эмоционал элементли экспрессив воситали қисми, деб аташ мумкин.

Агар стилистик рангдорлик тил мазмунининг ажралмас қисми бўлса, унда бу ҳодиса уни грамматик ва лексик мазмунлар қаторидаги стилистик мазмуни ҳақида гапириш мумкин.³

Хулоса қилсак, функционал стилистик ва экспрессив воситалар стилистик мазмунга эга ва уларга тилнинг экспрессивлик, функционал, баҳоловчи воситалари сифатида қаралади. Стилистик мазмун тушунчасини эпитетга нисбатан қўлланиши тил бирликларида экспрессивликнинг предметни мантикий маъносига боғлиқлигидадир. Предметнинг белгисини билдирувчи сифатловчилар потенциал эпитет сифатида қаралиши мумкин.

Сўнгги йилларда стилистик маъно ҳақида гапирилганда, экспрессив баҳоловчи элементли тил воситаларига таъсир қилиш воситалари тизими сифатида катта эътибор берилмоқда. Бу тил воситаларини тилнинг алоҳида соҳаси прагматикада ўрганишга ҳам ҳаракат қилинмоқда.

Прагматик тизимда стилистик мазмунни ҳосил қилиши эпитетни прагматик хусусиятларини тадқиқ қилишни тақозо қилади. Уни синтагматикада гап кетаётган объект ҳақида қўшимча маълумот манбаи сифатида изоҳланиши ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

Зокирова Наргиза Савриевна (БухДУ Таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси ўқитувчиси) БАДИЙ ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАДА ҒАЙРИЛИСОНИЙ ЖИҲАТЛАРНИ САҚЛАШДА ЭКВИВАЛЕНТЛИК ВА АДЕКВАТЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада ҳозирги кун таржимашунослик соҳасида долзарблик касб этган эквивалентлик ва адекватлик тамойилларининг таржимада экстралингвистик жиҳатларни воқеалантиришидаги роли таҳлил қилинган. Таржимада руҳият, маданият, ижтимоий муҳит каби ғайрилисоний аспектларнинг ёритилишида адекватликка эришишнинг асосий омиллари таржимашунос олимлар илгари сурган назарий фикр ва мулоҳазалар асосида ўрганган.

Аннотация. В статье проанализирована роль принципов эквивалентности и адекватности в реализации актуальных в настоящее время в области переводоведения – экстралингвистических аспектов перевода. Основные факторы достижения адекватности в репрезентации неязыковых аспектов, таких как психика, культура, социальная среда при переводе, были изучены на основе теоретических идей и соображений, выдвинутых учеными-переводчиками.

Annotation. The article analyzes the role of the principles of equivalence and adequacy in the implementation of extralinguistic aspects of translation that are currently relevant in the field of translation studies. The main factors in achieving adequacy in the coverage of non-linguistic aspects such as psyche,

¹ М.Н.Кожина. К основаниям функциональной стилистики, Пермь, 1968, с. 136.

² Винокур. О содержании некоторых стилистических понятий. Сб. Стилистические исследования, М., 1972, с. 29.

³ С.Н.Сыроваткин. Значение высказывания и функции языка в семиотической трактовке. “В.Я.”, №5, 1973, с. 16.

culture, social environment in translation are presented on the basis of theoretical ideas and considerations put forward by translation scholars.

Калим сўзлар: таржима, эквивалентлик, адекватлик, таржимон маҳорати, бадиий адекватлик, бадиий матн.

Ключевые слова: перевод, эквивалентность, адекватность, переводческое мастерство, художественная адекватность, художественный текст.

Key words: translation, equivalence, adequacy, translator skills, literary adequacy, literary text.

Замонавий таржимашуносликда аслият бирликлари функциясини аниқлаш, қиёсий тадқиқ қилиш ва шу функцияни бир тилдан иккинчи тилга ўгиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишлар соҳа олимларининг диққат-эътиборини тортиб, катта баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Таржима илмида бадиий таржиманинг мукамал бўлишида эквивалентлик муҳими ёки адекватлик каби саволлар ҳам ўз ечимини кутаётган масалалардан.

Эквивалент латинча “*aequivalens*” сўздан олинган бўлиб, “тенг кучли”, “бир хил маънода” деганидир. Тилшунос, таржимашунос олимлар эквивалентликнинг бир неча типлари мавжуд эканлигини таъкидлашади. Адекватлик тушунчаси эса эквивалентликдан кўра кенгрок қамровга эга. А.Гончарнинг фикрича, эквивалентлик таржиманинг аслиятга яқинлашувини таъминловчи бир омил, холос. Матннинг аслиятга яқинлашув даражалари кўплаб омилларга, хусусан, тил ва маданиятларнинг бир-бирига яқинлик жиҳати ва таржима қилинаётган матннинг характериға боғлиқ. Шу ўринда, эквивалентлик хусусидаги фикрга эътибор қаратсак. Олим шундай ёзади: “Эквивалентлик – бу ахборотнинг мазмунан, семантик, услубий ва функционал жиҳатдан яқинлиги ва боғлиқлигининг сақлаб қолиниши. Адекват таржима эса прагматик муаммоларни эквивалентликнинг максимал даражасида ҳал этади ва жанрнинг услубий талаби ва таржима имкониятидан келиб чиқиб, тил меъёрининг бузилишига йўл қўймайди”.¹ Шунингдек, олим адекватлик эквивалентликнинг бир поғонасидир, яъни эквивалентликнинг мезонларидан, деб ҳисоблайди. А.В.Федоров эса, умуман, бу терминга ҳожат йўқлигини, “адекватлик” истилоҳининг ўрнини тўлиқ таржима жумласи билан ўзгартириш кераклигини таъкидлайди. Таржимада аслиятнинг нолисоний жиҳатларидан (оҳанг, руҳият, услуб) нимадир сақланиб қолганлигини англатади. Адекватлик масаласида адабиётшунос-таржимонларнинг қарашлари тилшунос-таржимашунослардан фарқ қилади, шу маънода В.С.Виноградов шеърий таржима фақат аслиятга адекват бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Унингча, бадиий таржиманинг ўз ижодкори, яратувчиси, тил манбаи ва услуби мавжуд.

Адекватлик муаммосига тўхталган олимларнинг бирортаси бадиий таржима, хусусан, шеър таржимасида руҳият, ғоя, ботиний маъно ва оҳанг каби муҳим омилларсиз адекватликка эришиш мумкин бўлмаслигига аҳамият бермагани, бу муаммо ҳануз ўз ечимини топмаганини кўрсатади. Таржима матнини таҳлил қилишда жараённинг лингвистик томонларига эътиборнинг сусайиши мутаржим ишига объектив баҳо беришда мужмалликка олиб келиши мумкин. Энг яхши таржима аслият билан тўлақонли мослик касб этадиган таржимадир. Мослик даражаси фақат матнларнинг лисоний мувофиқлиги билан эмас, балки “бадиий адекватлик” билан ҳам баҳоланиши керак. Бу нима дегани? С.Ф.Гончаренконинг фикрича, масалан, шеърий таржимада бу аслиятдаги услубий жиҳат ва шеърий матн хусусиятининг (ўлчам ва рифма) таржимада акс этганлиги билан белгиланади. Бадиий адекватлик тушунчаси икки тил, яъни, аслият ва таржима тилининг поэтик хусусиятини бир маромда сақлаб туриши лозим.

Э.Клиффорднинг фикрича, эквивалентлик билан чекланувчилар “матн – бу система (тизим)”, деб қарасалар, адекватлик тарафдорлари “матн – бу тирик организм”, деб ҳисоблайдилар. Ҳар бир матнни “тирик организм” деб ҳисоблаш, мазкур ғояни ўз маслага деб билиш ва шу нуқтаи назардан ишга масъулият билан ёндашиш асл нусха руҳияти ва ғоясини таржимада аниқ бера олиш имкониятини яратади.²

Хўш, тўлақонли адекватликка қандай эришиш мумкин? Таржимага баҳо беришдан аввал таржимон маҳорати ва машаққатини кўз олдимизга келтирсак. Масалан, шеърий таржима билан шуғулланувчи таржимон, таржима жанрлари ичида энг мушкул ва мураккабини танлаган ижод-

¹ Гончар Н.Г. Асимметрия в переводе художественного текста: этнолингвокультурный аспект. Дисс...канд. филол. наук, Тюмень, 2009, 57 с.

² Clifford E. Landers. Literary translation: A Practical Guide. New Jersey City University. Cromwell Press. LTd., 2001, p. 64.

кордир. У таржиманинг ҳаққоний ва аниқ чиқиши учун таржима қилинаётган матннинг бошқа тилдаги эквивалентларини ўрнига қўйиш билан чекланмайди. Сабаби шеърда сюжет, воқеалар ривож ва композиция билан бир қаторда, кучли ҳис-туйғу мавжуд. Шеърнинг руҳиятига тобора кира билиш ва уни таржимага қўчириш эса аслият тилини ва шеъринг услубларини мукамал эгаллашни талаб этади. Бу дегани таржимон шоир ҳам бўлиши демакдир. Шеърни шоирдек тушуниш, шоирлар билан ҳамкорлик қилиш таржималарнинг яна-да аниқ чиқишига ўз ҳиссасини қўшади. Биринчи навбатда, таржимон ишга (таржимага) ўз муносабатини, яъни. мақсад эквивалентликка эришиш ёки адекватликка, буни аниқлаб олиши лозим. Таржимон бир тилдан иккинчи тилга шеър ёки поэмани таржима қилар экан, ўз миллий адабиётида учрамаган янги шеъринг оҳанг ёки жанрга дуч келади. Ўз тили имкониятларидан келиб чиқиб мазкур асарни таржима қилишга уринаётган мутаржим шу шеърдаги руҳ ва шеърнинг аслиятдаги жарангидан беҳабар бўлса, шеърнинг жилосини ва эстетик завқ бағишловчи бўёқдорлигини тушириб таржима қилади. Бу эса, ўз навбатида, таржиманинг саёзлашувига, китобхонлар учун нотаниш тилда ёзилган асарнинг муаллифи ижодига нисбатан қизиқишнинг пасайишига олиб келади. Шарқ ва Ғарб маданий алоқалари тарихига назар ташлар эканмиз, қадимдан миллатлараро тотувлик ва дўстона алоқалар ривожда таржиманинг ўрни қанчалик катта эканлигининг гувоҳи бўламиз. Таржима фаолиятининг тасаввур қилиб бўлмас даражада кенг ривожланиши унга бўлган қизиқишни фақатгина янгича ўй билан эмас, балки уни илмий бир тизимга солиш ҳамда ёзувчи, адиб ва олимларнинг танқидий фикрини инobatга олиб, шу соҳада йиғилган катта тажрибаларни умумлаштиришни талаб қилади. Бугунги кунда ҳар бир мутаржим таржима қилинадиган асар ёхуд материални қўлга олар экан, аввало, ўша таржиманинг жамият тарихи, маданияти, адабиёти ва ушбу асарга тегишли ҳар бир детални чамбарчас ўрганиб чиқиш лозим. Шулар билан бир қаторда, таржима матнда лингвистик позициядан адекват деб топилган лексемалар шеършунос-таржимашуносларни қониқтирмаслиги мумкин. Масалан, тадқиқотчи Н.Исамухамедова В.Шекспирнинг “Отелло” драмасидан “she was false as water” иборасининг Ғафур Ғулом ва Жамол Камол таржималарида берилиш услубини таҳлил қилар экан, “water” (сув) лексемасининг когнитив харитасини тузади. Унга биноан, луғатларда берилган “сув” лексемасининг *хавотир* ва *хавф* билан боғлиқ ассоциацияга эга тушунча эканлигини аниқлайди. Шунинг учун ҳам *false* сўзининг луғавий маъносини келтиришни тўғри ҳисоблайди. Буни тадқиқотчининг Ғафур Ғулом ва Жамол Камол таржималарини жадвал воситасида таҳлил қилиб, Ж. Камолнинг сувга нисбатан қўллаган *бетийик* ва *беқарор* сифатидан Ғ.Ғуломнинг *алдамчи*, *риёкор* сифатини адекват, дейишида кўриш мумкин. Н.Исамухамедованинг ушбу масалага лингвистик ёндашувини қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бадий таржима жараёнида фақат лингвистик жиҳатлар инobatга олинса, адекватликка эришиш борасида умумий маҳражга келиш қийин кечади. Бирок, Н.Исамухамедова хулосасига адабиётшунослик доирасида қарайдиган бўлсак, баҳо беришда муносабатимиз ўзгача мазмун касб этиши мумкин. Маълумки, *false* сўзининг куйидаги контекстуал муқобиллари мавжуд:

1. wrong (нотўғри, хато), incorrect (хато, нотўғри, ноаниқ). 2. spurious (сохта). 3. improper (номувофик, нотўғри). 4. deceptive. (алдамчи, адаштирадиган). 5. deceitful (сунъий, сохта). 6. Treacherous (хоинона, ишончсиз). 7. unfaithful (хиёнаткорона, мунофиқона). 8. not genuine (аслияти эмас, тоза кўнгилли эмас). 9. fake (ясама нусха, фирибгарона). 10. betrayal (сотқинлик, хиёнат). 11. Artificial (сунъий, юзаки). Уларни бир тизимга келтириб, умумий маънодошлари аниқланса, таржимада сўз танлаш муаммоси анча равшанлашади.

False: wrong, incorrect, spurious, improper, deceptive, deceitful, treacherous, unfaithful, not genuine, fake, betrayal, artificial.

Бетийик, беқарор (Ж.Камол таржимасида):

Бир қарорида турмайдиган, субутсиз, ишониб бўлмайдиган, бевафо, алдамчи, иккиюзламачи, риёкор, ишончсиз, уятсиз, ваъдабоз, лафзсиз,

Кўринадики, Ж.Камол томонидан амалга оширилган таржима вариантнинг муқобил маънолари аслиятдаги сифатнинг муқобил маъноларига деярли тўғри келади. Шундай экан, таржимада ҳар иккала таржимон келтирган сифатлар бир умумий маънони, яъни, Дездемонанинг севгида собит эмаслиги, ўзгарувчанлиги, бевафолигини англатиш учун тўғри қўлланган. Аммо лингвистик жиҳатдан адекват бўлиши мумкин бўлган “алдамчи ва риёкор сув” ўзбек шеърлятида сунъий ифода саналади.

Адекватликнинг қатъий талабларидан яна бири маъно ва ифода адекватлигидир. Бизнинг фикримизча, Ж.Камол томонидан амалга оширилган таржима Ғ.Ғулом таржимасига нисбатан кўп-

роқ адекватлик касб этади, дейиш асосли. Бу ерда англиз тилидаги *false*нинг маъноси бузилмаган; *false* алдамчилик ва риёкорликнинг маъно муқобиллари бўлган беқарорлик ва бетийикликнинг айнан ўзидир. Демак, когнитив таҳлилнинг муҳим компонентларидан бири маъновий ёндашув бўлмоғи лозим. Адекват таржимада рецепторнинг матни тушуниши ва ҳис қилишига шароит яратмоқ лозим. Ўзбек китобхони учун “Оқар сувдек, у алдамчи, риёкор эди”дан кўра “Оқар сувдай бетийик, беқарор эди” мисраси кўпроқ тушунарли ва айни пайтда бу ибора англизча “false as water” иборасига адекват қабул қилинади. Тиллараро систем, таркибий ва мазмуний номутаносибликнинг мазкур ҳолатларда намоён бўлиши таржимада тиллараро асимметрияни инобатга олиш аслиятдан таржима ўқувчиси нуктаи назаридан ортиқча ҳисобланадиган унсурларни чиқариб ташлашни ҳамда аслият ва таржима бирликларининг қийматини белгилловчи семантик трансформацияларни тақозо этади. Бу трансформациялар прагматик, стилистик, функционал-семантик мосликни юзага келтиради.¹

Шундай қилиб, адекват таржима эквивалент таржиманинг юқори даражадаги кўриниши бўлиб, унда лексик-семантик мувофиқлик рецептор бадий тафаккури ва бадий тасвирни идрок этиш ўлчамларига уйғун бўлиши лозим. Шунингдек, руҳият ва оҳангни сақлаш адекватликни таъминлашда муҳим омил бўлиб, таржимондан тегишли адабиёт илмларидан талаб даражасида хабардор бўлишни тақозо этади.² Аслият таржима жараёнида анча-мунча қисқартиришлар, ўзгача талқинларга учрайди. Аслият таржимоннинг иродаси билан соддалаштирилади. Эквивалентлик бу ҳолатда жуда нисбий тарзда намоён бўлади ва бу тамойил таржимада адаптация деб юритилади; сўзларнинг маъноларини англашда эквивалентликка эришилади. Умумий хулосага келадиган бўлсак, ўзбек олимларининг бир қисми (И.Ғафуров, Ш.Сирождидинов, Г.Одилова, Й.Й.Арустамян) фикрларидаги адекватлик ва эквивалентлик борасида қуйидагича хулосага келиш мумкин: эквивалентлик–тўла лингвистик муқобиллик; адекватлик – экстралингвистик факторларни ўз ичига қамраб олган тенг прагматик мувозанатни сақлаб қолган таржима.³ Лекин таъкидлаш жоизки, адекват-лик нисбий тушунча бўлиб, таржима маҳсули аслиятга шакл ва мазмун жиҳатдан мутлақ тарзда мутаносиб бўлавермайди. Аммо таржимада адекватликнинг баъзи мезонлари сақланиб қолади. Масалан, оҳанг адекватлиги, руҳият ва ғоя адекватлиги, бадий услуб адекватлиги кабилар. Шу унсурларнинг таржимада таъминланиши таржиманинг эквивалент эмас, балки адекват эканлигини кўрсатади.

Демак, мутаржим таржима жанрининг стилистик талабларидан келиб чиқиб, ўз позициясини белгилаб олиши лозим. Яъни, таржимон ўзи уддаламоқчи бўлган иш (таржима) билан танишиб чиқади ва ўз позициясини таржима туридан келиб чиқиб, аниқ белгилайди. Адекват таржима эквивалентдан фарқли ўлароқ, ижодкорликни талаб қилади. Шеърый асарлар таржимасида таржимон муаллифнинг рақибига айланади. Муаллиф услуби, қўлланган образли ифодаларни таржима тилида қайта яратади. Сўз бадий таржима сифати хусусида борар экан, адекватлик сари интилиш, йўқ деганда, минимум эквивалентликка эришиш билан яқунланиши мумкин. Бу ўзбек халқининг “тоғдек сўрасанг, тепадек беради” нақлини эсга солади. Бадий таржимада таржимон ишни, яъни таржимани эквивалентлик ракурсидан бошлаши маъқул ҳолат эмас.

Тошмуродов Максуд Хушвақтович (ЎзДЖТСУ), Норкулов Шавкат Тургунбоевич (ГулДУ ўқитувчиси), Қидиров Аброр Қудратович (СамДАҚИ ўқитувчиси), Ғайназаров Бунёд (Анд ҚХАИ ўқитувчиси), Камардинова Чарос Бахтиёр қизи (ЎзДЖТСУ 3-босқич талабаси)
ТАЛАБАЛАРДА ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ МУАММОСИ

Аннотация. *Тадқиқотларнинг усулларини танлаш мақсадга ва қўйилган вазифаларга мос равишда амалга оширилди. Ишимизда тадқиқотнинг кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган стандарт усуллари қўлланилди: адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш; жисмоний ривожланишни ўлчаш, ҳаракат тайёргарлигини тестлаш, математик статистика.*

Аннотация. *Выбор методов исследования осуществлялся в соответствии с поставленной целью и задачами. В нашей работе использовались стандартные методы, которые широко ис-*

¹ Қосимова Н.Ф. Лисоний белги асимметрияси ва унинг сўроқ гап таржимасида воқеланиши. Ф.ф.ф.д. дисс., Тошкент, 2018, 32-бет.

² Zokirova N.S. (2020). TRANSLATOLOGY AND THE ANALYSIS OF ITS LINGUISTIC MECHANISM. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(4), p. 21.

³ Сирождидинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. Тошкент, «Мумтоз сўз», 2011, 8-бет.

пользуются в исследовании: анализ и систематизация данных в литературе, измерение физического развития, тестирование двигательной подготовленности, математическая статистика.

Annotation. The choice of methods of research was carried out in accordance with the purpose and objectives set. In our work, standard methods that are widely used in the study: data analysis and systematization in the literature, measurement of physical development, testing of movement readiness, mathematical statistics.

Kalit so‘zlar: жисмоний, замонавий, гипокинезияси оқибатлар, гипокинезияси.

Ключевые слова: физический, временные, последствия гипокинемии, гипокинезия.

Key words: physical, temporal, hypokinemia consequences, hypokinesia.

Тадқиқотнинг мақсади. Талабаларда ҳаракат фаоллиги етишмаслигининг салбий оқибатларини аниқлаш. Бунинг учун, куйидаги асосий вазифани ечиш назарда тутилди – замонавий босқичда талабаларда ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезияси муаммоларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти. Волейбол, футбол ва кураш билан шуғулланувчи Нукус Давлат Педагогика институти жисмоний тарбия факультетининг 1- ва 4-курс талабалари.

Тадқиқотнинг предмети. Талабалар спорт-педагогик маҳоратини такомиллаштириш бўйича ўқув машғулотларининг мазмуни.

Тадқиқотнинг мақсади. Нукус Давлат Педагогика институти жисмоний тарбия факультети талабаларида ҳаракат фаоллиги етишмаслигининг мавжудлигини аниқлаш ва чуқурлигини баҳолаш. Бунинг учун куйидаги вазифаларни ечиш назарда тутилди:

1. Замонавий босқичда талабаларда ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезияси муаммоларини ўрганиш.

2. Нукус Давлат Педагогика институти жисмоний тарбия факультети талабаларининг ҳаракат фаоллиги етишмаслиги хусусиятларини, спортнинг турига ва институтда ўқиш муддатига боғлиқ ҳолда аниқлаш.

Жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳаракат фаоллигининг етишмаслигини компенсация қилишга эришишнинг оддий ва ишончли усули – жисмоний тарбия-соғломлаштириш технологияларининг воситалари ва усулларини қўллаш ҳисобланиб, улар шуғулланувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, уларнинг турмушдаги ва ишлаб чиқаришдаги фаолияти спецификасини ҳисобга олиши керак. Талаба-ёшларнинг ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги муаммоси ва саломатлиги даражасининг пасайиши, ҳар хил соҳа мутахассисларининг диққат-этиборини доимо жалб қилиб келмоқда.

Охириги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида, гуманитар ва техника йўналишларидаги олий таълим муассасалари талабаларида ҳаракат фаоллиги етишмаслигининг салбий оқибатларини объектив миқдорий белгиларининг мавжудлиги ва уларни жисмоний тайёргарлигининг мавжуд тизимини соғломлаштирувчи самарасини етишмаслиги аниқланди. Бундай турдаги тадқиқотларнинг долзарблиги, ушбу муаммони ҳал қилиш учун мутахассисларни тайёрлайдиган жисмоний тарбия факультетларига ҳам анча даражада мансубдир. Шу тафайли ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезиясини Нукус Давлат Педагогика институти жисмоний тарбия факультети талабаларининг жисмоний ривожланишига, ҳаракат фаоллигига ва саломатлигига таъсирини аниқлаш ва баҳолашга уриниб кўрдик.

Талабаларнинг жисмоний ривожланишини тадқиқ қилиш ўсиш, гавда массаси, кафт динамометрияси кўрсаткичлари бўйича ҳамда кетленинг вазн-бўй индексини ҳисоблаш ёрдамида амалга оширилди. Номлари қайд қилинган антропометрик кўрсаткичларни ўлчаш тадқиқотнинг барча босқичларида стандарт методикалар бўйича тиббиёт тарозиси, бўй ўлчагич ва кафт динамометрияси ёрдамида амалга оширилди.

Спорт амалиётида қўлланиладиган катта миқдордаги тестлар ичидан, биз томондан, Нукус Давлат Педагогика институти жисмоний тарбия факультетида талабаларнинг умумий тайёргарликларини баҳолаш учун қўлланиладиган машқлар: гимнастик яккачўпда тортилиш, жойидан туриб узунликка сакраш, стадион бўйлаб 1000 метрга югуриш ҳамда жойидан туриб баландликка сакраш кабилар танлаб олинди. Тадқиқотда иштирок этган талабалар контингентининг спецификаси ва УЖТ ҳар йили тестлаш, назорат машқларига дастлабки ўргатишни амалга оширмаслик ҳамда тестларни стандарт бажариш имконини берди. Гимнастик яккачўпда тортилиш қишки палиотлон қоидалари бўйича баҳоланди, жойидан туриб сакрашни бажаришга ҳар бир уринишни ҳи-

собга олиш билан учта уриниш берилди, 1000 метрга югуришдаги натижа қўл электрон секундомери ёрдамида 1 секундгача аниқлик билан ўлчанди.

Тадқиқотларни ўтказиш учун база сифатида Нукус Давлат Педагогика институти жисмоний тарбия факультети танланди. Тажрибаларда иштирок этиш учун волейбол, футбол ва кураш билан шуғулланган, спорт малакаси 2-разряддан то спорт устасига қадар бўлган, ўқув машғулотида тизимли иштирок этган 1- ва 4-курс талабалари танлаб олинди. Талабаларнинг жисмоний ривожланиши, ҳаракат тайёргарлиги даражаларини дастлабки тестлаш, ўқув йилининг бошида – 2018 йилнинг сентябрь ойида амалга оширилди. Такрорий, оралик тадқиқ қилиш биринчи семестрнинг якунида – 2018 йилнинг декабрь ойида, якуний тестлаш – ўқув йилининг якунида – 2019 йилнинг май ойида амалга оширилди.

Тадқиқ қилинган адабиётлардаги манбалар мавзуларининг кенглиги, мутахассисларни саломатлик, айниқса, ўқувчи ёшларнинг саломатлиги муаммосига катта қизиқишлари билан аниқланди. Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

–олий таълим муассасасида ўқиш жараёнида ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезияси муаммосини ўрганиш;

–талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги жараёнида юкломнинг воситалари ва режимлари мажмуаларини, уларнинг соғломлаштириш самарадорлигини баҳолаш асосида танлаш;

–олий касбий таълим муассасаси тизимида жисмоний тарбия самарадорлигини ошириш воситалари ва усуллари;

–талабаларнинг жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги даражасини ўлчаш усуллари;

–саломатлик даражасини ўлчашнинг миқдорий усуллари.

Илмий-методик адабиётларни, айниқса, Нукус Давлат Педагогика институтида охириги йилларда ўқувчи-ёшларни жисмоний тайёрлашнинг мавжуд тизимини соғломлаштирувчи самарасини миқдорий баҳолашнинг энг янги усулини қўллаш билан бажарилган илмий тадқиқот ишларининг кенг мажмуасини таҳлил қилиш, ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезиясининг табиати ва уни компенсация қилиш воситалари ва усуллари излаш билан боғлиқ бўлган бир қатор аҳамиятли қонуниятларни аниқлаш имконини берди, яъни:

–деярли барча тоифадаги ўқувчиларда (умумтаълим мактаблари ва махсус муассасалар ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари, асосий ва махсус тиббиёт гуруҳларидаги ўғил ва қиз болаларда) жисмоний ривожланишнинг ўзига хос “орқада қолиш”ини, ҳаракат тайёргарлигининг етарли эмаслигини ва саломатлик даражасининг пастлигини аниқ белгилари ва унинг оқибати сифатида, уларнинг организмига ҳаракат фаоллигининг ўқув-ишлаб чиқариш етишмаслигини қайтариб бўлмайдиган салбий таъсири аниқланди;

–ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезиясининг салбий оқибатлари мактабдаги таълим босқичида шаклланади ва кейинчалик олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида прогресс қилади;

–ўрганилган адабиётларнинг таҳлили қуйидагилар тўғрисида далолат беради: гипокинезиянинг салбий оқибатларини хавфли ортиб боришининг хилма-хилликлари ичида (ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳ.к.), жисмоний маданият ва тиббиёт саводхонлигининг паст даражада бўлиши ва унинг оқибати сифатида – ўқувчиларда соғломлашиш эҳтиёжининг ва улар учун жисмоний маданият воситалари ёрдамида соғлом турмуш тарзини таъминлашда ўқитувчиларда касбий эҳтиёжнинг бўлмаслиги анча катта роль ўйнайди;

–ўқувчи-ёшлар жисмоний тайёргарлигининг мавжуд тизимида соғломлаштирувчи самаранинг бўлмаслигини асосий сабабларидан бири, бизнинг назаримизда, ушбу самарадорликни ўлчаш ва баҳолашга анъанавий ёндашувларнинг ноадекватлиги ва одобсизлиги ҳисобланади (касалликни ва меҳнатга лаёқатсизликни таҳлил қилиш, “назорат нормативлари” деб номланадиган нормативларни бажариш ва ҳ.к.);

–охирги ўн йилликдаги тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш кўрсатдики, В.С.Фомин бўйича саломатлик даражасини ўлчаш усулини кенг қўлланилиши, ўқувчиларда ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезиясини амалда тўлиқ компенсация қилишга эришишни таъминлайдиган, уларни жисмоний тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқишга илмий асосланган ёндашиш имконини кафолатлайди.

Баён қилинганлар асосида табиий савол туғилади: махсус жисмоний маданият ва спорт таълим муассасалари спортчи-талабаларида ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги мавжудми ёки йўқ-

ми ва унинг динамик тавсифлари кўп йиллик таълим жараёнида қанақа? Агарда, ушбу етишмасликка йўл қўйилса, унда уни компенсация қилишга ёндашувлар қанақа бўлади? Ушбу саволларга адабиётларда жавоб топа олмадик, шунинг учун улар бизнинг кейинги тадқиқотларимизнинг предмети бўлади.

Кўпчилик муаллифлар (И.М.Маломужев. 2011; А.В.Козупица, Ю.М.Тябин. 2009; Чоговадзе, М.Ш.Рыжак. 1999 ва ҳ.к.) томонидан гуманитар ва техника олий таълим муассасалари талабаларида аниқланган ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезиясининг белгиларини мавжудлигининг аниқланганлиги, Нукус Давлат Педагогика институти талабалари мисолида ҳам ўз тасдиғини топди.

Масалан, волейбол билан шуғулланган биринчи курс талабалари мисолида, институтда биринчи йил ўқиши даврида ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезиясининг жисмоний ривожланганлиги ва ҳаракат тайёргарликлари кўрсаткичлари бўйича салбий оқибатларини аниқ кучайиши аниқланган. институтда ўқиш жараёнида аниқланган бузилишлар секин-аста ўсиш қилди, 4 йил ўқишнинг якунига келиб сезиларли ва статистик ишончли ёмонлашиш даражасига етди.

Нукус Давлат Педагогика институти жисмоний тарбия факультетидаги тўрт йиллик ўқиш, кетле вазн-бўй индекси бўйича 394 г/см.дан то 427 г/см (8%) ортиқча вазнга анъана билан жисмоний ривожланишнинг ўзига хос “орқада қолиши” ва кафт мушаги кучини ўқишнинг якунига келиб, ўртача 3% пасайиши билан тавсифланди. Ҳаракат тайёргарлигининг прогресс қилувчи ёмонлашиши назорат машқларини бажариш натижаларини пасайишида намоён бўлди. Масалан, 1000 метрга югуриш вақти статистик ишончли равишда 193 дан то 211 секундгача (9%), сакраш баландлиги эса 46,9 дан то 38,1 см (19%) ошди.

Аналогик натижалар, анча соғломлаштирувчи самарага эга бўлган футбол билан шуғулланган талабаларда олинди. Жисмоний ривожланганлик ва ҳаракат тайёргарлиги даражаси етарли бўлган фонда 1- ва 4-курс қиличбоз талабаларида, ортиқча вазн бўйича ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезияси негатив оқибатларининг объектив белгилари (кетле вазн-бўй индекси бўйича 367 г/см дан то 422 г/см, яъни 15%) аниқланди.

Ҳаракатнинг етишмаслигининг яна битта исботи бўлиб кураш билан шуғулланган талабаларнинг натижалари хизмат қилди.

Курашчи талабаларнинг жисмоний ривожланганлиги ва ҳаракат тайёргарлиги даражаси ва Нукус Давлат Педагогика институтида тўрт йиллик ўқиш давридаги уларнинг динамикаси, ўқув-ишлаб чиқариш гипокинезияси салбий оқибатларининг объектив белгиларини: кетле вазн-бўй индекси бўйича 422 г/см.дан то 448 г/см (6%) ортиқча вазнга анъана билан жисмоний ривожланишнинг ўзига хос “орқада қолиши”, назорат машқларини бажариш натижаларининг ўқишнинг якунида, унинг бошланишига нисбатан 5–10% ёмонлашиши мавжудлиги тўғрисида далолат берди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари умумтаълим мактабларида, гуманитар ва техника олий таълим муассасаларида ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларини, албатта, бўлишини кўрсатди.

Хулосалар:

1. Нукус Давлат Педагогика институти жисмоний тарбия факультети талабалари учун, худди бошқа таълим муассасаларидаги каби, етарли бўлмаган ҳаракат тайёргарлигида намоён бўладиган, ҳаракат фаоллиги етишмаслигининг салбий оқибатларининг аниқ белгиларининг мавжудлиги характерлидир.

2. Спортчи-талабалар ҳаракат тайёргарлиги кўрсаткичларининг 4-курс талабаларида биринчи курсдагиларникига нисбатан анча ифодаланган ёмонлашуви, Педагогика институтида тўрт йиллик ўқиш даврида ҳаракат фаоллиги етишмаслигининг салбий оқибатларини прогресс қилиши тўғрисида далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Брехман И.И. Валеология – наука о здоровье. М., 2010, 208 с.
2. Гилев Г.А., Ширковец Е.А., Максимов Н.Е. Влияние занятий физической культурой в условиях неблагоприятных факторов внешней среды на состояние здоровья и физическое развитие студентов. Сб. материалов международного научного конгресса «Оздоровительные, социально-психологические и нравственные аспекты физической культуры, спорта и туризма в современных условиях», М., 2012, с. 55 – 56.

3. Ермакова Н.В. Здоровье студентов – комплексная социально-медицинская проблема. Сб. тезисов международ. научно-практич. конференция «Здоровье студентов», М., изд-во РУДН-2014, с. 13 – 14.

4. Козлов В.И. Прогрессирование дефицита двигательной активности у студенток и выбор средств его компенсации. Автореф. дис. канд. пед. наук, М., 2015, 24 с.

5. Козлов В.И. Анализ специальной и общей физической подготовленности студентов, занимающихся силовым троеборьем. XXXIII научная внутривузовская конференция, тез. докл., Воронеж, 2013, т. 3, с. 96.

6. Козулица Г.С., Тябин Ю.М. Физическая активность и состояние физической подготовленности студентов медицинского вуза. Сб. тез.междун. науч.-практ. конф., «Здоровье студентов», М., изд-во РУДН, 2009, с. 134 – 135.

**Қаландаров Болтабой (УрДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОХМ)
МАЪНАВИЯТЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШ АВЛОДНИНГ ТАРБИЯСИДА БУГУНГИ КУН
ТАЛАБЛАРИ**

***Аннотация.** Мақолада оила, мактаб, таълим ва тарбиядаги мавжуд муаммолар, уларнинг асосий сабаблари таҳлил қилинган. Баркамол авлодни тарбиялашда умумий ўрта таълим мактаблари ва уларда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг роли ҳамда уларнинг олдига қўйилаётган вазифалар ҳақида фикр юритилган. Олий таълимдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган.*

***Аннотация.** В статье проанализирован опыт образования и воспитания современной молодежи. Указаны основные особенности и направления школьного образования.*

***Annotation.** The article is dedicated to the analysis of education systems and modern educational programs of a number of developed countries. Presented the results of monitoring difference, achievements and shortcomings of education systems, educational standards.*

***Калим сўзлар:** давлат, деҳқон, хориждаги таълим тизими, тажриба, амалиёт, технология.*

***Ключевые слова:** государство, труженник, школьное образование за рубежом, опыт, практика, технология.*

***Key words:** country, education, experience, analysis, program, structure, degree stage, foreign experience.*

Бугунги кунда, оила, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, лицей ва олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия ишларининг узвийлиги таъминланаётган бир вақтда, ёшларимизнинг ўйлаш-фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга эътиборни қаратишимиз лозим. Ҳар хилдаги ахборот воситалари кўпайганлиги, оммавий ахборот воситаларидаги очиклик ва эркинликни эътиборга олиб, ёшларимизда маълумотларни умумлаштира олиш ҳамда чуқур таҳлил қила олиш, масалани илмий ва амалий томонларини кўра билиш бўйича билимларни ривожлантириш лозим. Акс ҳолда, ёшларимиз ҳар хилдаги таъсирларга берилиш, диний-экстремистик оқимларга кириб кетиш эҳтимоллиги ортиб боради. Бугунги ёшларимиз олган ахборот маълумотларини чуқур танқидий таҳлил қила олиши ва шу асосда ўз олдига мақсад қўя олиши керак. Бунинг учун замонавий диний ва дунёвий билимларга эга бўлиши, ўз соҳасининг чуқур билимдони бўлиши зарур. Ёшларимизга махсус фанлардан, мамлакатимиз ҳамда жаҳон цивилизациясидан, хорижий тиллардан ва замонавий компьютер дастурлари бўйича билимларини ошириб бориш имкониятини яратиб беришимиз керак.

Мамлакатимиз фаровон, миллатимиз буюк бўлишини хоҳласак, ёшлар билан ишлашни, билим беришни яна-да юқори поғонага кўтаришимиз лозим, бунинг учун ҳеч нарса аямаслигимиз керак.

Унумдор еримиз бор, аммо ривожланган ишлаб чиқариш ва одамлар ҳамда товарларнинг эркин ҳаракатини ривожланган давлатлар қаторига кўтариш учун шу соҳаларда етук мутахассислар етишмаслиги кўриниб қолмоқда. Бундай кадрларни тайёрлаш учун олий таълим билан ишлаб чиқариш орасидаги узвий боғланишни янги поғонага кўтариш лозим. Бугунги кунда олий таълим муассасалари қошидаги ташкил қилинган лабораторияларда анжомлар, ўлчаш асбоблари маънан ва физик жиҳатдан эскирган. Бўлғуси мутахассис лабораторияда, цехларда ўз қўли билан ушлаб, кўзи билан кўрмаса, назарийчи бўлиб қолаверади, унинг компонентлиги ошмайди.

Охирги пайтларда хорижий мамлакатлар инвесторларини мамлакатимизда таклиф қилиш ишларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, давлатимиз томонидан уларга энг янги технологияларни олиб келиш талаби қўйилмоқда. Бу жараён яхши самара бериши учун шу технологияни тушуна оладиган мутахассислар тайёрлашимиз лозим. Бу эса 1–2 йилда юзага келмайди. Бундай мутахассисларни тайёрлаш учун эътиборни қуйидаги ҳолатларга қаратиш яхши натижа беради. Талабаларимизда ижодий ўйлаш ва умумлаштириш қобилиятини ҳамда натижани таҳлил қилиб, ўз олдига мақсад, яъни муаммо қўя олиш қобилиятини ривожлантириш лозим. Бунинг учун таълим жараёнида ижодий ёндашадиган, мустақил таълимга кўпроқ эътибор бериладиган тизимни вужудга келтириш керак. Деярли барча олий таълим муассасаларида эътиборни талабаларга белгиланган ҳажмдаги назарий билимларни беришга қаратилган, натижада амалий кўникмаларни шакллантириш жараёни орқада қолмоқда.

Бугунги кунда, ўзимизда етишиб чиққан айрим етук мутахассисларимиз қонуний йўллар билан хорижий мамлакатларнинг ривожланган ишлаб чиқариш соҳаларида, илмий марказларида ишлаб келмоқдалар. Ривожланган давлатларда тиббиётнинг энг муҳим соҳаларида фаолият олиб бораётган профессорларимиз бор. Иқтисодиёт ва бизнеснинг турли жабҳаларида катта шухрат қозongan ўзбекистонликларимиз бор. Аммо халқимиз даволаниш учун катта маблағ эвазига Ҳиндистон, Украина, Изроил каби давлатларига кетмоқда. Кийим олмақчи бўлсак ҳам, Туркия, Корея каби давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни излаймиз. Демак, биз энг янги технологияларни юртимизга олиб келишда юқори малакали кадрларимизни ҳам жалб қилишимиз, шу билан бир қаторда, ўзимизнинг университетларимизда тайёрлашимиз лозим.

Билимли, салоҳиятли ва юқори малакали мутахассисларни сақлаб қолиш учун уларнинг моддий таъминотига ҳам эътибор қаратиш лозим, зарурият ҳалол кишини ўғри қилади, деган гап бор. Хорижий мамлакатларда ўқиб келган ёшларимиз яна хорижга кетиш ҳаракатида бўлади ёки мутахассислиги бўйича ишламасдан бизнесга ўтиб кетади. Нима учун? Аксарият ҳолларда, мутахассислиги бўйича ишласа, ўша корхона ёки фирма раҳбари унга тўлайдиган ойлик маоши унинг оила таъминотига етмайди. Натижада яхши мутахассис бизнесга ўтади ёки чет давлатга кетиб қолади. Университетларимиз тайёрлаётган ёш мутахассисларимиз илмли, ахлоқ-одобли, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган, камтарин инсон бўлиши лозим, аммо биз бунга тўлиқ эриша олмаёмиз, чунки кўчадаги ҳаётнинг таъсири кўпроқ бўлмоқда.

Демак, биз жамиятдаги ҳаёт тарзимизга, телевидение орқали эфирга узатилаётган кўрсатув ва сериалларимиз, санъаткорларимиз чиқишларининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган вақт келди, шекилли.

Ёшларимизда энгил ҳаётга, билимсиз диплом олишга, тезда бойиб кетишга қизиқиш ортиб бормоқда, чунки намойиш этилаётган сериалларда, ёш бўлишига қарамасдан, бирданга бойиб кетиш, шоҳона ҳаёт кечириш каби сахналар кўз-кўз қилинмоқда. Паст сифатли товарлар ишлаб чиқараётган ва сифатсиз хизмат кўрсатаётган ёки давлат берган имтиёзлар орқали бозорга зарар етказадиган тадбиркорлар қатлами пайдо бўлмоқда. Мамлакатимизда юқори сифатли маҳсулотлар яратувчи ва хизмат кўрсатишга қодир бўлган ижодий фикрловчи тадбиркорлар ҳамда ташаббускор мутахассисларга зарурат сезилмоқда.

Бу эса ўз таъсирини ўтказмасдан қўймайди. Олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, юқори рейтингли университетларга эга бўлиш мумкин, бироқ ўрта мактаб ва коллеж битирувчиларининг билимини ушбу олий таълимда ўқий оладиган даражага кўтармасак, ижобий натижага эга бўла олмаёмиз.

Стратегик мақсадимиз “Таълим – фан – ишлаб чиқариш” учлигини бирлаштириш асосида ёш кадрларни тайёрлашдан иборат бўлмоғи лозим. Шундагина битирувчиларнинг касбий лаёқати иш берувчилар ва меҳнат бозорининг талабларига мос келади.

Сингапурни дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқарган чинакам лидер Ли Куан Ю дан бунга қандай эришганини сўрашганда, у шундай деган: “Давлат бюджетининг асосий қисмини таълимга йўналтирдим. Муаллимни энг қуйи табақадан энг мартабали даражага кўтардим. Давлатдаги мўъжизаларни қилган инсонлар муаллимлардир”.

Қайси давлатда тиббиёт, таълим ва солиқ ривожланган бўлса, у давлат ривожланган ҳисобланади. Қайси давлатда бой камбағални ажратолмагандисиз, у тўғри давлатдир. Ривожланган давлатларнинг устунлиги фақат иқтисодий томонида эмас, балки қонунларнинг ишлаши, одамларнинг унга риоя қилиши, давлат идораларида бюрократиянинг йўқлиги билан кўринади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т., “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Т., “Ўзбекистон”, 2019.
3. Султонмурод Олим, Меҳнат миграцияси: муаммо ва ечимлар. “Ҳуқуқ ва бурч” журнали, 5-сон, 2019.

**Амонтурдиева Шоира (Термиз Давлат университети Ўзбек тилшунослиги
кафедраси доценти в.б., филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИНИЙ ВА БАДИЙ МАТНЛАРНИНГ ЎХШАШ ҲАМДА ФАРҚЛИ ТОМОНЛАРИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада бадий матннинг бошқа матн турлари орасида тутган ўрни, мавқеи, ўзига хос хусусиятларига доир сўз боради. Келтирилган фикрлар орқали ислом дини ғояларини халқимизга сингдиришда бадий матн ва адабиётнинг роли, бадий ва диний матнлар ўртасидаги яқинлик ҳамда фарқли томонлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Икки матн ўртасидаги муносабатлар аниқ мисоллар асосида далилланган.*

***Аннотация.** В данной статье обсуждается место, положение и особенности художественного текста среди других типов текста. Можно получить представление о роли художественного текста и литературы в ассимиляции исламских идей нашим народом, сходствах и различиях между литературными и религиозными текстами. Связь двух текстов доказывается на конкретных примерах.*

***Annotation.** This article discusses the place, position, and specific features of the literary text among other types of text. Through these ideas, it is possible to get an idea of the role of literary text and literature in the assimilation of Islamic ideas to our people, the similarities and differences between literary and religious texts. The relationship between the two texts is proved on the basis of concrete examples.*

***Калим сўзлар:** бадий матн, диний матн, диний ибора, поэтик нутқ, таъсирчанлик, лингвопоэтика, жаннат, дўзах, Қуръони карим, тафсир.*

***Ключевые слова:** художественный текст, религиозный текст, религиозное выражение, поэтическая речь, эмоциональность, лингвопоэтика, рай, ад, Коран, комментарий.*

***Key words:** literary text, religious text, religious expression, poetic speech, affectiveness, linguistics, heaven, hell, the Koran, commentary.*

Бадий матнлар (кейинги ўринларда БМ қисқартмаси ишлатилади) ўзбекча матнлар орасида алоҳида мавқега эга бўлиб, айни пайтда, ўзининг алоҳида маъёрларига эга. Шунинг учун ҳам тил материални қамраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча лингвистик бирликларнинг, шу билан бирга, бошқа вазифавий услубларга хос бўлган элементларнинг ҳам ишлатилавериши ва уларнинг муҳим бир вазифага – бадий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиши бадий услуб (БУ)нинг асосий хусусияти ҳисобланади.¹

Ислом дини ғояларининг асрлар давомида халқимиз онги-шуурига сингиб бориши натижа-сида пайдо бўлган диний эътиқод бадий-ижодий тафаккур маҳсули бўлган матнлар шаклланишига ҳам таъсир кўрсатиб борган.

Бу таъсир, айниқса, поэтик асарлар тилида яққол кўзга ташланиб туради: *Сен осий, сен осий, самовот титрар, Солиқлар гарқ бўлди ифрот баҳрига. Ё Раббим, жаҳолат эшиклари ланг, Ким учди иблиснинг ўша макрига?* (Х.Абдурахмонов. Томирларим осмонга туташди). *Худо бўлмоқликка шайланди Инсон, Бироқ куфр ила бойланди Инсон, Фаришталар ичра ҳазрат эди у, Оллоҳ раҳмати-ла сийланди Инсон. Раҳнамолик касбин олдию Иблис, Унинг макридан кўп қийналди Инсон* (А.Худойберди. Инсон).

Юқорида келтирилган мисолларда қўлланилган *осий*, *солик*-سالک, *Рабб*-رب, *жаҳолат*-جهالة, *иблис*, *худо*-خدا, *куфр* – كفر, *фаришта* فرشته, *ҳазрат*-حضرة, *Аллоҳ*-الله каби сўзлар диний матнлар тилида энг кўп қўлланилувчи лексик бирликлардир.

¹ Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. Самарқанд, “Зарафшон”, 1992; Шу муаллиф. Ўзбек тили функционал стилистикаси. Самарқанд, СамДУ нашри, 2010.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ўз даврида бадий адабиёт исломий ғояларни тарғиб этишда муҳим восита бўлган. Шу боисдан аждодларимизнинг диний мазмундаги кўплаб асарлари шеърӣ усулда ёзилган. Шеърӣятда диний тушунчаларни ифодаловчи сўзларни қўллаш анъанаси бугунги кунгача етиб келган.

Диний матнлар (ДМ) ва БМларнинг ўзаро яқинлигини куйидаги жадвалда ҳам кузатиш мумкин:

| | | О.Ёқубов. «Улуғбек хазинаси» | П.Қодиров. «Юлдузли тунлар» | Э.Воҳидов. «Сайланма» | «Алпомиш» | «Холдор- хон» |
|----|---------------------------|------------------------------------|-----------------------------------|--------------------------|-----------|------------------|
| 1 | Алҳазар-الحدزر | 5 | 4 | - | - | 1 |
| 2 | битилмоқ – (بييتيلماق) | 12 | 27 | 5 | - | - |
| 3 | Бузрук- (ف.بزرگ) | 27 | 3 | - | - | - |
| 4 | Дарвеш– (ف.درويش) | 97 | 23 | - | 1 | 1 |
| 5 | Даргоҳ– (ف.درگاه) | 55 | 10 | 3 | 3 | 3 |
| 6 | Жаннат-جنة | 30 | 4 | 3 | 2 | 2 |
| 7 | Жаҳаннам- جهنم | 4 | 7 | 3 | 2 | 3 |
| 8 | Каромат-كرامة | - | 8 | - | 5 | - |
| 9 | Лаин-لعين | 8 | 1 | - | - | - |
| 10 | лотманот- لات-مناط | - | - | - | 1 | 3 |
| 11 | Малак-ملك | 8 | - | - | - | 1 |
| 12 | Муножот- مناجاة | - | - | 1 | 3 | - |
| 13 | Узлат-عزلة | - | - | - | 1 | - |
| 14 | Шайтон-شيطان | 21 | 2 | 5 | 3 | 2 |
| | | 267 | 89 | 20 | 21 | 16 |

Жадвалдаги айрим сўзлар келиб чиқишига кўра, ДМларга дахлдор бўлса-да, даврлар ўтиши билан образлилик касб этиб, БУга хосланган лексемаларга айланганлигини кўрсатади. Адабий асарларда бу гуруҳдаги сўзларнинг қўлланиши матнда ифода образлилигини таъмин этади, ўқувчи ёки тингловчини бадий тафаккур оламига етаклайди, эстетик завқ уйғотади: *Йўқ, агарчи қайтмоқ насиб этмаса, агарчи пешанамга тоабод дарбадарлик битилган бўлса. Булар жаннатмакон бобомнинг менга қолдирган улушидур. Бу қайсарлигингиз билан ўзингизни ҳам, каминадай ногирон бир фақирни ҳам бу жаҳаннамга тириклайин кўммишсиз! Шайтонни жиловлаб миниб, иблиси лаинга йўл кўрсатадиган бу сардору саркардаларнинг қайси бирини ушлайди?* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Айрим шеърларда, дастлаб, Куръон оятларидан парчалар келтирилиб, сўнг шу оят мазмунига мос келувчи шеърӣ фикрлар баён қилина бошлади. Бунда шеърда қўлланилган диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар муҳим услубий восита сифатида иштирок этади: *Агар одамлар сизга хиёнат қилган бўлсалар, бас, улар илгари Аллоҳга ҳам хиёнат қилган эдилар* (Анфол сурасидан). *Жонга тегди бундайин яшаш. Атроф тўла ўғри, риёкор-رياکور Кўпи фосиқ-فاسق کۆپی فوҳиша-فاحشة, Нечун қилдинг буларга дучор?..* (Ў.Саид. Илтижо). *Агар Оллоҳ ҳузурда охират диёри – жаннат бошқа одамларсиз, фақат сизларники бўлса, у ҳолда ростгўй бўлсангиз, юз ўлишини орзу қилинг* (Фотиҳа сураси). *Имонимиз бозорда пуллаб, Оллоҳ-اللهни ҳам чиқариб ёддан. Мунофиқлар-منافق амрини қўллаб, Парво қилмай дўзаху ўтдан* (Ў.Саид. Ҳақ йўли) каби. Мисолларда қўлланилган риёкор, фосиқ, имон, Аллоҳ, мунофиқ, дўзах каби сўзлар диний тушунчаларни ифодаловчи бирликлардир.

Ҳарқалай, бадий матнларда диний сўз ва ибораларнинг қўлланилишини таҳлил қилиш бир қадар мураккаб масала. М.Абдулхайров «Сўз махзани» мақоласида Алишер Навоӣ асарларидаги эътибордан четда қолган *заламно-ظلمنا, раббано-ربنا, мажмар-مجمر, уди қаморӣ-عود قمری, асҳобур-*

рас- أصحاب الرس- зуафони рас- , ضعافان رس- , أصحاب الفيل- фил- асҳоби вожиб- الوجود- ул-вужуд, Насих- ناصح- сингари бирликларни диний-тасаввуфий тушунчалар сифатида қарайди ва чуқур илмий талқин этади.¹ Бинобарин, ушбу мазмундаги тил бирликларининг лингвопозетик таҳлили алоҳида илмий ёндашувни тақозо этади.

Бу икки матннинг муштараклик ва ўзаро боғлиқлик жиҳатлари бўлиши билан бир қаторда, табиийки, фарқли жиҳатлари ҳам бор. Масалан, ДМлар БМлардан услубий бўёқдорлик даражасига кўра фарқ қилади. Бу ерда БУнинг асосий хусусияти саналадиган бўёқдор, эмоционал сўзларнинг фаоллашишига имтиёз берилмайди. Муболаға қилишга ҳаракат қилинмайди. Диалектизмлар, историзмлар, арго ва жаргонлар қўлланилмайди. Аммо таъсирчанлиги билан бадиий услубга яқинлашади. Мўмин-мусулмонларга қарата қилинган мурожаатлар ва хитоблар ана шу таъсирчанлик воситаси сифатида намоён бўлади: *Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз! (Хужурот сураси. 6-оят) каби.*

Барча нутқ турларида бўлгани каби диний нутқда ҳам таъсирчанликка эришиш асосий мақсадлардан бири саналади. Аммо унга эришишнинг алоҳида йўлларида фойдаланилади. Масалан, айтилган фикрни хужжат асосида далиллаш. Қуръони каримдан келтирилган суралар ва оятлар, турли даражадаги ҳадислар, шунингдек, пайғамбарлар ва анбиёю набийлар ҳаётидан келтирилган қисса ва ривоятлар ана шу хужжат вазифасини ўтайди. Масалан, Зайниддин Эшонқулов «Мустақиллик – улуғ неъмат» мақоласида *“Айтиши лозимки, шукр фақат тилда бўлмайди. Тил ва қалб ила эътироф этиб, амалда кўрсатиши билан ўз ифодасини топади”*, деган фикрни баён этганида уни Қуръони каримдан келтирилган *“Агар шукр қилсангиз (ва имон келтирсангиз), У сизлар учун рози бўлур”* (Зумар сураси. 7-оят) жумла билан далиллайди.²

Бошқа бир ҳолатда Қуръони каримнинг бирон-бир сураси ёки ундаги оятлар келтирилади ва тафсир қилинади. Аммо бу жараёнда ҳам хужжатларга таянилади. Масалан, Муҳаммадиброҳим Исмоилжон ўғли «Жазонинг кечикиши алдаб қўймасин» мақоласида Наҳл сурасининг 61-оятдаги *«...унда (Ер юзиди) бирор жониворни (тирик) қўймаган бўлар эди»* жумлаларининг мазмунини изоҳлашда ҳам хужжатларга таянган: «Ояти кариманинг бу қисмидаги «дабб» калимасини ҳам муфассирлар кенг маънода тафсир қиладилар. Имом Насафий «ҳар бир жонзот» деб тафсир қилган ва Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоху анху)дан: *«Бу сўздан ҳар бир нафас олиб турган муширик назарда тутилган»*, деган қавлни келтирган. Алий қори *«Бу сўздан мурод, ҳар бир нафас олиб турган инсондир»*, дейди. Аксарият муфассирлар оятни: *«Нафас олиб турган жонзот борки, барчасини ҳалок қилган бўларди»*, деб тафсир қилишган». Бу тафсирлар мақола муаллифининг *«Зулм деганда нафақат динсиз ва муширларнинг куфри ёки ширки, балки мусулмонлар томонидан содир этиладиган гуноҳ ва маъсиятлар ҳам тушунилишини билиб оламиз»*, деган хулосага келишига асос бўлган.³

Даврон Нурмуҳаммад «Комиллик сари» мақоласида *«Тўғри бўлиши учун, аввало, қалбни залолат ва бидъатлардан пок сақлаш зарур. Қалб Аллоҳ таолонинг муҳаббати билан лим-лим тўлса, Унгагина таваккул қилса, қолган аъзолар ҳам ислоҳ бўлади»*, деган фикрини далиллаш мақсадида Имом Бухорий ривоят қилган Расулуллоҳ (соллоллоху алайҳи ва саллам)нинг кўйидаги ҳадисини келтиради: *«Огоҳ бўлинг, жасадда бир аъзо бор. У салоҳиятли бўлса, бутун жасад ислоҳ бўлади. Агар у бузилса, бутун тана бузилади. Ана ўша қалбдир»*.⁴

Бу каби кўплаб далиллар, келтирилиши мумкин бўлган ҳолатлар диний матнларни, у ёзма ёки оғзаки бўлишидан қатъий назар, шаклантиришнинг ўзига хос бўлган усулидир. Гарчи ифода жараёнидаги аниқлик шартли ҳар иккала услуб учун баб-баравар қўйилса ҳам, илмий матнда баён бу тарзда амалга оширилмайди. Улар ифода аниқлиги томон ўз йўлларида боришади. Масалан, юридик матнлар билан аксарият ҳолларда соҳа мутахассислари иш кўриши инобатга олиниб, қонунлар ва кодексларнинг тегишли моддаларига мурожаат қилинганда, бу моддалар мазмуни мутахассисларга маълум эканлиги учун улар ҳар сафар такрорланиб ўтирилмайди, улардаги модда рақамига ишора қилиниб, фикр баён этилаверади. Жумладан, С.Каримов ва бошқаларнинг «Юрист-

¹ Абдулхайров М. Сўз махзани. “Ziyo.uz”, Чоп этилган 13.11.2013.

² «Ислом нури» газетаси. 2018 йил 15 сентябрь, 1 – 4-бетлар.

³ «Ҳидоят» журнали. 2018, №7, 4-бет.

⁴ «Ислом нури» газетаси. 2018 йил 15 июль, 2-бет.

нинг нутқ маданияти» асарида адвокат нутқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гап борганда, қуйидаги фикрлар айтилган: «Ҳимоя нутқи ҳам бошқа омма олдида амалга ошириладиган ошқора нутқлар қатори ўз қурилишига эга... Хулосада Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддасига асосан, суд олдида ўз талабларини қўяди. Жумладан, юқорида тилга олинган А.Ж.Полвоновнинг 3 яшар Ж.Шукруллаевни тракторнинг орқа гилдираги билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир қилган А.Сапаевни ҳимоя қилиш жараёнида сўзлаган нутқи охирида суд ҳайъатидан қуйидагиларни сўраган: 1. А.Сапаевга нисбатан жазо тайинлашда ЎЗР ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни... эътиборга олиб, унга нисбатан ЎЗР ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан енгил жазо тайинлаб, тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган хулосага келиб, ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, шартли ҳукм қилишни, қамоқда сақлаш эҳтиёт чорасини бекор қилиб, суд залидан қамоқдан озод қилишни... каби.¹

ДМларда ўзбек тилининг одатдаги ифода услубидан фарқ қилувчи жиҳатлар бор. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида аёлларга нисбатан *хотин-қизлар* сўзини қўллаш анъана тусини олган: *Навоийнинг хотин-қизларга нисбатан гуманистик қарашлари Меҳинбону образи билан яна-да мукаммаллашади* (Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи). Аммо ДМларда бу сўз *аёл-қиз* тарзида қўлланади ва сўзнинг туб моҳиятига бир қадар яқинлашиб боради: *Виртуал оламда аёл-қизларга хос масалалар юзасидан мулоҳазаларим бор. Аёл-қизларимиз шахсий суратларини виртуал маконга жойлаши Қуръони карим ва суннатга асосан, мумкин эмас.*

Бу фикрлардан маълум бўладики, диний матнлар бошқа матнлар билан чамбарчас боғлиқ. ДМлар Қуръон ва ислом дини ғояларини тарғиб қилиши, Расулulloҳ (алайҳиссалом) ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳолатларни, ибратли кўрсатмаларни тасвирлашда БУ талаб ва қоидаларига амал қилиши жиҳатидан унда бадиий матнга хос бўлган унсурлар намоён бўлади. Бундай ҳолларда ДМларда тилнинг таъсир этиш вазифаси етакчилик қилиб, БУга хос бўлган лексик бирликлар, бадиий тасвир воситалари диний тушунчалар моҳиятини очиб беришда муҳим ўрин тутади.

Маҳмудов Жасурбек (филология фанлари номзоди, ЎЗМУ доценти)

ПАҲЛАВОН МАҲМУД АВЛОДЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада *Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд* ҳақида ёзилган асарлар таҳлили асосида, *Хоразмнинг узоқ тарихи, жавонмардлик тариқатидаги ўрни, футувват атамалари* изоҳланади.

Аннотация. В данной статье на основе анализов биографических и литературных произведений о *Наджмиддине Кубра и Пахлавоне Махмуде* приводится обоснованное описание истории древнего Хорезма, его роль в деятельности ордена *джаванмарди*, и ряд терминов *футуввате* (великодушие).

Annotation. In this article, there has been analyzed analysis of *agiographic and literary works about Nadjmiddin Kubra and Pahlavon Makhmud*, based on the ancient history of *Khorezm*, the role in the order of *javan-mardi* (chivalry), and several terms about *futuvvate* (greatness).

Калим сўзлар: *Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, тазкира, жавонмардлик, устоз.*

Ключевые слова: *Наджмиддин Кубра, Пахлавон Махмуд, тазкират, джаванмарди, учитель.*

Key words: *Nadjmiddin Kubra, Pahlavon Makhmud, bravery, teacher.*

ЎЗРФА ҳузуридаги Шарқшунослик институти фондидаги 7615/І, 7767/V, 7773/І рақамли қўлёзмаларда сақланаётган “Маноқиб Шайх *Нажмиддин Кубро*”да қуйидагича ривоят келтирилган: “Аммо ровийлар андоғ ривоят қилурларким, Онҳазрат с.а.в. меърожга боргон кечаси жаҳон зулмат бўлди, (шунда) ердан бир тиллодек ёруғлик кўринди. Расул а.с. *Жаброилдан* сўради: Ё ахий (биродарим) *Жаброил*, барча олам зулмат қоронғу бўлиб, бир тиллодек ёруғ кўринур, ул ёруғ на турур? Онда *Жаброил* айтиди: Ё ҳабиби *Илохий*, ул ёруғ кўрунган шаҳри *Хоразм* турур, анга *Худонинг* раҳмати ёғар, анинг учун равшан кўринур. Расул а.с. айтиди: На сабабдин анда раҳмат ёғар, ўзга ерга ёғмас? Онда *Жаброил* айтиди: Сиз пайғамбар бўлгонда ҳар вилоятга нома юбордингиз, динга кирсунлар, деб, *Худой* бир, мени пайғамбар билсун, деб. Шунда ўзга вилоятлар қабул қил-

¹ Каримов С., Маматов Х., Бўриев И. Юристинг нутқ маданияти. Т., “Зарқалам”, 2004, 150 – 151-бетлар.

мади, вилояти Хоразм ғойибона иймон келтириб, мусулмон бўлиб, сизга уммат бўлмоқни орзу қилди. Анинг учун ул вилоятга Худонинг раҳмати ёғар, деди. Расул а.с. айди: Андоғ бўлса умматларимнинг аввали Хоразм фарзандлари бўлсин, дедилар. Расул а.с. айдилар: Ё ахий Жаброил, бу раҳматдин ўзга ерга насиб бўлмасму? дедилар. Онда Жаброил айди: Хоразм фарзанди ҳар ерга борса ва ҳар вилоятга қадам қўйсалар, вилоят обод бўлиб, Худонинг раҳмати ёғар, деди. Ул ҳолда Расул а.с. айди: Андоғ бўлса Хоразм хароб бўлсин, деди. Жаброил айди: Ё Расулulloх, на учун мундоғ дерсиз, аввал, меҳрибон бўлуб, умматларимнинг аввали бўлсун, дерсиз, яна Хоразм хароб бўлсун, дерсиз? Анда Расул а.с. айди: Ё ахий Жаброил, Худойим барча оламга раҳматни тўксун (тарқатсун), дерман, фарзанди Хоразм ҳар вилоятга борса, ул вилоят обод бўлуб, Худонинг раҳмати етсун, умматларим қўб бўлсин, дерман. Анинг учун Хоразм кўп маротаба хароб бўлди, дерлар. Валлоҳу аълам...”.

Маноқибдан олинган бу парчада Хоразмнинг Пайғамбар алайҳиссалом меърожга чиққан кечалари назарига тушгани ривояти келтирилиб, асосий мазмуни Хоразмнинг бир неча бор “харобага айланишида” Пайғамбар а.с.нинг дуолари сабаб бўлгани таъкидланади. Нега Пайғамбар бу дуони айтганлигини изоҳлашдан олдин, Хоразм оналари тилида кўп учрайдиган битта яхши “сўкиш – қарғиш”ни эслаб ўтсак. Маълумки, Хоразмда оналар болалари бирор ёмон иш қилиб қўйсалар, “хароб бўлғайсан, илойим”, деб сўкишади. Буни “севиб сўкиш, тил учидан қарғаш” деб аташ мумкин, зеро, ҳеч бир онаизор ўз фарзандини “хароб” бўлишини истамайди. Худди шунингдек, она ўз зурриёдига ёмонлик тиламагани каби, Пайғамбар а.с. ҳам ўз умматига ҳеч вақт ёмонлик тиламаган. Шу маънода Пайғамбар а.с. тилидан айтилган бу қарғишни ҳам биз “севиб сўкиш” деб атасак бўлади. Демак, бу ривоятдан яна шу нарса маълум бўладики, фақат Хоразм оналари тилида юрадиган мазкур ибора, аслида, Пайғамбар а.с.дан қолган мерос экан. Бу эса манокібдаги ушбу парчани айнан Хоразм ҳудуди билан боғлиқлигини тасдиқловчи, исботловчи бир далилдир.

“Маноқиб”нинг давомида ўқиймиз: “Хоразм маъдани уламо ва шарифи фузало турур, онинг учун Расул а.с. один (номини) куббатул ислом қўйдилар. Хоразм фарзандлари ҳар ерга борса, боҳурмат бўлур, эл кўзига иссиғ кўрингай. Хоразм асил турур – Яъқуб пайғамбардин бўлур, онинг учун покиза талъат бўлурлар. Хоразмнинг маъноси “қон тўкилгуши” турур ва “уруш қилгуши” турур. Онинг учун Хоразм дерлар. Беш қалъаси аввалги замонда бино бўлгон турур: **Хоразм шаҳри, Хивак, Кот, Ҳазорасб, Нукус қалъаси дерлар...**”. Маноқибда бу маълумотнинг келтирилиши бежиз эмас эди. Зеро, Кўҳна Урганчни Чингизхон томонидан вайрон этилишининг сабабларидан бири сифатида Нажмиддин Кубронинг шогирди Маждиддин Бағдодийнинг сувга отилиши ва бу хабарни эшитган Кубронинг тилига Хоразм сув остида қолиб кетади, деган башорати сабаб бўлган дейилади. Яна бир сабаби сифатида эса хоразмлик кучли бир алломанинг илм баҳсида хорижлик алломани енгиши ва ўша аллома Чингиз хузурига бориб, Хоразмни босиб олиш учун фитна уюштириши каби маълумотлар Е.Э.Бертельс томонидан ёзиб ўтилган.

Маноқибдаги “Хоразм асил (тоза) турур – Яъқуб пайғамбардин бўлур, онинг учун покиза талъат бўлурлар” жумласи ҳамда бешта қалъасининг қадимийлиги ҳақидаги фикрлар Хоразм ёшининг анча қадимга бориб тақалишидан далолатдир. Зеро, машҳур пайғамбарлардан бири, биринчи масжид қурган зот сифатида улуғланган Яъқуб алайҳиссалом пайғамбарлар отаси Иброҳим а.с.нинг неварасидир.

2017 йили Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган “Қуръони каримда номлари зикр этилган пайғамбарлар ва уларнинг авлодлари” шажараномасида Яъқуб а.с.нинг милоддан аввалги 2020–1873 йилларда яшаб, 147 ёш умр кўргани ёзилади. Шу маълумотга кўра ҳисоблаб, милодий 2021 йил ва Яъқуб а.с. яшаган йилларни ҳисобга олсак, унинг бундан 4040 йил олдин умргузаронлик қилганини биламиз. Шундай бўлган тақдирда, юқорида номи келтирилган қалъалар ҳам 40 аср аввал пайдо бўлгани маълум бўлади.

Камалиддин Ҳусайн Фаноий томонидан 1503 йилларда форс тилида ёзилган “Мажолис ул-ушшоқ”да Паҳлавон Маҳмуд зикри куйидагича бошланган: «Такядорий дор ус-сафо, улул-айдий вал-абсор Паҳлавон Маҳмуд Пурёр дар Хоразм кўштиий иштиғол минамуда... (“Софлик уйи” номли така эгаси, қудрат ва басират соҳиби, Паҳлавон Маҳмуд Пурёр Хоразмда кураш тушиш билан машғул эди...». Асарнинг Эронда Ғуломризо Таботабойи Мажд томонидан тайёрлаган нусхасида “улул айди вал-абсор” жумласининг Қуръони каримдаги «Сод» сураси 45 оятидан олингани ҳаволада айтилган. Қуръони карим “Сод” сураси 45-оятида шундай марҳамат қилинади: *وَ اذْكُرْ عِبَادَنَا اِبْرَاهِيمَ* (Ва узкур ибадана Иброҳийма ва Исҳақа ва Яъқуба, улул-айди вал-абсор). Яъни, «45. (Эй Муҳаммад), сиз Бизнинг куч-қувват ва фаҳм-фаросат эгалари бўлган банда-

ларимиз – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларни эсланг! 46. Дарҳақиқат, биз уларни бир тоза (хислат – мудом охират) диёрини эслаш (хислати) билан холис қилдик – покладик. 47. Ҳақиқатан, улар Бизнинг хузуримизда танланган, яхши кишилардандир».

Қуръон тафсиридан бири Ҳусайн Воиз Қошифийнинг «Тафсири Ҳусайний» асарида мазкур оятлар қуйидагича изоҳланган: “Ва ёд кун бандагони моро Иброҳим Халилур раҳмонро ва пийсари вай Исҳоқро ва набираи вай Яъқубро – худавандони дастҳо ва дийдаҳо” Мурод – аъмоли шарифа ва улуми нофиъа аст, таъбир кард ба “даст” аз амал ки аксар он бамубоширати “айдий” бошад. Ва дийда аз маориф, ки акво мабодийи он “абсор” аст. Ё мурод аз “айдий” қувват аст дар тоат ва аз абсор басират дар дин” (Ва эсла бандаларимдан, Иброҳим (а.с)ни, унинг ўғли Исҳоқ (а.с)ни ва унинг набираси Яъқуб (а.с)ники, қўллар ва кўзлар эгаси эдилар. Қўллар ва кўзлардан мурод – шариф амаллар ва фойдали илмлардир... Йоки «айди»дан мурод – тоатдаги қувват бўлса, «абсор»дан мурод – диндаги басират (қўнғил кўзининг очиклиги)дир).

Демак, Камолиддин Ҳусайн асарида “такя” эгаси бўлган Паҳлавон Маҳмуд Қуръон ояти иқтибоси билан учта улуг пайғамбар Иброҳим Халилуллоҳ, унинг фарзанди Исҳоқ ва невараси Яъқуб а.с.ларнинг сифатлари, яъни қўлдаги куч-қувват ва кўздаги басират билан тавсифлаган. Шу ўринда асардаги “такядор”, яъни “такя эгаси” сўзига диққат қаратсак. Тасаввуфшунос олимлардан Меҳрон Афшорий ёзади: “Чунончи, ҳижрий 5 аср (милодий 11 аср)да “Қобуснома” муаллифи Унсурулмаолий (Кайковус) айёр ва сипоҳий жавонмардлардан ташқари ҳунарманд жавонмардларни эслаб ўтган бўлиб, бу гуруҳ жавонмардларининг шаҳарларда ўзларининг йиғилиши учун марказлари, ўз одобу русумларини бажариш учун “лангар” “такя” ва “остона” деб номланган бир қанча йиғилиш масканлари ташкил этишган”.

Ушбу маълумот бизга “Мажолис ул-ушшоқ” тазкирасининг кириш қисмидаги Паҳлавон Маҳмуднинг такяси бўлгани ва у “дор-ус сафо” деб номлангани ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди. Демак, Хивада ўз такягоҳига (ҳунармандлик устахонаси) эга бўлган Паҳлавон Маҳмуд машғулоти фақат кураш тушиш эмаслиги, балки жавонмардлар касб-ҳунар билан ҳам машғул бўлгани мазкур маълумотлардан аён бўлади. Шу ўринда, Хоразм шеvasида кўп қўлланиладиган “така”, яъни “ёстик” атамаси билан жавонмардлар такясининг боғлиқлик жиҳати мавжудлигига диққат қаратиб ўтсак. Такягоҳ суяниладиган маскан, дарвешлар учун ҳам, маҳаллий аҳолдис учун ҳам, мусофирлар учун ҳам суяниш, ишониш мумкин бўлган макондир. Барча такягоҳга суяниб қолишган. Чунки уларни оч қолган пайтидаги таомгоҳи, бошпанасиз пайтидаги бошпанаси, чарчок пайтидаги ором оладиган маскани ана шу маскан бўлган. Уларни моддий жиҳатдан ҳам, ташки душмандан сақловчи маскан жиҳатидан ҳам ушбу такялар суянчиқ, яъни ёстик вазифасини бажаришган. Шу маънода, Хоразм шеvasидаги така, аслида, бу такя сўзининг бузилиб айтилишидир. Бундан маълум бўладики, Хоразм худудида такягоҳлар кўп бўлган ва аҳоли орасида суяниш мумкин бўлган маскан (такя) билан мана шу сўз кенг оммалашиб кетган.

Меҳрон Афшор келтирган иккинчи термин, яъни “остона” ҳам Хоразмда учрайдиган ва унинг тағзаминида ҳам жавонмардлар маскани, деган мазмун яширинган. Хоразм вилояти Янгиариқ туманида Остона бобо деб номланган мақбара зиёратгоҳ мавжуд. Унда даврининг, аниқроғи, Паҳлавон Маҳмудга замондош бўлган яна бир курашчи полвон ва авлиё Шайх Мухтор Валийнинг қабрлари жойлашган. “Ҳазрати Паҳлавон ота а.р. ҳикояти” манокбида келтирилишича, қачонки Хива кўчаларидан Шайх Мухтор Валий эшак миниб ўтсалар, ёш Маҳмуднинг уларнинг эшагининг қуйруғидан ушлаб турар эдилар, эшак юролмас эди, шунда Шайх Мухтор Валий ўғлим, сиз зиёда паҳлавон йигитсиз, қўйиб юборинг, дейишгани эслаб ўтилади. Бу маълумотлардан қуйидаги хулоса чиқариш мумкин:

1. Шайх Мухтор Валий ўсиб келаётган ёш полвонни Хиванинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлгани билган ва ўз остонасини, яъни такядан кичикроқ бўлган хонақоҳини Хива туманига яқин бўлган Янгиариқ туманига кўчирган. Зеро, улар битта жойда иккита полвон кўриқчининг керак эмаслигини, энди фаолиятини бошқа худудда олиб боришини сезган.

2. Шайх Мухтор валий ҳам, асли, жавонмардлар сирасига кирувчи авлиё эканлиги унинг, кейинчалик, Остона бобо деб аталиши ҳам кўрсатади. Демак, у қурган маскан Остона, яъни дарвешларга, йўловчиларга қўнимгоҳ сифатида фаолият кўрсатган.

3. Ҳозирда этнографик тадқиқотлар олиб бораётган Зайнаб Обидова Шайх Мухтор Валий қариган чоғида ўғиллари билан бирга Паҳлавон Маҳмудга курашга чиқиб, уни енгиб, сабаби эса фарзандсизлиги ва уйланмагани рўқач қилганганини ёзади. Демак, устоз сифатида Шайх Мухтор

Валий ўз даврида полвонлар тайёрлагани, ўғилларини полвон қилиб етиштиргани ҳам унинг жавонмард курашчи бўлганидан далолат беради.

4. Шайх Мухтор Валийнинг бу маскани Остона Бобо деб аталгани ҳам бежиз эмаслиги ва шу даврда Хоразмда, хусусан, Хива ва Янгиариқ туманларида жавонмардлар жамоаси йиғилганидан далолат беради.

5. Хива ва Янгиариқ туманларининг яқин масофада ва чегарадош эканини ҳисобга олсак, бу жавонмардлар, аслида, бир-биридан хабар олиб турувчи биродарлар, ватанига ёв келиб қолишининг олдини олиб, марказда жойлашган такагоҳ ва остона соҳиблари бўлишган.

Демак, остона ҳам такагоҳнинг синоними сифатида қўлланувчи атама бўлиб, унинг қамрови такадан кўра кичикроқдир. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, асли, полвон бўлган Шайх Мухтор Валий Паҳлавон Маҳмуднинг Хива учун бир лангар авлиё эканини тушуниб, Хивадан чиқиб кетган ва фаолиятини Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғида давом эттирган.

Меҳрон Афшорий ишлатган биринчи термин, яъни “лангар” ҳам, аслида, Паҳлавон Маҳмуднинг ҳали туғилмасдан унинг Хивага лангар бўлиб келиши ҳақидаги афсона билан боғлиқ: “Ривоятларга кўра, Сом ибн Нуҳ алайҳиссалом ўз қарвони билан ҳозирги Хива шаҳри ўрнида бўлган бепоён саҳродан ўтаётган эди. Дам олишга тўхтаган қарвонбоши кечкурун бир туш кўради. Тушида қарвон дам олаётган жойда атрофлари машъала билан ёритилган қалъа тасвири кўринади. Бу қалъа худди отаси Нуҳ алайҳиссаломнинг кемасига ўхшар эди. Эрталаб қарвонбоши Сом қарвондагиларга шу жойда бир муддат туриб, тушида кўргани лойиҳа тарҳида қалъа қуришни буюради. Натижада катта ишлар бошланиб, қум устида қалъа – шаҳар қурилади. Шаҳар битгач, у худди кема шаклида бўлгани ҳамда қум барханлари устида қурилгани сабаб тебрана бошлайди. Шунда ғойибдан “бу шаҳарнинг лангари Паҳлавон Маҳмуддир”, деган башоратли овоз келади. Кейинчалик, кемага ўхшаб қурилган Хива шаҳрига маънавий пир, лангар бўлиб Паҳлавон Маҳмуд юборилади.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразмни мўғул босқинидан кейинги иккинчи марта гуллаб-яшнашида Паҳлавон Маҳмуд бошчилигидаги хунармандлар жамоаси, жавонмардларнинг ҳиссалари катта бўлган. Ўз хунармандчиликлари туфайли халқни моддий қийинчиликлардан қутқарган ватан посбонлари Хоразм мулкининг шунчалик оёқ ости бўлиб кетганидан кейин ҳам оёққа кўтаришда жонбозлик кўрсатганлар. Агар юқоридаги ривоят мазмунига мос айтадиган бўлсак, чиндан ҳам Хоразм илм аҳли ва хунарманд аҳли бутун дунёга тарқалиб, ўз илми ва хунаридан кўпчиликни баҳраманд қилмоқда.

**Ablakulova Iroda Kamolidinovna (“Ipak yo‘li” Turizm xalqaro universiteti Ingliz tili o‘qituvchisi; e-pochta: iroda.ablakulova@silkroad.uz)
MARK RIZ VA O‘ZBEK YIRIK ROMANI “O‘TKAN KUNLAR”**

***Annotatsiya.** Biror-bir xalq o‘z qobig‘ida, o‘z-o‘zicha rivojlana olmaydi. U boshqa xalqlarning yutuqlari, tajribalarini o‘zlashtirgan va rivojlantirgan holda yuksaladi. Bu, o‘z navbatida, tarjima masalari bilan uzviy bog‘liqdir, xususan, ma‘lum bir xalqning urf-odatlarini, ilm-fanni, turmush tarzini tanishda bu juda muhimdir. Aynan o‘z tili va chet tiliga tarjima qilingan asarlar bir emas, bir necha millat va elatlar, mamlakatlarning yaqinlashuvi va fan-madaniyatning rivojlanishiga sabab bo‘ladi. Ushbu kichik maqolamizda biz Abdulla Qodiriy ijodi hamda “O‘tkan kunlar”ning boshqa tillarga tarjima qilinishi yuzasidan mulohazalar yuritamiz. Darhaqiqat, ushbu asar o‘zbek xalqining tom ma‘nodagi shoh asari bo‘lib, uni tadqiq etmaslik, o‘rganmaslikning iloji yo‘q, deb o‘ylayman.*

***Аннотация.** Ни одна нация не может развиваться сама по себе, в своей собственной оболочке. Он растёт по мере того, как изучает и развивает достижения и опыт других народов. Это, в свою очередь, неразрывно связано с вопросами перевода, особенно при изучении обычаев, науки и образа жизни конкретного народа. Произведения, переведённые на их родной язык и на иностранный язык, объединяют не одну, а несколько наций и народов, способствуют сближению стран, развитию науки и культуры. В статье мы обсуждаем работу Абдуллы Кадири и перевод романа «Минувшие дни» на другие языки. На самом деле это произведение – настоящий шедевр узбекского народа, и я думаю, что его невозможно не изучать.*

***Annotation.** No nation can develop on its own, in its own shell. It rises as it learns and develops the achievements and experiences of other nations. This, in turn, is inextricably linked to translation issues, especially in understanding the customs, science, and way of life of a particular people. Works translated into their own language and into a foreign language will bring together not one, but several*

nations and peoples, the rapprochement of countries and the development of science and culture. In this short article, we discuss the work of Abdullah Qadiri and the translation of "Days gone by" into other languages. In fact, this work is a real masterpiece of the Uzbek people and I think it is impossible not to study it.

Kalit so‘zlar: Mark Riz, “O‘tkan kunlar”, Abdulla Qodiriy, roman, tarjima, sharq adabiyoti, Otabek, urf-odat, ingliz tili, sharq tillari.

Ключевые слова: Марк Риз, Минувшие дни, Абдулла Кадири, роман, перевод, восточная литература, Отабек, традиции, английский, восточные языки.

Key words: Mark Reese, “Days gone by”, Abdullah Qadiri, Novel, Translation, Oriental Literature, Otabek, Tradition, English, Oriental Languages.

Har bir xalq, millatning o‘ziga xos urf-odatlari bo‘lgani kabi, ushbu millat adib va shoirlarining ham o‘z uslub va yo‘nalishlari bo‘ladi. Ingliz va o‘zbek tillari grammatikasi leksikasi, badiiy-tasviriy ifodalarda tafovutlar hamda ikki millat urf-odatlari hamda dunyoqarashlari o‘rtasida farq bo‘lganligi sababli ingliz tilidan o‘zbek tiliga yoki o‘zbek tilidan ingliz tiliga tarjima qilish jarayoni ham birmuncha qiyinchiliklarni keltirib chiqarishi, tabiiy. Biroq shunday bo‘lsa-da, bizning buyuk tarjimon, sharqshunos, shoir va adiblar bu kabi qiyinchiliklarni yengib o‘tib, o‘z xalqining kitobxonlari uchun tengsiz tarjimalarni yaratib qoldiradilar. Ushbu maqola davomida biz arizonalik tarjimon Mark Rizning olib borgan tarjima-viy ishlaridan biri, o‘zbek adabiyotida shoh asarlari qatorida turuvchi “O‘tkan kunlar” romani tarjimasini izchil tahlil etishga harakat qilamiz.

Arizonalik tilshunos Mark Riz 24 yil davomida O‘zbekistonga yashab ijod qildi. U turli vazifalar xususan, Tinchlik korpusi vakili, akademik, tarjimon sifatida faoliyat olib borgan. Mark Riz Abdulla Qodiriyning “O‘tgan kunlar” romanining tarjimasini 2002-yilda, Toshkentda aspirant bo‘lib yurgan paytida boshlagan. Romanni tarjima qilishga uni ilhomlantirgan narsa Qo‘qonda yashab, ishlab yurgan davrini so‘zlar bilan ifodalashga qiynalgan, “O‘tkan kunlar” esa o‘sha hislarni aniq-tiniq ifoda etgani hamda amerikaliklarga murakkab, serqirra, ko‘p madaniyatli o‘lkani yaqindan tanishtirish maqsadi bo‘lgan.

Mark Riz Markaziy Osiyodagi 25 yillik faoliyatini 1994–1996-yillarda AQSHning Tinchlik Korpusining O‘zbekistondagi ko‘ngillisi sifatida boshladi. U hukumat va xususiy sohada madaniy maslahat va tarjimadan tortib dasturlarni boshqarishgacha bo‘lgan qator lavozimlarda ishlagan, eng muhimi, Birlashgan davlat dengiz akademiyasi Mintaqaviy tadqiqotlar markazining direktori. Mark Vashington universitetida Yaqin Sharq tillari va sivilizatsiyalari bo‘yicha magistr darajasini oldi. Yaqinda Mark o‘zbek tarjimonlari, yozuvchilari va ijodkorlarini o‘z ishlarida qo‘llab-quvvatlash maqsadida Muloqot madaniy aloqalarini o‘rnatish dasturini yaratganligi quvonali holdir.

Tarjimon Mark Riz “O‘tkan kunlar” romani tarjimasini 1926-yilda arab yozuvidan kirill yozuviga o‘girilgan asl matndan amalga oshirildi. Qodiriy davridagi madaniy muhitni tushuntirib berish uchun tarjimasiga 500 ga yaqin izohlar qo‘shgan. Tarjimon asar tarjimasini va uning badiiy-poetik mohiyatiga quyidagicha yondashadi: ya‘ni, Yusufbek hojining o‘g‘li Otabek – XIX asr musulmon islohotchisi va savdogari (va tez orada ikki xotinning eri bo‘lishi kerakligi), u bizni Rossiyaning istilosidan yigirma yil oldingi Turkistonga sayr qidiradi. Toshkent va Marg‘ilonning karvonsaroylari, masjidleri va Qo‘qon xonligining ichki qo‘riqxonasi gacha tasvirlanadi.

Qodiriy o‘tmish saboqlarini 1917-yilgi bolshevik inqilobidan keyingi siyosiy ziddiyatli davrni boshdan kechirayotgan o‘z avlodiga ogohlantirish sifatida yaratdi. Ko‘pchilik romanni o‘zbek jamiyati bugungi kunda qanday muammolarga duch kelayotgan bo‘lsa, hozirgi zamonaviy O‘zbekistonning milliy qadryatlari va uning kelib chiqishining asl sababi sifatida qabul qilishi mumkin. Ammo ijodkor ham badiiy va tarixiy obrazlarni gavalantitishda o‘ziga xos poetik izlanishlar asosida asarni yaratishni maqsad qilgan bo‘lib, har bir qahramon xarakteri va obraziga alohida e‘tibor qaratgan.

Asosiy qism. Abdulla Qodiriy 1894-yil 11-aprelda tug‘ilgan va 1938-yil oktabr oyida qatag‘on qurboni bo‘lgan.

Tarjimon Mark Riz Markaziy Osiyodagi 25 yillik faoliyatini AQSH Tinchlik Korpusining 1994–1996-yillarda O‘zbekistonda xizmat qilish uchun ikkinchi guruhdagi ko‘ngillisi sifatida boshlagan bo‘lib, u sakkiz yil davomida Markaziy Osiyoda dala ishlarini olib bordi, shu jumladan, davlat departamentining “Qiyosiy diniy tadqiqotlar bo‘yicha O‘zbekiston sheriklik dasturi”ning mamlakat bo‘yicha direktori, Mudofaa vazirligining tarjimoni va maslahatchisi, Mark Amerika Qo‘shma Shtatlari Mudofaa vazirligining tarjima va madaniy maslahat shartnomalarini boshqarish bo‘yicha sayt menejeri bo‘lib ishlagan. So‘nggi yetti yil davomida u AQSH Dengiz akademiyasida ishlagan, Yaqin Sharq va islomshunoslik markazi

direktorining o‘rinbosari va mintaqaviy tadqiqotlar markazining rahbari lavozimlarida ishlagan. Yaqin Sharq va islom tadqiqotlari markazi direktorining o‘rinbosari Vashington universiteti, Sharqiy tillar va sivilizatsiyalar, jumladan, mintaqada o‘n to‘qqiz yillik tajribaga ega bo‘lgan Markaziy Osiyoda bir qator yo‘nalishlar bo‘yicha mutaxassis sifatida o‘z faoliyatini olib borish bilan bir qatorda, sakkiz yillik mintaqaviy dala ishlari dasturlarni boshqarish, akademik tadqiqotlar, jangovar missiyalarni qo‘llab-quvvatlash ishlarini bajargan. U hozirgi Markaziy va Janubiy Osiyodagi ijtimoiy, siyosiy va madaniy masalalar hamda o‘zbek adabiyotidan ingliz tiliga tarjima qilish ishlarilarga alohida e‘tibor berdi va bir qancha natijlarga erishdi.

Maqola so‘ngida shuni aytishim mumkinki, “O‘tkan kunlar” birinchi bo‘lib taniqli amerikalik tarjimon va tadqiqotchi Mark Edvard Riz tomonidan o‘zbek tilidan ingliz tiliga to‘g‘ridan to‘g‘ri tarjima qilingan va AQSHda nashr etilgan beqiyos tarjimadir. Yangi kitobning birinchi nusxalari davlat idoralariga, yetakchi oliy o‘quv yurtlariga va AQSHda akkreditatsiyadan o‘tgan diplomatik korpus vakillariga tarqatildi. Shuningdek, u AQSHdagi eng katta kutubxona – Kongress kutubxonasi katalogiga kiritilgan. Bundan tashqari, ushbu asar elektron kitob sifatida ham nashr etilgan. Bu esa, o‘z navbatida, o‘zbek xalqining shoh asarining nomini yana bir bor olamga tanitdi desak, mubolag‘a bo‘lmaydi.

**Очилова Вазирахон Рустамовна (ЎзДЖТУ таянч докторанти)
МЕТАКОГНИЦИЯ – ФИКРЛАШ ҲАҚИДА ЎЙЛАШ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада метакогниция турли хил эпистемологик жараёнларга мурожаат қилиш учун ишлатилган тушунча эканлиги, метакогниция моҳиятан идрокни англатиши, фикр ҳақидаги фикрлар, билим ҳақидаги билимлар ёки ҳаракатлар ҳақидаги мулоҳазаларни билдириши, метакогнитив билим бу шахслар, вазифалар, стратегиялар ва мақсадларга оид маълумотларни англатиши, метакогнитив кўникма билим фаолиятини режалаштириши ва таъкил этиши кўникмаларини қўллаш қобилияти, зарур фикрлаш стратегиясини танлаш, олинган натижаларни назорат қилиши, билим фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиши қобилияти эканлиги фикр мулоҳазалар бериб ўтилган.*

***Аннотация.** В статье метапознание – это понятие, используемое для обозначения различных эпистемологических процессов, метапознание по сути означает восприятие, выражать мнение об идеях, знаниях о знаниях или действиях, метакогнитивные знания относятся к информации о людях, задачах, стратегиях и целях, метакогнитивная способность – это умение применять навыки планирования и организации познавательной деятельности, выбора необходимой стратегии мышления, контроля полученных результатов, анализа эффективности познавательной деятельности.*

